

ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ

СОҲИБҚИРОН
АРАБ МУАРРИХЛАРИ
НИГОҲИДА

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ--1997

**Тақризчи: Үзбекистон Фанлар академиясининг академиги
Б. АҲМЕДОВ**

© «Шарқ» нашрият-матбаба концерни-
нинг Баш таҳририяти, 1997.

Амир Темур — бизнинг шаън-шавкатимиз.
турур ифтихоримиздир. Амир Темур — халқимиз
даҳосининг тимсали, маънавий кудратимиз
рамзиидир.

Ислом КАРИМОВ

МУАЛЛИФДАН

Туркистонимиз тарихида соҳибқирон Амир Темур-нинг роли алоҳида аҳамиятга моликдир. Чунончи, унинг серқиррали ва жүшқин фаолияти, бутун саъи-ҳаракатлари, энг аввало, юрт озодлиги ва мустақиллигига қаратилган бўлиб, шу эзгу гоя билан сугорилган эди. Уз ақл-заковати, маҳорати, шиддатини ишлатиб, ватанининг ҳуррияти йулида, қанчадан-қанча машак-қатли ва шиддатли босқичлардан тушкунликка тушмасдан сабитқадамлик билан ўтиб, охир-оқибатда уз асл мақсадига эришиди, юртини чет эл истилочиларидан озод қилиди. Мустақиллик йулидаги мана шу кураш, интилиш том маънодаги тарихий бир сабоқдир.

Амир Темур кучли шахс, узоқни кўзлаб, катта ақл-идрок билан иш юргизадиган уста сиёсатдон, довюрак, моҳир лашкарбоши сифатида уз халқи (раиляри) ва қўшин ҳамда амирлари уртасида катта обру-эътиборга эга эди. Мана ўндаёт сифатлар ва яна купдан-кўп фазилатлар соҳиби бўлган Амир Темур Мовароуннахрда марказлашган кучли мустақил давлатга асос солди. Давлатчилигимиз тарихида соҳибқироннинг ўзига хос услублари ва йўл-йуриқлари, қонун-қоидалари борки, ҳозирча улар чукур ва ҳар то-монлама мукаммал урганилган дея олмаймиз.

Албатта, мустақиллигимиз шарофати билан Амир Темур шахсига, унинг фаолиятига муносабат ўзгарди, у ҳақда рўй-рост гапириш имкони туғилди. У ҳақда рисолалар, илмий-оммабоп мақолалар чоп этилмоқда. Лекин булар, таъбир жоиз бўлса, дентиздан бир қатрадир. Амир Темур давлати тарихи, соҳибқироннинг ўзи ҳақида хали кўп тадқиқотлар яратилиши керак. Зоро, унинг фаолиятида ҳозирги мустақил давлатимиз, жамиятимиз учун ибратли томонлар бисёр.

Ана шу жиҳатларни илмий асосдан урганиб, ибрали, замонамизга мос томонларни яраттиб берадиганни лиш галдаги вазифалардан бўлмоги керак.

Шуро даврида яратилган актар асарларда Амир Темур

мурга золим, босқинчи сифатида қараб келингани яхши маълум. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Соҳибқирон фаолиятига холислик билан қараб ҳақиқатни ёзган олимлар тъянаю дашномга учраганини ҳам биламиз. Марҳум академик И. Муминов етмишинчи йилларда Амир Темур шахсиятига илмий ёндошиб, соҳибқирон фаолиятини бирқадар холисона ёритган кичик рисоласи учун қаттиқ дашномларга учраган эди.

Еки бўлмаса, ушбу сатрлар муаллифи билан ҳам шунга ухшаш бир воқеа бўлган. Маълумки, XV аср араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг «Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари» — у қисқача «Амир Темур тарихи» деб ҳам аталади) Темур ва темурийлар даврига оид асосий манбалардан бўлиб, аллақачон француз, лотин, инглиз тилларига ҳам таржима қилинганд. Асар Темур ва унинг сиёсатига нисбатан (маълум сабабларга кура) танқидий руҳда ёзилган бўлса-да, лекин манба сифатида унда соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари ҳақида кўпдан-кўп муҳим маълумотлар келтирилди. Мана шу қимматли асарнинг биз томонимиздан тайёрланган биринчи изоҳли таржимаси гарчанд 1972 йилда тайёр бўлган бўлса-да, йигирма йил давомида уни нашр этиш имкони бўлмади ва, ниҳоят, мустақилигимиз шарофати билан ушбу асар 1992 йили икки жилда нашрдан чиқарилди. Аллоҳга шукрки, истиқлолимиз туфайли Амир Темур ҳақида ҳаққоний фикр билдириш имкониятига эгамиз. Мана шу ақидалан келиб чиқиб, бадиий адабиётда ҳам, санъат ва саҳна асарларида ҳам ҳақиқий Амир Темур образининг яратилиши, бу асарларда соҳибқирон ҳазратлари ўз тарихий мақоми ва мартабасига эга бўлишини таъминлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir, деб ҳи-соблайман.

Ўтмиш тарихимизни ёрқин сақифалар билан безатган Амир Темур сиймоси, унинг фаолиятини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоғи лозим. Бу ута зарур ва хайрли иш, энг аввало, Темур ва темурийлар даврида яратилган ёзма манбалар — ёдгорликларни тўлиқ ўзбек тилига таржима қилиш ва атрофлича тадқиқ этиш асосида амалга оширилади. Маълумки, соҳибқироннинг илм-фан, маданият, айниқса тарихнавислик илми ривожига катта аҳамият берганлиги туфайли уша даврга оид кўпдан-кўп тарихий асарлар

яратилган. Бу асарлар асосан форс ва араб тилларида ёзилган. Бахтимизга бу бебаҳо манбаларнинг деярли ҳаммаси бизгача этиб келган. Мазкур асарлар ҳар хил сабабларга кўра хилма-хил йўналиш ва нуқтаи назардан туриб ёзилган. Уларни бир-бирига муқояса этиб, илмий жиҳатдан чукур ва ҳар томонлама таҳдил қилиб урганиш натижасида соҳибқирон тузган давлат, унинг ички ва ташқи сиёсати ҳакида тўгри ва мукаммал холоса чиқариш имконини беради.

Темур ва темурийлар даврида яшаган муаррихлар Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Мирхонд, Ибн Арабшоҳ, Абдураззок Самарқандий, Фасиҳ Ҳавофий, Муиниддин Натанзий ва бошқа қатор муаллифларнинг аксарияти уша даврда яшаганликлари учун булиб ўтган воқеаларни унинг бевосита шоҳидлари сифатида жонли ва ишончли тарзда баён қилганлар. Мана шу асарларни узбек тилига тула таржима қилиш ва улар асосида чукур ва фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш темуршунослигимизнинг долзарб ва қечиктириб булмайдиган энг муҳим вазифаларидан бўлмоғи керак. Шулар билан бир қаторда соҳибқирон шахсига бағишлиб яратилган хилма-хил афсоналару ривоят тарзидағи асарлар ҳам бор. Афсуски, бъязан мана шундай ривоятларга кўпроқ эътибор берилиб, муҳим ёзма манбалар иккинчи даражали булиб қолаётir...

Яна бир мулоҳаза. XV асрда яшаган таникли араб тарихнавислари, жумладан Ибн Ҳалдун, Ибн Дуқмоқ, Ас-Суютий, Ал-Қалқашандий, Ас-Саҳовий, Бадриддин ал-Айний, Ибн-Ийос, Ибн Тағриберди, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, ал-Макrizий ва бошқалар ўз тарихий асарларида Амир Темурга, айниқса унинг шахсига, Ироқ, Шомга қилган ҳарбий юришлари, дипломатик алоқалари ҳакида кўпдан-кўп қимматли маълумотларни келтирганлар. Афсуски, ҳанузгача бу асарлар деярли урганилмаган. Амир Темурга бағишланган илмий тадқиқотларда ҳам, оммабон нашрларда ҳам ушбу маълумотлар ўз аксини топиши катта аҳамиятта эгадир.

Буюк соҳибқирон бобомизнинг муборак тўйлари муносабати билан Темур ва темурийлар давридаги илм-фан тараққиети, маданият ва маориф сарчашмаларини чукур урганиш ва шу асосда мустақил давлатимиз ёшлигини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бутун айниқса муҳим аҳамият касб этаётir. Зоро,

буюк давлат арбоби, халқимиз маданияти ва маънавий тараққиётининг беназир ҳомийси бўлган Амир Темур бобомизнинг ижтимоий-сиёсий меросини урганиш ва уни барча-барчанинг маънавий мулкига айлантириш эҳтиёжи ҳам бизни ана шунга зиммадор этади.

Мен шу муносабат билан Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ва «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини чуқур бир мамнуният билан кутиб олдим. Биринчи ҳужжатда халқаро жамғарманинг рутбасини кўтариш, уни молиявий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган. Хусусан, Амир Темур фаолиятига оид тарихий манбаларни чуқур ўрганиш ва нашр этиш, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмиrlаш юзасидан белгиланган вазифалар ва бошқа тадбирлар бу борада бошланган қутлуг ишларнинг равнақига равнак қўшади, деб ишонаман.

Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш ҳақидаги ҳужжатда ҳам халқимиз маънавий қадриятларини тарих учун, келажак авлодларнинг ҳам ундан ифтихор этиб юришлари учун асрар вазифалари алоҳида таъкидланган. Музейда Амир Темур ва темурийлар даврига оид ашё-хужжатлар, осори-стиқаларни тўплаш, жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлган бундай ноёб манбаларнинг ўзини ёки нусхаларини олиб келиш билан боғлиқ ишларга ривож бериш йуллари аниқ қилиб белгиланган.

Бу ишлар, шубҳасиз, халқимизнинг кўнглини кўтариди, миллий гурур ва ватанпарварлик туйгусини камол топтиради. Улуг боболаримизга муносаб фарзандлар бўлиб етишишга даъват этади.

СОҲИБҚИРОН АРАБ МУАРРИХЛАРИ НИГОҲИДА

Туркистон диёримизнинг бой ва кўхна тарихи, жумладан соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари — темурийлар даври ҳақида йирик асарлар яратган академик В. В. Бартольд «Темур ва темурийлар даври тадқиқотчиси материалларнинг танқислигидан эмас, балки кўплаб кутубхоналарга тарқалиб кетган, танқидий ёндошиш, энг аввало танқидий нашр этишини тақозо этадиган материалларнинг кўплигидан қийинчиликка дуч келади», — деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат ўша даврда яратилган асарларнинг деярли ҳаммаси баҳтимизга бизгача етиб келган булиб, улар илм аҳдлари ва тадқиқотчиларимиз томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинаётир. Мустақиллигимиз шарофати, айниқса соҳибқирон ҳазратларининг 660 йиллик тўйлари муносабати билан бу буюк зотнинг ҳаёти ва унинг кенг қамровли фаолиятини ҳар томонлама чукур ўрганиш ҳозирги кунда олимларимиз олдидаги энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу хайрли ишда ёзма манбаларнинг роли беқиёс булиб, мана шу жараёнда XV аср араб манбалари мұхим аҳамиятга моликдир. Арабий манбаларда Амир Темурнинг шахси, унинг юришлари, айниқса араб мамлакатлари ва Туркия билан булган муносабатларига доир кўп қимматли маълумотлар келтирилиб, уларнинг деярли ҳаммаси ўша даврда яшаган муаррихлар, аксар ҳолларда булган воқеаларнинг шоҳидлари томонидан ёзилганлиги учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Биз ушбу мақолада мана шу арабий манбалар ва уларнинг муаллифлари ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.

1. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний номи билан машҳур ал-Ҳофиз Аҳмад ибн Али 1372 йилда Қоҳирада туғилган. У 21 йил давомида Мисрда бош қози лавозимини эгаллаган.

Унинг «Инба ал-гумр би абно-ил-умр» («Замон воқеалари ҳақида гўр кишиларга дастак»). Бу асарда муаллиф яшаган даври, яъни 1372 йилдан то вафотигача — 1449 йилгача булган воқеалар ҳикоя қилинади. Бинобарин Амир Темурга оид кўп хабарлар ҳам мав-

жуд. Тарихнавис бу асарини сурнелик машхур муаррих Ибн Касирнинг (1300—1372) «Ал-Бидоя ва-и-Нижоя» («Бошланиши (бидоя) ва ниҳоя») номли йирик асарининг давоми шаклида яратган. Уч жилдан иборат бу муҳим асар Қоҳира ва Дамашқда нашр этилган. Бундан ташқари, муаллиф мана шу даврга оид «Ад-Дуар ал-комина фи аъйон ал-миат ас-симина» («Саккиз юзинчи (хижрий) йил арбоблари ҳақида яширилған дурлар») номли бошқа бир асарида Амир Темур ҳақида талай маълумотлар келтириб, жумладан бир уринда: «Амир Темурга чиройли овоз ёқарди, у ўз қиссаҳонларига кечаю-кундуз муттасил равишда тарихий ва диний китобларни ўқитиб, қунт билан тингларди, башарти қиссаҳон бирор уринда хатога йул кўйса, у уни шу заҳотиёқ тузатарди. У бу асарларни асосан форс тилида ўқитиб эшитарди», — деб ёзади. Мавриди келганда яна шуни айтиш керакки, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний ўз ижодий фаолиятида тарихий асарлар билан бирга диний-маърифий мазмунда ҳам кўплаб асарлар яратган, жумладан, унинг диёrimиздан чиққан буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийning «Саҳийҳ ал-Бухорий» номли пайғамбаримиз алайҳис-саломнинг саҳийҳ (ишончли) ҳадисларини узида мұжассам қылған машхур асарига бағишлиб ёзган «Фатҳ ал-борий би-шарҳи Саҳийҳ ал-Бухорий» номли шарҳи улуг ватандошимизнинг муборак асарларига бағишлиб ёзилған юзлаб шарҳлар ичида энг яхшиси ҳисобланади. 25 йил давомида (1414—1439 йилларда) битилган бу қимматли шарҳ ёзib тутатилғач, унинг довруғи бутун мусулмон оламига тарқалди. Куплаб подшоҳу сultonлар ушбу шарҳни ўз саройларидағи кутубхоналар учун харид қилиб келтирғанлар. Уша пайтда Мовароуннаҳр ва Хуросон салтанатида булган Шоҳрӯҳ Мирзо ҳам Қоҳирага ўз уламоларини жүнатиб, Ибн Ҳажар ал-Асқалоний шарҳидан (ҳар нусхаси 300 динордан сотилған) бир неча нусхани ўз кутубхонаси учун келтирған.

2. Бадриддин Маҳмуд ал-Айний 1360 йилда Айн-тобда (Сурия) туғилған бўлса-да, унинг бутун фаолияти Мисрда утган ва узоқ йиллар мухтасиб мансабида ишлаб, Қоҳирада яшаган ва 1451 йилда 91 ёшида вафот этган. Унинг «Йқд ал-жумон фи тарих аҳл аз замон» («Замон аҳли тарихида марварид маржонлар») номли турт йирик жилдан иборат асарида Амир Темур, шунингдек Миср сultonларининг турк сultonи

Боязид билан муносабатлари хусусида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Муаллифнинг «ал-Жавҳар ас-Самийн фи сийар ал-мулук ва-с-салотийн» («Подшоҳлар ва султонлар сийратлари ҳақида қимматбаҳо жавҳар») номли асари ҳам ўша давр воқеаларига бағишиланган.

3. Қомусий тарихнавис олим Тақийуддин Аҳмад ибн Али ал-Мақризий 1364 йилда Қохирада туғилган ва 1442 йилда вафот этган. Муаллифнинг «ас-Сулук ли-маърифат дувал ал-мулук» («Улуг подшоҳлар давлатларини билишда етук кўлланмана») деб аталадиган, XIV аср тарихи учун муҳим аҳамиятга молик тўрт қисм — ўн икки жилдан иборат йирик асари Мисрда аюбийлар давридан (1169 йилдан) бошлаб то 1440 йилгача бўлган воқеаларни қамраб олган. Асарда Миср султонлари билан Амир Темур орасидаги муносабатлар, улар уртасидаги элчилар борди-келдиси, мактублар алмашувлари ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Қохирада чоп этилган бу йирик асарнинг охирги — тўртингчи қисми, айниқса, Амир Темур асос солган буюк давлатнинг хорижий мамлакатлар билан алоқаларини урганишда муҳим аҳамиятга моликдир. Ал-Мақризийнинг «ас-Сулук»дан бошқа ҳам қатор асарлари бор.

4. Тарихнавис Шихобуддин Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Али ал-Қалқашандий 1355 йилда Мисрда туғилган, 1418 йилда вафот этган. Муаллиф «Субҳ ал-аъша фи синоат ал-инша» («Иншо санъатида кузи ожизга дастак») номли ўн тўрт жилдан иборат асарини 1389 йилда бошлаб 1412 йилда тутатган. Муаллиф Миср ҳокимлари девонида мунший лавозимида хизмат қилгани сабабли XIV аср охири — XV аср бошларида юз берган воқеалардан яхши хабардор бўлган. Шу боис асаридаги маълумотлар ута аниқлиги билан ажралиб туради. Мана шу даврда Миср султонлари Султон Барқуқ ва ан-Носир Фараж билан Амир Темур уртасидаги муносабатларга жуда кенг ўрин берилган.

5. Амир Темур даврига оид қимматли маълумотлар келтирган Миср тарихчиси Жамолуддин Абу-л-Маҳосин Юсуф ибн Тағриберди (1411—1469)нинг отаси Султон Барқуқнинг Дамашқдаги ноибларидан бири бўлган. Бунга қушимча Султон Барқуқ Ибн Тағрибердининг аммаси Ширинга уйланган булиб, у Миср Султони ан-Носир Фаражнинг онаси эди. Мана шу ҳолатларга кура Ибн Тағриберди, гарчанд булиб утган

воқеаларга бевосита замондош бўлмаса ҳам, лекин бошқа муаррихларга насиб булмаган кўп маълумотлар унга мусассар бўлган. Шу боисдан ҳам унинг ўн олти жилдан иборат «Ан-Нужум аз-Зоҳира фи мулки Миср ва-л-Қоҳира» («Миср ва Қоҳира салтанати ҳақида порлоқ юлдузлар») номли асарининг биз учун муҳим аҳамиятга эга маълумотлари ўн иккинчи жилдда келтирилган. 1963 йилда Қоҳирада чоп этилган бу асарда воқеалар асосан Йилма-йил келтирилган бўлиб, кўп ҳолларда оригинал характерга эга. Масалан, 1394 йилда Миср ҳокими Султон Барқуқ Суриянинг маркази Дамашққа ташриф буюриб, Тұхтамишнинг Даши Қипчоқдан келган әлчилари ва турк Султони Боязиднинг әлчилари билан мажлис қуриб, Амир Темурга қарши биргалашиб курашиш учун иттифоқ тузганлигини таъкидлайди. Ибн Тагриберди уз асарида келтирган яна бир хабар ҳам узига хос аҳамиятга моликдир. Гап шундаки, тарихчининг ёзишича, чамаси 1404 йили Амир Темур ҳазратлари Маккан мұкаррамага ҳаж ибодатини адo этишга боришни ихтиёр этган, чунончи унинг келиши ҳақидағи хабар Маккада тарқалган. Мұқаллас шаҳар амири Турон мамлакатининг соҳибини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрган. Лекин қандайdir сабабларга кўра бу зиёрат амалга ошмай қолган... Шунингдек, асарда ўша даврда Миср жамиятида юз берган парокандалик, ички зиддиятлар, ҳокимият учун курашлар, Миср ҳокимларининг ношудлиги ҳақида ҳам муфассал баен қилинган.

6. Суриялик тарихчи Абу-л-Валийд Мұҳаммад Ибн аш-Шиҳна (1348—1412) узоқ йиллар Ҳалабда Ҳанафия мазҳаби бўйича бош қози бўлиб хизмат қилган. Унинг қаламига мансуб «Равзат ал-манозир фи ахбар ал-авоил ва-л-авохир» («Аввал ва кейин (дунедан) утганлар хабарларида гўзал манзаралар бустони») асари 1885 йилда Қоҳирада тарихчи Ибн ал-Асирнинг «ал-Комил» номли асари XI—XII жилдининг ҳошиясида нашр этилган. Уз хизмат доираси тақозосига кура барча воқеалардан воқиф бўлган тарихчи Ҳалабда Амир Темур билан учрашишга мусассар булади. Муаллиф уз асарида Ҳалаб уламоларининг Соҳибқирон билан бўлган мулоқоти, улар уртасида бўлиб утган илмий баҳс ва мунозараларнинг шоҳиди сифатида муфассал ҳикоя қиласи.

7. Мисрлик тарихчи Шамсуддин Мұҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Саховий 1427 йилда Қоҳирада туғилган

ва 1497 йилда Мадинаи Мунавварада вафот этган. Ас-Саховий том маънода қомусий тарихнавис, ҳадис ва адабиёт илмлари бўйича йирик олим бўлган. У уз ижодий фаолияти даврида икки юзга яқин асарлар яратган бўлиб, шулардан муҳимларидан бири «Аз-Завъ ал-ломиъ фи аъйон ал-қарн ат-тосиъ» («Тўққизинчи (хижрий) аср арбоблари ҳақида ёрқин нур») номли биографик китоби алоҳида аҳамиятга эгадир. Асар икки марта — 1934 ва 1936 йилларда Қоҳирада ун икки жилдда нашр этилган. Бу асарда Темур ва темурийлар, улар даврида фаолият курсатган кўп арбоблар ҳақида биографик тарздаги қимматли маълумотлар келтирилган.

8. Мисрлик олим Жалолуддин Абдурраҳмон Ибн Абу Бакр ас-Сүйутий (1445—1505) илм-фяннинг турли, айниқса, тафсир, ҳадис, фиқҳ, адабиёт ва тарих соҳаларида сермаҳсул фаолият курсатиб, олти юзга яқин асарлар яратган. Унинг биз учун муҳим асари «Хусн ал-муҳодара фи ахбори Миср ва-л-Қоҳира» («Миср ва Қоҳира хабарлари хусусида гузал маъруза») деб аталади. Мана шу мавзуда яратилган ўтизга яқин хилма-хил асарларга таяниб ёзилган бу асарда XIV аср охири ва XV асрдаги Миср давлати тарихига, жумладан Миср султонлари билан Амир Темур уртасидаги бўлган воқеалар ҳақида ҳам талай маълумотлар келтирилган.

9. Мисрлик тарихчи Саримуддин Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Дуқмоқ (1349—1406) султон Барқуқнинг яқин аёнларидан бўлиб, унинг фармонига кўра Миср ҳокимларининг тарихига бағишлаб бир асар битган эди. Ушбу асар «Ал-Жавҳар ас-самийн фи сийар ал-мулук ва-с-салотийн» («Подшоҳлар ва султонлар сийратлари ҳақида қимматбаҳо жавҳар») номи билан аталиб, у 1402 йилгача бўлган воқеаларни қамраб олган. Асарда Миср султони аз-Зоҳир Барқуқ ва унинг угли ан-Носир Фараж давридаги воқеаларга, уларнинг Амир Темур билан муносабатларига ҳам кенг урин берилган. Бу асарнинг қимматбаҳо бир қўлэзма нусхаси Қоҳирада сақланади.

10. Миср тарихчиси Носируддин Муҳаммад ибн Абдурраҳим Ибн ал-Фуротнинг (1336—1404) қаламига мансуб асар «Тарих ад-дувал ва-л-мулук» («Давлатлар ва подшоҳлар тарихи») деб аталган бўлса-да, у қисқача «Тарих Ибн ал-Фурот» номи билан машҳур. Бир неча жилдан иборат бўлган бу муҳим асарнинг еттинчи, саккизинчи, айниқса тўққизинчи жиллари

биз учун жуда қимматлидир. Чунончи, бу қисмда Соҳибқироннинг Дамашқда бўлган пайти ва ўша даврга оид воқеалар жуда муфассал ҳолда баён қилинади. Ибн ал-Фуротнинг бу асари 1936—1942 йилларда Байрутда нашр этилган. Коҳирада эса асарнинг ажойиб қўлзомаси сақланади.

11. Миср тарихчиси Ибн Ийоснинг (1448—1524) тўлиқ исми Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ийос ал-Ханафий булиб, унинг авлодлари бевосита Миср Султони аз-Зоҳир Барқуқка бориб боғланади ва у Миср султонлари саройида юқори лавозимларни эгаллаган. Ибн Ийоснинг қаламига мансуб «Бадоиъ аз-зухур фи вақоиъ ад-дұхур» («Асрлар воқеалари ҳақида ноёб чечаклар») ун икки жилдан иборат бу йирик асарда Миср тарихи қадим замондан бошлаб, то 1522 йилгача муфассал ҳикоя қилинган. Асарда Амир Темур билан Миср давлати ўртасидаги муносабатлар ҳам уз аксини топган. Ибн Ийоснинг бу асари бир неча марта чоп этилган булиб, улардан 1893 йилги Коҳира нашри энг яхшиси хисобланади.

12. Мағриблик машҳур муарриҳ ва файласуф Абу Зайд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун 1332 йилда Тунисда туғилиб, 1406 йилда Коҳирада вафот этган. Ешлигидан илм-маърифатга меҳр қўйган Ибн Халдуннинг аксар умри тинимсиз сафарларда утди. У Farbu Шарқнинг кўп мамлакатларида бўлди, ниҳоят 1382 йилда Мисрга келиб, сulton аз-Зоҳир Барқуқнинг саройига хизматга кирди. Сulton Барқуқ вафтидан кейин ёш сulton Фараж хизматида бўлди. Шу орада у бир неча марта Маккан Мукаррамага бориб, ҳаж ибодатини адо этди. Коҳирадаги машҳур ал-Азҳар дорилғунунида мударрислик қилди. Узоқ йиллар Мисрда моликия мазҳаби бўйича бош қозилик давозимини эгаллаб турди. У 1401 йили Миср сultonи ан-Носир Фараж билан Дамашққа келиб, Амир Темур ҳазратлари билан мулоқотда бўлди. Бир гурӯҳ шомлик уламолар билан бирга икки давлат ўртасида сулҳ тузиш тутрисидаги музокараларда қатнашди. Ибн Халдун тарих илмида чуқур билими ва даҳоси туфайли Соҳибқироннинг алоҳида ҳурматига сазовор булиб, улар ўртасида булиб утган мароқли ва самимий сұхбатлар тафсилоти тарих китобларида кенг кўламда ҳикоя қилинади. Ибн Халдуннинг қаламига мансуб, қисқача «Китоб ал-Ибар» («Ибратлар китоби») деб аталадиган, унинг тарих фани соҳасидаги етти жилд-

дан иборат йирик асари, айниқса ушбу асарнинг «ал-Муқаддима» номи билан машҳур бўлган биринчи қисми алоҳида аҳамиятта моликдир. «Ат-Таърийф би-ибн Халдун ва риҳлатуху Фарбан ва Шарқан» («Ибн Халдун билан танишиш ва унинг Фарбу Шарққа саёҳати») номли биографик асарида муаллиф биз учун гоят қимматли маълумотлар келтиради, айниқса, аллома узининг Амир Темур билан учрашуви хусусида жонли тарзда ҳикоя қиласи. Бу асар 1951 йилда Қоҳирада нашр этилган. Ушбу асардан сараланган маълумотлар кенг кўламли илмий изоҳлар билан Вальтер Фишель томонидан инглиз тилига ўтирилиб, «Ибн Халдун ва Темур» номи билан 1952 йилда Калифорнияда чоп этилган. Мана шу рисола кейинчалик (йили курсатилмаган) олим Муҳаммад Тавғийқ томонидан араб тилига ҳам таржима қилиниб, Байрутдаги «Дор ал-ҳаёт» матбаасида нашр этилди.

13. XV асрнинг биринчи ярмида ижод қилиб, Ибн Қозий Шуҳба номи билан машҳур бўлган суряялик тарихчининг тўлиқ исми Абу Бакр ибн Аҳмад ал-Асадийдир (1448 йилда вафот этган). Унинг қаламига мансуб асар «Тарих ибн Қозий Шуҳба» деб аталади. Асарнинг 1379—1407 йилларда Миср ва Шомда бўлиб ўтган воқеаларни қамраган йирик бир қисми 1977 йилда Дамашқда олим Аднон Дарвиш томонидан илмий тадқиқотлари билан нашр этилган. Айни шу қисмида Амир Темурнинг Шомда бўлган вақтида содир бўлган воқеалар баён қилинган. Ибн Қозий Шуҳба асарининг етти жилдан иборат тўлиқ қулёзма нусхаси Қоҳирадаги Дор ал-Қутубда сақланади (тарих 392 рақами остида).

14. XIV аср охирида яшаган Миср тарихчиси Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Сусарийнинг «Ад-Дурра ал-музийа фи-д-давлат аз-Зоҳир» («Аз-Зоҳир (Барқук) давлати ҳақида ялтираган дур») номли тарихий асари сulton аз-Зоҳир Барқук давридаги воқеаларга багишланган. Асарнинг 1963 йилда Калифорнияда Вильям Бернис томонидан таҳқиқ этилиб, нашр қилинган қисмида 1389—1397 йиллар воқеалари ҳикоя қилинади. Муаллиф Бағдодда Амир Темур билан юзлашишдан қўрқиб, Дамашққа қочиб келган Ироқ ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс ва унинг беш юзга яқин одамларини намоз ўқимай, наша чекиб, шаҳарда тартибсизлик қилиб, одамларнинг гашига текканликлари каби кўплаб маълумотларни келтиради.

15. Миср тарихчиси Нуриддин Али ибн Довуд ас-Сайрафий уз замондошлари уртасида Ибн ас-Сайрафий номи билан машхур булиб, у 1416 йилда Қоҳира да туғилган ва 1495 йилда вафот этган. У Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, ас-Саховий каби машхур тарихчилардан сабоқ олган, китобат ишлари билан шугулланган. Унинг «Нузҳат ан-нуфус ва-л-абдон фи таворийх аз замон» («Замон солнномалари ҳақида жону-танлар роҳати») номли асари Миср султони аз-Зоҳир Барқуқ-нинг салтанатга келиши — 1382 йилдан бошланиб, 1446 йил воқеалари билан туғайди. Асар олим Ҳасан Ҳабаший томонидан таҳқиқ қилиниб, 1969 йилда Қоҳирада уч қисмда нашр этилган. Ибн ас-Сайрафий уз асарида Амир Темур қўшинлари билан жанг қилиш учун Қоҳирадан кўп лашкар билан маҳсус келган Миср султони ан-Носир Фараж ҳақида талай маълумотлар ва Дамашққа келгач, султон Соҳибқирон билан юзма-юз бўлмасдан яширинча Қоҳирага қайтиши, у Дамашқда қолдириб кетган от-уловлар, мол-мулклар, шунингдек Миср амирлари уртасида содир бўлган парокандаликлар ҳақида муфассал маълумотлар келтиради.

16. Тарихчи Халил ибн Шоҳийн аз-Зоҳирий 1372 йилда ал-Қуддусда туғилган булиб, 1468 йилда Тароблусда вафот этган. Ўз фаолияти даврида турли-туман юксак лавозимларга сазовор бўлган. Унинг қаламига мансуб «Зубдат қашф ал-мамолик ва баён ат-турүқ вал-масолик» («Йўл ва йўналишлар баёни орқали вилюятлар қайдининг қаймоги») асари икки жилдан, ўн икки катта бўлимдан иборат.

Асарда Миср мамлуклар султонатининг Амир Темур давлати билан бўлган муносабатлари ҳақида, талай ҳолларда маъмурий-идоравий тусдаги маълумотлар, ўша даврда Қоҳира ва Дамашқда фаолият кўрсатган йирик кутубхоналар, улардаги ноёб қўлёзмалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади.

Хулоса қилиб, гапнинг индаллосини айтадиган бўлсан, буюк давлат арбоби, илм-фан ва маданиятнинг йирик ҳомийси, моҳир саркарда ва лашкарбоши Амир Темур ҳазратларининг ёрқин ҳаёти ва жушқин фаолияти XV аср араб муаррихларининг назаридан четда қолмай, улар асарларида ҳам муносиб тарзда ўз ифодасини топган. Бинобарин Амир Темур ва унинг даврини бекаму куст, тулиқ тасаввур қилишимиз учун барча ёзма ёдгорликлар қатори юқорида зикр этилган

араб манбалари ҳам илмий асосда чукур ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Мавриди келганда яна шуни айтиш жоизки, биз ушбу мақоламизда Амир Темур ва унинг фаолиятига багишлаб «Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботла-ри») номли маҳсус асар яратган XV аср араб тарихчи-си Ибн Арабшоҳ ва унинг бу асари ҳақида атайлаб тұхталмадик. Соҳибқирон ҳақидаги бу йирик асар ва унинг муаллифи ҳақида алоҳида мақолада ҳикоя қи-ламиз.

ИБН АРАБШОҲ – «АМИР ТЕМУР ТАРИХИ» МУАЛЛИФИ

Машҳур тарихнавис Ибн Арабшоҳнинг тўлиқ исми Шаҳобуддин Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим бўлиб, у 791 ҳижрий йили зулқаъда ойининг уртасида (1389 йилнинг 5 ноябринда) Дамашқ (Сурия) шаҳрида туғилган. Ибн Арабшоҳ асли дамашқлик бўлгани учун унга ад-Дамашқий, деб нисбат берилса-да, бирмунҷча вақтлар усмонли турклар ҳузурида (Кичик Осиёда) яшаганлиги учун ар-Румий ҳамда ёшлигига ватанидан кетиб, куп муддат хорижий юртларда истиқомат қилганлиги учун унга ал-Ажамий деб ҳам нисбат берилган. Гарчи Эронга ҳеч бир муносабати бўлмаса-да, Ибн Арабшоҳни асли эронлик деган фикр ҳам учраб, умрининг кўп қисмини саёҳатларда утказганлиги учун Ибн Арабшоҳ лақабини олганлиги қайд қилинади. Унинг ота-онаси тўғрисида ва ёшлик йиллари ҳақида деярли ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. 1401 йили Амир Темур Шом (Сурия)ни фатҳ этгач, Дамашқдан жуда кўп олимлар, фозиллар, меъморлар, рассомлар, косиб ва хунармандларни Мовароуннаҳрга олиб кетилди. Шулар жумласидан ун икки яшар Ибн Арабшоҳ уз онаси, биродарлари ва баъзи қариндошлари билан Самарқандга олиб кетилди. Мана шу нуқтаи назардан қараганимизда, Ибн Арабшоҳ оиласи мазкур тоифалардан бирига мансуб бўлиши эҳтимол.

Самарқандда яшаган йилларида (1401–1408) Ибн Арабшоҳ уз билимини истаганча оширишга мусассар булганлиги ва кейинчалик жуда кўп ўлкаларга саёҳат қилганлиги у Самарқандда бирор тазиқ остида яшамаганлигидан далолат беради. Шарқшунос Ш. Ръенинг (1820–1902) кўрсатишича, «ат-Таълиф ат-Тоҳир» (21-б) номли бир асарида Ибн Арабшоҳ узи ҳақида ёзиб, уз даврининг улуг подшоҳлари саройида бўлиб, улардан кўпларининг, хусусан, Хинд, Эрон, Деҳли, Дашти Қитъочқ ва Рум билан бир қаторда Чигатой ҳукмдорлари хизматини утаганлиги тўғрисида ҳикоя қиласиди. Гарчи муаллиф ҳандай хизматда булганлигини ёзмаса-да, унинг сарой аҳллари билан яқин муносабатда булганлигига қисман асос бор. Чунончи, Ибн Арабшоҳ Самарқандда бўлган даврида шу жойдаги

баъзи эътиборли кишилар билан утказган сұхбатини уз асари «Ажоиб ал-макдур»да бир неча бор тақрорлайды. Жумладан, унинг уша давр стук мунажжимларидан бири Мавлоно Аҳмад, шатранж уйинининг мөхир устаси Алоуддин ва Амир Темурнинг машхур амирларидан бири Оллоҳдод билан булған сұхбати ҳақидаги фактлар ушбу фикримизга далиллар.

Уша вақт Самарқандда истило этилған мамлакаттардан келтирилған таниқли олим, табиб, факиҳ, санъаткор ва хунармандларнинг күп бўлганлиги Ибн Арабшоҳ каби илм толибларининг етарли билим олишига ижобий таъсир курсатди. Бир томондан, у форс, турк ва мўғул тилларини ўрганди, иккинчи томондан эса Идику Темур мадрасасида Саййид Шариф Муҳаммад Журжоний (1339—1413) ва Шамсуддин Муҳаммад ал-Жазарий (1350—1449) каби машҳур олимлардан таълим олди.

1408 йилдан бошлаб Ибн Арабшоҳнинг ҳаёти тухтосиз саёҳатлар билан боғлиқдир. Хитой, Мугулистанга қилған саёҳатлари давомида ҳам Ибн Арабшоҳ илм аҳллари сұхбатида булиб, улардан истифода этди. Шундан кейин Хоразм орқали утиб, Урол ва Итил (Волга) буйларида бир оз муддат булғач, Даشتி Қипчоқнинг пойтахти Сарой шаҳрига борди. Бу шаҳарда машҳур фикҳ олими ва тарихчи Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Носируддин ал-Баззозий (вафоти 827 (1431—1432) ҳузурида күп муддат таҳсил олди. Сунгра Аштархон шаҳрига бориб, анча муддат у ерда яшади. Унинг Абдуваҳоб исмли угли 813 (1410) йилда Аштархонда дунёга келди. Кейин Ибн Арабшоҳ Қrimга утиб, у ерда бир қанча уламоларнинг сұхбатида бўлди. Бу жойда уни гоятда қувонтирган нарса туркча «Мунис ал-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») номли асар соҳиби шоир ва адаб Абдулмажид билан учрашуви эди.

1411 йилда Ибн Арабшоҳ Қора денгиз орқали утиб, Андрианополга, турк султони Муҳаммад I нинг (1413—1421) саройига келди. Дастреб у, султоннинг угли Мурод II ўқиши учун форс ва араб тилларидан туркчага китоблар таржима қилиш билан машгул булиб, бир нечта асарларни таржима қилди.

Шу пайтда султон саройида хизматда булған Шамсуддин ибн Ҳамза ал-Фанорий ва Бурҳонуддин Ҳайдар ал-Ҳавоғий каби тасаввуф ва мантиқ илмидаги машҳур олимлар билан дўстона муносабат ўрнатди. Адабиёт илмидаги қудратини ифодада курсатиши, ин-

шосининг зариф ва нағислиги ҳамда бирмунча хорижий тилларни мукаммал билғанлиги билан султоннинг ҳурмат-эҳсони ва илтифотига мұяссар бўлган Ибн Арабшоҳ, ниҳоят султон ҳукуматида котиб ус-сир («шахсий котиб») даражасига кутарилиди. Мұхаммад I нинг котиби сифатида унинг номидан узқ ва яқин мамлакатлар билан бўладиган ёзишмалар араб, форс, турк ва мӯғул тилларида Ибн Арабшоҳнинг иншоси билан битилар эди. Турклар пойтахтида ун йилча бўлгач, Ибн Арабшоҳ 1421 йили Мұхаммад I нинг вафтидан кейин уз она юртига қайтишга қарор қиласди. У 1421 йили Ҳалабга, 1422 йилнинг ёзида эса Дамашққа етиб келди. Сунг Ибн Арабшоҳ узқ муддат ўз она юртида яшади, у яратган асарларнинг айримлари шу давр маҳсулидир.

1429 йили Ибн Арабшоҳ Маккага ҳажга боради, 1436 йилда эса Қоҳирага келиб, унда бир қанча муддат яшади. Унинг Қоҳирага келишини Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Ал-Саҳовий ва Абу-л Маҳосин Ибн Тагриберди каби тарихчилар маъқул топиб, у билан дўстона муносабатда бўлдилар.

Қоҳирада бўлган вақтида Ибн Арабшоҳ султон Зоҳир Чақмоқнинг (1438—1453) даъватига биноан бир қанча муддат унинг саройида яшади. Мана шу аснода у султон Зоҳир Чақмоққа бағишлаб, уни мадҳ этиб бир асар таълиф этди, маҳаллий адаб ва шоирларнинг мунозара ҳамда мушоираларида иштирок этди. Унинг дўстларидан тарихчи Ибн Тағрибердининг айтишича, Ибн Арабшоҳ Қоҳирага бир неча марта келган ва ҳар дафъя келганда насрый ва назмий асарларидан унга парчалар уқиб берган. Лекин сунги келувида султон томонидан илгаригидек самимий мумомала кўрмади. Аксинча, Ибн Арабшоҳнинг ганимлари томонидан етказилган асоссиз игволарга ишонган султон, уни ҳибсга олишларини буюрган. Ибн Арабшоҳ ҳибсда фақат беш кун бўлган, ҳибсдан чиққач, ўн икки кундан кейин, яъни 1450 йилнинг 25 августи куни вафот қилди ва ўша ер (Қоҳира)да дафн этилди.

* * *

Ҳаётининг аксар қисмини узга юртларда мусофирикда ва саёҳатларда ўтказган Ибн Арабшоҳ муттасил ўз билимини оширишга ҳаракат қиласди, машҳур илм аҳллари билан учрашди ва улардан имкони борича

истифода этди. Купгина илмлардан мукаммал билимга эга бўлганлиги сабабли Ибн Арабшоҳ уз даврининг етук тарихнависи, адаби, шоири ва фикр олими сифатида машҳур бўлди. У фазилатли, гузал хулқли, хуш сұхбатли киши булиб, фасоҳат билан наср ва назм иншо қилиб, купдан-күп мақбул шеърлар яратганки, муаллифнинг «Ажоиб ал-мақдур» асарини вараклар эканмиз, бунинг шохи迪 бўламиз.

Ундан ортиқ тарихий-адабий асарлар Ибн Арабшоҳ қаламига мансубдир. «Миръот ул-адаб фи л-баен ва л-маоний» («Маъно ва баёнда адабиёт ойнаси») Ибн Арабшоҳнинг ҳар боби мустақил қасида сифатида гузал услубда ёзилган 2000 байтдан иборат назмий асариdir. Унинг «Жилват ал-амдаҳ ал-жамолия фи хуллатай ал-аруз ва л-арабия» («Араб тили ва аruz либоси билан безанган гузал мадҳлар жилваси») номли таълифи баъзи давлат арбобларининг мадҳига багишланган 183 байтдан иборатdir.

Ибн Арабшоҳ умрининг сўнгти йилларида Қоҳира-да булган пайтида Бурҳонуддин Боуний ва қози Ҳомидуддин кабилар билан мунозараларга киришганда, уз билими ва адабиёт масалаларидағи устунлиги билан уларни ҳайратда қолдириб, оқибатда уларнинг ҳасадига учради. Мазкур шахслар билан мушоиралар жараённинг муаллифнинг «Хитоб ал-иҳоб ан-ноқиб ва жавоб аш-шиҳоб ас-соқиб» («Бадан тешувчи хитобга учар юлдуздек (тез) жавоб») номли асари вужудга келган эди. Муаллифнинг таржимаи ҳолига оид «Унқуд ан-насиҳа» («Бир шингил насиҳат») рисоласидан парчалар Миср тарихчиси Абу-л Маҳосин ибн Тағрибердининг «ал-Манҳал ас-софий» («Мусаффо чашма») номли асари саҳифаларидан урин олгандир. Шунингдек, назмий усул билан ёзилган тавҳид илмига доир «Ал-ақд ал-фарид фи илми тавҳид» («Тавҳид илмида ягона шода») номли рисола ҳам Ибн Арабшоҳнинг қаламига мансубдир.

Юқорида зикр қилинганидек, 1436 йилда Ибн Арабшоҳ Қоҳираға келиб бир қанча муддат сulton Зоҳир Чақмоқнинг даъватига биноан унинг саройида истиқомат қиласи ва сultonни мадҳ этиб бир асар яратади. Бу асар «Ат-Таълиф ат-тоҳир фи шиям ал-малик аз-Зоҳир ал-қоим би-нусрат ал-ҳақ Абу Сайийд Чақмоқ» («Ҳақиқат галабаси йулида фидойи Малик Зоҳир Абу Сайийд Чақмоқнинг гузал сифатлари хусусида бегубор таълиф») номи билан аталиб, муаллиф

бунда султон Зоҳир Чәқмоқнинг фазилатларини мадҳ этиб, уни ҳатто авлиелар ва муқаддас шахслар марта-басигача кутарган. Асар султон мадҳидан бошқа бир қанча қимматли тарихий воқеаларни, юз берган ҳодисаларни, кўпгина ҳукмдорлар, олим ва арбоблар ҳақидаги батафсил маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Умрининг охирги йилларида, яъни 1448 йилда Ибн Арабшоҳ «Фокиҷат ал-хулафо ва муфокиҷат аз-зурафо» («Халифлар овунчоги ва зарифлар эрмаги») номли сажъ билан битилиб, масалалар, «Калила ва Димна» шаклида ёзилган бадиий-насиҳатомуз асарини яратди. Бу асар форс тилидаги «Марзбон-нома»нинг қайта ишланган шакли булиб, ун бобдан иборатдир. Мазкур асарнинг 1307 (1889—1890) йилги Қохира нашрида муаллиф ушбу асарни 858 йил раби ул-аввал (1454 йил, март) ойида тугаттани ҳақида ёзилади. Албатта бу хатодир. Асар, олдинроқ зикр қилганимиздек, 1448 йилда таълиф этилгандир. Асарнинг арабча матни ва лотинча таржимаси 1832 йилда Боннда барон Фрейтаг томонидан икки жилда нашр қилинган.

Ибн Арабшоҳнинг яна бир асари «Таржимон ал-мутаржим бимунтаҳ ал-араб фи-л-лугат ат-турк ва л-ажам ва-л-араб» («Турк, ажам ва араб тиллари таржимони учун ғоятда керакли сўзларни тушунтирувчи китоб») XV аср турк тили грамматикасига оид энг нодир асарлардан бири булиб, тил соҳасида қимматли ёдгорликдир. Мазкур асарнинг биринчи жилди Париж миллий кутубхонасида, иккинчи жилднинг ягона нусхаси Түпқопу саройи (Туркия) кутубхонасида сақланмоқда. Феъллар қисмини ташкил этган ушбу нусха алифбо тартибига кўра арабча масдарлар ва ҳар масдар бобларининг сўзлари бир-биридан ажратилиб, уларнинг туркча ва форсча мұқобиллари кўрсатилгандир. Муаллифнинг 200 байтдан иборат гузал тартибда ёзилган «Мұқаддима фи-н-нахъ» таълифи ҳам маълумдир.

Тарих ва адабиётга оид мустақил асарлар ёзиш билан бирга, турк ва форс тилларини мукаммал билганилиги сабабли Ибн Арабшоҳ фаолиятида таржимонлик истеъоди ҳам катта урин тутади. Унинг бу соҳадаги ижоди, айниқса, Адрионополда, Мухаммад I саройида бўлган пайтда кенг кўлам касб этди. Мана шу даврда XIII аср форс адиби Жамолуддин Муҳаммад Авғийнинг «Жавомиъ ал-хикойот ва лавомиъ ар-ривойот» («Танданган ҳикоятлар ва ёрқин ривоятлар») номли антологиясини бир неча жилда форс тилидан

туркчага таржима қилди. X аср иккинчи ярмида машхур фақиҳлардан саналган Абу-л-Лайс Самарқандийнинг машхур «Тафсири»ни ҳам форс тилидан назм билан туркчага ағдарди.

Абу Саъд Диноварий томонидан аббосийлар халифаси Қодир Биллоҳга (991—1031) атаб таълиф этилган «Таъбир ал-Қодирий» номли асарининг назм билан турк тилига қилинган таржимаси ҳам Ибн Арабшоҳ қаламига мансубдир. Юқорида зикр қилинган асарлар ва таржималар Ибн Арабшоҳнинг сермаҳсул тарихнавис ва адаб бўлганинги курсатади. Шу билан бирга, муаллифнинг Темур ва темурийлар даври ҳаётига багишлануб ёзилган «Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» номли тарихий асари унинг мухим таълифи ҳисобланади. «Ажоиб ал-мақдур»нинг К. Маркс назарига тушиши ҳам мазкур асарининг қимматли манба эканлигини курсатади. Инглиз шарқшуноси Х. А. Гиббнинг (1895 йилда туғилган) «Темур ҳақида ёзилган «Ажоиб ал-мақдур» асари Ибн Арабшоҳ номини узоқ вақт Европада достон қилди», деган таъбири ҳам уша даврда асарга бўлган қизиқиш катта эканлигидан далиллар. Муаллиф уз асарини «Ажоиб ал-мақдур фи навоиб Таймур» («Темур келтирган мусибатларда тақдир ажойиботлари») номи билан атаган бўлса-да, ушбу асар кейинги барча нашрларида, биографик маълумотларни уз ичига олган қомусларнинг кўпчилигида «Ажоиб ал-мақдур фи ахбори Таймур» («Темур ҳақидағи хабарларда тақдир ажойиботлари») номи билан зикр қилинади. Уз асарида қофияга қатъий риоя қилган Ибн Арабшоҳ сарлавҳадаги «ажоиб» сўзига қофия тарзида «навоиб»ни келтирганлиги шубҳасиз. Шу хусусдан ҳам ушбу асар ноширлари кейинчалик асарнинг мазмунига биноан сарлавҳадаги «навоиб» («мушибатлар») урнига оддий қилиб «ахбор» («хабарлар»)ни кўйганлар. Ҳозирги вақтда Дамашқдаги (Сурия) Аз-Зоҳирия кутубхонасида (6893-рақами остидаги ушбу қўлёзма 1492 йилда кучирилган) сақланаётган қадимий нусхаларидан бири «Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номи билан келтирилган. Асарининг бошқа тилларга (масалан, француз, лотин, инглиз) қилинган таржималарида ҳам ~~Ибн Арабшоҳ~~ «Темур тарихи» номи билан атаган. Аммо ҳаммуни жиҳатдан ҳам шу номга мос бўлгани учун биз уни қисқача «Амур Темур тарихи» деб атадик.

Муаллиф талай уринларда «шу кунларда, яъни 840 (июль 1436—1437 июнь) йилда» деб зикр қилишича, асарнинг мазкур йилда ёзилганлиги аён бўлди. Мана шунга асосланаб В. В. Бартольд «Ажоиб ал-мақдур»ни 840 (1436—1437) йилда таълиф этилганлигини таъкидлайди. И. Ю. Крачковский эса, асар 1436 йилга яқин вақтда ёзилган дейди. Ибн Арабшоҳ узи куриб чиқсан нусхадан унинг вафоти, яъни 1450 йилдан сўнг кучирилган қўлезма нусхани 1887—1888 йилги Коҳира нашри билан солиштирилганда, муаллиф кейинги таҳрирларида айрим қўшимчалар киритгани маълум бўлди. Жўмладан, нашрда Рус ерлари подшоҳларидан бири Исфандиёрнинг 845 (1439—1440) йилда вафот этганлиги ҳақида зикр қилинган қисм қўлэзмада ноқисдир. Қулёzmанинг яна бир қанча уринларида ҳам шу тарздаги ноқисликлар булиб, 36 варақдан кейин эса Бағдод ҳокими түгрисидаги «зикр» бутунлай йўқ. Алоуддин ал-Бухорий деган шайх Ибн Арабшоҳ билан яқин муносабатда булган. Мазкур шайхнинг вафоти ҳақида қўлэзмада ҳеч нарса дейилмасдан нашрда у марҳум киши сифатида зикр қилинади. Ҳолбуки, Ал-Бухорий Ибн Арабшоҳ узининг бошқа бир асарида ёзишича, 841 йилнинг 2 рамазонида (1438-йил, 27 февраль), тарихчи Ибн Ҳожар ал-Асқалонийнинг курсатишича эса, 841 йил 23 рамазонда (1438 йил 19. март) вафот этган. Мана шу фактлар, гарчи асар асосан 940 (1436—1437) йилда таълиф этилган булса-да, кейинчалик (1437 йилдан сўнг) унга айрим қўшимчалар киритилган, деб айтишимизга асос була олади.

Ибн Арабшоҳнинг манбаларига келсак, муаллиф уз китобининг муқаддимасида «узим куриб мушоҳада этганлариму узгалардан эшитганларимни ҳикоят қилишга жазм этдим» деб узи фойдаланган манбалари ҳақида ҳеч нарса ёзмайди. А. Ю. Якубовский фикрича, ҳам мазкур асар учун асосий манба муаллифнинг шахсий кузатишлари ва уша давр воқеаларига алоқадор булган ва иштирок этган шахсларнинг ҳикоялари ҳисобланади. Гарчи шу тарздаги мулоҳазалар юритилсада муаллиф бошқа манбалардан маълум даражада истифода этганлигига баъзи далиллар мавжудлар. Умуман, «Ажоиб ал-мақдур»ни ёзишда муаллиф таянган манбаларни тўрт қисмга булиш мумкин: уша давр (яъни XIV—XV асрлар)да яратилган араб ва форс тилидаги баъзи асарлар: Амир Темур ҳақида халқ орасида тарқалган ривояту ҳикоялар; муаллиф замондош-

ларининг ҳикоялари ва ниҳоят, муаллифнинг шахсий мuloҳазалари.

Амир Темур Ҳиндистонга қилган юриши ҳақида тарихчи Ғиёсуддин Али «Рўзнома-и газавот-и Ҳиндистон» («Ҳиндистон юриши рўзномаси») (1403 йил) номли асар ёзиган, ушбу юришни муфассал ёритади. Ғиёсуддин Али келтирган маълумотлар муҳим тарихий аҳамиятга молик бўлиб, мазкур даврнинг бъзи муаллифлари, жумладан, Низомуддин Шомий, Шарофуддин Али Яздий каби машҳур тарихчиларнинг асарлари учун ҳам муҳим манба ролини ўтаган. Шунингдек, Ибн Арабшоҳ ҳам Ғиёсуддин Али келтирган маълумотлардан бир қадар фойдаланган. Масалан, Амир Темур билан Форс ва Йрок ҳокими Шоҳ Мансур (1387—1393) уртасида 1393 йили Шероз яқинида юз берган жанг тафсилоти муқояса қилинса, бу ахвол яққол намоён бўлади. Ғиёсуддин Али таъкидлаганидек, жанг охирида уч кишининг қолиши ва Шоҳ Мансурнинг ялиниб-ёлворишига қарамасдан, Амир Темур навкарларидан бири унинг бошини кесиши айрим бадиий безаклар билан тасвиirlанса-да, Ибн Арабшоҳда ҳам шу тарзда акс эттирилган. Бундан ташқари, Низомуддин Шомийнинг 1404 йил кузигача бўлган воқеаларни қамраб тугалланган «Зафарнома» номли асари ҳам ўзидан кейин Амир Темур ва унинг авлодлари даврига багишланниб ёзилган кўпгина тарихий асарларда ўз изини қолдирди. Бу жиҳатдан қаралганда, уша пайтда Самарқандда яшаб, шу жойда таълим олган ва форс тилини мукаммал билган Ибн Арабшоҳ, шубҳасиз мазкур асардан хабардор бўлган. Баъзи тадқиқотчиларнинг бу хусусдаги фикрлари ҳам ушбу мулоҳазаларни тасдиқлайди. Яна шу фактни эътиборга олиш керакки, Ибн Арабшоҳ қитобининг хотимасида ўзи келтирган маълумотларни тўғри (ҳақиқат) деб, ундан олдин таълиф этилган асарларни эса ёлгон ва уйдирма деб ёзади. Бу фикрни эътиборга олсак, муаллиф ҳукмдорларга нисбатан хайрҳоҳлик билан ёзилган расмий асарларни кўзда тутаётган булса керак. Бундан холоса қилиш мумкинки, у ушбу тарихлардан хабардор бўлган. Шунингдек, Ибн Арабшоҳ кўпгина мамлакатларда, жумладан Урта Осиёда саёҳатда бўлган XIV аср машҳур сайди Ибн Батута-нинг (1304—1378) «Риҳлату Ибн Батута» («Ибн Батута саёҳатномаси») номли асаридан баъзи уринларда бевосита фойдаланган. Масалан, Таробулис амири

Саидмур, бир аслга тегишли сутни рухсатеиз ишган уз мамлукинг нисбатан қуллаган чора Ибн Арабшоҳда ҳам такорраниб, бу воқеанинг у турк султони Боязид билан юз берганини таъкидлайди. Ёки араб хофожа қабиласидан бўлган йўлгусар таловчи Жамол Лук ҳақидаги ҳимоя ҳам гарчи бирқадар фарқ билан бўлсада, Ибн Батута уз «Саёҳатномаси»да келтирган ҳикояга ухшаб кетади. Уз асарини езишда Ибн Арабшоҳ бошқа манбаларга мурожаат қылғанилигига яна бир далил мавжуддир. Амир Темурнинг Шомга қилған юришини тўлароқ баён қилиш мақсадида муаллиф уша пайтда юз берган воқеаларнинг шоҳиди бўлган араб адаби ва фикр олими Ибн аш-Шиҳнанинг (1338—1414) «Равзат ул-манозир фи ахбор ал-авоил ва-л-авохир» («Аввал утган ва кейинги (машҳур киши)лар ҳаётидан хабар берувчи чаманзор») номли китобидан шу даврга оид бир бобни уз асарига киритиб, «ушбу ҳикояни қандай бўлса, шундайлигича нақл қилдим», деб тулигича келтирган.

Аввал зикр қилганимиздек, Ибн Арабшоҳ тахминан 1408 йилда Самарқанддан жунаб кетиб, Хоразм, Астраханъ, Сарой, Крим ва Андианополда булди. Муаллиф уша жойлардаги ҳокимлар ва маҳаллий аҳолидан Амир Темур ва унинг қўшини ҳақида эшитгандарини уз асарида келтирган. Масалан, Ибн Арабшоҳ узининг бошқа бир асарида 814 (1412—1413) йилда, Саройда Тұхтамиш уғли Жалолуддинхон Амир Темур қўшинлари кўрсатган ишлар ҳақида узига ҳикоя қилгани түгрисида ёзади. Муаллиф воқеаларнинг шоҳидлари ҳикоясидан ҳам унумли фойдаланган. Жумладан, Сажистонда Амир Темур қўшинлари қилған ишлар ҳақидаги уз баёнини 833 (1429—1430) йилда Дамашқда шайх Зайнуддин Абдулатиф ибн Муҳаммад ибн Абу-л-Фатҳ Кермонийдан эшитгандари билан тулгизади. Шунингдек, Бағдода ҳоким булиб турган қози Тожуддин Аҳмад ан-Нуъмон (муаллиф ёзишича, у 834 йил муҳаррам ойининг бошида (1430 йил, сентябрь) Дамашқда вафот этган) ҳикоя қилған хабарларга асосланиб Амир Темур қўшинлари билан Бағдод аҳли уртасида содир бўлган воқеаларни тасвирлайди.

Ибн Арабшоҳ асари XIV—XV аср Шарқ мамлакатлари тарихини ёритища қимматли манба сифатида ўзидан сунг ёзилган бир қатор тарихий асарлар, биографик қомуслар учун ҳам бош манбалардан бири сифатида қўлланилиб келди. Жумладан, XV аср

араб тарихиси Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (1372–1449) узининг «Инба ул-гумр биабно ил-умр» («Шу замон (машҳур) ўғлонлари ҳақида гур (киши)ларга хабар» номли асарида «Ажоиб ал-мақдур»дан кўп уринларда фойдаланган. XV аср урталарида ижод этган араб тарихиси Ибн Тағриберди (1411–1469) «Ан-Нужум аз-зоҳира фи мулук-и Миср ва-л-Қоҳира» («Миср ва Қоҳира ҳокимлари (тарихи)дан порлок юлдузлар») номли (1465–1466 йилда ёзилган) тарихий асарида «Ажоиб ал-мақдур»дан кенг фойдаланиб, Амир Темур ҳаёти ва ишларига оид қисмини тұла-тұкис Ибн Арабшоҳ маълумотларига асосланиб ёритган. Шунингдек, Ибн Тағриберди узининг «ал-Манҳал ас-соғий ва-л-муставфий баъд ал-Вофий» («ал-Вофий»дан кейинги тулиқ ва мусаффо чашма») номли биографик қомусда Амир Темурға оид булимини Ибн Арабшоҳ маълумотлари асосида ёзган. Шуни қайд қилиш керакки, уша даврда яратилган биографик қомусларнинг күпчилигида «Ажоиб ал-мақдур»дан истифода этилган. Жумладан, XV асрнинг биринчи ярмида ижод қилган тарихчи ал-Мақризий (1364–1442) «Дураг ал-уқуд ал-фарийда фи тарожим ал-аъён ал-муфийда» («Ибратли аъёнлар таржимаи ҳолларида беназир шодалар дурлари») номли биографик қомуснинг Идикуга оид қисмини бошдан охир Ибн Арабшоҳ асарига таяниб ёзган. Шунингдек, тарихчи ас-Саховий (1427–1496) «Аз-Завъ ал-ломиъ ли-абноил қарни-т-тосиъ» («Тұққизинчи аср (улуг) кишилари ҳаётини ёритувчи ёрқин нур») деб аталған биографик қомусидаги баъзи маълумотларни «Ажоиб ал-мақдур» асосида келтирған. Булардан ташқари кейинрек яратилган баъзи тарихий асарлар учун ҳам «Ажоиб ал-мақдур» бош манба вазифасини ўтаган. Жумладан, XVI аср охирларида ижод қилган тарихчи Амир Абу Муҳаммад Мустафо ал-Жаннобий (вафоти 1591 йил) узининг «Тарих ал-Жаннобий» еки «Тұхфат ул-ариб ва ҳадият ул-адиб» («Зүкко одамнинг тұхфасию адібнинг ҳадиясі») номли асарнинг кўп уринларида Ибн Арабшоҳ маълумотларидан истифода этиб, тұғридан-тұғри унга ишорат қиласы. Мазкур асардан Идикунинг Тұхтамиш хузуридан қочиб Амир Темурға келиши ва уни Тұхтамишга қарши юриш қилишга ундаши тұғрисидаги кичик бир шарчаси рус тилига таржима қилинган. Шунингдек, ал-Жаннобий тарихининг Амир Темурға оид қисми Ж.Подеста то-

монидан лотин тилига таржима қилиниб, 1680 йилда Венада нашр этилган. Ибн Арабшоҳ маълумотларига асосланиб ёзилган асардан бошқа тарихчилар фойдаланиб китоблар таътиф этган ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, собиқ СССР ФА Шарқшунослик институти Ленинград булимида В 978 инв.рақами остида бир қулезма сақланмоқда. Мазкур қулезма «Тарожим ул-уламо ва л-удабо ва-л-машоҳир нуқилат мин ал-Манҳал ас-софий ли-ибн Тагриберди ва гайруҳо» («Ибн Тагрибердининг «ал-Манҳал ас-софий» ва бошқа китоблардан олинган олимлар, адиблар ва машҳур (киши)ларнинг таржимаи ҳоллари») номи билан аталиб, 53, 54 вақағларда ёзилишича, у 1210 ҳижрий йил раби ул-аввал ойининг тўққизинчи (1795 йил, 24 сентябр) кунида Константинополь шаҳрида тамомланган. Гарчи, каталог муаллифи узил-кесил айтмасада, мазкур қулезманинг 5^а, 6^а вақағларида келтирилган «Таржимату Темур ва ахборуҳу» («Темурнинг таржимаи ҳоли ва у ҳақдаги хабарлар») номли қисми Ибн Тагрибердининг «ал-Манҳал ас-софий» асаридан айнан кўчирилган. Аввал зикр қылганимиздек, Ибн Тагриберди уз навбатида Ибн Арабшоҳдан фойдаланган. «Ажоиб ал-мақдур»дан мухтасар ҳолда олинган ушбу хабарлар айрим хатолардан ҳам ҳоли эмас. Масалан, Амир Темур тугилган Хожа Илгор қишлоғининг номи худди Ибн Тагриберди уз асарида хато келтирганидек, мазкур қулезмада ҳам (5^а вақағ (Хожа Илгор деб хато кўчирилган. Асарда бундан бошқа яна айрим хатолар ҳам учрайди. XVII аср турк тарихчиси Кужа Ҳусайн (вафоти 1650 йил) узининг 1644—1645 йилларда ёзилган «Бадойиъ ал-вақои» («Ажоиб воқеалар») номли асарини ёзишда таянган тарихчилари қаторида Ибн Арабшоҳни ҳам зикр қилиди. Мана шу фактлар Ибн Арабшоҳ асари ўрга асрларда ёзилган бошқа қатор асарлар учун ҳам асосий манба бўлганидан далолат беради.

«Ажоиб ал-мақдур»нинг талайгина қулезмалари мавжуд булиб, улар дунёning турли кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг муаллиф ҳаёт вақтида кўчирилган икки нусхаси Туркияда, Аҳмад ас-Солис кутубхонасида мавжуддир. Улардан бири (инв. № 3049) 852 (1448—49) йилда Исмоил ибн Абдураҳмон ал-Исфаҳоний томонидан чиройли насх ҳатида кўчирилган, иккинчиси (инв. № 3050) эса 850 (1449—47) йилда тамомланиб, ушбу нусхани муаллиф куриб чиққанлиги

ҳақида унинг дасхати билан қўлёзма охирида зикр қилинган.

Ибн Арабшоҳ асарининг бир қанча қўлёзмалари муаллифнинг ватани — Сурия кутубхоналарида ҳам бор. Жумладан, Дамашқдаги ал-Аҳмадия кутубхонасида «Ажоиб ал-мақдур»нинг икки қўлёзмаси бўлиб, бири (инв. № 6893) 1493 йилдан олдин, иккинчиси (инв. № 7133) эса 1779 йилда кучирилгандир. Шунингдек, асарнинг бошқа нусхалари Ҳалабда ҳамда Ибн Арабшоҳ уз умрнинг охирида яшаган Қоҳирада ҳам мавжудлиги фикристларда зикр қилинган.

Шуни қайд қилиш керакки, собиқ СССР (асосан Санкт-Петербург) кутубхоналарида ҳам Ибн Арабшоҳ асарининг бир неча қўлёзмалари сақланмоқда. Жумладан, «Ажоиб ал-мақдур»нинг тўлиқ бўлмаган бир нусхаси (инв. № 434) Ленинград Давлат университети кутубхонасида сақланади. Мазкур қўлёзма 1855 йилда Одессадаги Ришельевский лицейидан Петроградда шарқ тиллари факультети ташкил булиши муносабати билан Петроградга келтирилган эди. Қўлёзма «Ажоиб ал-мақдур»нинг биринчи қисмини ташкил қиласди ва академик И.Ю.Крачковскийнинг таъкидлашича, XIX асрнинг бошларида кучирилган бўлиб, у қадар илмий аҳамиятга эга эмасдир. Асарнинг яна икки нусхаси Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград халқ кутубхонасида сақланади.

Париж Миллий кутубхонасида «Ажоиб ал-мақдур»нинг 1440 йилда кучирилган бир нусхаси бўлиб, қимматли томони шундаки, унда муаллифнинг таржимаи ҳоли келтирилган. Афсуски, ушбу таржимаи ҳол ким томонидан ёзилганлиги ва қўлёзмани кўчириган хаттот ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Ибн Арабшоҳ асарининг яна бир нусхаси Манчестерда Жон Райландга қарашли кутубхонада сақланмоқда. Қўлёзма ҳинд «таълиқ» хати билан тахминан 1800 йилларда кўчирилган. «Ажоиб ал-мақдур»нинг 1573 йилда Мұхаммад Ибн Аҳмад Суқайир ал-Дамашқий томонидан кўчирилган бир нусхаси Гота кутубхонасида мавжуддир. Шунингдек, Ибн Арабшоҳ асарининг яна икки нусхаси Лондонда мавжудлиги ҳам қайд қилинади.

«Ажоиб ал-мақдур»нинг Қоҳира Миллий кутубхонасида сақланаетган бир нусхасидан (инв. № 658 ёинки 3543) олинган микрофильмдан ишланган фотосурат тадқиқотимиз учун асос қилиб олинган нусхалардан бири бўлиб, уни тўла-тўқис тавсифлаб, таҳлил қи-

лиш имкони бўлмаса-да, баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз. 198 варақдан иборат қулёзма чиройли насх хатида қора сиёҳ билан бошдан охир бир хаттот томонидан кўчирилган булиб, сарлавҳалар, нуқта, зикр, фасл ва айрим (муҳим) сўз ёки ибораларнинг матнга нисбатан хирароқ куриниши уларни қизил сиёҳ билан ажратиб ёзилганлигини билдиради. Ҳар бир саҳифада (шу жумладан, назмий қисмларда ҳам) 17 қатор матн булиб, саҳифа охирида кейинги саҳифа бошланадиган сўзни курсатувчи пайгирлар берилган.

Юқорида айтилганлардан куриниб турибдикি, «Ажоиб ал-мақдур» ўз даври укувчилари диққатини жалб қилган ва кўп нусхаларда кўчирилган, шунинг учун ҳам бизнинг давримизгача унинг талай нусхалири етиб келган.

Ибн Арабшоҳ асари гарчи XV асрда (1436—1437) ёзилган бўлсада, Оврупо олимлари XVI асрдан бошлиб у билан танишишга мусассар бўлдилар. Дипломатик хизмат юзасидан бир қанча муддат араб мамлакатларида (Марокко, Сурія) яшаган голландиялик олим Якоб Голиус (1596—1667) Лейденга қайтгач, «Ажоиб ал-мақдур»нинг арабча матнини дарслек сифатида 1536 йилда нашр қилдирди. Голиус нашри асарнинг дастлабки нашри ҳисобланиб, бу билан Ибн Арабшоҳ Овруподага ал-Макиндан (1305—1373) кейин ёзма равишда танилган иккинчи араб тарихчиси були. «Ажоиб ал-мақдур»нинг С. Мангер томонидан тайёрланган арабча матни лотин тилига таржимаси билан биргаликда 1767—1772 йилларда Лейварденда нашр этилди. Мা�ълум даражада текстологик ишга асосланиб бажарилган ушбу нашр ҳозирги пайтгача ҳам ўз қимматини йўқотмасдан келмоқда. XIX асрга келиб эса Ибн Арабшоҳ асари бир неча бор нашр қилинди. Жумладан, 1285 (1868—1869), 1305 (1887—1888) йилларда Қохира, 1812, 1818, 1840 йилларда эса Калькутта нашрлари пайдо бўлди. Мазкур нусхалар ичida 1818 йилги Калькутта нашри қимматли ҳисобланиб, у бошдан охир ҳаракатлар билан таъминланган ва уша пайтда Ҳиндистонда истиқомат қилган араб адаби Аҳмад ал-Яманий аш-Ширвоний томонидан нашрга тайёрланган эди.

Муҳим тарихий манба сифатида шухрат қозонган «Ажоиб ал-мақдур» кўп тилларга таржима қилинган. Дастроб 1636 йилда асарни нашр қилган Я. Голиус

«Ажоиб ал-мақдур»нинг лотинча таржимасини ҳам тайёрлаган эди. Гарчи айрим тадқиқотчилар (Брокельман, Кримский) Голиус таржимасини чоп эттанинги қайд қиласаларда, бироқ, мазкур таржима нашр қилинмасдан күләзма ҳолида қолиб кетган. Лекин асарга бўлган қизиқиш тобора ортиб, 1658 йилда «Ажоиб ал-мақдур», унчалик қониқарли бўлмаса-да, француз арабшуноси П. Ватье (1623—1667) томонидан француз тилига таржима қилиниб, Парижда нашр этилди.

С.Н.Мангер томонидан лотин тилига қилинган таржимаси ҳақида юқорида қайд қилган эдик. Мазкур таржима ўз даври талабига жавоб берадиган савиядада бажарилган булиб, у қисқача изоҳлар ва кириш сўз билан таъминланган. Булардан ташқари, Ибн Арабшоҳ асарининг турк олими Назмизода Муртазо (вафоти 1722 йил) томонидан 1699 йилда бажарилган туркча таржимаси 1730 йилда Стамбулда чоп этилди. Аммо ушбу таржиманинг 1860 йилти қайта нашри қониқарсиз булиб, таржима гоятда қисқартирилган ҳолда берилган. Ва ниҳоят «Ажоиб ал-мақдур»нинг М.И.Сандерс тайёрлаган инглизча таржимаси 1936 йилда Лондонда нашр этилди. Гарчи, мазкур таржима ҳақида баъзи ижобий фикрлар бўлсада, Сандерс таржимаси қониқарсиз даражада бажарилган булиб, И.Ю.Крачковский таъкидлаганидек, Сандерс ўз таржимасида фақат зикр қилинган Мангernerнинг лотинча таржимасига таянган, холос. Сандерс китобида ҳам Мангерда учрайдиган хатоларнинг айнан қайтарилиши таржимоннинг «Ажоиб ал-мақдур» қўләзма ва нашрларидан мутлақо фойдаланмаганини курсатади. Шуни қайд қилиш керакки, ҳозирги вақтда асосан собиқ СССР таркибиға кирган минтақалар ва ҳалқлар тарихига доир воқеаларни ўз ичига олган ушбу асардан айрим қисмлари рус тилига ҳам таржима қилинган. Жумладан, Ибн Арабшоҳ асарининг Олтин Үрдага оид қисми В.Тизентгаузен томонидан рус тилига ўтирилиб тадқиқотчилар дикқатига ҳавола қилинган. Шунингдек, «Ажоиб ал-мақдур»дан Тухтамиш билан Темур ўртасида содир булган жанг эпизодига оид гоят кичик бир булаги (2 бет) ҳам русчага таржима булган. Баъзи тадқиқотчилар XIV—XV аср Урта Осие тарихига оид айрим тадқиқотларида Ибн Арабшоҳ асаридан қисқа-қисқа таржималар келтириб фикр юритганлар. Мана шу үринларда «Ажоиб ал-мақдур»дан олинган

таржималар профессор А.Э.Шмидтга мансублиги кўрса-тилган. Демак, «Ажоиб ал-мақдур» таржимаси билан А.Э.Шмидт ҳам бир қадар шугуулланган. Узбекистон ФА Шарқшунослик институтининг кутубхонасида Ибн Арабшоҳ асари биринчи қисмининг русча таржимаси (инв. № 102) қулёзма ҳолда (қисман машинкада босилган) сакланмоқда. Институт катта илмий ходимлари, академик У.И.Каримов, филология фанлари номзоди Д.Г.Вороновскийларнинг фикрича, мазкур таржима марҳум М.А.Сальега мансубдир. Таржима, ҳеч қандай илмий изоҳларга эга бўлмай, айrim камчиликлардан ҳам холи эмас. Фикримизча, ушбу таржимада Сандарсенинг инглизча таржимаси (ёки Мангер таржимаси) асосий роль уйнаган. Шундай қилиб, Ибн Арабшоҳ асарининг собиқ СССР халқлари тилларига қилинган таржимаси зикр этилган кичик-кичик қисмлардангина иборат, холос.

Биз қўида Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асаридан айrim парчаларни зътиборингизга ҳавола қўлмокдамиз.

«АМИР ТЕМУР ТАРИХИ»ДАН

Амир Темурнинг насаби ва унинг мамлакатларни бирин-кетин фатҳ этиш ва бунинг боислари ҳақидаги бўлим

Темурнинг исми ёзилиши (устида икки оғиз суз): устида икки нуктали ва касрали «Т», сукунли «Й» тагида икки нуктаси билан; уртасида даммали «Ү» булган «мим» билан нуктасиз «Р» дан иборат. Бу, Темур исмининг тўғри ёзилиши ва тил қоидаларига асосан курилишидир. Лекин араб тилининг ҳассаси уз (суз) тузилишидаги вазнларига асосан ажам сұзлари шарини юмалатиб, уз тили майдонида истаган томонига қараб юритади. Шу сабабдан уни баъзан «Тамур», деб тилга оладилар. Бу (ҳолат) учун (одамларни) койиш ва гуноҳкор қилиш керак эмас. Бу, туркча «темир» демакдир.

Темур иби Тарагай иби Абагай булиб, унинг тугилган жойи Хўжа Илгор деб аталадиган қишлоқдир. Хўжа Илгор Кешга қарашли жойлардандир — Аллоҳ у ердан ҳар қандай ёмонликни дафъ этсин!

Кеш Мовароуннахр шаҳарларидан (бири) булиб, Самарқанддан тахминан ун уч фарсах (масофа)дадир.

Кеш шаҳрида Шамсуддин ал-Фохурий исмли бир шайх бор эди. У уша ерлар (халқи) эътиқод қўйган киши булиб, барча үзининг диний ва дунёвий ишларида нимаики нарсага бел боғласа унга эътимод қиласди. Зикр қилишларича, Темур (аввалига) факир ва ожиз булиб, у хаёлий (мавхум) улугворлиқ ва батамом қашшоқлик оралигига турганида унинг пахталик кийимидан булак ҳеч нарсаси булмаган. У уша (ягона) кийимини ҳам сотиб (юбориб) пулига бир бош эчки харид қилди ва уз мақсадига етишишга ишонган ҳолда, зикр қилинган шайхнинг хузурига йўл олди. У арқоннинг бир учини эчкининг бўйнига, иккинчи учини уз бўйнига боғлаб, хурмо шоҳидан ясалган ҳассага таяниб, ушбу шайхга томон юзланди. Темур ушбу узи нажотига умид қилган шайхнинг хузурига кирганида у үзининг муриду мухлислари билан чўкур фикрга толган ҳолда Аллоҳнинг зикри билан банд эди. Улар узларига келиб зикр-самоларидан тўхтагунларича Темур тик тураверди. Шайхнинг назари узига тушиши билан Темур унинг қўлларини ўпшга шошилди ва оғигига бош урди. Шайх бир дам уйлаб тур-

гач, бошини кутариб уз жамоасига қараб: «Бу одам гүе иззату ирзини ва бойлигини фидо қилиб, тантри-таоло наздида пашшанинг қанотига ҳам арзимайдиган нарса учун биздан мадад тилаб келибди. Биз унга мадад беришимиз, ундан (уни) маҳрум этиб рад қиласлигимиз лозим. Эй жамоат! Сиз унинг ҳақига дуо қилиб, истаган муродига етиши учун (унга) мадад берингиз!» — деди. Натижада, унинг қиссаси ҳам Саала-ба билан содир булган воқеага ухшаб кетди.

Темур шайхнинг ҳузуридан қайтиб чиқди ва аввалига оқсанадан кейин етишган нарсасига етишмагунча (даражаси) тұхтосыз кутарилаверади.

Яна айтишларича, Темурнинг отаси зикр қилинган сұлтон ҳузурида юзбоши булып, ботирлиги ва олийжаноблиги билан уз тенгқурлари орасыда машхур эди. Агар фалак гардишининг айланиши, тақдир ва ахволнинг узгариб туришини назарга олинса, ушбу (айтилған) сұзларни (бир-бирига) жамлаш мүмкін. Аммо энг тұғриси шуки, Темурнинг отаси зикр қилинган Тарагай сұлтон давлатининг арконларидан бири эди. Арабларда қанча бұлса туркларда ҳам қарийб шұнчалық турли-тұман қабила ва гурухлар бордир. Уша вазирлардан ҳар қайсиси бир қабилага мансуб булып, уз фикр чироги билан у қабила хонадонларини өритувчи бир узун пилик мисоли эди. Улардан бири нинг қабиласи орлот, иккінчисиники жалойир, учинчисиники қовчин, тұрткінчисиники барлос деб аталарди. Темур тұрткінчи қабила үглони эди. У өшлигидан ақли, очиқ күнгіл, жұръатли, қатыяятли булып үсиб, тенгқурлари — вазирларнинг үгиллари билан сұхбат қуар алғанда амирларнинг үгилларидан үзиге үхшашшар билан вактимиң үтказарди. Эхтимол, Темур шу орада ва ушбу ҳолатлар асносида (аввал) ишора қилинган шайх Шамсұддинга борган ва зикр қилинганидек, истаган муроди хусусида шайхдан мадад тилагандир. Чunksи Темур доимо: — «Салтанатдан әришган жамийки нарсам ва мустаҳкам маконларни фатх қилишим — булар ҳаммаси шайх Шамсұддин ал-Фохурийнинг дуоси, Шайх Зайнуддин ал-Хавофийнинг химмати туғайли ва барча топған баракатларим эса фақат Сайид Барака өрдамида бұлған», — деяр эди. Зайнуддин ва Бараканинг зикри кейинроқ келади.

Афтидан, Темур ишининг бошланиши ва унинг уша гурухға бош булып хуруж қилиши етти юзинчи йилнинг олтмишинчи ва етмишинчи (1358-1368) йил-

лари оралиғида бұлған. Менинг устозим билимдөн ва серғайрат имом, комилу фозил, үз даврининг беназири, асрининг яккаю ягоаси, инсоният алломаси, дунёнинг устози, дину диённатнинг чүккиси, мұхаққиқ ва мудаққиқлар шайхи, үз замонасииң күтби, барча даврларнинг муршиди, Дамашқда яшовчи Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Бухорий — тангри таоло унинг умрори узоқ қылсын! ва у ислом ва мусулмонлар (дунёсига)га үз саодатли баракатлари билан ҳар доим мадад берсін!» — 836(1433) йилнинг ойларида менга айтишича, Темур мазкур сulton Ҳусайнни 771 йилнинг шағын ойида (28 февраль — 29 март 1370 йил) қатл қылған ва уша вактдан бошлаб мустақил равища ҳокимиятта әгалік қилиб, кейинроқ эслатиб үтилашагидек, 807 йилнинг шағын (1405 йил, февраль) ойида вафот этди. Унинг хуружини ва ҳокимиятни құлға олғунча үз атрофига тараффорлар түшлаган вактини хориж туғылса, Темур мустақил равища үттіз олти йыл ҳукм юритган.

Дашт ва Туркистан султони Тұхтамишхоннинг ҳамласи баёни

Дашт ва Тотор султони Тұхтамишхон Темур билан султон Ҳусайн үртасида бұлиб үтган можарони күргақ, қони қайнаб гайирлиги келди. Бу уларнинг насади ва күшничилиги сабабидан зди. У күп сонли аскар, деңгиздек ҳайқырған қүшин туплади ҳамда Сирноқ ва Үтрор тарафидан Темур лашкаргохи томон йул олди.

Темур унга қарши Самарқанддан чиқди ва улар Хужанд дарёси яқинида, Туркистан атрофида тұқнашдилар. У дарё Сайхун дарёсидир. Самарқанд эса Сайхун ва Жайхун дареларининг үртасидадир. Иккى аскар үртасида уруш «бозори» қизиди. Ушбу бозорда улар үртасида жаңг олды-сөтдилари авж олди ва ниҳоят, Темур аскари (ун булиб) янчилмагунча, мұхораба тегірмөн тошлари айланаверди. Темур аскарлари тарқаб, унинг қүшин түгүни ечилағзган бир пайтда бирдан Сайид Барака исмли (бир) киши пайдо булиб Темурға яқынлашди. Темур — у гоятда танг ҳолатда қолған зди, — унга: «Эй афандим, Сайид (менинг) қүшиним енгилди» — деди. «Құрқма», — деди унга Сайид Барака. Кейин у отидан тушиб, ердан бир сиқим тупроқ олиб, узининг бұз отига яна қайтиб

минди. Кейин уша тупроқни (Темурни) бостириб кса-лаётган душманлари юзига сепиб, «Йоги қочди», деб бақира бошлади. Темур ҳам ёрдам қулини чўзган ушбу шайхнинг кетидан такрорлаб шундай деб бақира-верди. Темур Аббос мисоли кучли товуши билан ба-қирғанда гўё у чанқоқ түяларни «жут», «жут» (сувга) деб чақираётганга ухшар эди. Шунда Темур аскарла-ри, гўё сигир уз бузоқларига меҳр билан қараганидек, унга қарадилар ва ўз душману рақибларига Қарши дадил маъракага тушдилар. Унинг қўшинидаги барча заифу кучли жангидан «Йоги қочди» деган иборани такрорлаб бақирмагани қолмади. Кейин улар бир-бир-ларини (қатъий) қўллаб-қувватлаб ва (бир-бирларига) мадад тилаб, душман устига ҳамла қилдилар. Тўхта-миш қўшинлари мағлубиятга учради ва орқасини ўги-риб тирақайлаб қочди. Темур аскарлари улар бўйнига қилич қўйиб, бу галабалари билан уларга ажал қадаҳ-ларини ичирдилар. Уларнинг куп мол-дунё ва чорва-ларини ўлжа қилиб урта (хол) бошлиқларию ҳошияла-рини асир олдилар. Шундан кейин Темур Самарқанд-га қайtdi — у Туркистон ва Хўжанд дарёси атрофида-ти ерлар ишларини тартибга солган эди.

Темур назаридаги Сайид Бараканинг зътибори ошди ва уша қулга киритиб эгаллаган барча жойларга уни ҳоким қилиб тайинлади. Бу Сайид тўгрисидаги гаплар турли-тумандир. Баъзилар уни аслида магри-лик бўлиб, Мисрда яшаб (зулук билан) қон қуювчи-лик қилган, кейин Самарқандга келиб, узини сайид қилиб кўрсатиб қадр-қиммати ортган ва шухрати ейилган деса, баъзилари уни Мадинаю Мунаввара аҳ-лидан дейди; бошқа баъзилари эса уни Маккаю Му-каррама аҳлидан дейдилар. Ҳар ҳолда у Мовароунна-хр ва Хурросон шаҳарларида энг улуг зотлардан бири, айниқса Темурга зикр қилинган мададни кўрсатиб, қазо ва қадарнинг ушбу латиф тасодифи туфайли Те-мурни бу шиддатдан халос қилгандан кейин бўлди. Сўнгра Темур унга: — «Мендан истаган нарсангни сўра ва муродингни тила» — деди. У Темурга: — Э, мавлоно Амир! Муқаддас ва табаррук шаҳарлар (Макка ва Мадина)га қарашли вақфлар (турли) иқ-лиmlарда сероб. Шулар жумласидан Хурросон ерларидаги Андхой (ҳам) бор. Мен ва менинг болаларим ана шу эҳсонга сазовор кишилар жумласиданмиз. Агар уша ерларнинг фойда-зарари аниқланиб, майдад-чуйдалари маълум қилинса ҳамда вақфлари ҳисобла-

ниб, қырим-чиқимлари белгиланса менинг ва болаларимнинг ҳиссаси бу водийдаги мана шу қасабадан кам бўлмайди. Ана ушани менга «иктөъ» тариқасида бер», — леди.

Темур ушбу жойни ва ўнга қарашли музофоту қишлоқларни унга «иктөъ» тарзида тортиқ қилди. Бу срлар ҳозиргача унинг авлодлари, уруглари ва набиралири қулидадир.

Самарқанд срлари, Бадахшон ва Хужанд дарслари уртасида бўлган (ер)лар тафсирига оид бўлим

Шулар жумласидан Самарқанд ва унинг вилоятлари: Самарқанд еtti тумандан, Андижон ва унинг атрофлари эса тўққиз тумандан иборатки, ҳар бир тумандан ўн минг жангчи чиқади.

Самарқанд — Мовароуннаҳрнинг машхур шаҳарларидан ва тилларда зикр қилинган мўътабар жойларидандир. Айтишларича, қадим замонда Самарқанд ва унинг деворлари ўн икки фарсаҳдан иборат бўлган. Бу — Чингизхондан аввал (утган) Султон Жалолуддин замонида бўлган.

Мен Самарқанд деворларининг чекка ҳаддидা, гарб томонда Темур бино қилган ва Дамашқ деб атаган бир қасабани курдим. Ушбу қасабанинг масофаси Самарқанддан тахминан ярим кунлик (йул)дир. Одамлар ҳозиргача қадимги Самарқандни кавлайдилар ва куфий хати билан тамғаланган дирҳамлар ва филслар қазиб оладилар ва филсу танталарини эритиб, ундан кумуш ажратиб оладилар.

Шунингдек, Марғийнон ҳам Мовароуннаҳрнинг шаҳарларидандир. Қадим замонда у пойтакт булиб, Илихон турган. «Ҳидоя»нинг соҳиби, жалолатли шайх, аллома Бурҳонуддин ал-Марғийноний — тангри таоло у (киши)ни раҳмат қилсин, — мана шу Марғийнондан чиқсан.

(Мовароуннаҳр шаҳарларидан) Сайхун соҳилида Хужанд, Жайхун соҳилида Термиз жойлашган. Шунингдек, Нахшаб — у (аввал) зикр қилинган Қаршилир ва яна Кеш, Бухоро, Андижондир. Булар ҳаммаси машхур жойлар булиб, улардан бошқалари ҳам бор.

(Мовароуннаҳрнинг) вилоятларидан Бадахшон, Хоразм срлари, Сагониян иқлими ва булардан бошқа улкалару поёнсиз теварак атрофлар. Бу ер аҳлининг

эътиқодича, Жайхун орқасидан шарққа қараб чўзилган ерлар Турон, гарбга томон чўзилган бу томондаги ерлар эса Эрон деб аталади. Кайковус ва Афросиёб бу мамлакатларни ўзаро тақсим қиласигарида Турон Афросиёбга, Эрон эса Кайкубод угли Кайковусга теккан. Ироқ (эса) Эрон магрибидир.

Темурнинг атроф ва энг аввал Хоразм ерларини бирлаштиришга ният қилиб, қатъий қарорга келгани баёни

Мугуллар макридан амин булиб, сулҳ билан улар (огзи) чегарасини туғач, Темур Хоразм ерлари томон юзланишга азм этди. Хоразмликлар гарбдан, чап (томондан) Темур билан қўшни булиб, ўзларида ислом қоидаларининг юритилиши жиҳатидан ундан ажralиб турардилар. Журжон шаҳри уларнинг пойтахти булиб, энг азим шаҳарларицир. Умуман бу мамлакат (Хоразм) азим шаҳарлар ва кенг вилоятларга бой. Унинг пойтахти фозил кишилар жам буладиган, уламолар манзил тутадиган, зукколар ва шоирлар макони, адаб ва улуғ кишилар чашмаси, иззат-икромли улуғлар тогининг кони, йулини топгану адаштганлардан ҳақиқат изловчи кишилар денгизининг манбаи эди. Хоразмнинг нознеъматлари битмас-туганмас, табиий бойликлари беҳисоб булиб, фазилатларининг юзи нур таратиб турувчицир. (Бу мамлакат) сultonининг исми Ҳусайн Суфи булиб, у сохта эътиқодлардан холи бир киши эди.

Мовароуннахр шаҳарларининг суврати бир-бирига яқиндир, чунки уларнинг ҳаммаси (тўридан-тўри) хом ёки пишиқ гиштдан ер (бети)га курилгандир. Латофатда Хоразм аҳли ҳам Самарқанд аҳли сингари булиб, ҳишмату зарофатда улар Самарқанд ахлидан афзалроқдир.

Улар мушоира ва адабиётга иноят қўйтганлар ҳамда яхши сифатлар ва олий фазилатлар санъатида, хусусан мусиқа ва нагмалар илмида ажиб ашёлар яратгандар. Бу борада уларда ҳар бир хосу авом иштирок этади. Хоразмликлар ҳақиқати (ажиб) нарсалардан шу (нарса) машҳурки, агар уларнинг бешикда ётган (чакалоқ) боласи йигласа ёки «оҳ» деса, бу товушдан «дуюҳ» мақомининг куйи янграйди.

Темурнинг шайх Зайнуддин Абу бакр ал-Хавофий билан учрашуви баёни

Хурросонга қилган юришларининг бирида Темур Хавоф қасабасида тангри таоло уз лутфлари билан тақдирлаган, билимдон, олим, улуг ва фозил, зоҳир кароматли, бағоят эзгуликлар соҳиби, ширин сухан, соғ мақом, содик кашфиёт, Аллоҳ билан муомалалари сидқидил бир киши борлигини эшитган эди. У Шайх Зайнуддин Абу Бакр деб аталиб, унинг ижтиход куши учун Қудс bogida энг олий гуша (бордир).

Темур шу шайх руяятини ният қилиб, уз жамоаси билан унинг ҳузурига юзланди. Шайхга, «Темур сени дийдорингни куриш ва баракангни тилаш учун ҳузурингга келаётир», — дедилар. Лекин шайх бир сўз ҳам айтишга улгурмасданоқ Темур етиб келди ва отдан тушиб, шайхнинг ҳузурига кирди. Шайх эса уз одатича гиламчаси устида (чукур) фикрга чўмган ҳолда утираси билан унинг олдига яқин келганида шайх (урнидан) турди. Темур эмаклаб бориб шайхнинг оёғига бош урди. Шунда шайх Темурнинг елкасига икки қулини қўиди. Темур (кейинчалик) деди: «Агар шайх елкамдан тезлик билан қулини олмагандан чиндан ҳам мени босиб қолади деб ўйлаган эдим. Мен гўё осмон ерга узилиб тушгану мен узимни еру осмон уртасида майда-майда булиб кетгандек тасаввур қилдим». Кейин у бу мумтоз киши ҳузурида одоб билан тиз чўқди ва уз сұхбатини мунозара тарзида эмас, балки савол тариқасида тушиб, лутф билан унга: «Э, менинг саййидим, шайх! Нега сиз уз подшоҳларингизга жабр ва қайгу-газабга мойил бўлмай, адолат ва инсоф юзасидан иш тутишларини амр қилмайсиз?» — деди.

— «Биз уларга шу (нарса)ни амр қилиб, бундан муқаддам шуни изҳор этган эдик, — деди шайх, — лекин улар бу амрга қулоқ тутмадилар, шу туфайли энди улар устидан ҳукмни сенга топширдик». Ўша он Темур шайхнинг ҳузуридан чиқди, энди унинг букирлиги тўғри булиб қолган эди ва: «Каъба эгаси номи билан қасам ичманки, энди мен (бутун) дунёга эгалик қилдим», — деди.

Бу шайх ўша зикри (кейинроқ) келиши ваъда қилинган кишидир.

Сунгра Темур Ҳирот подшоҳини қулга олиб, унинг ҳукмидаги барча нарсаларга эгалик қилди ва

Ҳирот вилоятини бирин-кетин забт этиб, ҳар бир вилоятга ўз ноибини қўйди. Узи эса имкони қадар бойликларини олиб орқага, Самарқандга қайтди.

Кейин, кўп ўтмай Ҳусайн Суфи вафот этди ва ундан кейин ҳокимиятта унинг ўғли Юсуф Суфи эгалик қилди.

Бундан олдинроқ Темур улар билан қудалашиб, мухолифларга қарши (уларга) ёрдам бериб, (уларни) қўллаб-қувватлаган эди ва Жаҳонгир деб аталадиган ўз ўғлини улардан ниҳоятда қадр-қимматли, шарафли аслзода, юзидан нур сочилган, Шириндан кура ҳам ҳусндор, Валлодадан кура ҳам зарофатли бир қизга уйлантирган эди. Ҳон(лар) қизларидан булганидан уни Хонзода деб атардилар. Хонзода (Жаҳонгирга) Муҳаммад Султонни тортиқ этди. Муҳаммад Султоннинг зийраклиги ва истиқболи порлоқлигига очиқ-оидин далиллар бор эди. Темур унинг хислатларида баҳту саодат нишонларини мушоҳада этгач, зотан у зийракликларни Темур фарзандлари ва набираларидан (батамом) устун эди, уни (уларнинг) барчасидан афзал курди ва амакилари мавжудлигига қарамай, узига валиаҳд деб эълон қилди. Аммо замон Темур ниятига инодлик курсатди. Муҳаммад Султон бобосидан олдин Рум ерларидаги Оқшаҳарда вафот қилди. Ушбу (воқеа)нинг зикри кейинроқ келади.

Темурнинг Мугул ва Жато тарафини забт этиши
ва бу жойларда унинг томонидан содир булган
ишлар баёни

Самарқандга етиб келгач, Темур фарзанди Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султонни Амир Сайфуддин билан бирга ўз мамлакатининг энг узоқ чеккаси булган ва (уз) сузи кесадиган жойга юборди. Бу (жой) Сайхун орқасида, тўгри шарқ томонида Мугул, Жато ва Хитой ерларига туташган булиб, Мовароунаҳр ерларидан бир ойлик (масофадаги) йулида эди. Натижада улар (Муҳаммад Султон ва Амир Сайфуддин) у ердаги паст-текисликларини, тепаликларини текислаб, бир қатор қалъалар қурдилар. У жойларнинг энг узоги Ашпара деб аталадиган бир шаҳар булиб, унда улар ҳарбий мақсадлар учун жиҳозланган мустаҳкам бир қурғон бунёд этдилар.

У (Темур) подшоҳлар қизларидан яна бир малика-га уйланди. Биринчиси Катта Малика, иккинчиси эса

Кичик Малика деб аталарди. Муғулларнинг подшоҳи Темур сўраганига рози булиб, унинг талабига итоат билан жавоб қилиб, жонини фидо айлади. Муғул ва Хитой иқлимлари Темур оллида титрагандилар, чунки Темурнинг ислом мамлакатининг турли бурчакларида қилган ҳужумлари, зўравонликлари ва шафқатсизлиги уларга етиб борган эди. Бу (хабар)нинг элчиси зикр қилинган Сайфуддиннинг биродари Оллоҳдод булиб, у Ибн машкурнинг уйида кўниб, Дамашқ бойликларини холис қилиб олган (кимса) эди. Темур нариги қирғоқдан Сайхун тарафига қаратиб бир шаҳар бунед қилишларини буюрди ва дарё устига қайиқ ва кемалардан кўпприк ясатиб, шаҳар билан боғлади. (Бу) шаҳарни у Шоҳрухия деб атади: у (шаҳар) кенг (бир) жойга жойлашгандир. Темурнинг уз угли Шоҳрухни ва ушбу шаҳарни (ҳам) шу ном билан аташининг сабаби шуки, у уша қирғоқда (ушбу) шаҳарни қуришни амр қилган булиб, Темур уз одатига кўра, (уз) ҳошияларидан бири билан шатранж ўйнаш билан машгул эди. Шу пайт Темурга ҳамроҳ булган (севимли) маъшуқаларидан бири ҳомиладор эди. Темур уз рақиби «шоҳ»ига қарши «руҳ»ни ташлади, бундан рақиби узини йўқотиб қўйиб, аҳволи оғирлашди. Темурнинг рақиби тант ҳолга тушиб турган шу пайтда бирдан икки чопар (иккита) қувончли хабар келтирди: бири угил бола түғилганини, иккинчиси — шаҳар қурилиб битганини башорат қилди. Темур уларнинг иккаласи-ни (чақалоқ ва шаҳарни) бу исм (Шоҳруҳ) билан атаб, (улар) шу белги билан нишонланди.

Темурнинг Диёрбакр ва Ироқдан қайтиб,
Қипчоқ даشتiga томон таважжуҳи зикри. Қипчоқ
подшоҳлари ва ерларининг васфи. Қишлоқ
ва йўлларининг баёни

Кейин Темур Араб ва Ажам Ироқларидан қайтди; унинг бу мамлакатларга қўйган қадами зафар олиб келган эди. Бу (ҳол) Шайх Иброҳим унинг ҳузурига келиб, уз қулида булган иқлимлар қалитларини унга топширгандан ва итоат инжусини Темурнинг буйнига тақиб унинг хизматида қўл қовуштириб тургандан ва Темур қуллари қаторига қушилиб, Темур уни уз угли мақомида кўргандан кейин содир булган эди. Сунгроқ биз Шайх Иброҳимнинг қай тариқа Темур билан танишиб, қайси йул билан унга яқинлашгани ҳақида

зикр қиласиз. Кейин Темур Даشتى Қипчоққа равона булиб, (тезликда) түя ва түякүшдек жидду жаҳд курсатди.

У (Дашти Қипчоқ) бепоён подшохлик булиб, кенг чулларни уз ичита олар эди. Унинг султони Тухтамиш Темурга қарши урушыб, мухолиф (булган) султонларнинг пешвоси, гүе байроқдори булган эди, чунки у Темурга адоват билдириб чикқанлардан энг биринчи си булиб, Туркестон-ерларида унга қарши жанг қилған эди; аввал (айтиб) үтилганидек, шу жандага Темурни Саййид Барака куллаб-кувватлаган эди. «Дашт ерлар», Қыпчоқ ерлари еки Дашити-Барака деб аталади. «Дашт» деб фереътилида яланнинги атайдилар. Барақа унга изофа булиб, ислом (дини)ни қабул қилиб, Даشتда ислом (дини) байроқларини ёйган биринчи султоннинг исмидир. Ваҳоланки Дашит аҳли аввал бутпараст ва күп худога ибодат қилувчи, ислом ва иймонни билмаган. Улардан айримлари шу пайтгача бутларга сигинадилар.

Темур мана шу иқлимга томон Ширвон ерлари султони Шайх Иброҳим ҳукми остида жорий булган Дарбанц орқали юзланди. Унинг (Шайх Иброҳимнинг) насаби подшо Кисро Ануширвонга бориб боғланади. Унинг Абу Язид деб аталувчи қозиси булиб, Шайх Иброҳим давлатининг жами арконлари орасида унга яқинлиги билан улардан устун туради. У Шайх Иброҳим мамлакатининг дастури саналиб, унинг салтанати фалакининг бир кутби эди. Шайх Иброҳим Темур масаласида ҳам «Нима қилмоқ керак?» — деб ундан маёлаҳат суради: — «Унга буйсунеинми ёки истеҳком курсинми; қочсинми еки у билан урупсинми?», Абу Язид: «Кочиш ва баланд төгларда қурғон тикиб олиш — фикримча, энг ишончли ва мақбул йулдир», — деб жавоб қилди. — «Бу мақсадга муров-фикр фикр эмас, — деди Шайх Иброҳим. — Үзим најот топиб, раияларимни қийин кунга ташлаб кетишим билан қиёмат кунида яратган эгамга нима жавоб қиласман? Чунки мен улар гамини ейдиган киши булиб, уларни қириб юборсам-а? Мен Темурга қарши муқотала бошлаб, уни ҳарбу зарб билан муқобил олишга азм қилмайман. Лекин тезда (унинг) ҳузурига бориб амрига итоат билдириб, унга қултуқ қиласман. Агар у мени (уз) мартабамга қайтариб, (уз) вилоятимда қарор топтирса, бу мен учун айни муддао ва кузланган мақсад (булади). Агар у (менга) азият бериб

(мартабамдан) азал этса ёки мени ҳибсга солиб ё қатл қылса унда раия улим, талон-торож ва асорат азобидан кутуладилар ва шунда Темур ўзи ихтиёр эттан кишисини раия ва мамлакат устидан ҳоким қилиб қуяди».

Кейин Шайх Иброҳим егулик, озиқ-овқатлар тұлашларини буюргач, уларни жамладилар, күшинлариға эса булиніб, тарқалишларига рухсат этди. У үз вилоятлари шаҳарларига зеби-зийнат беріб безашларини, аҳолига эса хоҳ қуруқлиқда, хоҳ дengизда бұлса ҳам — шинам ва күркам кийиниб хотиржам ҳолда бир-бирларига шириң мұомала қилишларини, минбарлар (усти)да Темур исемі билан хутба үқитиб, динорлару дирхамларни унинг тамғасиу белгиси билан зарб этишларини амр қилди.

Шундан кейин Шайх Иброҳим армугону хизматкорларни олиб, ширин кайфияту дадил қадам билан Темурға томон юзланди. У Темур ҳузурига (етиб) келгач, унинг олдида құллук қилиб (унга) ҳадялар ва тұхфалар, түрлі-туман гаройибу ажайиб ашёлар тақдим қилди. Ҳадя тақдим қилинаётганда чигатойликларнинг одати шундай әдіки, улар ҳадя тақдим қилинадиган (киши)нинг хурмат ва зәтиборини қозониш учун тұхфанинг ҳар қайсинаңдан тұққизтадан тортиқ қиласылар. Шу сабабли Шайх Иброҳим ўзи тақдим қылған ҳадяларнинг ҳар қайси туридан тұққизтадан тортиқ қиласылар. Шу сабабли (тұхфа) қабул қылувчилар: «Тұққизинчи құл қани?» — деб сұрадылар. Шайх Иброҳим: «Тұққизинчиси (менинг) ўзим, жоним құрбон», — деди. Бу хитоб Темурға ёқиб қолиб, Шайх Иброҳим унинг қалбидан юқори мартабани эгаллади ва у Шайх Иброҳимга: «Йүқ, сен менинг фарзандымсан ва уша ерларда менинг халифам ва зәтимодли (кишим)-сан», — деди. У Шайх Иброҳимга қимматбаҳо хильяттар кийгазиб, уз осойишталығига эришганидан мамнун ҳолатда уни (уз) мамлакатига қайтарди.

Ибн Арабшоҳ ҳикояси

Қачонки мен 889 йил рабий-ул-аввал ойининг бошларыда (26 сентябрь, 1435) Рум ерларига йул олиб, Ҳамога етганимизда, унинг Шарқ тарафдаги жомеси Нурийнинг қибласы (томони) деворида бир (парча) мармар тошда форсча ёзилған бир нақшни күрдім. Мана

унинг таржимаси: «Ушбу сатрларнинг сувратга солиниш сабаби (шундай): Бу шуки, тангри таоло бизга мамлақатларни фатҳ қилишни муссар курдики, ҳатто биз Ироқ ва Бағдодгача (ҳамма) ерларни батамом эгалладик. (Шу билан) биз Миср султонига қўшни булдик ва унга мактуб ёзик ҳамда турли-туман тухфа-ю ҳадялар билан унга чопарларимизни юбордик. У бўлса ҳеч бир заруратсиз чопарларимизни улдирди. Бундан мақсадимиз — икки томон орасида дўстлик (ипи)ни боғлаш, икки тараф ургасида садоқат (борлиги)ни таъкидлаш эди. Сўнгра, бундан бир оз (муддат) кейин баъзи туркмөнлар бизнинг томонимиздаги кишилардан айримларини тутиб олиб, уларни Миср султони Барқуққа юбордилар. Султон уларни зинданга солиб жабрлади. Мана шунга биноан мухолифларимиз чангалидан уз фуқароларимизни халос қилиш мақсадида биз йўлга чиқдик. Шу сабабли бизнинг Ҳамода манзил тутиб тўхташимиз 803 йил рабий-улхир ойининг йигирмаларига (8 декабрь, 1400) түгри келди».

Бўлим

Миср султонининг элчиси Байсақ (бу ҳақда) зикр қилиб (шундай) деди:

— Қачонки мен Темур ҳузурига кириб, унга мактубни топшириб, мактуб унга ўқилгач, Темур менга деди:

- Ҳақни сўзла! Исминг нима?
- Байсақ, — деб жавоб бердим.
- Бу хунук сўз қандай маънони англатади? — сўради Темур.
- Э. Мавлоно! Мен (буни) билмайман, — дедим унга.

Темур менга:

— Сен ҳали уз исминг маъносини билмайсану, қандай қилиб мактуб келтиришга ярайсан? Агар подшоҳларнинг элчиларга озор етказмаслик одатлари булмаса эди — улар шу қондани (азалдан) ўрнатгандар ва шу йўлдан юрганлар, уша султонлар изларидан юрадиган ва у утган подшоҳлар суннатларини барҳаёт қиласиганларнинг энг авлоси (мен) була-ман — албатта, мен сенинг ҳақинигга муносиб ишни қиласидим ва ўзинг лойиқ бўлган аҳволга сени етка-зардим. Ана шу (гап)лардан кейин сенда ҳеч бир гу-

ноҳ йўқ, балки гуноҳ сенга бу масъул ишни топширган киши устидадир, аммо унинг ҳам айби йўқ, чунки (унинг) илмининг бориб етган нуктаси ва ақла-фаҳмининг чегараси ана шу», — деди. Байсақнинг (бу) заарали феъли билан ушбу айтилган (мисра) маъноси зоҳир бўлган эди:

Бирон инга элти юбормоқчи булсанг уни танла,
чунки инсонлар фикрининг бор-йўғи элчиларидир.

Кейин Темур менга: «Қалъангизга, — уз иззату кудрат маконингга боргин», — деди. Мен қалъага борсам, унинг вайрон бўлганини, иморатларию ҳарамлари хурлаб-ҳақоратлангани аломатларини курдим. Қайтиб Темурга келиб, кўрганларимни айтдим. Темур «Сени юборган кимса у билан яхши муомала қилишимга арзимайди ва менинг (унга) мактуб юборишимга ҳам лойиқ эмасдир. Аммо унга айтгинки, мана мен сенинг изингдан унга томон етиб бораман ва (мана) менинг шерларим чангллари сенинг этагингта ёнишган (дай). У қочиш учун ёки (жойида) қарор топиши учун этагини шимарсин. Булар (кочиш ёки туриш)дан қай бирини ихтиёр этса, шунга лойиқ имкони борича «куч-қуввату отлик аскарлар тайёрласин», — деди.

Кейин Темур ишорат қылгац, мени (унинг хузуридан) олиб чиқдилар ва мен Миср томон йулга тушиб, қайтарилиб юборишлишимга сира ишонмасдим».

Амир Темурнинг бадоатли сифатлари ва унга ато қилинган тұғма хислатлари ва табиати ҳақида бўлим

Амир Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гүёки, у қадимиј паҳлавонлар авлодларидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, тоятда кучли ва салобатли, ажойиб булалик, ранги оқу қизил юзли, лекин дөгсиз, бүгдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, икки кўзи бамисоли икки шам каби булса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди; у үлимдан кўрқмас, ёши саксонга етган булса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тұла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазаҳ ва ёлғонни ёқтиримас, ўйин-кулгию кўнгил хушликка майлсиз, гарчи (сузда) үзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, ростгўйлик унга ёқар эди, у

(булиб) утган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил буладиган (ютуқ)дан шодланмас эди.

Амир Темур тамғасининг нақши «rosti rasti» булиб, бу «ҳақгўй булсанг, нажот топасан» демакдир. Унинг отларидаги тамга, тангаю тиллоларига зарб бериладиган (асосий) белги ҳам мана шундай уч ҳалқадан иборат эди. Купинча унинг мажлисида уятсиз сұзлар, қон түкиш, асир олиш, нахбу горат қилиш ва хотин-халаж (хақи)га ҳақорат гаплар булмасди. Амир Темур қурқмас, шижаатли, ботир кишиларни итоат қылдырувчан булиб, жасоратли (киши)ларни, довюрак ва мардларни ёқтирап эди. У улар ёрдамида даҳшатли жойлар қулфларини фатҳ этиб, одамлар шерларини улжаб қиласы, улар зарбалари билан баланд тоғлар чүк-қиласын забт қиласы. У бехато (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз (даражада) баҳтли, улутворлыги (узига) мувофиқ, қатый азму қарор билан сұзловчы, (бошига) қулфат тушганды ҳам ҳақгўй (киши) эди.

У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб қилаған, зимдан қарааш ва куз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков булиб, ҳар бир ишоратдан огох киши булиб, юз берадиган барча ишни куриб-билиб турады. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби утмас, уз фаросати билан ҳақгўй ва ёлғончини ахратар эди. Уз зийраклиги тажрибаси билан чин (ҳақ) насиҳаттўйдан сохта (насиҳаттўйни) идрок этар; уз афкори билан сал булмаса «учар юлдуз»ни тўғри йўлга бошқарар, уз фаросати мулоҳазалари билан ҳар бир бехато сайёра уқини уз орқасидан эргаштирап эди. Мен дедим: «Гуё қаровчи курганини уз кўзи билан мушоҳада этгани каби у акт кўзи билан барча ишлар оқибатининг мушоҳадидир. Агар у бирор нарсани амр қиласа ёки бир нарсага ишорат қиласа, у ундан асло қайтмасди ёки у бирор нарсага қасдланса, беқарорлик, енгилтаклиқ ва сусткашликка мансуб булмаслик учун уз қатъияти жиловини у нарсадан сира бурмасди. «Мен дедим: Агар у бир сўз айтса ёки бир нарсага ишорат қиласа, Унинг амрини шу (иш) хусусида узилкесил фармон деб билавер».

Унинг лақабларини қўшганларида Темурни етти иқлим соҳибқирони, еру сувни идора қиладиган (зот), подшоҳлару султонлар жаҳонгири деб атардилар.

Бўлим

Темур олимларга меҳрибон булиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тула-тўкис иззат-икром кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам куради. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз эҳтирому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёярдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдикси, бу баҳсида инсофу ҳишмат бўларди. Ўнинг лутфи ҳаҳри ичига қорилган булиб, гализлиги эзгулиги орасига қушилган эди. Шеър:

Кудратни жам қўйлан икки хил там унда булиб,
Гуё у хурсандчилик ҳам, хафачилик ҳам эди.

Яна айтилган: Душманларга нисбатан аччиқ юзли, кескин, Дустлари учун асал сингари ширин (суз) у, хуштаъб эди.

Темур ҳар қандай хунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва хосият булса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди. У табиатан масхарабоз ва шоирларни ёқтирмас, мунажжиму табибларни (узига) яқин тутиб, уларнинг фикрларига зътибор қиласа ва сузларини тингларди. Ўз фикрини пешлаш мақсадида у муттасил шатранж уйнарди. Ўнинг ҳиммати кичик шатранж (уйнаш)дан олий булиб, у ҳар доим катта шатранж уйнарди. Бу шатранж тахтасининг эни ун бир (хона), буйи ун (хона)дан иборат эди. Унда ортиқча икки түя, икки жираф, икки талийъа (олдинги), икки зубаба (чивин), вазир ва булардан бошқа ортиқча тошлилар булиб, унинг (аник) суврати кейинроқ келади. Кичик шатранж катта шатранжга нисбатан арзимас нарсадир. Темур тарих (китоб)лари, худонинг раҳмати ва саломи бўлгур анбиёлар қиссаларини, подшоҳлар сийратлари ва ўтган салафлар ҳақидаги ҳикояларни доимо — сафарда ҳам, хадарда ҳам — ўқитиб, қунт билан тинглар эди. Буларнинг ҳаммаси форс тилида эди. Ушбу ҳикоятларнинг қайта-қайта такрорланиб ўқилиши, улар нағмаларининг унинг қулогига муттасил чалиниши натижасида Темур у (ҳикоят)лар жиловини обдон қўлига олиб, батамом узлаштириб, гуё ўз мулки мисоли қилиб олган эди. Бу шу даражага бориб етгандики, агар ўқиётган киши бирор хатога йул қўйса, Темур унинг хатосини тузатиб, савобга қо-

лар эди, чунончи (ортиқча) такрор ҳар қандай шахсни ҳам фақиҳ қилиб юборади...

Булим

Амир Темур тенги йўқ феъл-атворли, чукур мулҳазали киши булиб, унинг тафаккур дентизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тогига на текислигу, на гадир-будир орқали йўл топиларди. У уз худудлари-нинг барча томонларида уз айқоғчиларини тарқатиб, қолган мулкларида эса жосуслар кўйган эди. Улар (жосуслар) жумласидан, унинг амалдорларидан бири амир Атламиш булса, яна бири фақир фақиҳ Масъуд Кужжоний — у Темур девони асҳобларининг кўзи эди. (Жосусларнинг) буниси Коҳирада, Муизияда булса, униси Дамашкда, Шамийсоядаги суфийлардан бири эди. Уларнинг бири чаканафуруш булса, иккинчиси йирик савдогар, бадхулқ полвон ва бузуки дорбоз, жафокор ва хунарманд, мунажжим ва уз табиатича иш қиласиданлар, гапчиноз қаландарлару жаҳонгашта дарвешлар, дентизчиmallоҳлару куруқлик (ер)даги сайеҳлар, зарофатли мешкоблар, латофатли этикдўзлар, алвасти ва ҳийлакор Далла мисоли фирибгар кампирлар, тажрибаси булиб, илм талабида магрибу машриқни кезган, пайига тушган мақсад йулида макр-ҳийла маконида камолига етган, узининг нозик фириби ва даҳоси билан сув билан олов, түгрилик билан эгрилик ургасида униб-усган, макру ҳийлада Сосон ва Абу Зейддан ҳам утиб кетган, уз ҳикмати ва баҳсида Ибн Синони ҳам мулзам қилган, (қачонки уйлаган) ишлари узларига тескари натижа бергач, улар уз сўзамолликлари билан юнонликларни ҳам сукутга солган, икки мухолифни бир-бирига бириттириб, икки душманни бир-бирига қўшиган (уддабурон) киши эдилар. Мен шеър айтдим:

Адоват учун ҳар қандай қўшин сургандан устун чиқди,
Суз билан узоқни яқин қилди.
Қўмондонликда ақл ва нақлни бирга қўшли,
Ошиққа йўл курсатиб, маъшукни (тугри) изга йуллади.

Натижада, у (жосуслар) чор-атрофда булаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, узлари афзал кўрган ишларини унга баён этардилар. Улар вазнлари, нарху наволари тўгрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Улар-

нинг текис ва нотекис жойларининг суратини келтириб, уйлари ва диёрлари уринларини чизиб курсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқин ёки узок, тор ёки кенглиги, уларнинг қайси теварак-атрофда, гарб ёки шарқдами (эканлигини), шаҳарлар ва қишлоқларнинг исмларини, манзил ва паноҳжойлар номларини, ҳар бир жойнинг аҳлию бошлиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларию ғақирларини, уларнинг ҳар бирининг исми ва лақабини, шуҳрати ва наасабини, уларнинг ҳунари ва (Эга бўлган) воситаларини (тўла-тўқис) баён қиласидилар. Натижада Темур уз фикри билан шу (нарса)ларни яққол куриб, тафаккури воситасида уз ерларидан хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди. Мабодо у бирор шаҳарда қўниб, шу шаҳар аъёнларидан бири билан сұхбатлашса, у дарҳол фалону фулон тўгрисида, фалон киши билан фалон вақти содир бўлган ҳодисанинг қай тарзда булганини ва уша воқеанинг нимага бориб тақалғанлигини, фалон билан фулон уртасида низо тушганда, улар қандай иш туттганлигини суриштира бошларди. Шунда уша сұхбатдошининг назарини шу воқеалар юз берган пайтда Темур ҳозир (бўлган) экан-да, деган фикр қамраб оларди. Кўпинча Темур уз сұхбатдошига чалкаш масалаларни ташлар, (уларга) ораларида булиб утган мунозаралару мукотобалар тафсилотини (уз аслидай) ҳикоя қиласидилар. Улар гўё Темур уша булиб утган воқеалардан олдиндан воқиф ёки булмаса, бу хабарларнинг ҳаммасини уз олимлари орқали билади, деб тасаввур қиласидилар. Шу сабабли ҳам баъзи кишилар Темурни Соларияда истиқомат қилган деб уйласа, баъзи лоғчилар ҳатто уни Шамийсоя ғақирлари орасида кўрганлигини ҳам ҳикоя қиласидилар.

Бўлим

Амир Темурнинг идроклилиги тўгрисида ҳикоя қилганларидан: қачонки у Сивос яқинига келиб тушганда — у (Сивос)ни ботир ва шиддатли қүшинлар мустаҳкам қуриқлаб тургандилар — уз аскарига: «Ҳийла ишлатинглар, биз бу (қалья)ни ўн саккиз кечада фатҳ қиласиз» — деди. Натижада мана шу тарзда бўлди. Шунингдек, ҳеч шубҳа йўқки, бу инсон (тангрин томонидан) илҳомланган ва аста-секин даражаси ошадиган (киши) эди. У (одамларни) чалгитиш қоби-

шнигига эга булиб, ҳаракатларида шицдатлилик (асали) бор эди. Агар унинг бошига бехосдан бир (мушкүл) иш тушса, у узини гө ушбу ишканга марғуб курсатиб, (аслида) уни даф қилишга киришарди. Күпинча у бирор нарсанни қулга киритишни бажонидиң истаса ҳам уз рагбатини тийиб, изҳор қиласди. Буларнинг ҳаммасига қанчадан-қанча мисоллар (илгари) утди. Унинг (одамларни) чалкаштиришидан (бир мисол) шуки, агар унда бирор маконга нисбатан хоҳиш туғилса ёки бирон қавм майдонига тушишни истаб қояса, хуфялик ва бекинишга юз қўйиб, қалбаки ҳаракат ва узини гўлликка солини талаб этарди. Унинг аскар денгизи эса жосуслик қилувчи тимсоҳ ёки сезгир чигирткадан холи бўлмасди. Агар унинг аскари ичида биронта «куз» бўлмаса, (унда) қўёшнинг чиқиши кузлик кишига сир эмасдир. — У ўз давлати арконларини, мамлакати аъёнларини, уз мулоҳаза ва машварат эгаси бўлган кишиларининг бирортасини ҳам қолдирмасдан бир жойга туплардики, бунда бола отанинг, ота эса боланинг урнини босолмасди. Сунгра уларга махфий тутган масаласини зоҳир қилиб, қайси томонга юриш ҳақида (улардан) маслаҳат сўрар ҳамда гап жиловини уларга ташлаб қўйиб: «Жамоанинг хос қисми бу масалага чукур қараб, бир кун билан бир йил орасидаги ишлар оқибатини кузлаб гапирса унинг гуноҳи йўқ. Майли, ҳар кимса хато-нинг энг қуйисигача йиқилса ҳам ёки савобнинг чўққисига кутарилса ҳам — фарқи йўқ, ҳеч бир торгин-масдан гапираверсин. Чунки агар хато қиласа, бу нуқсон эмас, агар мақсадга мувофиқ бўлса, унга икки ҳисса мукофот», — деярди. Шунда ҳар ким ўз жидду жаҳдини сарфлаб, бу масалада мақсади ва меҳнатини курсатиб, ўз ижтиҳоди берган натижасини намоён қиласар, ўйлаган фикри Темур муродига мувофиқ деб тасаввур этарди. Шу тарзда ҳамма фикрлар тупланиб, бир томонга қараб юришга иттифоқ бўлгач, ушбу мажлис (ахли) тарқаларди. (Бундан кейин) у ўзининг Сулаймоншоҳ, Қамарий, Сайфуддин, Оллоҳдод, Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддин каби яқин кишилари билан мажлис қуриб, масалани қайтадан ҳар томонлама бағоят пухта ўйлардилар ва ҳамма йулларини диққат билан муҳокама қиласдилар. Ниҳоят, бир томонга юриш қилиш тұғрисида иттифоқ воқеаъ бўларди. Кейин Темур бу масалада ўзининг йулбошловчи, раҳбару бошлиқларини чақириб, уша (аввал) келишилган

томонга қараб йул олиб, (фақат) бошқа тарафга қараб тарқалишларини амр қиласарди. Қачонки зулмат уз чодирини бузиб, субҳ бошловчиси уз байроқларини ёйгач ва жұнаш учун ногора чалиниб, одамлар уз юкларини ортиб боришга келишилиб, амр қилинган томонга равона бұлғанларида, Темур уз ҳошияларини чақириб — улар ҳам уз юкларини ортиб, жұнай бошлаганларидан кейин — (одамлардан) ажралишларини ва бошқа томонга қараб юришларини амр қиласарди. Масаланинг ойдиналиги (қайси томонга юрищ) жамоага фақат шу онда аён булар эди. Агар зарурат бұлмаса, бориладиган жойни сира ҳам ошкор қылмас ва уз дилидаги (фикр)ни биронтага ҳам очық билдирмасди. Одамлар у томонга кетса, Темур бу томонга, аскарлар гарбга юрса, Темур шарққа юрарди. Натижада, уша тоғлар (аскарлар) изтиробга тушиб, парокандалик булар, улар низомлари тутуни тарқаб, сал бұлмаса тартиби түзіб кетарди. Улар уловларининг оёқлари юришдан бушашыб, боғланиб қоларди. Одамлардан баъзилари бошқа баъзилари устига мавж уриб, улар осмонни ерда энини бүйіда қилиб тескари тушунардилар. Ҳар кимса идрокини йүқотиб, ақлдан озар ва қаерга боришини билмай қоларди. Агар унинг аскари ичида (душманнинг) хабарчиси ёки аскарнинг боришкалишини кузатиб юрувчи киши бұлса, у дархол аскарларнинг юкларини ортиб құзғалиб, юра бошлаганини күрган захотиәк уз маҳдумига қараб (қүшдай) учтаб бориб, унга үзиге маълум бұлган хабарни — яни иттифоқ бұлган томонга қараб Темур аскарларининг отланиб жұнаганини уз кузи билан мушоҳада этғанлигини изҳор қиласарди. Шунда аскарлар жұнаган томон аҳли уз әхтиёткорлигини күриб, бошқа томонлар эса ҳар хил күлфатлардан узларини бехатар сезардилар. Улар фақаттана Темур (кейин) қасд қылған томонни яксонлаб, вайрон қылғандан ва улар устига ёнаётган олов азобидан аланса чүелар ташлагандан кейингина воқиға бұлардилар.

Темур қанчадан-қанча даҳо ва хуфена фикру заковатта эга инсон эди! Шулар жумласидан: Темур Шомда бұлиб, ислом аскарлари унга қарши турғанда, у уз қүшини ҳалқасини бушашыди, деб ишоат тарқатиб, озрок орқага сурилиб чекинди ҳамда отларисо одамларининг емишга муҳтоҗлиги учун үзини энди Бағдод томонга жұнайди, деган хабарни ейди. Сүнгра бу ишнинг натижаси Миср аскарларининг мағлубияти би-

лан тутади. Бундан унинг максади, рақиблар хотирларини жамлаш, бошлиқларию авомларини (бир жойда) барқарор этиш, улардан ҳар бирининг ўзи тутган (макон)ида булиб, (уз) жойида туриб, қочмасдан ҳаммалари унинг домига ўралиб, барчалари унинг сайдига айланиши учун қилинар эди.

Унинг азму қарорларининг шиддатидан, ўзи қасд қилганига нисбатан саботининг қатъиятидан ҳамда унга қаршилик билдирган ва у буюрганга тескари, зидлик кўрсатган (киши)лар устига қососи тушиши ҳақида ҳикоя қилганиларидан:

Қачонки у үз кўшини билан Ҳинд мамлакатига отланганда, у баланд бир қалъага етиб борники, қалъа дарвозалари қулоқларига дур сиргалари осилган, бехато нишонга етувчи учар юлдузлар қалъа латофатли ўқларининг тўғри отилишидан таълим олган, гуё Баҳром ҳавога учишидан унинг ханжаридан бири, Кайвон уз сайрида у қалъа посбонлари ходими (мисоли) эди. (Гуё) Қуёш уз чўққисига кўтарилганда қалъа манглайидаги бир гуррадек, булут қатралари қалъа булоги қаъридан сузилиб, тозаланиб қўйилаётгандек, (гуё) қизил шафақ қалъа дарвозалари қулоқларидан унинг баданлари бурунларида чодирлар (каби), яшил қубба юлдузлари парчалари қалъа куз сурмадонлари ва ундаги тўплар оғизлари учун тараша (чукмор) ва милтиқларицир. Қалъада бир тоифа довюрак, кўркмас ҳиндлар булиб, улар қалъа аҳлини ва хавотир олган нарсаларини жамлаб, мустаҳкам жойларга жунатиб, узлари ўша қалъянинг ичидаги туриб уни сақлаб туравердилар. Ушбу тоифа озчилик ва арзимас туда булиш билан бир қаторда, уларда на бойлигу, на озиқ-овқат бор булиб, балки зиёну заҳматлардан булак ҳеч қандай «фойда» йўқ эди. На жанг қилиш учун қалъа (яқини)га йўл, на унинг атрофларида улар учун на тунда ухлайдиган, на кундузи ором оладиган жойи булмай, фақат ушбу қалъа жангчилари бошидаги (як-каю-ягона) соябон мисоли эди. Натижада Темур қалъани қуршаб, уруш қилиб уни олмай утиб кетишдан воз кечди. «Ростдан ҳам ақл-идрокли киши уз орқасида рақибига қўргон қолдирмайди». (Ҳиндалар) гурухи узоқдан жант қилиб, тўқнашишини бошлаб, қалъа аҳлидан ҳар бири ўз хоҳишича ва қай тарзда истаганича Темур одамлари устига ўлим воситаларини тўкардиларки, ҳар куни Темур аскарларидан беҳисоб даражада қатлга етказиларди.

Бу билан қалъа ўз қаршилиги ва исёнини зиёда этар, Темур эса ундан ўз ниятига эришмай қайтиб кетишни рад қиласади. Сунгра, мұхосара күнларининг бирида ёмғир қуйиб, бу ёмғир туфайли Темур аскарлари илгарилаб юра олмай қолдилар. Темур уларни жантта даъват этиб, шу дамда аскари нима билан машғул эканини (шахсан) курмоқ учун отланди. Шунда улар ҳаракатида сезилган күркиш ва журъатсизликдан Темур норози бүлди. Натижада, амирлар бошлиқларини, аскар бошлиқларинио акобирларини (уз хузырига) келтириб, улар исмати терисини ўз сүкиш ханжари билан парчалаб, ҳурмат пардаларини эса ўз лаънатию койиши чангллари билан йирта бошлади. Шайтон унинг димогига (ногоҳ) дам уриб, Темур ўз қаҳру газаби оловларини улар устида алангалатиб, деди: «Э, пасткаш ҳаромхұрлар! Сиз менинг неъматларимни унугиб, ганимларимга нисбатан саботсизлик курсатяпсиз! Неъматларимни тангри сизга увол қилиб, (уша) неъматлар ношукурлигига жафою жазо билан сизнинг таъзириңгизни берсін! Э виждонсиз, гунохкору нозу неъматта ношукурлар, ҳиммати пасту интиқомга сазоворлар! Менинг шижаатим қадамлари ёрдамида сиз подшоқлар бүйинларини топтамаганмидингиз? Менинг әхсону икромларим қанотлари билан дуне үфқлари томон учмаганмидингиз? Еки (менинг) савлатим шамшири билан бекик құргонларни фатх этиб, давлатим паноҳида сизнинг ҳукмнинг подалари барча иқлиmlар бүстонларida бемалол үтламаганмиди? Мен туфайли дуненинг машриқи магрибига эга булиб, у жойларнинг музлаганини эритиб, эриганини музлатдингиз.

Шеър:

Мен душманиңгизни құйдираған олов эмасманми?
Сизлар сиғинағадын тепаликлардан бир құрғон эмасманми?

Үнг қули билан сизга хайрини ёйиб, чап қули билан сиздан ёмонликни қайтарған инсон мен эмасманми?

(Шу зайлда) у ўз норозилигини изҳор этиб (тұхтамасдан) давом этар, улар эса сукутга толиб, жавоб беришга ҳамда унинг «сүзини булиб, хитоб қилишга ҳам ботина олмасдилар». Унинг газаби кучайиб, шиддатидан бүғилиб тұлғанарди. Сунгра чап қули билан қиличини үйнатиб, уша одамлар бошига қараб ҳавола қилди. Улар эса шу тарздаги хұрлигу тубанликка узла-

рини фидо айлаб, «бошларини қуйи эгиб» турардилар. Шундан кейин (Темур) бир оз ҳовуридан тушиб, ўзини тутди, бирқадар босилиб, хотирини жамлади ва уларни жазолаш фикридан қайтиб, қиличини қинига солди. Ўз амрида на олдинга юриш, на орқага қайтиш: на унгга бориш, на чапга ҳайдаш ҳақида ҳеч нарса айтмасдан отидан тушиб, ўйнаш учун катта шатранж чакиртириди.

Темурнинг ёнида Мұхаммад Қовчин исмли бир шахс булиб, унинг ҳузурида мустаҳкам урину ишончли мақомга эга ҳурматли киши эди. У барча вазирлардан муқаддам қўйилган, бошқа амирларга нисбатан ҳурмати юқори, гапи тингланадиган, фикри қабул буладиган, гоятда мулоим, шакли-шамойили ёқимли эди. Натижада, у (мискин)лар Мұхаммад Қовчиндан шафоат сураб, бу ишканни ҳал қилишда унга таяндилар. Улар: «уз сўзинг биланми, ёнки (мехрли) боқишинг биланми, бизга кўмаклашиб, биз билан шу маънода иш тутгин», — дедилар:

Мен дедим:

Уз мавқеинг билан сенга мухтож кишига ёрдам қил,
Чунки мавқе муруввати мол-дунё мурувватидан устундир.

Яна айтилган:

Дустнинг дўстга энг яхши хайр-эҳсони енгил ва осон нарсадан бир-бирига (тортинмай) сўзлаши.

Яна айтилган: «Агар киши менга сўз билан берадиган фойдасига баҳиллик қилиб, дустлигига гов бўлса, албатта у баҳилдир». Натижада, Мұхаммад Қовчин улар илтимосига рози булиб, ушбу (қалъани олишдек) мушкул масаладан Темурни қайтаришни ўзига лозим деб билиб, бу ишга бел боғлади ва бу фикрни Темурга айтиш учун муносиб мақом кутиб, кулагай фурсат пойлади. Темурнинг фикри-зикрини эса қалъя масаласи жавлон уриб, чулғаб олдики, у аскарлар нурларини нурлантириб, (қалъани олиш фикри билан) улар фикрларини алангандири бошлади. Ҳар бир аскарнинг унинг раъйини маъқул топиб, тўғри деб ҳисобланган фикрни қабул қилишдан бошқа иложи бўлмади. Шундай пайтларнинг бирида Мұхаммад Қовчин иттифоқо деди: дарҳақиқат, тақдир уни (йўлидан) адаштириб, ҳар томондан уни мусибат оғатлари үраб олган эди: «Тангри мавлоно Амирнинг умрини боқий қилгай, унинг мулоҳазалари ва байроқлари калитлари билан ҳар бир мушкул масала қўргони очилгай! Фараз

қилайлик, бирмунча ботири мардларимизни курбон бергач (биз) бу қальани фатҳ этамиш. Бу (қалья) уша (курбон)ни қоплайдими? Еки бўлмаса, бундан оладиган фойдамиз (ундан) чеккан азиятимизга баробар келадими?»

Унинг хитобига Темур эътибор қилмади ва жавоб ҳам, рад ҳам этмади, балки Марқадориядан Ҳиромалик деган манзари қабиҳ, хунук ҳолатда булган бир кимсани чақиртириб келтирди. У сассиқ терли, юзи қоракуядек қора, ошхонадаги кишидан кўра ҳам ифлос, қушхонадагидан ҳам кўра баттар бадхуй ҳидли, итнинг сўлаги унинг теридан тозароқ, қатрон шарбати унинг (ичадиган) шўрвасига нисбатан сутдек (ок) эди. Қачонки у Темур ҳузурига келиб, (соҳибқирон) назари Ҳиромаликка тушгач, Муҳаммад Қовчиннинг кийимларини ечишга амр қилди, дарҳол унинг кийимлари ечилди, (шунингдек) Ҳиромаликнинг ҳам жулдур кийимларини ечишга буюрди. Сунгра улар (икковлари)га бир бирининг кийимларини (алмаштириб) кийгизди ва Муҳаммад Қовчиннинг белини Ҳиромалик айили билан тортиб боғлатди. (Кейин) Муҳаммаднинг девонларию мубоширларини, унинг жонлию жонсиз (мол дунё)сини забт этувчилари ва котибларини чақирди. Улар орқали унинг мавжуд чорвасию улик моллари, суюқ ва қаттиқ (яъни тилло-танга ва латта-путта), ер-сув ва мулки, аҳлию диёри, араб ва ажамдан бўлмасин, хизматкору малайлари, вақф ва иқтоълари, боф-рөгларию яйловлари, қул ва тобеълари, оту таялари, юқ ва қимматбаҳо буюмлари, ҳаттони хотинларию канизаклари, қуллари ва жорияларининг (ҳаммасини) суриштириб, аниқлади ва мана шу ифлос (Ҳиромалик)га инъом қилди.

Натижада, Муҳаммад Қовчин вужудининг кундузи тунга айланиб, у ушбу неъмат кечасидан (ҳам) тұла-түкис маҳрум булди. Кейин Темур:

— Тангри номи (билан), унинг оятлари, калималари сифатлари, еру самолари, ҳар бир пайғамбару унинг мұъжизалари, ҳар бир валию (унинг) қароматлари ва у кимсанинг бошию жони билан қасамёд қиласанки, агар кимда-ким Муҳаммад Қовчин билан бирга овқатланса ёки бирғалашиб сув ичиб, у билан (бирга) юрса, ёинки у билан дүстлашиб, унга садоқат изҳор қилса, ёинки ундан бошпана изласа, ёки унга паноҳгоҳ берса, ёинки унинг хусусида менга мурожаат қилса, ёинки мендан у ҳақида шаффоат сураб,

уни маъзур куриш билан машгул бўлса, дарҳол мен у (киши)ни худди унга ухшатиб, унинг куйига соламан,— деди. Сунгра уни ҳайдаб чиқартириди ва (бутун) эзгуликларини шилиб олиб, уни танг аҳволга солди. Натижада, Муҳаммад Қовчиннинг (бутун) неъматлари таланиб, у Темур интиқоми балоларига гирифтор булди. Унинг буйнидан сувраб тортилар, у (Муҳаммад Қовчин) уз бойликларини халойиқнинг энг арзимагани (Ҳирлемалик) устила курди; узидан бошқа бойлигига эга булиб, ундан мол-дунё йироклашиб, натижада, унинг юрак-бағри пора-пора булди.

Муҳаммад Қовчин шу зайлда аччиқ ҳаёту қатрондек қора умрда давом этии Магарам, унинг қиссаси ҳам Кааб ибн Моликнинг қиссасига ухшаб кетди. У (бунақа ҳаётдан) улим аламини афзал куриб, бу дунёдан кетиш ишорасини сабрсизлик билан кутарди. Бу ғамгинликнинг ҳар бир лаҳзаси унинг учун мингта қилич зарбасидан ҳам оғир эди. Қачонки Темур вағот этғач, Ҳалил Султон Муҳаммад Қовчинни (қайтадан) тирилтириб, бобоси шилиб олган (нарса)ларни унинг узига қайтарди.

Бўлим

Темурнинг магрурлиги ва улугворлигидан, такаббурлик, димогдорлик ва ҳурматининг шиддатидан шу нарсалар маълумки, теварак-атроф подшоҳлари ва сultonлари гарчи хутбада мустақил ва пул зарб этишда мустабид, риёсат ва бошқарувда ягона, идора (қилиш) ва сиёсат ишлари билан (узларича) машгул бўла туриб, худди Ширвон срларининг подшоҳи Шайх Йироҳим, Ҳурросон вилоятлари сultonи Ҳожа Али Ибн Мауайядат-Тусий, Исфандиёр, ар-Румий ва Ибн Қарамон, Кирмон ҳокими Яқуб Ибн Али Шоҳ, у ҳам Мантапю ҳокими, Арзинжон амири Таҳартон, Форс ва Озарбайжон сultonлари, Даشت, Хитой ва Туркистон подшоҳлари, Бадахшон марозибалари ва Мозандарон марожиҳалари, хулласи калом, Эрон ва Турон подшоҳларидан (Темурга) итоат қилганлар унинг хузурнига келиб, ҳадя ва тухфалар тақдим этсалар, хизматкор ва қуълик остоналарида унинг чодирларидан кузга чалинадиган жойда адаб ва ҳурмат шартларини адо этиб утирадилар. Башарти, Темур улардан биронгасини (куришни) ирова этса, фаррошлардан бирини унга юборар ёки улар тарафига чопарини жуна-

тар эди. Шунда уша чопар туриб, гуе баридга үхшаб чопиб борар ва узокроқ жойдан уша (матлуб) кимсанинг отини тутиб: «Эфалон!» — деб нидо қиласади. Дарҳол уша чақирилган киши хабарчининг нидосига «лаббай» деган ҳолда ўрнидан турар ва ўз этакларига қоқила-қоқила, ўзига содир бўлган фармонларга қабулу иқбол келтириб, итоат ва қултук билдириб бошини эгтан, тинглаш ва қулоқ солиш учун қулоқларини тутган ҳолда (Темур) уни яқин тутиб, унга илтифот қилиб, ҳузурига чақирганлигидан ўз тенгдошлари олдида фахрланган тарзда Темур томонга югурап эди.

Айтишларича, кунлардан бир кун Темур жамоасидан бир гуруҳ одамлар нард ўйнардилар. Улар икки гурухга булинган бўлиб, икки тупиқ нақши устида урталарида ихтилоф чиқкан. Шунда ўйинчилардан бири: «Амир Темур боши билан қасамёд қиласманки, тўпиқларнинг нақши мана шундай тарзда эди», — деди. Шу заҳоти унинг рақиби қулини кутариб, уни бир шапалоқ урди ва уни койиб лаънатлаб сукди. (Қасам ичган) киши рақибининг наздида, гуе Яҳъёни сўйиб, Закариёни арралагандек, ёки Муҳаммадни коғир айлаб, одам Отадан Мусони муқаддам қўйгандек бўлдики, у деди: «Э, гуноҳкорнинг боласию кирчи (хотин)нинг ўгли кирчи! Сенинг хурматсизлигинг Амир Темурни зикр қилиб, унинг номини оғизга олиш даражасигача (бориб) етди. Темур боши билан қасам ичиш у ёқда турсин, унинг чориги товонига лунжингни қўйишга ҳам сенга йўл бўлсин! Зеро, у, сену, менга үхшаганлар учун унинг исмини тилга олиш ёки унинг чизган чизифио курсатмаси ҳақида бир лафз айтишдан гоятда юқори туради. У Магрибу Машриққа эгалик қилган Кайхусрав, Кайковус ва Кайкубоддан улугвор, Бухтанинар ва Шаддоддан кўра ҳам савлатлидир.

Айтишларича, кунларнинг бирида Темур сайд қилмоқни истаб, ўз одатига кўра ўнту чап (томон)га кўшин ва аскар тўдаларини юбориб, пиёдаларининг ана у майдонларга, отлиқларининг мана бу қишлоқлару адирларга чиқишлиарини ҳамда жилгаю текисликларга чўзилиб, сийлишиларини буюрган. Қачонки (у далалардаги) ваҳшийларни фириб ҳалқаси сиқиб (ураб) олиб, рамо (отмоқ) ва асмо (улдирмоқ) «феъл»лари учун Амру Зайд ўзаро низо чиқаришни дуруст буладиган пайтда, ҳеч бир киши овга қараб на зарба, на таъна, на отишга ишорат бермайди, бал-

ки улар ушбу саҳро ҳайвонларини шу ўлим ўчогига қайтариб турадилар. Ҳар ким үзига фармон қилинган (амр)га амал қиласди. Қачонки уша тудалар ва гуруҳлар сафи бир-бирига жислашган бинолар каби терилиб, бу парчаловчи (аскар)лар сафлари у ҳайвонларни гуе ойни (уртага) ураб олган юлдузлар мисоли ураб олгач, ҳайвонлар денгизлари ушбу (куруқлик) жойда мавж урдики, бу тошқин селлар гирдобидан у (ҳайвон)лар учун на чиқадиган, на утадиган жой топилди. Натижада, ҳайвонлар айланниб қузголдилар, ҳайратланиб безовталаандилар, маъраниб талпиндилар ва вагилдасиб фигон қилдилар, дод-фарёд қилганларидан кейин тинчидилар ҳамда доимо уларга кенг булган ерларда сиккидилар. Уша ер байроқларининг хильъатлари шу «ҳайвонлар йигилганда» улар қаторлари билан тикилди. Қачонки у ваҳшийлар шу аҳволда гоят даҳшатли вазиятда эканларида, Темур, ҳар тарафдан ноғораларни уришга, най ва карнайларни чалишга амр қиласди. Шундан кейин косалар урилиб, сурнайлар овози ҳам кутарилиб, бутун олам шовқин-сурон, дод-войга тўлиб кетди; «еру дунё титраб», атроф алғов-далғов булди.

Ҳайвонлар ноғоралар овозини эштиб, ваҳшийлар бу даҳшатли ҳолатни курганда ҳолдан тойиб, утакаси ёрилди, сулайиб, қимир этмай қолдилар. Сунгра бир-бирининг пинжига кириб (бир-бирларига) ёпишдилар ва қиемат-қойим булди, деб тасаввур қилдилар, баъзилари баъзиларининг бўйнидан қучоқлаб ухладилар, хўқизлар (урғочи) шерларни қучоқлади, шер эса кийик билан (бирга) ётди, бури эса оҳулар орасига яширинди, тулки қуен болаларига қўшилди, ёввойи эчки туюқушдан паноҳ тиласа, қуен қиргийдан ёрдам сўради, калтакесак катта балиқдан, қўшоёқ қаргадан мадад истади. Ана шу дамда Темур уз авлоди ва амирларининг болаларию набираларига ҳеч бир иккиланмасдан истаганини (у ҳайвонлардан) отишни, шилишни, улдиришни буюриб, узи эса уларга назар солиб, (уларнинг ишларини) томоша қила бошлади. Уларнинг ҳаракату ҳолатларини куриб, қаҳқаҳа отиб кулар, уларни олга ундан, курашга чорлар, бу билан гуе ботирларни ов қилишга журъатлантиради. Аскар ҳошиялари улар улдириган овларни тутатиб, купайтирган ўлжаларини йигиштира бошладилар.

Темур тараннум қилиб (ушбуни) нашида этарди:

(Үзга) подшоҳлар қуёну тулкиларни овлашади,
агар ман отлансам овим (душман) ботирларири.

Бўлим

Темурга Балахшондан балҳаш, Нишонурдан феруза, Хуросон маъданларидан, Ҳиндан ёқут, ундан (Ҳиндан) ва Синдан олмос, Ҳурмуздан марварид, Ҳитойдан духоба, баҳмая, муъик ва бошқа ашёлар, холис кумуш ва соғ өлтин бошқа мамлакатлардан олиб келинарди.

Бўлим

Темур Самарқандда кўпдан-кўп бўстонлар барпо қилиб, баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёл этди. Уларнинг ҳар қайсиси гаробатли тартибда, кўркам ва ажаб сувратда эди. Бўстонлар асосини мустаҳкам қилиб, фаҳоматли мевали кўчатлар билан уларни безади. Улардан бирини Эрам боги, иккинчисини Дунё зийнати, яна бошқасини Фирдавс жаннати, унисини Шимол боги, бунисини Олий жаннат деб атади. Шунингдек, баъзи жойларни буздириб, у бўстонлардан ҳар бири ичидаги қаср курдирди. Бу қасрларнинг қай бирига уз мажлисларини, уз суратини турли шаклларда: бирида кулиб турган, иккинчисида қаҳрланган, узи қилган жанглар тасвирини; расмий тантаналардаги суратларини, подшоҳлар, амирлар, сайдиллар, уламолар ва улуғлар билан сұхбат қурган мажлисларини; сultonларнинг унинг ҳузурида қўл қовушириб турғиларини, хизмат юзасидан болға мамлакатлардан ҳузурига келган уларнинг подшоҳу сultonларининг вакилларини, Ҳинд, Дасти (Қипчок) ва Ажам жангларию уз зафарлари суратини, душманларининг қай аҳволда снгилиб қочганини; уз авлодлари, набиралари, амирлари, қушиналари сувратларини, айшу ишрат мажлислари ва шароблари қадаҳларию соқийларини, уз улфату қушиқчиларининг, турли мақомдаги газалхонлик куйчиларининг, ҳузуридаги севгилиларию (никоҳидаги) пок хонимларнинг ва булардан бошқа унинг бир-бирига ухшаб, уланиб кетган. Унинг бутун умри мобайнida узга мамлакатларда воқеъ бўлган ҳодисалар сувратларини тасвирлатди. Булар ҳаммаси ҳеч бир зиёдасиз, қай тарзда юз берган

булса, шундайлигича акс эттирилди. Бундан мақсади: узининг ишларидан гойибона хабардор булиб, уларни уз кузи билан мушоҳада этмаганларга яққол намоён қилиб курсатиш эди.

Агар Темур бирор томонга отланиб, Самарқанд, (унинг) қушиналари ёрдамчиларидан холи булиб, уша бустонлар буш қолса, шаҳар аҳлидан бадавлату мискинлар у (бустон)ларга қараб йўл олардилар. Чунки бу боғлардан кура яхши ва ажойиб дам оладиган, булардан кўра роҳатланишга мувофиқроқ ва осойиштароқ жой йўқ эди. Боглардаги ширин, мазали мева-лар эса барчага баббаравар (текин) эди. Чунки мевалардан бир қантори ҳам арзимаган баҳога булса-да, сотилмасди. Шунингдек, Темур Самарқанднинг атрофлари ва этакларида бир неча қасабалар бунёд қилиб, уларни шаҳарлар келинчаклари бўлган Миср (Қоҳира), Дамашқ, Бағдод, Султония, Шероз каби азим ва марказий шаҳарлар номи билан атади. Самарқанд билан Кеш (Шахрисабз) ургасида бир бустон барпо этиб, унида бир қаср қурдирди ва уни Тахта Қарача деб атади. Ҳикоя қиласидиларки, қаср қурувчи-ларидан бирорининг бияси йўқолиб, олти ой шу бустонда утлаб юргандан кейин уни топиб олган.

Бўлим

Унинг хотинларидан энг муқаддами ва баркамоли Катта Малика (Сарой Мулк хоним), энг хусндори ва соҳибжамоли Кичик Малика (Туқал хоним) булиб, улар иккаласи ҳам Хитой подшоҳларининг қизларидан эди. (Яна) шу китобнинг аввалида зикри ўтган Нахшаб амири амир Мусонинг қизи Тумон, шунингдек, баркамолликда тўлун ойдек булиб, гурубига яқинлашган қуёш мисоли Чўлпон эди. Воқеъ бўлмаган бир иш хабари (кулогига) етганда Темур (узи) ҳаёт вақтида уни қатлга тортади. Уша воқеа хоҳ елғон булса ҳам Темур уни (тугри деб) қабул қилган. Ўйлайманки, у (хотин)нинг гуноҳи бўлган. Аммо жория ва маъшуқалари эса сонсиз-саноқсиз кўп эдилар. Уз севгилиси (Халия Султон) учун хавфсираб, Шодмулк зикр қилинган икки маликани заҳарлади. Аввал айтилганидек, Халил Султон Тумонни Сигноққа Шайх Нуриддин (ихтиери)га юборди. Унинг вафотидан кейин Тумон Самарқандга қайтиб келди. Эшитишимча, шу кунларда, яъни 840 (1436—37) йилда у

ҳаж (қилиш)га азм этган; (бу егини) яна оллои таоло билади.

Бўлим

Темурдан кейин унинг пушти камаридан бўлган болаларидан Амирсаншоҳ, юқорида зикр қилиб утилганидек, уни Қора Юсуф улдирди ва шу кунларда ҳокимиятда турган Шоҳруҳ ва Сулаймоншоҳнинг хотини Султон Баҳт деб аталадиган қизи бўлиб, у (Баҳт) ўзини эркакча тутиб, уларни хуш кўрмасди. Бу, Самарқандга келган Бағдол аёлларининг таъсири остида бузилганидан бўлиб, унинг (Баҳтининг) хунук ҳикоятлари бордир. Темур набираларининг кўпчилиги, фақат Шоҳруҳ болаларидан бошқалари инқирозга учради. Набираларининг энг кузга курингани Самарқанд ҳокими Улугбек, Шероз ҳокими Иброҳим Султон, Кермон ҳокими Бойсункур эди. Булар иккаласи ҳам 838 (1434—1435) йилда вафот этди ва Жуқий, қайсики у Қора Юсуф угли Искандарга қарши юриш қилган ва Қорайлук улгандан кейин уни (Искандарни) майдамайда қилди. Бу воқеалар 839 (1435 июль — 1436 июнь) йилning ойларида бўлиб, унинг ўзи шу йилning охирларида вафот топди.

Бўлим

Темурнинг амирлари ва вазирлари ҳисобсиз бўлиб, уларнинг энг машҳурлари ушбу китобда зикр қилинди; ҳозир ҳукм сурасдан амирлару вазирлар учунги авлоддир. Шундай деб менга (марҳум) шайхим Шайх Алоуддин ал-Бухорий — тангри таоло уни раҳмат қилисин — хабар берганди. Унинг девонлари Хожа Маҳлуд иби Шаҳоб ал-Харашибий ва Масъуд ас-Симноний ва Муҳаммад ас-Согиржий, Тожуддин ас-Салмоний Алоуддавла ва Аҳмад ат-Тусий ва бошқалар. Унинг девони муншийси: У (фақат) котиб ус-сир мавлоно Шамсаддиндан иборат бўлиб, у замонасанининг қозиси, (уз) даврининг фозили эди. Иншо хабарларини тузишда у форсий ва арабийда хоҳлаганича тасарруф юритарди. Унинг қалами тиги уз иқлимлари фатҳида маҳдуми (Темур)нинг найзасидан ҳам утқир эди. Темур улгандан кейин (бу ишдан) у ўзини честга олиб, адабиёт бисотини йигиштириди. Шунда унга: Чехралар шодланди, сен ҳам шодланмағсанми? Ишрат соғ бўл-

ди, (сен ҳам) айшу ишрат қилмайсанми? — дедилар. У: «Менинг қийматимни биладиган инсон дунёдан утди ва энди мен бошқалар хизматида ўз ҳурматимни кеткизмайман», — деди.

Темур имоми Абдулжаббор иби Нұймон мұтазилий булиб, мамлакатининг бош қозиларидан мавлоно Қутбиддин ва Хожа Абдумалик, унинг амакисининг уели Хожа Абдуллаввал ва улардан бошқалар; Темурга қисса ва тарихларни ўқувчи (қори)си мавлоно Убайд; унинг табиблари Фазлуллоҳ ва Шомда табобатнинг бошлиги бўлган Жалолуддин ва бошқалар.

Бўлим

Ўз салтанати кунларида Темур Самарқандга фақих, олимлардан мавлоно Абдумаликни — у «Ҳидоя» соҳиби (Бурхонуддин ал-Марғиноний)нинг авлодидан булиб, мударрислик қилас, шатранж ва нард (үйинлари)дан таълим берар ҳамда ягона бир ҳолатда шеър ҳам назм этарди, — Нұймонуддин Хоразмийни — у зикр қилинган Абдулжабборнинг отаси булиб, уни Нұймон иккинчи ҳам дердилар, унинг кўзи ожиз эди ва мавлоно Абдумаликнинг амакиваччаси Хожа Абдуллаввал — уз амакисининг ўғлидан кейин Мовароуннахрда риёсат унга келиб етганди ва амакиваччаси Абдуллавваддан кейин шу кунларда риёсат келиб етган мавлоно Исомуддин иби Абдумаликни ҳосил этган эди. (Темурнинг) муҳаққиқ (олим)ларидан мавлоно Саъдуддин ат-Тафтазоний — у 791 йилнинг мухаррам (1389 йил, январ) ойида Самарқандда вафот этди ва Саййид Шариф Мұхаммад Журжоний у Шерозда вафот этди. Мұхаддис (олим)ларидан Шайх Шамсуддин Мұхаммад иби ал-Жазорий, Темур уни Румдан олиб келган булиб, у фитнадан олдин уз ватани Шомдан Мисрга келган, ундан (Мисрдан) эса Румга қочиб ўтган эди. У Шерозда вафот топди. (Яна) Хожа Мұхаммад аз-Зоҳид ал-Бухорий — улуг тафсирчи, ҳадисшүнос, ҳофиз булиб у Қуръон ул-Каримни юз жилдда тафсир қилган. У, пайғамбар — тангрининг раҳмати ва саломи унга бўлсин — шахари (Макка)да 822 (1419) йилда вафот топди. Корилардан мана шулар иккаласи ва (яна) мавлоно Фахруддин бор эди. Қуръонни қироатда ҳам, савтда ҳам тажвид билан ёд олган кишилардан Абдуллатиф ад-Домғоний, мавлоно Асадуддин, Шариф Ҳофиз Ҳусайний, Маҳмуд Мұх-

риқ ал-Хоразмий ва Жамолуддин Аҳмад ал-Хоразмий ва мусиқа илмида устоз бўлган Абдулқодир ал-Марогий эди; ваъзхон ва хатиблардан саройлик мавлоно Аҳмад ибн шамс ул-Аимма бўлиб, уни туркча, форсча, арабчада малик ул-калом деб атардилар. У ўз замонининг бир мўъжизаси эди; (яна) мавлоно Аҳмад ат-Термизий ва мавлоно Мансур ал-Қоғониййидир. Моҳир котибларидан хаттот Ибн Бандгир, зикр қилинган Абдулқодир, Тожуддин ас-Салмоний ва бошқалар, мунахжимлардан бир гуруҳ моҳир кишиларки, мен уларнинг исмларидан фақат мавлоно Аҳмаддан бошқасини билмайман. У табиб, мисгар ва юлдузга разм солиб ҳисоб оладиган (олим) эди. У менга: «Мен юлдузларга қараб икки юз йилга ҳукм (толеи) чиқардим», деганди. Бу гап 808 (1405—1406) йилда бўлган эди. Заргарлардан ал-Ҳож Али Шерозий ва ал-Ҳож Муҳаммад Ҳофиз Шерозий ва бошқалар; санитарошлардан катта бир гуруҳи бор бўлиб, уларнинг энг кўзга курингани Олтун эди. У ўз ҳунарида бир мўъжиза бўлиб, қимматбахо тошларга нақш солар, яшмага, ақиққа Ёқут (Ҳамавий)нинг хатидан ҳам чиройли хат билан уйиб ёзарди. Шатранҷчилардан Муҳаммад ибн Ақил ал-Ҳайми ва Зайн ал-Яздий ва бошқалар. Шатранҷчиларнинг алломаси фикқчи, ҳадисшунос (олим) Алоуддин ат-Табризий эди. У Зайн ал-Яздийга ортиқча бир пиеда қўяр ва ундан голиб чиқар, Ибн Ақийилга эса битта от кўйиб, унинг устига чиқиб миниб оларди (енгарди). Темур шарқу гарб иқлиmlарини алгов-далговга солди. Унинг жанг жадалида ҳар бир султон ютқазиб, ҳар бир шоҳ жангда ҳам, (шахмат) уйинда ҳам ундан (енгилиб) мот бўлди.

Темур Алоуддинга: «Гуё мен мулк сиёсатида ягона бўлганим каби, сен ҳам шахмат оламида тенги йўқсан». (Шунингдек яна у) бизлардан, яъни мен ва мавлоно Али Шайхдан ҳар қайсимиз ўз санъатида кароматларга эга бўлиб, беназир кишилармиз, — деярди. Шахмат уйинию мансубалари илмида Алоуддиннинг ўзига хос шарҳи бўлиб, у билан уйинда чукур уйламасдан (унинг) фикри ҳаддига етишга ҳеч бирон кимса қодир эмасди. У шофиий мазҳабидан, фикҳ илми ни яхши билган ҳадис олими, хайр-саҳоватли (киши) бўлиб, чиройлик юзлию ҳақ сўзли эди. Менга ҳикоя қилишича, у — аллоҳ юзини кароматли қилғур — амирул мўминийн Алини тушида курган, Али унга бир ҳалтада шахмат тутқазгач, шундан кейин ҳеч бир

инсон ундан болиб чиқмаган. Унинг уйин пайтидаги сифатларидан бири шу эдикси, уйин вақтида у ҳеч тафаккур қилмас, фақат (унинг) рақиби узок ўйлаб фикрга чўмгандан кейин уйнагач, у ҳеч бир тадбир курмасдан юриб қуярди. Бир вақтнинг узида у икки рақиб билан гойибона уйнарди ва ҳисоблаши натижасида уз томонида қандай доналар ва рақиблари томонида қандай доналар борлигини биларди. У ва Амир Темур катта шатранж уйнардилар. Шунингдек, мен унинг ёнида доирасимон ва узунчоқ, шахматни ҳам курган эдим. Катта шатранжда, аввал зикри ўтганидек, ортиқча доналар булиб, мана бу унинг бир томонининг сувратидир.

1) Рұх пиёдаси. 2) От пиёдаси. 3) Даббаба (танк) пиёдаси. 4) Илгор пиёда. 5) Жирафа пиёдаси. 6) 7) Фил пиёдаси. 8) Түя пиёдаси. 9) Вазир пиёдаси. 10) Фарзин пиёдаси. 11) Пиеда пиёдаси. 12) Рұх. 13) От. 14) Даббаба. 15) Илгор. 16) Жирафа. 17) Шоҳ пиёдаси, 18) Жирафа. 19) Илгор. 20) Даббаба. 21) От. 22) Рұх. 23) Фил. 24) 25) Түя. 26) 27) Вазир. 28) Шоҳ. 29) Фарзин. 30) 31) Түя. 32) 33) Фил. Бу уйинни ўрганиш йули амалда осонроқ булиб, уни (куруқ) сўзлар билан шарҳлаш фойдасизdir.

Мутаннийлардан зикр қилинган Абдулқодир ал-Марогий ва унинг угли Сафиуддин, куёви Насрийн, Кутб ал-Моусилий, Ардашер ал-Чангий ва бошқалар. Унинг наққошлари кўп, уларнинг энг устуни Абдулҳай ал-Бағдодий булиб, у уз санъатида моҳир эди; бөгбонлардан Шиҳобуддин Аҳмад ал-Зардкаш, шиша ва мисга нақш соладиганлар ва улардан бошқалар ҳисобсиздилар. Уларнинг ҳар бири уз асрининг алломаси, уз даврининг мұжизакор (киши)лари эдилар. Агар алфознинг қимматбаҳо хильъатлари уша аъёнлар васфлари жавҳарлари билан безатилса, олам энг ноёб тошлару холистилло шодалари билан (аллақачон) тулиб кетарди. Мана шулар мен таниб, зикрию исми хотиirimga келган кишилардир. Аммо мен билмаган ёинки билгану бироқ зикрию исми хотиirimда қолмаган кишилар сонсизсаноқсиз булиб, ҳисоб-китобдан хорижлур. Хулласи калом, Темур ҳар бир (фойдали) жонни йигиб, нимаики нарса бўлса, сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намояндасидан ва санъатлар гаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона булиб, уз тенгқурларидан устун турган, уз соҳасида аллома кишилар йигилган эди.

Бўлим

Самарқандда Шайх Урйон исмли ажиг қоматли, олий азмли камбагал адҳамий бир киши бўлиб, айтишларича, шаҳар аҳлининг каттаю кичиклари ўртасида унинг ёши уч юзу элликда деб овоза тарқалганди. Шунга қарамасдан, унинг қомати тик ва суврати чиройли эди. Самарқанддаги кекса машойихлар ва узоқ умр кўрган акобирлар айтадиларки, биз ёш болалар булганимизда ҳам бу одамни шу ҳолатда кўрар эдик. Бу киши ҳақида бизнинг ҳурматли оталаримиз ва кекса машойихларимиз ҳам шу тарздаги ривоятни ўз оталари ва кекса ёшли одамлари тилидан бизга нақл қилиб айтардилар. У қорачадан келиб, куч-кувати битмас-туғанмас, жушқин киши эди. Уни кўрган киши у ҳали «роса улгайиб, балогатга етмаган» деб тасаввур қиласиди. Кексалигидан белги бўлган юзида на ажин, на асар бор эди. Амирлар, улуғлар, аъёнлар, тақводорлар, фозиллар ва бошлиқлар унинг ҳужрасини зиёрат қилиб, дийдорини табаррук билар ҳамда дуоси баракатидан илтижо тилардилар.

Самарқандда масжид ар-Рибот деб аталадиган бир масжид бўлиб, у кирган ҳар бир одамга севинч ва шодлик, тетик рух ва куч-куват бахш этарди. Айтишларича, масжид ходимларидан бири Шайх Закарие деб аталувчи валий киши бўлган. У уша шаҳар аҳли эътиқод қилиувчи (авлие) бўлиб, унинг мозори баланд тоғлардан бирининг чўққисида, машҳур бир жойда жойлашган эди. Унинг қабри дуо қилиниб, (худодан) паноҳ тиланадиган табаррук қадамжой эди. Бу (қабр) Самарқанддан тахминан бир кунлик масофада (бўлиб), турли-туман кароматлар билан тавсифланиб, бу юкори фазилатлар билан суғорилганлиги (ҳаммага) аён эди. У (шайхнинг қабри) «барқарор бир тепа» устида бўлиб, «этагидан анҳорлар жорий бўлган бустонлар ҳам бор эди. Қабр хайр-саҳоват ва шод-хуррамликка» бурканган, гуё (у) жаннат (замини)дан кесиб олинган бир қитъя эди.

Ҳикоя қилишларича, қачонки бу (шайх) ушбу масжид қурилишида ишлаётган вақтида унинг пешонасига бир булак лой тушган. Бу манзарани уша қурилиш бошқарувчиларидан бирори кўрган бўлиб, пешонага тушган лой эса шу ҳолатда уч кечакундузгача тураверган. Қачонки қурувчилар масжид меҳробини ўрнатишмоқчи бўлганларида унинг хато ва савоб (ўрнати-

лиши) ҳақида улар ўрталарида иштилоф воқсъ булиб, бу хусусда анга шовқин-сурону иштироб содир бўлган.

Охири Шайх Закарис «Меҳробни мана бу томонга ўрнатиб, ундан на ўнгу, на чапга бурманглар», — деди. Шунда ҳалиги бошлиқ шу жойда ҳозир бўлганларга:

— Ажойибу гаройиб ишга қаранг-а! Бу одам уч кунлаб юзини ювмайди-ю, одамларга ислом расм-ру сумларидан йўл курсатади, — деди. Шунда у тақводор, диёнатли киши: «Тунини бедор ўтказиб, битта таҳорат билан уч кунни кечирадиган одам йўқми? Бўлмаса, бери кел-да, э мункир, жойингда тур ва хотирингни жам қилиб, узингни инкор этувчию (диндан) юз угирувчиларга ухшатма-да, Каъбанинг келинига бир назар ташла-чи, у қандай (сенга) жилолана-ди», — деди. Шу пайт ушбу мункир қараса, муazzам Каъба унинг кўз ўнгига улутвор турибди. Кейин улар ҳаммалари бурилиб, шайхга қарасалар, у гойиб булиб қолибди, еру кўкни қидириб уни топа олмаганлар.

Бу масжидда ажиб бир нарса бордир. Унинг ёточдан ишланган бир қанча устунлари булиб, шулар жумласидан бигта устун борки, баландликда у (шу қадар) юқори чўзилганки, буйи ун беш газга яқиндир. Жисми ва танасининг йўғонлигидан у қучоққа сифмасди. Бошқа устунлар унинг атрофини ураб олган булиб, айтишларича, у пахта дараҳти(дан) экан. Унинг ажиб, хосияти ва гариб зарофати булиб, агар тиши оғриған киши шу пахта ёточидан бир бүгдой донаси миқдорини тишига қўйса, у фойда қилиб, шу заҳотиёқ оғриққа таскин бераркан. Ўзим шуни синааб кўрсам, у рост булиб чиқди.

(Одатда) Самарқандни кўрдим деб даъво қилган кишидан унда ажойиб, гаройиб ва зариф аломатлардан нималарни мушоҳада этиб кўрганлигини сўрайдилар. Агар сўралган киши мана шу ажойиб устунни кўрганлигини хабар қилса, унинг тапи рост (Самарқандни кўрган) деб, акс ҳолда уни (Самарқандни) кўрганлиги «алағ-жалағ туш» деб билинади.

Бўлим

Самарқандда на соа, на қайла булиб, ҳисоб талаб нарсалар жинси қайла билан ҳисобланмасди. Уларда ўлчов тарози (ёрдами) билан аниқланар эди. Самарқанд раттли (0,5 гр.) қирқ увқиядан иборат (бир увқия — 37,44 гр.), ҳар бир увқияда юз мисқол (мисқол

— 4,68 гр.) булади. Демак, уларнинг бир раттли түрт минг мисқол булади. Ҳар бир мисқол ҳеч зоидсизу ноқиссиз (төртилса) бир ярим дирҳамдир. Шунга кўра, Самарқандликларнинг ҳар бир раттлига Дамашқ-нинг ўн раттли (баравар) келади.

Менга Мавлоно Маҳмуд Ҳофиз ал-Муҳриқ ал-Хоразмий — унинг ал-Муҳриқ (куйдирувчи) деб лақаб олишига сабаб шуки, унинг товуши таржийъалари ўқлари отилганда заиф руҳлар нозик жойларига бехато тегар ва (улар) торларининг жаранглаган овозлари диллар қулоқларига кутарилиб, улар (мияси) кушлари ўлдирилиб, унмасди. Агар қалблар тош мисоли ёрилса, алангасидан руҳларга учқун учиб келар ва ўз жаранглаган овозлари билан жойларни куйдириб, нагмалари билан таналарни аланглатарди — менга шундай деганди: Сафарларининг бирида Темур мени ўз сұхбатига олган эдики, кечаю кундуз мен унинг хизматида булиб, ёнидан жиямасдим. Унинг аскари бир қурғон яқинига тушиб, унинг ҳисорига киришгандилар. Турған жойидан жантта раҳбарлик қилиб (уз) одамларининг маҳоратини томоша этмоқ учун Темур ўз чодирмни баланд бир жойга ўрнатганди. Бирвакт шу аснода Темур ҳузурида мен ва яна икки киши қолдик. Шу пайт Темур жисмида иситма пайдо булиб, уни ғам-гусса ва қайғуга солған эди. Рақиблар түқнашув «осмони юлдузлари эса чалкашиб» жанг найзалари бири-бири билан аралашиб чирманиб кетган эди. Шунда Темур ўз аскарлари аҳволидан воқиғ булиб, улар харакатларини мушоҳада этмоқни ирова этди. Бу борада унинг иштиёқи булатларга парвоз қилиб, у: «Мени чодир эшиги (олди)га элтинглар», — деди. Ҳалиги икки одам унинг құлтигига кириб, эшик олдига олиб бориб тұхтадилар, мен эса унинг олдилда турардым. Темур, аскари мұҳрабасини курив, улар зарбаю таъналарини ажрата бошлади. Кейин аскарига бир нарсани буюришни истаб, менга: «Э, Маҳмуд! Бу еңқа кел!» — деди. Мен тезда унинг ёнига бориб, құлтигига кирдим. У үзининг құнглига келган амрларини айтаб, (ҳалиги) икки кишидан бирини аскари томон жүнатди. Гүе унинг буйруги шундай эдики, бу билан у на бир беморни тузатди, на бир ташнани қондирди. Сұнгра Темур бизга: «Мени ўз ҳолимга қолдириб, ерга қўйинглар», — деди. Биз уни (ерга) қўйган эдикки, у гўёки буйрага ташланган гўшт каби (турс этиб йиқилиб тушди. Кейин у (ҳалиги) иккинчи одамни ҳам

аскарлари томон юбориб, уз раъий тақозо қилган амрларни буюриб, (уз фармонларини) уларга тарькидлади. Ёнимизда ҳеч бир кимса булмасдан, биз иккимиз ёлгиз қолдик. Шунда у менга: «Э мавлоно Маҳмуд! Жисмимнинг заифлигию (кўрадиган) тадбиримнинг noctorligiga қара, ушлай десам қул, чопай десам оёқ йўқ менда. Агар одамлар мени ташлаб кетсалар, мен ҳалок буламан, агар мени шу ҳолимда қолдирсалар, азобланаман. Уз танамни бошқариб «на зарарли, на фойдали» бир иш қиласман, на яхшилик келтираману на ёмонликни дафъ этаман. Кейин у бир оз фикрга толиб: «Қандай қилиб тангри таоло бандарни менга мусассар курди? Фарбу шарқни даҳшатимга туғизиб, ҳайбатимни икки магрибу икки машриққа овоза қилиди? Подшоҳлару паҳлавонларни менга бўйсундириб, олдимда кисрову қайсарларни хор қилиди? Бу ҳаракатлар (ҳаммаси) унинг (тангри таолонинг) ҳаракатлари булиб, бу ишлар (барчаси) унинг ишлари эмасми? Мен кимман? Мен бир қасалманд, муҳтоҷ кишиман, холос! Бу ишлар (ухдаси)га кириш учун менда на эшигу, на тоқат бор?» — деди. Кейин у йиглаб (юбориб), мени ҳам (шундай) йиглатдики, енгларим кўз ёшлиаримга тўлди. Бу жабрга қаранг-ки, шу сўзи билан қандай қилиб жабрга қойил бўлганлар маслагига эга бўлган?»

Темур ҳакида форсча икки байт тўқиганлар, мана улар:

Ярим таналик киши жаҳон мулкига эга бўлди.
Кўзингни очу аллоҳнинг қудратини кур.
Оеги йўту, аммо тахт унинг оёғи остида.
Кули йўту, аммо бутун мамлакат унинг узугида.

Мен уни таржима қилиб (яна) икки байт айтдим:

(Аллоҳ) Узининг пинҳона ҳукми билан қудрат курсатди.
Танининг бир қисми куриган киши дунёга эга бўлди.
Кули йўту подшоҳлик унинг узугида,
Оеги йўту тахт унинг қадами тагида.

Бўлим

Унинг аскарлари ва улар тутган йўлларига келсак, уз подшоҳларининг йўлида булиб, узларига маълум бўлмаган воситалар орқали даражадан-даражага кутарилар ва гумон қилмаган томонларидан уларга ризқ келиб турарди. Уларга пинҳона дафиналар мусаҳар,

яширин хазиналар очик, бекик матлабу маъданлар (уларга) мијассар бўларди. Унинг аскари (қадами) барча томонларда жавлон уриб, савлат тўккан булиб, маломат йўлларида қато (қуши)дан кура ҳам тўгри йўл бошловчи булиб қолди. Улар (олдиндан) турли ишлар тадбирига шайланган, замон (барча) аҳволларини бошидан кечирган, давр тангликларини қиёслаб ўлчаган, турли тузоқларни бошдан утказиб, ҳар қандай шиддатга илож топган, хилма-хил ишларга дуч булиб, турли-туман одамлару турмушни синаб курган, мушкул ишлар мадхалу маҳражларига йўл топиб, (унинг) зинапояларидан кутарилиб, чукқисига чиқицга идрок этгандилар. Гарчи (улар) тез-тез чўлу биёбонлардан ўтиб, дашту саҳроларни кезсалар ҳам, уларга ҳеч қанақа кулфат епирилмас ва ҳеч қандай түғенчи ноҳақлик курсатмасди. Шеър:

«У (жойлар) курқинчлари қуённи қурқита олмайди.
Калтакесакнинг у ерда инга яширинганини курмайсан».

(Шу кезишларида) улардан қай бири бехосдан тухтаб, курасанки, у уша жойнинг ерию тупрогига разм солиб: «Мана бу тупроқ бу ерники эмас», — дейди. Кейин у ўз уловидан тушиб, уша жой тупроғидан олиб, уни ҳидлади. Кейин тўрт томонига назар солади ва (шулардан) бир томонни кузлаб жунайди. Шу алпозда ёнидаги ёрдамчилари билан бир жойга бориб етмагунча юраверади, сўнгра, уша ерни кавлаб, яширин дафиналар ва у жойдаги бойликлару хазиналарни чиқариб оладилар. Шунингдек, улар (аҳоли яшайдиган) иморатларга келсалар ёки мақбараалар ёнидан утсалар ҳам худди ўз қўллари билан (олдиндан) қўйиб қўйгандек ёки шайтонлари улартага шу ҳақда уқдиргандек, тўппа-тўгри яширин бойликлар бор жойларга йўл оладилар. Кўпинча улар аҳли анча замондан буен яшаб, бир неча ою йилларни утказиб келаётган жойга келсалар — у ерда ўз эгалари ва яшовчилари сезмаган бирон бойлик булса — улар келишлари биланоқ (у бойлик уларга) очилиб, (улар) ундан воқиф буладилар. Уша жойнинг (асл) яшовчилари бу ҳолдан ҳабардор бўлгач, ҳасрату надоматдан бармоқларини тишлаб қоладилар. Улар (уз) ҳаётларида ажиб зийракликка эга булиб, умр буйи фикрлари ўқлари нишонга бехато тегар эди. Улар ҳуқизларга юқ ортиб (устига) минардилар, эшакларга эгар солиб, юғанлаб олардилар ва шунга қарамай,

араби отлар соҳиблари билан улжаю ганиматлар мақонлари томон мусобақалашиб, улардан узиб кетардилар. Улар туяларини ит ва қўзичоқ гўшти билан боқардилар. Отлари арпалари эвазига, гуруч, тариқ, кишишиш ва ёсмиқ алишардилар. Бу нарсага қўпинча улар сафар (вақти)да муҳтоҷ бўлиб, уз уловларини дараҳт пўстлоги билан ҳам боқардилар.

Тангри таоло раҳмат қилгур (аввал) зикр қилинган ҳанафий (мазҳабли) қози Бурҳонуддин Иброҳим ибн ал-Қушшанинг менга ҳикоя қилишича, Қозон (хон) ва тоторлар бу диерларга (Шомга) келгандা — гуё Темур масаласида — қилғанларидек — кимдаким қочишига мадори бўлса, бу балодан тирақайлаб қочган. Шулар жумласидан солиҳиялик бир савдогар ҳам бўлиб, у бекаму кўст ҳаёт кечириб, унинг (узиға) кифоятли мўл-кўл давлати бор эди. У узида бор тилло-кумушларни жамлаб, ловияга уҳшаш бир кузага солиб, ташновга борди. Тащновни қазиб, кўзани унинг остига қўйиб, устидан (тупроқ билан) кўмди ва ташновни аввалги ҳолига қайтариб, ҳамишаги алпоздек қилиб қўйди. Қачонки алғов-далғовлар тинчланиб, уловлар минишга тақдим қилингач, хотини савдогарга: «Бир жуфт сирғани ёдимииздан чиқариб қолдирибмиз. Йулда бир ноҳуш ҳодиса рўй беради деб хавфланаман. Шуларга бир жой топиб яшириб, кўнглимиз тинчисин», — деди. Савдогар: «Бироқ энди жой йўқ» — деди ва сирғаларни олиб, пешайвоннинг шифтига нозик бир тахта устига бекитиб қўйди. Сунгра улар отланиб, уйларини тарқ этиб йўлга тушдилар. Тоторлар Дамашққа келгач, улардан бир турӯхи ушбу савдогарнинг уйига кундилар. Сунгра, улар маъкулоту машрутотга ружу қўйиб, «ўйинкулги ва хурсандчиликка чўмган» пайтларнинг бирида (бир) сичқон бояги сирғалардан бирини кемирганда сирға марвариди думалаб ерга тушди. Ҳалиги жамоа гуё Марямнинг иккита зирагига юргандек, думалаб кетаётган марварид орқасидан юргандилар. Марварид жамоадан ўтиб бориб, ташновга тушиб кетди. Шунда улар (ташнов) ери юзидан ситраю-пардасини очиб, бояги кўзада яширилган мол-дунёларию (ҳалиги) марваридни ҳам топиб олдилар. Иккинчи сирғани ҳам излаб шифтдан уни ҳам топдилар ва у (бойлик)ларни узаро тақсим қилдилар. Темур жамоаси ҳам айнан шулардай эди. Ҳар қандай ечилиши қийин мушқул масалалар улар (Темур

одамлари) олдида осон эди. Улардан ҳар бири ўз подшоси йулида булиб, ўз санъати (борасида) камолига етган эди.

Агар сен улар ахволларию ахборлари хусусида сўзламоқчи бўлсанг, унда дengиздан сўзла, заррача муболагаси бўлмайди.

Булим

Темур аскарлари ичида бутпарамт турклар, оловга сажда қилувчи мажусий ажамлар, коҳинлару, сехргарлар, золимлару мункирлар бор эди. Бутпарамтлар (ўз) санамларини кутариб юрар, коҳинлар эса қаломларини сажъ билан ифода қиласдилар. Унинг аскарлари ичида одам аъзоларию ажинларига қараб фол кўрувчи одамлар ва ёлғончи завожирлар ҳам булиб, улар куй куракларига қараб фол очар ва унда кўрган нарсалари билан дунёдаги турли ҳоллар ва етти иқлимининг ҳар бир қаричида содир бўлган омонлигу хавф-хатар, адолату ноҳақлик, арzonлигу қимматчилик, ноҳушлигу шифо топишлик ва кейинчалик юз берадиган бошқа ишлар туғрисида ҳукм чиқардилар ва (бу ҳукмида) камдан-кам хато қиласдилар.

Уларда кунлар, ойлар ва йиллар ҳисоби шундайки, ҳар қайси йил бир ҳайвон (номи)га мансубдир. Ўтган йиларни шулар билан ҳисоблаб бу ҳисобда на зиёдлиги, на ноқислик воқеъ булади.

Хитойликларнинг Дулбаржин дейиладиган ёзуви булиб, мен унинг қирқ битта ҳарфи (борлиги)ни курдим. Ҳарфларнинг зиёдлигига сабаб шуки, улар ҳамма талаффузилар ва «амалат»лар (кушимча товушлар, шунингдек, «байнин ва байнотлар» (ёрдамчи ва кумакчилар)ни ҳам ҳарф ҳисоблайдилар. Шу сабабдан зиёд ва күшимча ҳарфлар ҳосил булади. Аммо чигатойликларнинг эса уйгур деб аталувчи ёзуви булиб, у мугул ёзуви номи билан машҳурдир. У (ёзув) ҳарфларининг сони ун турттадир. Мана бу уларнинг қитъа-қитъа кесимлари. Улар сонларининг кам ва бу дараҷада маҳдулланганлигига сабаб шуки, ҳалқумдан талаффуз этиладиган ҳарфларни улар бир хил куринишда ёзиб, шу тариқа талаффуз қиласдилар. Маҳражда бир-бирига яқин қуидаги ҳарфлар сингари, масалан: «Бо» ва «Фо», ёки «зо» ва «син» ва «сад» ёки «то» ва «дод» ва «то» кабилар, улар имзою фармонлар, буйругу мактублар, ҳисоб-китоб дафтарию тамгали (нар-

са)лар, солномаю назмлар, қиссаю хабарлар, ахднома ва муқаддас қитоблардан парчалар ҳамда девон ишлари билан боғлиқ жами хатларию (ҳатто) Чингизхон тавросини ҳам шу хат билан битадилар. Бу хатда мөхир киши очидан үлмайди, чунки бу (хатни билиш) улар наздида ризқ қалити ҳисобланади.

Булим

Темур аскарлари орасида табиатан қўпол, курс ва гализ кишилар, шунингдек раҳмсиз, мусулмончилиги йўқ кишилар бўлгани каби, улар ичида (динга) мункир, фожир, овсар, пасткаш, нодон, авом кишилар ҳам булиб, улар тангридан ташқари ўзларига у (Темур)ни сардор ва ҳомий деб қабул қилгандилар. Улар унинг билан ўзларича кибраниб, «у билан бағоят гурурланардилар». Уларнинг куфурликлари ва унга бўлган муҳаббати шунчалик даражада эдик, башарти Темур пайғамбарлик ёки худоликни даъво қилса, албатта улар унинг давъосини тасдиқлардилар. Улардан ҳар қайсиси унга (Темурга) бўлган муҳаббатини восита қилиб, ўзларини тангри таолога яқин тутардилар. Агар улардан бири қандайдир шиддатга учраса, унга (Темурга) назир багишлаб, уз назирига вафо қиласарди. (Улар) Темур ҳаёт вақтида унинг эътиқоди ва акидасида давом этиб, у вафотидан кейин эса уз назирларию атаган қурбонларини унинг қабрига келтирадилар. (Уларнинг ҳар бири) унинг мусоҳабасида тараққий этиб, ҳатто муроқаба мақомига етди.

Айтишларича, сафарларидан бирида Темурнинг назари бир аскарига тушганки, гўё мудраш унинг буйинини эгтан ёки тунги сайд гавдасини буқкан ёки у шундай ҳолатда эдик, уни на сўкиш, на уриш у ёқда турсин, ҳатто уни маломат қилиб койиш ҳам уринсиз эди. Шунда Темур: — «Бу ишни қиласиган ... бирон кимса шу ерда мавжудми?» — деб бу гапдан ортиқ ҳеч нарса демади. Бу (хитоб)ни ўша чапдаст мункирлардан бири эшитиб — унинг исми Давлат Темур булиб, у машхур, улуг амир — тангри унга интиқом либосини кийгизган булиб, раҳм-шафқатнинг хушбуй ҳидидан заррача ҳам унга муюссар кўрмаган эди — ўша заҳотиеқ у (шурлик)нинг икки кифти уртасидан бoshини жудо қилди ва бошни Темурга келтириб, унинг олдига қўйди. Шунда Темур: «О, бу қанақа қабиҳ иш», — деди. У (киши) жавоб бериб: «Сен кесишга

ишорат қилган бош шу-да!» — деди. Бу ибора Темурни таажжубга солди.

Улар орасида зариф, адиб, закий ва шоир кишилар булиб, улардан фазилатда машхурлари уламолар, улар ичидә мұдаққиқлар, түрли илмларда баҳс юритувчи мудаққиқлар, улардан айримлари барча илмлардан хабардор булиб, мантиқ ва мағұхум (йұли) билан катта-катта бақслар юритувчи, суфия мазҳаби ва «Иҳя ал-улум»ни тадқиқ қилиб, тақрир этувчилар бор эди. Шу билан бирга, уларнинг айримлари үз илми иқтизоси билан иш тутардилар. Улар орасида «иймон келтирувчилар ва үзаро сабру марҳаматта насиҳат қылувчилар бор эди». Баъзилари бағоят хүшсұхан, серлатофат, илми мукаммал, ниҳоят зариф, ажиб жамолли, чиройи баркаммол, сұзи равон була туриб, қалби тошдан ҳам қаттиқ, феъли үткір қиличнинг зарбасидан ҳам хатарлы эди. Улар пайғамбардан ривоят қилиб гапирадилару, лекин отилған үқ суръатида (тезда) диндан юз үтирадилар.

Агар биронта ганим улар чангалиларига түшса ёки бирон гарип улар азобига йулиқса, уша «ҳақиқатгүй» олим ва «тадқиқотчи» аллома түрли азоблар, хилмашил укубатлар билан унинг мол-дунесини шилице олишга ҳар хил йұллар топиб, уни азоблаш санъатида хилма-хил китоблару масалаларни рұкач қиласы; ҳақоратлаш илмларида эса түрли-туман хутбалару рисолалар келтиради. Шунда уша мискин күйиб-әниб дод-фарәд күтариб, үзини ҳар томонға урап, тангри ва унинг оятларини восита қилиб паноқ тилаб, у (тангри)нинг еру осмондаги мавжуд (нарса)лари — фариштаю пайғамбарлар, сиддиқлару валиларни восита келтириб шафоат сүрарди. Үнга ҳалиги «юмшоқ» малот-хатли кулади, завқланади, у еқ-бу еққа тебраниб, у билан лутфан муомала қиласы, латиф шеърлар, қизик ва ажайиб, нодир тарихларни нашида этиб, мисоллар келтиради. Күпинча у «куюнади ва йиглайди», унинг ҳақига қилинган азобдан» «үх тортиб, изтироб чекади». Етимларнинг мол-дунесига әғалиқ қилған баязи ислом қозилари каби үнга нисбатан (насиҳатомуз) хутба үқиб йиглайди, аммо унинг қилған иши эса мусулмонлар дилини азоблайди.

Қачонки улар Дамашқда бүлғанларида Зуқақ ул-Ажам деб аталаған күчадаги аъёнлардан бирининг уйига кирсалар, уй ҳар хил нағис моллар, бойликлар ва неъматларга тұлық экан, шеър:

Бир қасрки, (барча) таҳия ва салом унга аталган,
Кече ва кундуз уз жамолини унга хъяъат қилган.

Улар уй соҳибини тутиб, уни боғладилар ва ҳар хил азоб-уқубатлар билан азобладилар. Кейин унинг икки оёғидан тортиб боғлаб, муаллақ ҳолда қўйдилар. Нафис молларни чиқариб, улар ҳусндор келинчаклари жилолар (яъни асллар)ини ажратиб олдилар. Лаззатли маъкулот ва машруботлар ҳозир қилиб, уз ҳоҳишилари миқдорича кунгил хушлигу кайфу сафога шўнгидилар. Улар еб-ичиб, ўйин-кулгию хурсандчилик қила бошладилар. Шунда агар улардан бирининг пасткашлиги тутиб қолса ёки кайфи ошиб, мастлик хархашаси унинг жазавасини кузгаса, у ҳалиги мискиннинг ёнига борар — у эса гоятда аянчли аҳволда турарди — унга намакоб ичирап, бурнига оҳак ва кумтиқиб искатар эди.

Улар билан бирга шароб тановулидан узини тийиб тарку дунё қилган бир олим киши булиб, у гўё ушбу шеърда айтилгандек эди:

(Бу) шайхимдан ва унинг тарку дунесидан,
У дузахининг зикрию қўрқинчларидан таажжубдаман.
У кумуш идишда ичишни макруҳ билади-ю,
Лекин кумуш кўлига тушса уни угирайди.

Қачонки заъфаронсимон қадаҳ ўрталарида айлантирилган пайтда улар чақмоқ қанд келтириб, уни синадиган (нозик) чинни идишда унинг олдига қўядилар ва қанд устидан тоза сув қуярдилар. Узлари қадаҳлардаги ичимликлардан маст бўлса, у фосиқу маҳрум (олим) эса унинг ҳидидан маст бўларди. Кейин у (олим) гоятда аламли азобда турган уй соҳибининг ёнига бориб, (уни) устидан кулар, уни масхаралаб, мазах қиласарди. Сунгра дутору сеторлар оҳангига тебраниб, уша маъкулоту машруботлардан тановул қиласар ва «баҳитнинг молига бир ҳодиса ёки меросхур билан башорат бер» (зарбул масали)ни айтарди.

Темур аскарлари орасида аёллар ҳам куп булиб, улар жанг тус-туплонлари ва шиддатли тўқнашувларда матонат курсатардилар. Улар (душман) эркакларига қарши туриб, мардонавор уруш қиласардилар, жангда найза санчишда, қилич билан зарба беришда ва камондан отишда моҳир эркаклардан кура ҳам оғриқроқ иш қиласардилар. Агар улардан бири ҳомиладор булиб, йўлда кетаётган пайтда уни дард тутса, у ўз

жамоасидан ажралиб, (йўлдан) четга чиқарди ва уловидан тушарди. Кузи ёригач, чақалогини үраб олиб, уловига минарди ва яна жамоасига келиб қўшиларди. Ўнинг аскарлари орасида сафарда туғилиб (шу ҳолатда сафарда) балогатга етган, уйланиб бола-чақали булган, лекин (сира) утрок турмуш кечирмаган кун кишилар бор эди.

Темур аскарлари орасида олийжаноб, ибодатли, тақводор, художуй, саховатли, ҳимматли кишилар ҳам кун булиб, улар эзгуликларида (чексиз) манбалар булиб, бу (хайрлик)лар булоқларининг кирим ва чиқимлари бор эди. Асирни озод қилиш, ноқисликни тулғазиш, ёнгинни учиринш, (сувга) гарқ булаётганини қутқазиш, узгаларга хайру эҳсон кўрсатиш, бошига кулфат тушганга (ёрдам) қўлини чўзиш у (киши)лар одатларидан булиб, буни ёхуд қувват ёки қул (кучи) билан, ёхуд бирон хил макру фириб билан, ёхуд тилаш ва шафоат сураш билан, ёхуд бадал беришу сотиб олиш йули билан имконлари боричаю қудратлари етгунча адо этардилар. Бу (киши)ларнинг қушин билан бирга юришлари заруратдан булиб, ушбу (зикри утган) эзгуликлар атрофида айланышлари эса ихтиёрий эди...

ИЙМОН ЭЪТИҚОДИ КОМИЛ ИНСОН

Амир Темур ва унинг авлодлари — темурийлар яшаган даврда, айтиш мумкинки, жамиятнинг ижтиёмоий-маданий ҳаётида диний тафаккур катта роль уйнарди. Ҳукмдорлар, хусусан, Амир Темур, таниқли тарихчи А. Якубовский таъкидлаганидек «туркий ҳарбий зодагонларнинг ёрқин намояндаси бўлиб, бу доира ислом (мусулмон) тақводорлигига мансублигини доимо таъкидлаб кўрсатарди. Энг аввало, сиёсатдан сифатида Темур — барча ҳолатларда давлат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар доим мусулмон руҳонийларининг барча намояндалари билан ўта дўстона муносабатлар урнатган эди».¹ Амир Темурнинг отаси Тарагай тақводор мусулмон бўлиб, руҳоний ва дарвешларга нисбатан ўта хайриҳоҳлик кўрсатарди, айниқса таниқли шайх Шамсиддин Кулорга — ушбу шайхни Шарафиддин Али Яздий уз «Зафарнома» асарида шундай деб атаса, Ибн Арабшоҳ Шамсиддин ал-Фохурий деб атаган.

Уз шахсий ҳаёти ва ижтиёмоий фаолиятида Амир Темур ҳеч шубҳасиз, тақводор мусулмон бўлган. У дин пешволари ва мусулмон руҳонийлари билан яқин муносабатда бўлиб, уларга ҳар томонлама ҳурмат-эҳтиром кўрсатган, уз саройида пири-муршиллар, руҳоний (маънавий) устозларни сақлаган. У узининг жисмоний қусурига (оқсоқлигига) қарамасдан, ҳар қандай шароитда ҳам шариат қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб, беш вақт намозни сира канда қилмаган. Таниқли тарихчи Ибн Арабшоҳ (1389—1450) шундай ҳикоя қилади: «Темур шайх (Шамсиддин ал-Фохурий)нинг ҳузурига кирганида у узининг муриду мухлислари билан чуқур фикрга толган ҳолда Аллоҳнинг зикри билан банд эди. Улар ўзларига келиб зикр-самоларидан тўхтагунларигача Темур тик тураверди. Шайхнинг назари узига тушиши билан Темур унинг қулларини ушишга шошилди... Шунда Шайх уз жамоасига: «Эй, жамоат! Сиз унинг ҳақига дуо қилиб, истаган муродига етиши учун унга мадад берингиз» — деди. Шайхнинг ушбу дуосини Темур ўз муваффа-

¹ А. Якубовский. Тимур, стр. 43. («Тамирлан»).

Қиятларининг энг биринчи сабаби деб ҳисоблади. Уз даврининг руҳидан келиб чиқиб, Амир Темурнинг ҳузурида маънавий пири муршидлари бор эдилар. Темурнинг пирларидан бири Саййид Барака эди. Саййид Барака асли Макка аҳлидан булиб, кейинчалик Амир Темурнинг асосий пирларидан бири булиб қолди. Маълумки, Саййид Барака 1370 йилда Балх қальаси эталанишидан олдин Темур ҳузурига келиб, унга бир барабан ва байрок (ҳокимият белгилари) тутқазган. Ва унинг келажаги порлоқ булишини башорат қилган. Айтиш лозимки, уз сиёсий мартабасининг аввалидан бошлабоқ Амир Темур билан мусулмон руҳонийлари ургасида мустаҳкам алоқа қарор топиб, бу алоқа унинг бутун ҳокимияти даврида давом этди. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, Балх қальаси ишғол этилаётган вақтда Термиз шаҳридан Темур ҳузурига Худовандзода лақабини олган термизлик шайхлар aka-ука Абу-л-Маолий ва Али Акбар келгандилар. Гүё Саййид Баракага уҳшаб бу шайхлар, гарчанд зоҳирин бўлсалар-да, Амир Темур давлатининг нуфузли шахслари сифатида соҳибқирон ҳукмронлигининг охиригача фаолият кўрсатдилар. Бирок, академик В. В. Бартольд таъкидлаганидек, бу шайхларнинг ҳаётидаги шундай бир лаҳзалар ҳам бўлган эди, яъни улар томонидан янги ҳукмдорларига (яъни Амир Темурга) нисбатан хиёнаткорона иш содир этилган. Чунончи 1371 йилда Темурга қарши фитна уюштирилиб, унда бир қанча амирлар билан бир қаторда баъзи руҳонийлар — жумладан шайх Абу-л-Лайс ас-Самарқандий ва Саййид Абу-л-Маолий ат-Термизий ҳам иштирок этгандилар. Амир Темур фитначиларга ўта кўнгилчанлик кўрсатади: шайх ас-Самарқандийга Маккага кетишга рухсат қилиниб, Саййид ат-Термизий эса аввал мамлакатдан қувғин қилинган бўлса-да, сунгра тез орада айби кечирилади, чунки 1372 йили Хоразмга қилинган юриш пайтида бу саййид ҳам қатнашган эди. Шундан кейин ҳар доим термизлик саййидлар Амир Темурнинг содиқ тарафдорларидан булиб қолгандилар. 1404 йили гарбга охирги юришидан қайтаётib, Амир Темур Термизда Ҳудовандзода Али ал-Мулкнинг хонадонида тұхташи ҳам шундан далолат беради.

Амир Темур ҳокимияти даврида руҳонийлар на-мояндалари ва таниқли илоҳиятчилар зиммасига масъулиятли вазифалар ҳам юкланарди. Тарихий ман-

балардан маълумки, Амир Темур уз давлати билан Миср мамлуклар султонлари уртасида яхши қушничилик ва нормал алоқалар ўрнатишга кўп саъй-ҳаракат курсатди. Нисбатан қисқа муддат — 1386 йилдан 1405 йил мобайнида Амир Темур билан Миср султонлари Барқуқ ва Фараж, шунингдек, уларнинг Суриядаги ноиблари уртасида таҳминан 25 марта элчилар ва мактублар алмашиди. Масалан, 1393 йилнинг октябрь ойида Амир Темур Қоҳирага уша даврда Мовароуннаҳрнинг кўзга кўринган аъёнларидан бири шайх Сувах бошчилигига эътиборли миссия билан кўпдан-кўп қимматбаҳо совгалар ва султон Барқуқка мактуб ҳам юборган эди.

Юқорида зикр қилганимиз Сайид Барака уз дуоси билан Амир Темурнинг ганимларига қарши курашида уни қуллаб-кувватлаган эди. Масалан, 1391 йилда Кундузча деган жойда булган иирик жанг олдидан Сайид Барака уз дуоси билан унга омад тилагани учун Темур ундан гоятда мамнун булган эди. Руҳонийларнинг эътиборли намояндадарни, шунингдек, Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларидан ҳам бўлди. Амир Темур учун катта аҳамиятга молик булганлари унинг ватани Кеш ва давлатининг пойтахти Самарқандда эдилар. Манбаларда 1404 йилнинг қишида Қорабогда Амир Темур ҳузурига руҳонийлар намояндадаридан Сайид Барака ва термизлик шайхлардан бошқа самарқандлик шайх-ал-исломлар Хожа Абд ал-Аввал ва унинг амакиваччаси Хожа Исомиддин, кешлик Хожа Афзал ва шайх ал-исломнинг угиллари Абд ал-Ҳамид ва Абд ар-Раҳмон келганликлари айтилади, шунингдек бухоролик шайхларнинг ҳам ҳозир булганликлари ҳакида айтилса-да, лекин улардан бироргасининг ҳам исми-шарифлари келтирилмайди. Машҳур шайх Баҳоуддин ан-Нақшбанд Амир Темурга замондош булган бўлса-да, лекин ҳозирча манбаларда умуман Амир Темур саройи билан Бухоро шайхлари уртасидаги яқин алоқалар хусусида аниқ маълумотларни учратмадик.

Амир Темур ҳар қандай ҳолатда ҳам руҳонийлар намояндадарига ҳар доим хайриҳолик билан муносабатда булган. Ҳатто забт этилган мамлакатларда ҳам руҳоний раҳбарлар ҳимоя остига олиниб, кўпинча улар шахсан Амир Темурнинг ҳузурига келтириларди — у эса уламою фузалолар билан мунозара юритишини ёқтиради. Жумладан, бунақа мунозараларни

у илохиётчи уламолар, файласуфлар, тарихнавислар, мунажжиму риёзиёт илмининг олимлари билан қиласади. У олимларни ўзи билан бемалол эмин-эркин сұхбат юритишга рагбатлантириб, агар улар Темурда катта таассурот қолдирсалар, уларни ўз саройига ёки булмаса Самарқандга хизматга таклиф қиласар ёки ўз мамлакатларида қолишларига рухсат этарди. Шаҳарлар забт этилаётган пайтларда диний арбоблар ва рухонийлар соҳибқироннинг ҳимояси остига олиниб, уларга тегинмасдилар. Масалан, Амир Темур талабига итоат билдираган Бағдод шаҳри ишғол қилинганда қайсарлик билдирганларни учун шаҳар ахли қаттиқ жазога тортилди, «фақат диний арбоблар жазодан қуттилиб қолдилар» деб ёзди суряялик замонавий ҳарбий тадқиқотчи Мұхаммад Асадуллоҳ Сафе ўзининг Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағищланган китобида. Соҳибқирон ҳар доим ҳам азиз-авлиёларнинг ҳурматини бажо келтириб, улар хотирасига алоҳида эҳтиром билан қаради. Масалан, суряялик олим Акрам Ҳасан ал-Алабийнинг ёзишича, Дамашқда турганида Амир Темур Мұхаммад пайгамбарнинг хотинлари Умм Салма ва Умм Ҳабибанинг мақбаралари устига муносиб қубблар қурдирган. Бошқа бир араб муаллифи доктор Мазҳар Шиҳобнинг таъкидлашича, Дамашққа келган биринчи куниәк Амир Темур, энг аввало, умавийларнинг машҳур Жомеъ масжиди (ал-Жомеъ ал-Умавий)ни зиёрат қилиб, унда намоз үқиган. XV асрда яшаган йирик муаррих Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» номли тарихий асарида Амир Темурнинг туркистонлик машҳур шайх Аҳмад Яссавийнинг Ясса шаҳрида жойлашган қабрини зиёрат қилгани ҳақида батағсил ҳикоя қиласади. Шундан кейин Амир Темурнинг фармонига кура бу табаррук шайхнинг қабри устига бунёд этилган улкан мақбара ҳозирги вақтгача ўз ҳашшамати ва бетакрор гузаллиги билан барча зиёратчиларни мафтун қиласади.

Азиз-авлиёларнинг мозорлари ва муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш Соҳибқирон учун қатъий одат булиб, ўзининг бу ўзгармас одатига у ҳар қачон, ҳатто ҳарбий юришлар пайтида ҳам қаттиқ риоя қиласади. Шунингдек, азиз-авлиёларнинг мозорлари жойлашган у зоти покларнинг рухларига ҳурмат юзасидан ҳеч бир зиён-заҳмат етишига йўл қўймасди. Араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ ва бошқа қатор муаррихлар, шунингдек ҳозирги замон тадқиқотчилари Амир Темурнинг Суряяга

юришлари пайтида унинг қатор шаҳарларида талонторож ва ҳаробаликлар содир бўлганилигини қайд қилинлар. Шу билан бир қаторда, Амир Темур ўз ҳарбий бошликлари ва қўшиналарига Мұҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири, мусулмонларнинг йирик ҳарбий қўмандони Холид ибн Валиднинг қабри жойлашган Хомс шаҳрига ҳеч озор етказмасликларини буюрган. Амир Темурнинг азиз-авлиёларга, дини исломнинг ҳомийларига, уларнинг мозорларига муносабати ҳақида «Темур тузуклари»да батафсил баён қилинган. «Мен шундай талаб қўйдимки, пайғамбарнинг авлодлари, уламолар, машойих, фузало, акобир ва ашрофларни азиз тутсиналар... Менга буйсунган мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвишлари, хилватда ўлтирувчи (зоҳидлар)ни суюргол, вазифа ва маош (нафака) билан сийласинлар. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз шолқўрларга нафака белгиласинлар, мударрислар ва шайхларига бирон вазифа берсинлар.

Авлиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақбараларига вақфдан маблаг ажратсинлар. У ерларни гилам, таом ва чироқ билан таъминласинлар, биринчи навбатда амир ул-муминийн, мард кишилар шоҳи Али ибн Абу Толибнинг, унга Аллоҳнинг карами ва эҳсони бўлсин, муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф билан Хуллани вақф этиб берсинлар. Имом Ҳусайннинг — Аллоҳ ундан рози бўлсин — нурга чўмган муқаддас мозори, авлиёлар улуги шайх Абдулқодир Жилонийнинг муқаддас қабри (равзаси), имом Аъзам Абу Ҳанифанинг — унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин — мақбарасини ва Багдодда нурга чўмган бошқа машойихлар, дин пешволари акобирларидан ҳар бирининг мозорларини яхши сақлаш учун баҳоли кудрат Карбало, Багдод ва уларнинг атрофидағи қишлоқлар ва бошқа ерлар вақфидан маблаг ажратсинлар. Имом Мусо Козим, имом Мұҳаммад Тақи, Салмон Форсийларнинг нурли равзалари учун эса Жазоир экин майдонларидан ва Мадоин даромадидан вақф белгиласинлар. Имом Али ибн Мусонинг табаррук мозори учун Кутах баст ва Тус шаҳри атрофидағи ерлардан вақф ажратсинлар ва гилам, чироқ ҳамда кундалик емиш-ичмишини белгиласинлар. Шунингдек, Эрон ва Турондаги шайхларнинг мозорлари ва қабрлари учун ҳар биринга алоҳида номма-ном назру вақфлар ажратсинлар».

Маълумки, Амир Темур уламою фузадоларга ҳурмат-эътибор билан қараб, уларнинг фикрини инобатга оларди, турли-туман мавзуларда улар билан мунозаралар ҳам қиласарди. Темур ҳукмрониги даврида унинг саройида ўз даврининг етук олимлари яшаб ижод қиласардилар. Машхур араб тарихчиси ва муғафаккири Ибн Халдун (1332—1406) 1401 йили Темур қушинилари томонидан муҳосарарада бўлган Дамашққа келиб қолган эди. Шу аснода у Амир Темур томонидан қабул қилинади ва икки буюк инсон ўртасида узоқ ва маҳроқли сұхбат булиб утади. Учрашув чогида машхур тарихчи соҳибқирон ҳазратларига Қуръони Каримнинг гўзал бир нусхасини ҳадя қилган. Амир Темур шошилинч ўрнидан туриб, муқаддас китобни ўпид бошига қўйган. Қатор манбаларда келтирилишича, Амир Темур юлдузларга қараб фол очишда астрология таълимотини тан олмай, фақат Қуръони Каримга асосланиб фол очишни афзал кўрган. Шу нарса диккатга сазоворки, бошқа давлатлар, айниқса мусулмон давлатлари бошлиқларига йуллаган мактубларида Амир Темур Қуръон оятларидан кўп фойдаланаарди. Масалан, 1393 йили Миср сultonи Барқуққа жунатган иккинчи мактубида Соҳибқирон тегишли ўринларда етти марта муқаддас китобдан оятлар келтириб, ўз фикрини ифода қилган.

Маълумки, ислом динининг ҳомийси сифатида Амир Темур шариат арконларини мустаҳкамлаш, дини ислом қонун-қоидаларига қаттий риоя қилинишига алоҳида эътибор берар эди. Шариат қонун-қоидаларига хилоф иш қилгандар қаттиқ жазоланган. Адолат ва қонунларга амал қилиш тартиблари Амир Темур фаолиятининг таркибий асосларидан эди. Дини исломни ёйишга у бутун куч-куватини сарфлади. Шу боисдан ҳам баязи номусулмон давлатларга (масалан, Гуржистон, Арманистон, Ҳиндистон, Хитой) бўлган юришларини, энг аввало, у уша мамлакатларда ислом динини ёйиш (жорий қилиш), у жойларда мусулмонларга курсатиётган жабр-зулмни бартараф қилиш билан изоҳлаган эди.

Езма манбаларда, тарихий асарларда келтирилган талай маълумотлар шуни курсатадики, Мовароуннаҳр ва Хуросондан Маккан мухаррамага — ҳаж ибодатини адо этишга бораётган зиёратчилар азалдан Ироқ ҳудудидан утадиган жойларда йултусар ва қароқчиларнинг ҳужумларидан кўп азият чекканлар, шунингдек

бу қароқчи ва йултусарлардан нафақат уртаосиёлик тижорат аҳли ва савдо карвонлари, балки маҳаллий савдогарлар ҳам кўп жабр-зулм кўрадилар. Шу боисдан ҳам Амир Темур ҳазратлари Багдодда турган пайтида қароқчиларнинг дастидан зиёратчилар учун ҳам, савдо аҳли учун ҳам Ироқ йуллари хатарли бўлиб қолганлигини айтиб, маҳаллий савдогарлар нажот излаб Соҳибқиронга мурожаат қилдилар. Соҳибқирон тезда бу борада тегишли ишларни амалга ошириб, қароқчи ва йултусарларни бартараф қилди ва Ироқ йулларидаги хавф-хатарлар тутатилиб, осойишталик таъминланди. Мана шу мавзуга доир дикқатга молик аниқ маълумотлар миср тарихчиси Мұхиддин Абдул-қодир ал-Қурашийнинг «ал-Жавоҳир ал-музийа фи табоқат ал-Ханафиyya» («Ханафия табакалари хусусида порлоқ жавоҳирлар») номли асарида келтирилган. Тарихчининг ёзишича, Маккан мукаррамани зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этиб ватанларига қайтаётган уртаосиёлик ҳожилар карвонига Ироқ ҳудудларида қароқчилар ҳужум қилиб, улардан етмиштасини улдириб, мол-мulkларини талон-торож қилганлар. Улдирилганлар орасида куплаб уламою фузалолар, шу жумладан машҳур аллома Нажмиддин ан-Насафийнинг угли, ҳадис ва фиқҳ буйича етук олим Аҳмад ан-Насафий ҳам бўлган. Урта осиёлик ҳожиларнинг мудҳиши бу қиргингароти ҳақида йирик араб тарихчиси Ибн ал-Асир ғоятда таассуф билан ёзил, ушбу қабиҳ қирпичноқ вақтида шафқатсиз улдирилган таникли уламою фузалоларнинг хотирига Мовароуннаҳр ва Хурросоннинг куплаб шаҳар ва қишлоқларида мотам эълон қилингандигини таъкидлайди. Мавриди келганда шуни айтиш керакки, чамаси, умрининг охирларида, хусусан турк сultonи Йилдирим Боязид устидан қозонган галабасидан кейин Амир Темур ҳазратлари Маккан мукаррамани зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этишни иродат эттанилар. Ҳар ҳолда уша давр воқеалиридан яхши хабардор бўлган XV аср миср тарихчиси Ибн Тағрибердининг ёзишича, 1404 йилда Соҳибқироннинг Маккан мукаррама зиёратига келиши ҳақида муқаддас шаҳарда хабар тарқалган. Макка амири Турон мамлакати соҳибини муносиб равишда кутиб олишга ҳозирлик кўрган. Лекин номаълум сабабларга кура Соҳибқироннинг ушбу зиёрати амалга ошмай қолган.

Амир Темур ва унинг авлодлари — темурийлар

саройларида хилма-хіл мавзулардаги қитоблар ва но-
дир құләзмалар сақланадиган бой кутубхоналар — дор
ул-кутуб («қитоблар уйлари») фаолият күрсатарди.
Хукмдорлар ушбу билимлар ҳазиналарини муттасил
равищда янги құләзмалар билан бойитиб бориш учун
алохіда ғамхурлық күрсатыб, шу мақсад учун керакли
маблаглар ажратардилар. Мана шу фикримизга далил
тариқасыда манбалардан бир өркін мисол келтира-
миз. Йирик Миср тарихчиси ва қонуншуноси Ибн
Ҳажар ал-Асқалоний (1372—1449) нафақат күпдан-күп
тарихий асарларнинг муаллифи сифатида машхур, шу-
нингдек унинг бой ва кенг қамровли илмий фаолия-
тида диний йұналиштаги үзітігі хос қимматли асарлар
ҳам етакчи үрин әгаллайды. Мана шу асарлари жумла-
сидан ал-Асқалонийнинг буюк мұхаддис имом ал-
Бухорийнинг пайғамбар алайхіссаломнинг саҳійх
(ишенчли, тұғри) ҳадислари мажмусасынің үз ичига ол-
ған «ал-Жомеъ ас-саҳійх» («Ишенчли тұплам») асари-
нинг (бу асар «Саҳійх ал-Бухорий» номи билан ҳам
машхур) шархында багищланған «Фатх ал-борий би-
шархи Саҳійх ал-Бухорий» йирик асари ҳам бор. Ал-
Асқалонийнинг үн уч жилддан иборат бұлған бу йи-
рик асари «Саҳійх ал-Бухорий»ға багищланған эң ях-
ши шарх ҳисобланади. Муаллиф үз асарини йигирма
беш йыл давомида өзіб, 1439 йылда тутаттағач, ушбу
қимматли шархнинг шұхрати тез орада бутун мусул-
мон оламига тарқалды. Күп сұлтоңлару подшохлар үз
күтубхоналари учун ал-Асқалоний шархини топиб кел-
тиришга ҳаракат қылдилар. Уша пайтда Мовароун-
нахр ва Хурсонда салтанат соқиби бұлған Амир Темурнинг үгли Шохрух Мирзо ҳам Қоҳирага үз уламо-
ларини юбориб, ҳар бир нұсқасы уч қоғанынан со-
тилаёттап ушбу шархдан бир неча нұсқасынің үз күтуб-
хонасы учун олиб келтирди. Яна шуни айтиш керак-
ки, Амир Темур ҳұмкронлиги даврида фатх этилған
айрим мамлакатлардан олыму уламолар билан бир қа-
торда Самарқандга қимматли, мұхим қитоблар ҳам
келтирилганды.

Амир Темур ислом дини ва унинг қонун-қоидала-
рининг оташин ҳомииси сифатида үз фаолиятида бу
масалага алохіда әзтийор билан қаради. Шу боисдан
ҳам унинг ҳаёт тарзіда диний әзтиқод масаласи ало-
хіда үрин әгаллайды. Бу фикрни үз «Тузуклари»да
Соқибқирон шундай иғода қылған: «Яна тажрибамда
қуриб билдімки, давлат агар дину ойин асосида қу-

рилмас экан, тўра тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, құдрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат ялангоч одамга ухшашким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ехуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшигу тусиги йўқ уйга ухшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим.

Дилимнинг машриқидан кутарилган биринчи тузук шундан иборат бўлди: ислом динини ейиб, Мұхаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, шариатини қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Мұхаммад)нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим. Уз салтанатимни шариат билан безадим...

Ҳар мамлакатга шайх ул-ислом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва маърифий ишларга ундасин.

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йоловчи мусофиirlар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фикъдан дарс берсинглар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим».

АМИР ТЕМУР — КУЧ-ҚУДРАТ ВА АҚЛ-ЗАКОВАТ РАМЗИ

Жисмоний бақувватлик ва камолот, қатый азму қарор ва мустаҳкам ирода Амир Темур ҳазратларига хос хусусиятлар эди. У үз ҳарбий бошлиқлари ва раияларига ҳам шу хусусиятларни сингдирган эди. Амир Темурнинг ёшлилари ҳақида ҳикоя қилиб, араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ «Темур ёшлигидан қобилиятили, бақувват, қўрқмас, азму қарори кучли, за-бардаст ва эпчил бўлиб усиб, уз тенгкурлари — вазирларнинг угиллари билан сұхбат қуарар ва амирларнинг угилларидан үзига ухашшлар билан вақтини ўтказарди», — деб ёзган. Амир Темур даврининг ҳозирги замон тадқиқотчиси Л. В. Строева эса «Ёшлик давридан бошлаб Темур ташки белгиларига қараб отларни зотдор ёки дурагай эканлигини ажратса биладиган зийрак ва моҳир чавандоз ва камондан отадиган моҳир мерган булган эди», — деб таъкидлайди. Ёшлигидан мана шу тарздаги ажойиб хислатларни үзида мужассам қилган Амир Темур ҳар доим кучли, мард ва жасур кишиларга зўр ҳурмат эътибор билан қаради. Темур ва темурийлар даврида қураш, отда юриш санъати, кўпкари, от пойтаси, ёй ва камондан отиш, ов, човғон үйини сингари оммавий машгулотлар ва үйинлар қўшиналар ва ҳалқ орасида кенг тарқалган эди. Уз қўшиналарининг жисмоний чиниқишига Соҳибқирон алоҳида эътибор берарди. Рақиблари устидан эришилган галабалари шарафига, турли-туман тантанали маросимлар ва тўйлар муносабати билан хилма-хил мусобақалар, оммавий үйину кўриклар ўюштириларди. Ушбу маросиму мусобақалар том маъносида оммавий тусда ўтказилиб, унда аҳоли ва қушин барча табақаларининг вакиллари иштирок этардилар. Мусобақа голиблари катта мукофотларга сазовор булардилар.

Яна шуни қайд қилиш керакки, ҳар қандай шароитда, ҳатто үзи учун қийин, танг ҳолатларда ҳам Амир Темур ҳазратлари адолат мезонига амал қилиб, ботир ва жасур кишиларга нисбатан тантилик билдириб, уз ҳурматини изҳор этган. Ҳатто үз рақибларидан бўлса ҳам мард ва довюрак жангчиларга тан бериб, самимий равишда иззат-икромини билдирган.

Мана шу фикримизга икки араб тарихчиси келтирган маълумотлардан мисол келтирамиз. XV асрда яшаган араб тарихиси Ибн Тағрибердининг ёзишича, Сурия-нинг Ҳалаб шаҳри муҳосараси пайтида Темур аскарларига қарши амир Азиддин Аздамирнинг угли Яшбек ибн Аздамир катта матонат билан мардонавор жанг қилган. Сунгра у танасининг кўп жойларидан жароҳат олиб, Темур қўшинларига асир тушади. Яшбекни Амир Темур хузурига келтирганларида, унинг танасидаги кўп сонли — факат бошининг ўзидан уттиз жойидан жароҳатланганди — яраларини куриб, Соҳибқирон жангчининг матонат ва жасоратига гоятда қойил қолиб, уз табибларига уни тезда даволаб тузатишларини буюрган.

Юқорида зикр этилган араб тарихиси Ибн Арабшоҳ ўзининг «Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номли асарида Ахам Ироқи ҳокимларидан бири музafferий Шоҳ Мансур Темур аскарларига қарши мардонавор жанг қилгани ҳақида батафсил ёзади. Кескин жанглардан кейин Шоҳ Мансур асир олиниб, Темур жангчиларидан бири унинг қалласини кесиб улдиради. Қачонки бу хабар Амир Темурга етгач, у шундай жасур ва довюрак жангчи қатл этилганидан гоятда афсусланиб, кўп изтироб чекади. Кейин у Шоҳ Мансурнинг қотилини топдириб, нафақат унинг ўзини, балки бутун уруғ-аймогини ҳам қаттиқ жазога тортишларини буюради ва Шоҳ Мансур курсатган қаҳрамонлик ва жасоратига бағишлиб фасоҳатли ибораларда бир тавсифнома битдириб, бу тавсифномани уз бепоён мамлакатининг турли томонларига жұнатади. Тарихчининг ёзишича, бу тавсифнома гавжум йўллар ва катта майдонларда эл ичидә қайта-қайта қироат этилиб, мактабу мадрасалар толиблари уларни меҳр билан үрганиб ёд олганлар.¹

Езма манбаларда Амир Темур ва унинг қўшинлари томонидан намоён этилган кучли ирода, темир интизом, жасорат ва матонат намуналари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Шунингдек, уша даврда кенг тарқалган шатранж йўини ҳақида ҳам талай маълумотларни учратамиз, фикрни пешлаш хосияти борлигидан Амир Темур уз яқин аъёнлари билан муттасил равишда шатранж йўнарди ва бу борада у юк-

¹ Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи, 1-китоб, 106—113 бетлар.

сак маҳоратта эришган эди. Ибн Арабшоҳ бу хусусда шундай ҳикоя қиласи: «Темур саройида шатранж уйини усталаридан Муҳаммад ибн Уқайл ал-Хаймий, Зайн ал-Яздий ва бошқалар бор эди. Шатранж усталарининг алломаси шубҳасиз, Алоуддин ат-Табризий эди (уша даврнинг бошқа муаррихлари, масалан, Хондамир ва Ҳофизи Абру, уни Ҳожа Али аш-Шатранжий ат-Табризий деб тулиғроқ атагаилар). У фикрҳа ҳадис илмларида ҳам етук олим эди. Алоуддин Зайн ал-Яздийга ортиқча бир пиёда қўйиб, ундан голиб чиқар, Ибн Уқайлга эса битта от қўйиб, уни устига чиқиб миниб оларди (яъни у билан хоҳлаганича уйнаб, уни снгарди). Темур Шарку Гарб иқлиmlарини забт этибдики, ҳар бир шоҳу султон жангу жадал майдонларида ҳам, шатранж уйинида ҳам ундан маглуб булиб мот бўлдилар. Темур доим Алоуддин ат-Табризийга «Гуё мен салтанат сиёсатида яккаю ягона бўлганим каби сен ҳам шатранж оламида тенги йўқ, битта-ю биттасан», дейрди. Шунингдек, яна у «Бизлардан, яъни мен ва мавлоно Алоуддин ҳар қайсимиз уз санъатида кўп кароматларга эга бўлган беназир кишилармиз. Шатранж уйини ва унинг мансубалари (комбинациялари) илмида менинг ҳам, Алоуддиннинг ҳам узига хос талқинимиз бор», — дейрди. Дарҳақиқат, Алоуддин билан уйнаганда чуқур ўйламасдан туриб, бирон кимса унинг фикри ҳаддига етишга қодир була олмасди. У шофеъий мазҳаби буйича фиққа олими, ҳадис илмининг яхши билимдони, хайр-саҳоватли булиб, чиройли юзлию ҳақ сузли инсон эди. Унинг узи менга ҳикоя қилишича, у амир ал-мүминийн Алини — каррам оллоҳу важҳаҳу — тушида курган. Али ҳазратлари унга бир ҳалтачада шатранж тутқазган, шундан кейин ҳеч бир инсон ундан голиб чиқмаган. Шайхнинг шатранж уйинидаги фазилатларидан бири шу эдики, уйин пайтида у ўйланиб, сира тафаккур қилмас, фақат унинг рақиби узоқ фикрга чумиб, обдан ўйлаб дона сургандан кейин, у ҳеч бир ўйлабнетиб утирасдан юриб қуярди. Бир вақтнинг узида у гойибона икки рақиб билан уйнарди ва ҳисобини олиш натижасида уз томонида қандай доналар бор ва рақиблари томонида қандай доналар борлигини ёддан биларди. Шайх Алоуддин ва Амир Темур доим катта шатранждада уйнардилар. Шунингдек, мен Алоуддиннинг олдида доирасимон ва узунчоқ шатранжларни ҳам курган эдим. Амир Темурнинг ҳиммати кичик

шатранжда уйнашдан олий бўлиб, у катта шатранжда (шатранжи кабийр) уйнарди. Катта шатранж таҳтаси-нинг эни ун хона, бўйига ун бир хонадан иборат. Унда ортиқча икки түя (жамал), икки жирафа, икки талийъа (илгор), икки даббаба, бир вазир ва булардан бошқа бир қанча ортиқча доналар ҳам бор бўлган.¹

Ибн Арабшоҳ келтирган ушбу маълумотлар Амир Темур ҳазратлари шатранж ўйинига алоҳида аҳамият берганлигидан далолатdir. Дарвоҷе, Амир Темурнинг ҳаёти ва голибона юришларига бағишлаб «Зафарнома» номли асар ёзган муаррих Низомиддин Шомийнинг гувоҳлик беришича ҳам Соҳибқирон ҳазратлари кўп вақт шатранж ўйини билан машгул бўлганлар. Бинобарин «Зафарнома»да бу хусусда «Кунча углон Амир Соҳибқироннинг саодатбанд сұхбатига мушарраф бўлган, сафар ва қўнимларда эҳсонлар билан тақдирланган, нарду шатранж ўйинларида кўп кунларни Соҳибқирон билан биргаликда ўтказган, ўз эл улусида тархонлик ҳукмини олган эди»,² деб ҳикоя қилинади.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам ўз асари «Лисон уттайр»да зикр қилган «шатранжи кабийр»да уйнаш Амир Темур даврида кенг тарқалганилигини ва жаҳонгирнинг узлари ҳам қадимий бу ўйиннинг катта мухлиси бўлганлигини, шунингдек Соҳибқирон ҳазратлари ўз халқининг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотига алоҳида эътибор берганликларини курсатади.

¹ Қарант: Ахонб ал-Мақдур. 468—469-бетлар; Амир Темур тарихи, 2-китоб; 86—87-бетлар.

² Зафарнома, Ф. Тауэр нашри, Прага, 1937, I-жилд, 125-бет.

АМИР ТЕМУР ВА МИСР СУЛГОНЛАРИ

XIV асрнинг охирида шундай тарихий вазият вужудга келдики, Осиё, қисман Африка ва Европа ҳудудида Усмонли Туркия, Амир Темур давлати, Миср мамлуклар салтанати, Олгин Ўрда ва Мин Хитойи энг қудратли давлатлар сифатида сиёсий майдонга чиқди. 1382 йилда Мисрда ҳокимият тепасига келган Султон аз-Зоҳир Барқуқ бошлиқ черкас мамлуклари давлати таркибига кирган Сурия, уларга тобеъ бўлган Ироқ ва муқаддас саждагоҳлар макони Ҳижоз билан биргаликда қудратли кучга айланган бўлиб, Шарқдаги қушни мамлакатлар учун ҳимоя вазифасини ҳам утарди. Мана шу сабабли ҳам қатор мамлакатлар ва амirlиклар мамлуклар давлатини эътироф этиб, уларнинг ҳимоясига умид бօлаган ҳолда улар билан сулҳ тузишга шошилдилар. Марказий Осиёда Амир Темур томонидан марказлашган йирик давлат тузилиб, унинг гарбий чегараларида нуфузи оша боргач, улар ўргасидаги бу ҳаракат айниқса кучая борди. Амир Темур давлатининг қудрати ва нуфузи оша боргач, Миср мамлуклар салтанатига кўп қушнилар мурожаат қилиб, ёрдам сурай бошладилар. Масалан, Синжар, Қайсария ва Такрийтнинг ҳокимлари 1383 йилда Миср султонига мактуб йўллаб, ўзларини унинг тобеълари ҳисоблаб, хутбани унинг номи билан ўқиганларини билдирганларида султон Барқуқ дарҳол улар илтимосини бажо келтириб, уларни уз ноиблари этиб тайинлади.¹ Ўз навбатида айтиш лозимки, ушбу воқеалар Амир Темурнинг баъзи араб мамлакатлари ҳудудларида пайдо бўлиши билан бир вақтга тўғри келади. Жумладан, 1386 йилда Амир Темур қушинилари Табриз шаҳрини қамал қилиб, ундан ҳокими Қора Юсуф туркманни ҳайдаб чиқариб, шаҳарни эгаллаганларида Ироқ, ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс Жалойир бунга кўп ҳам эътибор бермай, мамлакат ичкарисига — пойтахти Бағдодга чекиниш билан чегараланди. Айни вақтда бу воқеалар яхшиликка олиб кел маслигини ҳис қилиб, у туркман Қора қуюнлилар қабиласининг бошлиги Қора Юсуф ва бир қатор араб-

¹ Ибн Ҳажар ал-Аскalonий. Инба ал-Гумр, 1-жилд, 201-бет.

лар йўлбенчилари билан Темурга қарши битим тузди. Шу билан бирга, 1388 йилинг охирларида қачонки Темур қушинлари Табриздан чиқиб кетганларида туркманларнинг бошлиги Қора Юсуф Табризга қайтиб келиб, яна шаҳарни қўлга киритди. Ҳокимиятни қайтадан эгалаган Қора Юсуф Миср султони Барқуққа мактуб йўллаб, Табризда унинг номи билан пул зарб этиб, масжидларда унинг номи билан хутба уқилаёттанини билдириб, ўзини султоннинг Табриздаги ноиби булишлигини сўради.¹

Бу уринда шуни таъкидлаш лозимки, Бағдод ҳокими Султон Аҳмад ибн Увайс Жалойир ута ахлоқсизлиги билан танилган булиб, фиску фужур ва бузукликка мукласидан кетган эди. Бунинг устига ҳоким сифатида мамлакатни ёмон идора қиласар эди. У ҳаддидан ошиб, ҳатто ўз биродарларига ҳам зулму жафо утказиб, ўз ҳарбий бошликлари ва амирларини муттасил таҳқирлаб, раияларига нисбатан ҳеч раҳмшафқат қилмай, гоятда адолатсизлик ва ноҳақлик билан ҳукм юритарди. Бундан ташқари, у Қора Юсуф билан биргаликда карвонларни ва ҳожиларни талаб, карвон йўлларида қароқчилик ҳам қиласарди. Шу боисдан ҳам Бағдод аҳли Амур Темурга мактуб йўллаб, ундан нажот изладилар ва Султон Аҳмадга қарши юришга унладилар.² Бунга қўшимча Султон Аҳмад ўлгудек ҳасис одам булиб, бир нечта сандикларга жойлаб қўйилган ўз мол-давлати ва жавоҳирларидан ута хавотирда эди, ҳаммадан кура у ўзининг соқчилари булмиш мамлукларидан кўп хавфсиради. Шу боисдан ҳам у ўзининг бехатарлигидан ташқари мудом ўз мол-дунёси ва қимматбаҳо бойликларини қай тарзда қутқариш ҳақида кўп бош қотираради. Мана шу мулоҳазаларга кура у ўз иттифоқдоши Қора Юсуф ва Дамашкда ҳокимият юритастган мамлуклар билан доимий алоқада булиб турди. Шунингдек ута бир синчковлик (эҳтиёткорлик) билан бир гурӯҳ маҳсус навкарларни учкур отлар билан танилаб олиб, улар зиммасига узи, оила аъзолари ва бойликларини қуриқлашни, агар зарурат туғилса, улар қочишга тайёр ҳолда туришларини топширган эди. Уз худудлари чегарасида — пойтахт Бағдоддан 140 км

¹ Аз-Мақризий, ис-Судук, 3-жилд, 495-бет.

² Муҳаммад Асадуллоҳ Сафе. Темурланг, 155-бет; Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи, 1-китоб, 137-бет.

масоғада хабарчи кабутарлар билан уз кузатувчинарини ҳам күйдикى, уларга Темур құшыннаныннан яқинлашувы қақида Султонни уз вактида оғох қишилари топширилган эди.¹ Мана шу воқеалар жараёнида — яни 1386 йилда Табризни забт этгач, Амир Темур Мордин ҳокими Маждиддин Исога мактуб йуллаб, уни уз хузурига келишга даъват қылды. Лекин Мордин ҳокими Миср султонининг құллаб-қувватлашидан умид қилиб, Амир Темур ҳузурига борышта Миср султонининг рухсати булишигини рұкач қилиб, Темурға уз узрни билдиради. Маждиддин Исонинг бундай жавобидан Темурнинг жаҳли чиқиб, унга иккинчи маротаба хат йұллаб, «сенинг ерларинг устидан ҳукм юритишга Миср султонининг ҳеч бир ҳаққи йүк», деб узил-кесил уз фикрини билдириди ҳамда унга хат йуллащдан максади унинг билан дустона муносабатлар үрнатиш эканligини Мордин ҳокимига уқтириди. Амир Темур узининг ушбу холис ниятини яна Маждидинга мактуб йуллаб билдириди, мактуб билан бирга құмматбаҳо сарпо, олтиндан ишланган жавоҳирлар ва күпдан-күп пул (динор)лар ҳам юборди.² Мордин ҳокими Маждиддин Исо Амир Темур билан булган бу ишлар қақида Миср султони Барқуққа хабар етказиш тараддуудида бұлғанда Темур күтилмаганда орқага қайтиб, гарбий томондан Бағдод устига хужум қылды. Султон Аҳмад ибн Увайс Темур құшынлари хужуми кутилаёттан шаҳарнинг гарбий томонидаги күприкдан үтиб, күприкни буздириб ташлади ва сақар чогида уз хонадони аъзолари, хотинлари ва бойликларини олиб, шаҳарни тарқ қылды. Бағдодни мухосара қылыш 1393 йылнинг июль ойида бошланиб, икки ой давом этди, шундан кейин Темур Бағдодни әгаллашта мұваффақ бүлди. Мухосара чогида шиддатли жангларда күп одамлар ҳалок бүлди, шаҳарнинг талай қисми, жұмладан, деворлари, масжидлари ва бозорлари вайрон этилди. Темур Султон Аҳмаднинг орқасидан уз угли Мироншоқ бошлиқ таъқиб гурухини юборғанди. Икки күн таъқиб қылғач, Ҳизла деган жойда улар Султон Аҳмадни қувиб етдилар, унинг бойликлари, бальзи хотинларини құлға олдилар, султон шерикларидан бир қисмини улдириб, бир қисмини асир олдилар.

¹ Ибн Тағриберди. ан-Нужум аз-Зохира, 12-жил, 43-бет.

² Ал-Макризий. ас-Сулук, 3-жил, 706-бет.

Султоннинг ўзи юзга яқин суворийлари билан зўрга қочиб қутулиб, ярим ялонгоч ҳолда султон Барқұнинг ҳомийлиги ва ҳимоясини сўраб Қоҳира томон равона булди.

Султон шаҳарни ташлаб қочгач, Багдод аҳли узлари шаҳар дарвозаларини очиб, омонлик ўлпонини тұладилар ва Амир Темур ҳокимииятини тан олдилар. Темур шаҳарда икки ой мобайнида бўлиб, баъзи муаррихларнинг гувоҳлик беришларича, Султон Аҳмадга тегишли бойликлар ва жавоҳирлар ҳамда шаҳар аҳлидан олинган омонлик тұлови билан чегараланган. Нече асрлар шон-шұхратта бурканиб, бутун мусулмон дунёсининг гуллаб-яшнаган марказига айланган Бағдодда бундан хийла муддат муқаддам ичқиликбозлик кенг тарқалган эди. Амир Темурнинг фармонига биноан шаҳарда мавжуд барча спиртли ичимликлар Дажла даресига тұқдириб юборилди, уша пайтда шаҳарда кенг тус олган фоҳишахоналар ёпилди. Шаҳардаги машхур усталар, ҳунармандлар, санъат аҳли, мусиқашунослар, мунахжиму мейморларни уз пойтахти Самарқандга кучириб кетди. Шаҳарда икки ой булгач, Амир Темур кутилмаганда шаҳарга келгани каби шу тарика кутилмаганда шаҳарни тарқ қилди. Бағдоддан кета туриб, Амир Темур Қоҳирага, султон Барқұққа оғзаки мактуб билан уз элчиларини жүнатди. Уз элчилари орқали Амир Темур султон Барқұққа билдирган таклифлар жумласидан: иккала — яъни Темур ва султон Барқұқ давлатлари уртасида дүстона муносабатлар үрнатилиши, бизларнинг савдогар ва тижорат аҳлари бемалол борди-келдиларини амалга оширишлари, бундан кейин бизлар уртамиизда ҳеч қанақа ихтилоф ва адоват ҳаракатлари бўлмасин, деган фикрлар бор эди. Бироқ султон Барқұқ Темур элчиларини қатл этиб, узининг бу ишидан гоятда сурурга тулди. Султон тасаввурicha бир томондан Бағдодни эгаллаган Темур мамлуклар давлатининг гарбий чегараларига жуда яқин булганлиги бўлса, иккинчи томондан — энг асосийси Миср султон Темур элчиларига нисбатан ушбу кўрс муомаласининг боиси айни шу пайтда султон Барқұқ усмонли турклар султони Боязид сиймосида салобатли бир иттифоқдош топган эди. Чунончи Темур қушинларидан бир қисмини Анадулияning айрим ҳудудларида туриши турк султонининг Темурга қарши очиқдан-очиқ газабини кузгаган эди-да. Мана шуларга кўра Миср ва Турк султонлари

узаро мустаҳкам иттифоқ тузиб, Темурнинг адабини бериб қўймоқчи бўлдилар. Уларнинг тасаввурicha, улар қушиналарининг йўлига тусиқ буладиган на Дажла дарёсигача ҳам, на Журжон денизигача ҳеч бир куч бўлмайди, чунки уларни шимол томондан туркманлар, жанубдан эса Сурия араблари қуллаб-куватлайдилар. Мана шу режага мувофиқ Турк қушиналари осонлик билан Мосулгача етиб келган бўлса, Миср сultonининг қушиналари эса Дажла дарёсидан утиб Багдодга кириб келдилар. Улар узлари билан илгарироқ Коҳирага қочиб келган сulton Аҳмад ибн Увайсни ҳам яна уз тахтига ўтқазиш мақсадида Бағдодга олиб келдилар — энди у Багдодда Миср сultonининг ноиби сифатида ҳокимлик қиласди.

Масалани шу тарзда етганларидан мамнун бўлган Миср мамлуклари Бағдоддан, турклар эса Мосулдан қайтиб, уз юртларига кетганларида Аҳмад ибн Увайс одатдаги ташвишлари билан ёлғиз қолди. Энди муҳтасар ҳолда Амир Темур билан сulton Барқуқ муносабатларига тўхталсак. Улар уртасидаги расмий алоқалар 1385 йилдан бошланган эди. Нисбатан қисқа муҳлатда — 1386 йилдан то 1405 йилгача Амир Темур ва Миср сultonлари Барқуқ ва Фараж, шунингдек, уларнинг Суриядаги ноиблари уртасида тахминан 25 марта мактублар ва элчилар алмашуви бўлди.¹ Уша (1385) йилнинг ноябрь ойида Амир Темур ўзининг маҳсус элчиси орқали сulton Барқуқقا мактуб йуллади. Элчи Коҳирада яхши кутиб олиниб, унга муносиб жавоб ҳам қайтарилган эди. Лекин, афсуски, бу мактубнинг мазмуни очилмасдан қолди.²

Аввал зикр қилинганидек, кейинги йил Коҳирага Мордин ҳокимиининг чопарлари келиб, Темур Табризни эгаллагани, Сulton Аҳмад ибн Увайс пойтахт Бағдодга чекинганини хабар қилгандилар. Ана ушанда Сulton Аҳмад қандайдир бир аёлни сulton Барқуқка жўнатиб, Темурнинг нияти аввал Бағдодга кириб, сўнгра Сурияга қайтиш эканлигидан сultonни огоҳ қилмоқни истаганди. Бу аёл Дамашққа келгач, шаҳар ноиби Пайдамир уни дарҳол Коҳирага — сulton ҳузурига жунатди.³ 1387 йилда эса Коҳирага келган бир хабардан Темур Омуд ҳокими Қора Юсуфни тор-мор

¹ А. А. Ҳасанов. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Египтом, 126-бет.

² Ал-Макризий. ас-Сулук. З-жилд, 537-бет.

³ Ибн Ҳажар ал-Асқароний. Инба ал-умр. I-жыц, 312-бет.

қилиб, шаҳарни эгаллагани ва Қора Юсуф қочиб кетгани маълум бўлди.

Мана шу хатарли воқеалардан кейин султон Барқуқ уз қозилари, фақихлари ва амирларини йигиб, машварат қилди. Узоқ давом этган тортишувлардан кейин қўшиннинг зарурияти учун вақф ерларидан бир йиллик ҳосилни йигиб олиш ва ахборот тўплаш учун Сурияга баъзи ийрик амирлар бошчилигида уч юз киши жунатиш хусусида қарор қабул қилинди. Қўшиннинг асосий қисми йулга тушишдан олдин бу тариқа илгор гурӯҳ жунатиш мамлукларнинг одати эди.¹ Айни шу йилда Темур қўшинлари мамлукларга қўшни ерларга кетма-кет қўққисдан ҳужумлар уюштириб, уларнинг мамлуклар давлати чегараларига яқинлашиб қолганлиги ҳақида овозалар тарқатилди. 1388 йилда биринчи маротаба мамлукларнинг Темур қўшинлари билан қуроли тўқнашуви юз берди. Бунинг сабаби — Сивас туркманлари мамлукларнинг узлари устига уюштирган ҳужуми туфайли Темурга ҳимоя сураб мурожаат қўлганлари эди. Бу тўқнашувда гарчанд сон жиҳатидан Темур қўшинлари кўп булсада галаба Ҳалаб ноиби Ялбуға ан-Носирий бошчилигидаги мамлуклар томонида бўлди. Йилнинг охирида Амир Темур уз ватанига қайтиб кетди. Юқорида зикр қилинганидек, Қора Юсуф Темурнинг йўқлиги фурсатидан фойдаланиб, тўсатдан Табриз устига ҳужум уюштириб, шаҳарни Темур одамлари қўлидан эгаллаб олди. Қора Юсуф бу билан чегараланиб қолмай, хутбани султон Барқуқ номига ўқитиб, шунингдек султон Барқуқ номига пул ҳам зарб этиб, унга уша дирхамларидан юбордики, унинг бу ишларидан Миср султони ғоятда шодланди.² Бу уринда яна шуни таъкидлаш керакки, ўрни келганда султон Барқуқ ҳар сафар Темурга нисбатан ута нафрят билан муносабат билдириб, доимо «Мен бу чўлоқдан қўрқмайман, чунки барча (подшоҳлар) унга қарши мени қуллаб-қувватлайди, мен фақат Ибн Усмон (Боязид)дан қўрқаман»,³ — деб таъкидларди. Воқеаларнинг шу тарзда ривожига қарамасдан, беш йил тинч-осойишта үтиб, кутилмаганда Амир Темурнинг 1393 йилда Бағдодга қайтишидан кейин вазият ҳийла кескинлашди. Гап

¹ Ал-Макризий, ас-Сулук, З-жилд, 564-бет.

² Ибн Ҳажар ал-Асқолоний, Инба ал-тумр, 1-жилд, 347-бет.

³ Уша аср, 1-жилд, 385-бет.

шундаки, мана шу йили Амир Темур Қайсаия, Тұқат ва Сивас ҳокими бұлған Абу-л-Аббосға мактуб йұллаб, уни үзига итоат қилишини талаб қилди. Лекин 1383 йилдан бүен султон Барқұқ билан иттифоқда бұлған Абу-л-Аббос Темур әлчилари бошлиқларининг (кибор русул) бошларини кесиб, кесилгандарни тирик қолған әлчилар буййнларига осиб, уларнинг (әлчиларнинг) ярмини султон Барқұққа ва қолған ярмини эса түрк султони Боязидга жұнатди. Шунингдек, бу икки султонға мактуб ҳам йұллаб, уларни Темурға қарши шошилинч өрдам күрсатыларини сұради¹. Ушбу 1393 йилнинг октябрь ойида Багдодда турған Амир Темур қимматбақо совгалар ва маҳсус мактуби билан гоятда обру-эътиборли уламоларидан бири шайх Сувақ бошлигидаги маҳсус миссиясими султон Барқұқ ҳузурига жұнатди.² Ушбу миссия Сурия ҳудудидаги ар-Рахба деган шаҳарға етиб келгач, шаҳар мұтаваллиси уларни мамлакатға киритиш учун султон Барқұқнинг рухсатини сұради ва әлчилар билан биргә құллар, жориялар ва ҳоказолардан иборат султонға күпдан-күп совгалари борлигини ҳам унга хабар қилди. Шунда әлчиларни уша жойнинг үзида зиндонға ташлаш, Темурдан келған мактуб ва совгаларни унга жұнатыш хусусида султондан амру фармон келди. Амир Темурнинг мактубида Мисрга қочиб келған Багдод ҳокими султон Ахмад ибн Үвайсни мамлакатдан (Мисрдан) чиқараби юбориш талаб қылғанған эди. Бундан ташқари, мактубда яна шу нарсалар — Темурға тегишли чегаралар Миср давлати ҳудудлари билан чегарадош булиб туташиб кеттәнлиги сабабли яхши құшничилік муносабатлари үрнатыб, әлчилар алмашиниб дустона алоқаларни мұстақамлаш орқали савдо аҳли ва тижоратчиларнинг бир мамлакатдан иккинчисига бемалол үтиб-қайтиб ҳеч бир тұсқынликсиз үз ишлари билан шугулланишлари таклиф қылғанған эди.³ Лекин Амир Темурнинг бу таклифлари султон Барқұққа әқмади ва ҳамма жойда расм булған тартиботларға хилоф равишида үз ноибига Темур әлчиларини қатл этишни амр қилиб⁴, бу билан унга нисбатан адсоватини очиқдан очиқ изҳор қилди. Миср султони Барқұқ билан түрк

¹ Ибн-Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, 1-жылд, 164—167-бетлар.

² Мирхонд. Равзат ус-сафо, 6-жылд, 209-бет.

³ Х. А. Саййид, Қийам..., 126-бет.

⁴ Мирхонд. Равзат ус-сафо, 6-жылд, 209-бет.

султони Боязид ва бошқа гурухлар уртасидаги амалий ҳамкорлик мана шу пайтдан бошланган эди. Бунга құшимчы Қора қуюнли номли туркман қабиласининг бошлиғи Қора Юсуф Авник қалъасининг сардори, Амир Темурнинг яқин қариндоши Атламиш билан булған жаңг пайтида уни тутиб олиб, султон Барқуққа жұнаттанды, үз навбатида султон ҳам уни дархол зин-донга ташлатади.¹ Шу воқеалар жараёнида Ҳалаб ва Малатия ноибларининг жангчилари билан Темурнинг илғор құшинлари уртасида Оұха деган жойда енгілелпи тұқнашувлар булып, буларда Темур құшинлари орқага чекингандылар. Темур құшинининг күпчилиги қириб ташланған, қолғанлари асирга олинган, бир қисми эса ҳар тарафға қочиб кетганди. Мана шу жаңғдан кейин Темурнинг қатл этилған аскарларининг 240 калласи ва бир гурух асиrlар ҳам Коҳирата жұнатылған эди.² Мана шу воқеалар асносида султон Барқуқ шошилиңч равища Темурға қарши жаңгта ҳозирлик күра бошлади ва бу жаңгта шахсан үзи бошчилик қилишга қарор қилди. Ушбу жаңгта тайёргарлик ишлари авжига чиққан пайтда Темурдан султон Барқуққа иккинчи мактуб келди. Султон Барқуқ шаънига баъзи дүк-пўнисалар қилинған ушбу мактубида Темур султонни үз элчиларини үлдиришда, шунингдек, үзига топширишни талаб қылған Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайсга бошпана беришда айблади.³ Үзининг жавоб хатида султон Барқуқ Амир Темурни худосиз деб айтади, үзини эса ҳар қандай тажовузкорликка қарши ислом динининг ҳомийси деб эйлон қилиб, үзининг фақат амир ал-мүминийнга (яъни халифага) ва пайғамбарға итоат этишини билдириди. Керакли кийим-бош ва асбоб-анжомлар пухта тайёрланғандан кейин 1394 йилнинг апрель ойида күп сонли мамлуклар армияси султон Барқуқнинг қўмандонлигига йулга чиқди. Султон билан үз одамларини атрофига олган Ироқ ҳокими Аҳмад ибн Увайс ҳам йулға чиқди. Амир Темур эса бу вақтда угли Мироншохни Бағдодда қолдириб, үзи Ҳиндистон сафарига отланған эди.⁴ Гарчи Амир Темурнинг Бағдоддан чиқиб кеттганлиги ҳақидаги хабар султон Барқуққа етган бул-

¹ Хондамир. Ҳабиб ас-сийар, 3-жыл, 65-бет.

² Ибн ал-Фрот. Тарих, 9-жыл, 307-бет; ал-Макризий, ас-Сулук, 9-жыл, 212-бет.

³ Ал-Макризий. ас-Сулук, 3-жыл, 237—238-бетлар.

⁴ Ал-Аззавий. Тарих ал-Ирок байн ал-иҳтилолайн, 2-жыл, 219—220-бетлар.

са-да, у сафарини давом эттириб, узининг кўп армияси билан 1394 йилнинг майида Дамашққа етиб келди. Дамашқда Миср султони Тухтамиш ва турк султони Боязиднинг элчилари билан учрашиб, Темурга қарши уларнинг нафратини қузгатди ва биргалашиб ҳаракат қилиб, ундан кутулишга уз рагбатини билдириди. Амир Темур сикуви натижасида уз ерларининг ичкарисига қараб чекинган Тухтамишон юборган элчилар уз хонларининг султон Барқуққа курсатадиган мададини чиройли тарзда ифода этиб, унинг султон Барқуқ билан Темурга қарши «мудофаа иттифоқи»ни тузишга рагбатини изҳор қилдилар.¹ Бу ерда ҳозир булган султон Боязиднинг элчилари ҳам унинг (султоннинг) Темур билан жангиде султон Барқуқ билан иттифоқдош бўлишга интилишини, шунингдек, уз султонларининг Миср султони тасарруфига узининг күшинидан икки юз минг кишини беришга тайёр эканлигини билдирилар.² Ушбу таклифлари учун султон Барқуқ уларга уз миннатдорчилигини изҳор этиб, бу фикрларига тегишли жавобини берди.³ Айни вақтда яна султон Барқуқ, Бағдод ҳокими Аҳмад ибн Увайсга ҳар томонлама ёрдам курсатиб, Бағдодга уни уз ноиби сифатида жунатди. Натижада у (Аҳмад ибн Увайс) 1394 йилнинг июнь ойида мамлук күшинлари ва туркман Қора Юсуфнинг ёрдами туфайли Амир Темур уғли Мироншоҳ устидан галаба қозониб, Бағдодни қайтариб олишга муваффақ булди. Аҳмад ибн Увайснинг ушбу галабасини эшитган турк султони Боязид султон Барқуққа мактуб йўллаб, Темурга қарши курашда зарурат туғилса, уз күшинларидан унинг ихтиёрига юборишни узи шахсан тасдиқлади. Шунингдек, мамлуклар давлати ерлари билан чегарадош бўлган туркман амирликларининг бошликлари ҳам султон Барқуққа итоат этишларини билдириб, хабар юбордилар.⁴

1395 йилнинг бошлиарида султон Барқуқ Қоҳирага қайтиб келди. Шундан бир йил утгач, 1396 йили Амир Темур Қоҳирага — султон Барқуққа уз вакилларини юбориб, бир йилдан ортиқ вақтдан буен Қоҳирада зинданда ётган қариндоши Атламишни озод қи-

¹ Ибн ал-Фрот. Тарих ал-дувал ва-л-мулук, 9-жилд, 391-бет.

² Уша асар, 9-жилд, 416-бет.

³ Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, инба ал-гумр, 1-жилд, 431-бет; Ибн ал-Қозий Шұхба, Тарих, 512-бет; Ибн Таргриберди, ан-Нужум аз-зоҳира, 12-жилд, 26-бет.

⁴ Ал-Макризий, ас-Сулук, 3-жилд, 733, 747-бетлар.

лишини талаб қилди. Султон Барқұқ Темурнинг бу талабига унчадык әзтибор бермай, бунга күшімчы Атламишга «Миср заминидә менгә жуда яхши»,¹ деган тарзда хат өзіб юборишини буюрди. Шундан кейин бир неча йил утиб, 1399 йили султон Барқұқ вафот эттач, Миср ва Сурия султони мансабига унинг үн ешли үғли ан-Носир Фараж үтирди. Султон Барқұқ нинг вафоти туфайли Мисрда вужудға келген бекарорлық вазиятидан фойдаланған турк султони Боязид ал-Убластийн ва Малатияға ҳужум уюштириб, Дараппани мухосара этди. 1399 йил сентябрь ойда ахборот тұплаш учун Султон Фараж томонидан юборилған амирлардан бири турк султони Боязид Сивасни босиб олиб, Малатияни хисор этаеттанини, Сивасда унинг үғли Салмон ҳукм юритиб, адолига күпдан-күп күлфа ту нотинчилеклер етказаёттандырыны хабар қилғанды. Иккінчи томондан турк султонининг бу хатты-харалатлари Амир Темурнинг ҳам жаһлини чиқарди. 1399 йилнинг июль ойда Амир Темур Ҳиндистонни тарқ этди ва Озарбайжон худудига келиб, Табризни қароргоҳ тұтди. Табризда турганида турк султони Боязидга мактуб йуллаб, одоб билан унга узининг Қора Юсуф ат-Туркманий ва Бағдод ҳокими Ахмад ибн Увайс билан буладыган урушида холис-бетараф мавқеда булишини ишорат қилди. Лекин султон Боязид Амир Темурнинг ушбу маслағатини қулоққа олмады ва унинг хатига күрслік билан жавоб қайтарыб, «әрдам сұраган одамни үз ҳолига таш slab қуйиш туркларнинг одатидан эмас», — деб алоқида таъқидләди. Кейин эса унга қарши күчли құшин билан боришини ва қаерга борласин уни таъқиб қилишини билдирди.²

Мана шу мулоҳазаларнинг барчасидан Амир Темур чиқарған хulosаса шу бұлдықи, Боязид билан иттифоқ түзиш хусусида гап юритиши бефойда, бунинг устига Бағдодда ҳам вазият янада кескинлашған булиб, Темур 1393 йилнинг декабрида унга иккінчи марта келиб шаҳарни әгаллади. Ахмад ибн Увайс ва унинг иттифоқдоши Қора Юсуф ат-Туркманий шаҳардан чиқиб, гарб томонға қараб юрдилар ва мамлуклар султоннинг әрдамига умид қылдилар. Улар Ҳалабға келиб, шаҳар ноиби Дамирдошлан бошпанан сұрадылар, аммо уларнинг етти минг суворийлари билан шаҳарда

¹ Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Инба ал-ғумр, 1-жылд. 522-бет.

² X. A. ас-Сайїид. Қийам..., 130-бет.

туриши Дамирдошга мушкул куриниб, уларга шаҳарга киришга рухсат бермади.¹ Дамирдош Ҳома шаҳарнинг ноиби Дуқмок ёрдамида уларга қарши кураш олиб борди, бироқ мағлубиятга учради. Аҳмад ибн Увайс ва Қора Юсуф султон Фаражга мактуб йуллаб, үзларича юзага келган вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Аммо ёш султон Фараж ўз амирларининг маслаҳатига кура бу хатти-ҳаракатларини адоват деб қабул қилиб, Ҷамашқ ноибига уларга қарши ҳамма жойда уруш олиб боришни буюрди. Натижада Аҳмад ибн Увайс ва Қора Юсуф турк султони Боязидга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Боязид уларга иззатикром курсатиб, улар билан иттифоқ тузди. Турк султонининг улар билан иттифоқ тузиши Амир Темурнинг газабини кузгади ва унинг турк султони ерлари томон юриши учун замин ҳозирлади.² Шундан кейин Амир Темур Сивас ва Султон Боязидга тобеъ бўлган унинг ноиби амир Мустафога қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлади. Сивасга мадад курсатиш учун 1400 йилнинг июлида Боязиднинг ўғли Сулаймон бошлиқ турк қушиналари илгарилаб юрдилар. Темур уни тормор эттач, Сулаймон ўз иттифоқдоши Қора Юсуф билан Бурсада турган отаси ёнига қочиб келди. Темур Сивасни эгаллади, шаҳарга кўп талофат етказилди. Шундан кейин у 1400 йилнинг октябрь ойида Малатия шаҳрини ишғол қилди. Малатияда турган вақтида узининг биринчи мактубини султон Фаражга йуллаб, хатида унинг отаси йўл кўйган хатоларни — унинг элчиларини улдиргани, Атламишни зинданга соглани кабиларни курсатди. У Фараждан дарҳол Атламишни озод қилишини талаб қилди ва ўз талаби бажарилмаса, «Сурия ва Миср ҳалқидан ўч олишини»³ мактубида алоҳида таъкидлadi. Темур элчилари Ҳалабга етиб келганларида, шаҳар ноиби, одатдагидек, улар ҳақида султон Фаражга хабар юборди. Султон Фараж отаси қилгани каби Ҳалабдаги ноибига элчиларни тутиб олиб зинданга ташлашни буюрди. Бу шармандали хатти-ҳаракат ёш султон ва унинг амалдорларининг мана шундай қалтис вазиятда устамонлик билан сиёсат олиб боришдан бехабар эканликларини яна бир карра курсатди. Султон Фаражнинг ўз элчиларига нисбатан

¹ Ал-Хатийб. Нузҳат ан-нуфус ва-л-абдон, 162-бет.

² Ал-Багдодий. Үзён ахбор ал-айлон, 490-бет.

³ Х. А. ас-Сайяд. Қийам..., 131-бет.

бу тарздаги муомаласини билгач, Темурнинг қони қайнаб, бу қилиги ва унинг отасининг ўз элчиларини улдирғанлиги учун улардан уч олишига қарор қилди. Шу боисдан ҳам у султон Боязидга томон эмас, энг аввало, Миср султони устига юриш қилишга иродат этди.

1400 йилнинг ноябрь ойида Темур қүшинлари ал-Бахасна устига юриш қилдилар, Темур қүшинлари нинг қудратини кўрган шаҳар ноиби дарҳол Темурга итоат изҳор қилди. Темур номи билан пул зарб этиб, жума намозида унинг номини зълон қилиб хутба ўқитди. Шундан кейин Темур Айтоб шаҳрини эгаллади, унинг ноиби Ҳалабга қочиб кетгач, Темур узи томонидан шаҳарга ноиб тайинлади. Ушбу воқеалардан кейин Темур Дамашқ ноиби Судунга мактуб йўллаб, унга вужудга келган вазиятни тушунтиришга уринди: султон Боязиднинг адабини бериш учун Сивасни эгаллаганини айтиб, Мисрга томон юриш бошлиганини эса Қоҳирада зинданда ётган ўз қариндоши Атламишни озод этишиб ва бу мамлакат билан нормал муносабатлар ўрнатиш учун ҳаракат ва ҳоказолар деб изоҳлади.¹ Лекин Дамашқ ноиби Темурнинг бу тарздаги мактубига эътибор бермади ва унинг элчисини чормихга (салбга) тортишни буюрди.² Дамашқ ноибининг ушбу қурс ҳатти-ҳаракатидан кейин Темур қүшинлари Ҳалаб устига ёпирилиб ташландилар. Бу вақтда Суриянинг Дамашқ, Тараблус, Ҳома, Сафад ва Газа каби шаҳарларининг ноиблари ўз қүшинлари билан Ҳалабда тўплланган эди. Лекин улар уртасида бирлашиб ҳаракат қилиш хусусида ягона аниқ режа булмаганлиги учун, шаҳар аҳли ва зикр қилинган шаҳарлар бирлашган қүшинларининг қаттиқ қаршилик курсатишларига қарамасдан, шаҳарнинг мустаҳкам қальласи ишғол этилиб, аҳоли талон-торож қилинди, шаҳар аҳли ва қүшиндан кўпдан кўплари ҳалок булди.³ Кўп одам келаётган қүшиндан қочиш пайтида бир-бирларини издиҳомда қисиб, шаҳар дарвозасида ҳалок булди, талай одамлар от ва филларнинг оёқлари остида қолиб нобуд бўлди. Ноиблар — Судун ва Дамирдош асирга олинди. Ҳалабни ишғол қилгач, Амир Темур ўзининг илгариги талабларини такрор-

¹ Ибн ал-Қоли Шуҳба. Зайл тарих ал-ислом, 3-жылд, 172-бет.

² Ал-Айнӣ. Иқд ал-жумон, 25-жилд, 124-бет.

³ Ибн Татриберди. ан-Нужум аз-зохира, 12-жилд, 233-бет.

лаб, яна султон Фаражга мактуб йўллади. Уз қариндоши Атламишни озод қилишни сурди, агар у шундай қилса, унинг уз хузурида асирда турган ноибларини ва бошқа асирларни озод қилишини билдириди. Лекин султон Фараж бу сафар ҳам Темур талабларини рад этди. Натижада шаҳар ва унинг аҳли учун султоннинг ушбу хатти-ҳаракати роса қимматга тушди. Темур қүшинлари йул олган навбатдаги йўналиш — пойтахт шаҳар Дамашқ бўлди. Бу вақтга келиб уз қүшинларига бошлиқ бўлиб султон Фараж Қоҳирадан чиқсан эди. Миср султони 1401 йилнинг январь ойида Дамашққа етиб келиб, улар шаҳар (Дамашқ)нинг жанубий деворларидан икки мил масофада жойлашган Ялбуға деган текисликда тұхтадилар.¹ Суриянинг пойтахти томон юз тутган Темур қүшинлари йўл-йулакай Баалбек қалъасини эгаллагандилар, бу қалъа ўзининг бетакрор нафосати ва устунларининг улугворлиги билан Темурни ўзига мағфун этганди. Темур қүшинлари Дамашқ четида жойлашган Қатана деган қишлоқда қарор топиб, шундай жойлашдиларки, улар султон Фараж қүшинларининг юриш-туришларини кузатиб турардилар.²

Яна шуни қайд қилиш керакки, охирги маротаба султон Фаражга хат йўллаб, Атламишни озод қилиб, унинг номи билан пул зарб этишини таклиф қилганда Миср султони уз одатига хилоф равищда Темур элчиларини иззат-икром ва хурсандчилик билан қабул қилиб, улар учун уз қүшинининг улкан парадини ўюштириб, уларга қимматбаҳо совғалар ҳам топширган эди. Қайтища Темур элчилари Миср султони элчилари билан бирга қайтгандилар. Ўзининг жавоб хатида султон Фараж Атламишни беш кун мобайнида зиндандан озод этишини ваъда қилиб, бундан кейин Темур билан дўстона муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини изҳор қилиган эди.³ Мактубларнинг бу тарздаги дўстона оҳангига қарамасдан, иkkala томон ҳам Дамашқ остонасидаги жойлардан туриб, ҳал қилювчи жангга пухта ҳозирлик кўрадилар. Лекин улар уртасидаги кутылган бу ҳал қилювчи жанг юз бермади. Чунки султон Фаражга Қоҳирадан ҳамроҳ бўлиб Дамашққа келган амирларнинг бир қисми кечаси мах-

¹ Ибн ал-Кози Шуҳба. Зайн тарих ал-ислом, 174—175-бетлар.

² X. A. Сайид, Кийам..., 138-бет.

³ Шарафиддин Али Язий. Зафарнома, 777-778-бетлар.

фий равищда Қохира томон жұнаб кетганды, шуннингдек Қохирада мамлуклар амири Ложин бошчилди гида султонға қарши фитна тайерланады. Қохира Фаражта маълум бўлиб қолди. Шу туфайли султон Фараж ҳам Дамашқни ўз ҳолига ташлаб, яширинча Қохира томон йўлга чиқди. Амирлар томонидан узи-ча ташлаб кетилган султон армияси ўргасида парокан-далик бошланди. Мана шу ҳолатларнинг ҳаммаси Темурга Дамашқни эгаллашга имкон яратди, гарчанд, шаҳар аҳли қаттиқ қаршилик кўрсатган бўлса-да, у шаҳарни эгаллади.¹ Шундан бир қанча вакт ўттач, турк султони Боязид устидан галабага эришгандан кейин, ўз мамлакатига қайта туриб, Амир Темур султон Фаражта бир мактуб йўллади, унда ўзининг Боязид устидан эришган зафарини таърифлаб, яна уша Атламишни зиндандан озод қилишни талаб қилди. Агар султон Фараж унинг бу шартини қабул қилса, у Дамашқда асирга олинган ва унинг ҳузурида бўлган мамлук султонининг амирлари ва ноибларини озод этишини ваъда қилди. Акс ҳолда у Мисрга қайтиб, уни ер билан яксон қилишга таҳдид солди.² Амир Темурнинг ушбу қескин баёнотидан кейин султон Фараж Атламишни қалъя зиндандан озод қилиб, унга беш минг дирҳам ҳадия этди ва бир неча амирлари ҳамроҳлигидан уни ватанига жұнатиб юборди.³ Шундан кейин Амир Темур билан Миср султони ўргасидаги муносабат бир қадар хайриҳоҳлик тусини олди. Бинобарин 1403 йилда, яъни Атламиш қайтиб келгандан кейин Амир Темур султон Фаражта мактуб билан ўз элчиларини жұнатди, бу хатда у мамлуклар мамлакати билан дустона муносабатлар үрнатиш хусусидаги истагини билдириди. Лекин Темур томонидан султон Фаражта юборилган икки яшил байроқ — унинг Қохира ва Дамашққа Темурнинг ноиби этиб тайинланганлыгини билдириди, бу Темурнинг султон шахсига муносабатини ифода этарди. Шу боисдан ҳам ўз навбатида султон Фараж Темур элчиларига илтифотсиз Қаради ва Темур унга юборган ҳадияларини қабул қилмай, унинг элчиларига муносиб эътибор курсатмай, уларни ўз ватанига қайтариб жұнатди.⁴ Шу зайлдаги нозик томон-

¹ А. А. Ҳасанов. Из истории, 131-бет.

² Иброҳим Али Тархан. Миср фи аср давлат ал-мамолик ал-жарокиса, 88-бет.

³ Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Инба ал-тумр, 1-жилд, 538-бет.

⁴ Уша жойда, 604, 628-бет.

ларига қарамасдан, Темур билан Миср султони ургасида бир қадар илиқ муносабатлар қарор топди. Чунончى уша даврга мансуб қатор ёзма манбаларда иккى мамлакат ургасида элчилар, мактублар алмашылгани ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Жумладан, XV асрда яшаган таникли араб тарихчиси Ибн Арабшох 1404 йилнинг кузидаги Самарқанд яқинидаги Конигильда Амир Темурнинг турк султони Боязид устидан қозонган галабаси шарафига ва соҳибқироннинг олти неварасининг никоҳ тўйи (улар орасида ун ёшли Улугбек ҳам бор эди) муносабати билан ўюштирилган катта тантаналарда қимматбаҳо совгалар келтирган Миср султони ан-Носир Фаражнинг элчилари иштирок этганлиги ҳақида ёзди.¹ Мана шу элчилар орқали Амир Темур хайриҳоҳлик руҳида зарҳал ҳарфлар билан узунасига 70 газ, энинг 3 газдан, яъни таҳминан 1,5 метрга 35 метр улчамдан иборат мактубини ҳам султон Фаражга юборади. Айни вақтда Абдула Кеший исмли бир кишини ҳам элчи сифатида Мисрга жунатиб, Амир Темур билан султон Фараж ургасида сулҳ шартномаси имзолашни таклиф этди. XIV асрнинг бошида яшаб, ушбу воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлган таникли Миср тарихчиси Ибн Дукмоқнинг гувоҳлик беришича, шу тарздаги сулҳ ҳақиқатан ҳам имзоланган ва Миср султони узини Амир Темурнинг тобеъ (вассали) деб эътироф этган.² Бошқа бир муаллиф — Ибн ал-Қозий Шуҳбанинг таъкидлашича, 1405 йилнинг январида, яъни вафотидан бир ой олдин султон Фаражга йуллаган мактубида Амир Темур унинг мамлакатига ноңюзлиқдан ҳужум қилигани учун Миср султонига ўз узрини билдирган.³

Юқорида келтирилган маълумотлардан холоса қилиш мумкинки, Амир Темур давлати билан Миср мамлуклар султонати ургасидаги узаро муносабатлар ун беш йиллик (1386—1405) даврни ўз ичига олади.

Бирламчи ёзма манбаларга таяниб, ушбу фактик маълумотларни чуқур ўрганиш Амир Темурнинг Миср султони Барқұқ ва Фараж билан бўлган муносабатларининг ҳақиқий аҳволини тасаввур қилишга ёрдам беради.

¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи.

² Ибн Дукмоқ. Жавҳар ас-самийн, 259—261-бетлар; А. А. Ҳасанов. Из истории, 132-бет; Мухаммад Асадуллоҳ Сафे. Темурланг, 202-бет.

³ Зайн тарих ал-ислом. 3-жилд, 213-бет.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Валиуддин Абдураҳмон ибн Ҳалдун моликий мазҳаби буйича Мисрда бош қози булиб, ажойиб тарих муаллифи эди. Билимдон закийлар ва ростгуй адиблардан ҳисобланиб, ушбу тарих лафзию маъносидан воқиф булғанлардан бирининг зикр қилишича, бу тарих таснифида Ибн Ҳалдун гаройиб бир услубдан юрган.

Ибн Ҳалдун Миср аскарлари билан бирга Шомга келган булиб, лекин аскарлар орқаларини ўтириб қочгандарида тақдир тақозоси билан у Амир Темур билан учрашишга мушарраф бўлган эди. Темур сұхбатида булиб, синашта бўлгач, Ибн Ҳалдун мажлисларнинг бирида унга:

— Азбаройи худо, э мавлоно Амир! Дуне фатҳларининг калити бўлған қўлингни менга бергин, мен уни упиш шарафига мусассар бўлай, — деди. Темур уни уз сұхбатига олишни амр этганда у Гарб подшоҳлари тарихидан бир ҳикояни Темурга нақл қилган эди. Темур эса тарихларни ўқитиб эшлишига ниҳоятда ишқибоз эди, бу нарса уни гоят даражада ажаблантириди, шу туфайли Темур Ибн Ҳалдуннинг уз сұхбатида бўлишини рағбат этганди.

Ибн Ҳалдун яна Темурга деди: «Э Мавлоно Амир! Миср сендан узга ноиб ҳукмидан ёинки унда фақат сенинг амрингдан бошқа амр жорий булишидан хориждур. Сенга баробар келадиган кимса менинг насабим, ахлию авлодим, Ватану мамлакатим, дўсту биродарларим, хешу акробаларим, одамлар подшоҳлари тутул барча орқаю бош, балки бутун инсоният орасида ҳам йўқдир. Чунки улар ҳаммалари бўхтонлик корнида асир булиб тутилиб қолганлар. Мен фақат уз умримнинг беҳуда утиб, уз давримнинг бефайз кетганига ачиниб афсусланаман. Утган умрим ҳандай қилиб сенинг хизматингдан узганинг хизматида ўтди? Нега менинг кўзларим сенинг сиймонг нурларини ўзига сурма қилиб сурмади? Лекин қазо уткинчидир. Энди мен ҳақиқатни мажозга алмаштираман. Шоирнинг ушбу сўзларини тилимда тақрорлаш мени қанчалик завқлантиради:

Бу ҳаракат эвазига тангри сента яхши сийлов ато қилсин. Лекин сен менинг охирги пайтимга түгри келиб қолдинг.

Майли, сенинг паноҳингда қайтадан иккинчи умримни бошлайман, сени кўланкангдан мени узоклаштиришга замонга имкон бермайман. Боқий умримни сенинг хизматингта багишлиб, зое кетган умримни топиб, сенинг куюшқонингта маҳкам ёпишиб оламан. Ушбу вақтни ҳаётимнинг энг азизи, эришган мартабамнинг энг олийси, ҳолатимнинг энг шарафлиси деб ҳисоблайман. Лекин, фақат мени — улар йулида умримни ҳазон қилган, улар таснифида уз илмларим жавҳарини сарф этган, уларни тартиб билан битища кечани бедорликда, кундузни ташналикада утказган нарсаларим — китобларим қаддимни букмоқдалар. Мен уларда дунё тарихини ибтидосидан зикр айлаб, шарқу гарб подшоҳлари сийратларини тұла-тұкис баён қилдим. Агар мен уларни қўлга киритсам, мен сени у подшоҳлар шодасининг инжуси қилиб, улар жавҳарининг сараси үрнига қўярдим. Сенинг сийратларинг билан улар даври хильъатларини безаб, улар асарлари пешонасига сенинг давлатингни тұлин ой мисоли тасвиirlар эдим. Чунки сен марду майдонлар отаси, жанг жадал зулматли майдонларидан шарқу гарбга уз зафар ойини порлатувчисан; ҳар бир валий тилида кашф қилинувчисан, амирил-мүминин Алига мансуб қилинган илмларда ишора қилинган киши ҳамда охир замонда мунтазир бұладиган соҳибқирон ҳам сенсан. У китоблар Қоҳирада булиб, агар мен уларни қўлга киритсам, сенинг узангингдан асло ажралмайман ва останангдан бир қадам ҳам жилмайман. Тангрига ҳамд булсинки, менинг қимматимни биладиган, хизматимни қадрлайдиган ва хурматимни үрнига қўядиган кишини менга ато қилди.

Ибн Халдун шундай деб, яна қалбларни титратувчи фасоҳатли, чиройли, балогатли кишини мафтун этиб, ақлини олувчи гаплар қилди.

Шунда қувончидан Темурнинг аъзои бадани титраб, шодлигидан бутун вужуди уйноқлади. Бу гаплар Темурга екиб, тарихлар ва подшоҳлар сийратлари ҳақидаги китобларга ишқибозлигини күзгади. Ибн Халдун зикр қилган подшоҳлар ахволларини билишга Темурни маҳлиә этиб, ниҳоят ушбу ажойиб баён сехридан у мафтун булиб, лол қотиб қолди. Сунгра Темур уз одатиу феълига кура, Ибн Халдундан мағриб ша-

ҳарлари ва ерлари васфини сұраб, унинг мавзеъларию йүллари, қишлоқларию сұқмоқлари, қабилаю халқларини батағсил аниқ баёнлаб беришини сұради. Бундан мақсад Ибн Халдунни имтиҳон қилиш булиб, Темур бу нарсаларга мұхтох әмас зди, чунки унинг тасаввuri хазиналарида бутун мамлакатлар сувратлари мавжуд зди. Бу билан Темур Ибн Халдун илми миқдорини билиб, унинг үзига нисбатан муомаласининг самимий ёки қалбакиличигини таққық этмоқни истади. Шунда Ибн Халдун бунинг ҳаммасини тили учida тургандек гүе утирган жойида күриб, мушоҳада этаётгандек бирма-бир ҳикоя қилиб берди. Бу масалаларни бошдан-өхир у худди Темур хотиридагидек шархлади.

Кейин Темур унга:

— Қандай қилиб мени ва Бухтанинасрни улуғ подшоҳлар қаторида зикр қиласан? Ҳолбуки, биз насаңда у фахрли үринларга эришганимиз йүк, — деди. — Биз арилар раҳбарларидай әмасмиз-ку, нега энди сен бизни улуғ зотлар билан баробар күрасан?

Ибн Халдун унга:

— Улуғ ищларингиз сизни үша юқори мартабаларга лойқ күради, — деди.

Темурға бу сұзлар ёқиб қолиб, у үз жамоасига:

— Унга иқтидо қилинглар, у сизга имом, — деди.

Сунгра Темур қози мамлакатида бұлған воқеаларни ва араб подшоҳлари ва улар құшынлари уртасида мажарони ҳикоя қила бошлади. Кейин унга одамлар ҳақидаги хабарларни гапиришща давом этиб, ҳатто қозига мансуб кишилар ва уларнинг авлодлари хабарларини ҳам зикр қилди. Шунда қози Темур баенидан ҳайратта тушиб: «Шайтон үз дүстларига албатта, вахий келтирап экан-да», деди. Кейин Темур Ибн Халдун билан уни Қохирага бориб, уз аҳлию болалари ҳамда ажойиб китобларини олиб, фақат йул масофа сидан бошқа нарсага вакт сарфламасдан, чексиз орзуумидлар, олийжаноб, ишончли вайдала амин бұлған ҳолда унинг ҳузурига қайтиши тұгрисида ахдлашды. Натижада Ибн Халдун Сафадга, уз юрти сары йул олди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАЛАБ ОЛИМЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТИ

Амир Темурнинг Ҳалаб олимлари билан бўлган мулоқоти тўғрисида суряялик тарихчи Ибн аш-Шиҳна «Равзат ал-манозир фи ахбар ал-авоил ва-л-авоих» асарида шундай деб ёзди:

«Рабийъ ул-аввал ойининг ўн тўққизинчиси, се-шанба кунида (1400 йил 7 ноябрь) Темур қальъани омонлик ваъда қилиб ҳамда турли қасамлар воситаси билан олди. Иккинчи куни Темур қальага кутарилди ва куннинг охирида қалъа олимлари ва қозиларини ҳузурига даъват қилди. Шунда биз унинг ҳузурига келдик ва бирмунча вақт (тиқ) тургаздандан кейин у бизга утиришни амр қилди ва ўзи билан бирга бўлган илм аҳларини келтириб, уларнинг амирига (бошлигига) — у отаси Самарқанднинг машҳур олимларидан бўлган аллома Нұймонуддин ал-Ханафийнинг ўғли мавлоно Абулжаббор эди — деди: «Уларга айтгил, мен улардан Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва узим фатҳ қилган бошқа мамлакатлар олимларидан сўраган бир масала хусусидаги саволимни сўрайман. Лекин уша олимлар бу саволга аниқ жавоб беролмадилар. Сизлар ҳам ушалар мисоли булмангиз ҳамда сизлардан энг билимдонингиз ва фозилингиз менга жавоб берсин. Лекин нима деб гапиришни билиб гапирсин. Мен доимо олimu уламолар билан аралаш бўлиб, куп вақтимни уларнинг сұхбатидаю мажлисларида утказганим. Мен азалдан илм талабидаман.

Темурнинг олимларга чалкаш ва чигал саволлар бериб, уларнинг хато ва нуқсонларини излани ва шуни уларни азобу уқубатга тортиш учун сабаб қилиши бизга аввалидан келиб етган эди. Сунгра қози Шарофуддин Мусо ал-Ансорий аш-Шофиий менинг тўримда: «Бу бизнинг шайхимиз, шу мамлакатлар мударриси ва муфтисидир. Саволларингизни ундан сўранг, тангри ўзи мададкор», — деди.

Кейин Абулжаббор менга: «Султонимиз айтадиларки, кечаги жангда биз томондан ҳам, сиз томондан ҳам улганлар бўлди. Улардан қай бирлари шаҳидирлар? Бизнинг уликларимизми ёки сизларникими?», деди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Шу пайт биз Темурнинг олимларга чалкашу чигал саволлар бериб,

уларнинг хато ва нуқсонини қидириши ҳақида биз билган хабар шу булса керак деб уйладик. Ҳеч кимдан бирор сас чиқмасди. Шу дамда тангри менга ажиб бир илҳом бердики, мен: — «Бу савол саййидимиз тангрининг расулидан — аллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлгай — ҳам суралган ва у киши бу саволга жавоб қўлганлар. Саййидимиз тангрининг расули — аллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлгай — қандай жавоб берган бўлсалар мен ҳам шу зайлда жавоб бераман», — дедим. Ушбу савол-жавоб тугагандан кейин дустим Қози Шарофуддин Мусо ал-Ансорий менга айтди: «Улуғ тангри номи билан қасам ичаманки, қаҷонки сен бу савол тангрининг расулидан — аллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлгай — ҳам суралган эди ва у бу саволга жавоб берганлар деганингда мен замонамнинг етук ҳадис олимни бу олимимиз ақлини еб қўйди ва у энди маъзурдир, деб уйладим. Ахир, бу саволга бунақа жойда жавоб бериш асло мумкин эмас-ку!» Абдулжабборнинг дилидан ҳам шунга ухашаш бир фикр ўтган экан.

Темур бўлса бутун вужудию дикқатини менга қаратиб, менинг сузларимга киноя билан қараган ҳолда, Абдулжабборга деди: «Тангрининг расулидан — аллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлгай — бу тўғрида қай тариқа суралган ва у қандай жавоб берган? Мен дедим: «Тангрининг расули — аллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлгай — ҳузурига бир саҳрои араб келиб деди: «Ё расулulloҳ! Бир киши ўз шарафи учун уруш қиласи, бошқа бир киши шихоат курсатиш учун уруш қиласи, яна бири эса ўз кудратини на-мойиш қилиш учун уруш қиласи. Шулардан қайси бирлари худо йулида курбон бўлган ҳисобланадилар. Шунда тангрининг расули — аллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлгай — дедилар: «Кимки тангрининг сузи ҳамма нарсадан олий бўлиши учун узини курбон қиласа — ана уша шаҳид ҳисобланади». Темур: «Хуб, хуб (яхши, яхши)» деди. Абдулжаббор бўлса: «Сен айтган бу жавоб қандай ажойиб жавоб бўлди», деб хитоб қиласи. Шундан кейин самимий сұхбат эшиклари лант очилиб кетиб, Темур: «Мен яримжон одамман, фалону фулон мамлакатларни эгалладим», деди ва Ажам, Йироқ, Ҳинд ва бошқа улкалар шаҳарларини биринкетин санаб чиқди. Мен унга: «Ушбу неъматлар эвазига шукrona тариқасида менинг умматимни афв этинг ва бундан буён ҳеч кимни улдирманг», дедим.

«Худо ҳақи, — деди Темур, — мен қасддан бир киши-ни ҳам улдирмадим. Бу сизлар, узларингиз бир-бирла-рингизни шаҳар дарвозаларига қисиб улдирдингиз-лар. Худо ҳақи, мен сизлардан бир кишини ҳам ул-дирмайман, сиз ўз ҳаётингиз ва мол-мулкингиз учун хотиржам бўлаверинг».

Шу тариқа Темур томонидан саволлар ва биз то-монимиздан жавоблар бир неча бор такрорланди. Бу сұхбатда ҳозир бўлган фақиҳларнинг ҳар бири узини кўрсатишни хоҳлар ва узини гўе мадрасада ўтирган хис қилиб, шошиб-пишиб жавоб беришга ошиқар эди. Қози Шарофуддин бўлса уларнинг ҳовуруни па-сайтириб: «Барака топгурлар, жим туриңглар, фақат мана бу одам жавоб берсин, чунки у нима деб гапи-ришни билади», дея уларни тинчлантиради. Темур сураган охириги савол шу булди: «Али, Муовия, Язид хусусида сизлар нима дейсизлар?». Шунда менинг ёнимда ўтирган Қози Шарофуддин менга шивирлаб, «Сен бу саволга нима деб жавоб беришингни билиб гапир, ахир у шиъа мазҳабидан» деди. Мен Шарофуд-диннинг сўзини эшлитиб бўлмасданоқ Аламуддин ал-Қафасий ал-Молиқий бир гап айтдики, унинг гапини маъноси шундай эди: улар ҳаммалари мужтаҳидлар. Бундан Темурнинг гоятда газаби келиб: «Али ҳақиқатда шундай (мужтаҳид), Муовия — золим, Язид эса фосиқдир. Сиз ҳалабликлар Дамашқ аҳлига издошсиз-лар, улар (дамашқликлар) эса Язид тарафдорлари бу-либ, Ҳусайнни қатл этганлар», деб хитоб қилди.

Мен Темурга лутғ билан мурожаат этиб, ал-Қафа-сий бу айтган жавобини қандайдир бир китобда кўр-ганлитини, аммо унинг маъносини яхши уқмаганили-гини айтиб, унинг учун узр сурашга киришдим. Бу гапимдан Темурнинг чехраси очилди-ю, лекин кайфияти аввалги ҳолатига қайтмади. Абдулжаббор бўлса мендан ва Қози Шарофуддиндан ҳар хил саволлар сураб, менинг ҳақимда: «Бу ажойиб олим», Қози Шарофуддин тўгрисида эса: «Бу фасоҳатли киши», деди. Кейин Темур мендан ёшимни суради. «Тугилган йилим 749 (1348)нчи йил булиб, ҳозир эллик тўрт ёшга етдим», дедим. Сунгра Қози Шарофуддинга, «Сизнинг ёшингиз нечада?», деди. «Мен ундан бир ёш каттаман», деди Шарофуддин. Шунда Темур: «Ёш жиҳатидан сизлар менинг болаларим тенгсизлар. Менинг ёшим ҳозир етмиш бешга етди», деди.

Сунгра салотул мағриб (шом номози) вақти келиб,

номозга чорлаб аzon үқилди. Абдулжаббор бизга имом ўтди. Темур менинг ёнимда тик турган ҳолатда рукуъ ва саждани адо этди. Шундан кейин биз хайрлашиб ажралдик.

...Шундан бир неча кун утгач, Темур мени ва ҳамроҳим Қози Шарофуддинни чақириби, Али ва Муовия ҳақиқидаги саволини қайтадан суради. Мен унга: «Ҳеч шубҳасиз ҳақиқат Али томонидан булганди, Муовия эса халифалардан эмас, чунки тангрининг расули — аллоҳнинг раҳмати ва саломи унга бўлгай — томонидан «мендан кейин халифалик уттиз йилдир» деган ҳадиси шариф содир бўлган. Бу муддат Али замонида тамом бўлган эди», — дедим.

«Ҳақиқат Али томонида, Муовия золим, деб айтгин», деди Темур. «Ҳидоя»нинг соҳиби фуқарога жабр қилувчи волийлардан қозиликни қабул этиш жоиздир, деган. Дарҳақиқат, гарчанд уша пайтда ҳақиқат Али томонида бўлса ҳам, саҳоба ва тобеъийнларнинг аксарияти қозиликни Муовиядан қабул этишган», дедим. Бу сўзлардан Темур шодланди ва Ҳалабда истиқомат қилиш учун тайинлаган амирларини чақириб, уларга: «Бу икки одам Ҳалабда сизларнинг меҳмонингиздир. Уларга, уларнинг хизматкорлари, дусту яқинларига яхши муомалада бўлинг. Ҳеч бир кимсанинг уларга азият беришига йул қўйманг, улар учун егулик озиқ-овқат ажратинг ва уларни асло қалъада қолдира курманг ва уларнинг яшаш жойи қилиб мадрасани, яъни қалъа рўпарасидаги Султония мадрасасини белгиланг», — деди. Амирлар барча масалаларни Темур қандай буюрган бўлса, ана шундай бажо қилдилар-у, фақат бизни қалъадан пастга туширмадилар. Амирларнинг ичидан Ҳалаб волийлигини эгаллагани — у амир Мусо ибн Ҳожи Тогай деб аталарди — бизларга яхшилик кўрсатиб, ҳурматимизни ўрнига қўяр ва ўзи Ҳалабда бўлиб, қалъада истиқомат қилиб турган пайтида бизнинг аҳволимиздан доимо хабардор бўлиб турди».

ИБН АРАБШОҲ МИРЗО УЛУГБЕК ҲАҚИДА

Темур ва темурийлар даврига багишланган манбалар ичидаги таниқли араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг (1389—1450) «Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари»). У қисқача «Амир Темур тарихи» деб аталади) номли асари алоҳида аҳамиятта эгадир. Асар муаллифи бир неча йил (1401—1408) Самарқандда яшаганлиги туфайли купгина маълумотлар унинг шахсий мушоҳадаларига асосланган. Асарда Соҳибқирон Амир Темур ҳақида кун ва хизима-хил маълумотлар келтирилиши билан бир қаторда темурийлар, жумладан Темурнинг набираси Мирзо Улугбек ҳақида ҳам баъзи фактик маълумотларни учратамиз. Маълумки, 1404 йилинг кузидаги Самарқанд яқинида жойлашган Конигилда соҳибқироннинг етти йиллик юришдан зафар билан қайтиши ҳамда унинг олтига (шулар жумласидан, ун яшар на-бираси Улугбек ҳам) невара-чевараларининг никоҳ тўйига багишланниб катта тантаналар утказилади. Шубҳасиз шу вақтда Самарқандда булган Ибн Арабшоҳ ушбу тантаналарда шахсан иштирок этади. Шу боисдан ҳам муаллиф Конигилдаги шодиёналарнинг шоҳиди сифатида у ҳақда батафсил маълумотлар келтиради.

Муаллиф келтирган жонли ва мароқли ҳикоятлардан уша даврдаги тӯю маросимлар пайтидаги тартиботлар, айниқса, ушбу маросимларда кенг кўламда халқ оммасининг иштирок этиши, ҳар бир аҳли хунар ва санъаткор уз маҳорати-ю санъатини бемалол на-мойиш қилишидан бу хилдаги маросимлар уша давр хунармандчилиги ва санъати зришган ютуқларнинг узига хос бир кўриги бўлганлигини ҳам кўрсатади.

Ушбу тантаналарда Амир Темур саройида бўлган хорижий мамлакатларнинг элчилари ҳам иштирок этганилиги, зиёфат чогида аёлларнинг ҳам (эркаклардан бекинмасдан) ушбу тантаналарда фаол қатнашганликлари ҳам уша даврдаги урф-одатлар, дипломатик алоқаларни аниқлашда муайян роль ўйнайди. Шуниси диккатта сазоворки, Конигилдаги ушбу тантаналарни Ибн Арабшоҳ фақат Улугбекнинг (уни «Темурнинг зийрак набираси» деб атайди) никоҳ тўйи муносабати

билин уюштирилди, деб ёзиб ёш Улугбекнинг буюклигини алоҳида таъкидлайди.

Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотларни уша даврга мансуб форсийзабон манбалар билан ҳар томонла мақисий урганиш буюк мунахжим ва давлатгарбоби Мирзо Улугбекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур олишга ёрдам бериши шубҳасиздир.

Мирзо Улугбекнинг никоҳ туйига бағишланган тантаналар хусусида Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотлардан бир лавҳани ҳурматли ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

«...Кейин Темур угли Шоҳруҳнинг фарзанди, ўзининг зийрак набираси Улугбекни уйлантиришга киришди. У (Улугбек) шу кунларда, яъни 840 (1436—1437) йилда отаси номидан Самарқанд ҳокимиидир. Темур Самарқанд аҳлига зебу-зийнатга уралишни, улар устидан жабру ситамларни кутариб, солик ва тўловлардан озод қилишни, уларга омонлик бисотини ёзишни, аҳолидан каттаю кичик, юқориу қўйи (табакали) кишиларга фазлу эҳсон билан муомала қилишни, уз ерларида қилич яланочламаслик, зулм ва ноҳақлик жорий қилмасликларини ҳамда уларга (Самарқанд аҳлига) уз зебу зийнатларига бурканиб Самарқанд этагидаги бир милда жойлашган Конигил деб аталадиган ялангликка чиқишларини амр қилди.

Сунгра Темур подшоҳлар, сultonлар, тожу таҳтлар эгалари бўлган устунларга ушбу бустонга чиқиб, унда ейилишларини ҳам амр қилди.

Ушбу чаманзорларда улардан ҳар бирига бир мақон ажратиб, ҳаммаларини ўнгу чапга, орқа ва олдинга тартибли равищда қўйиб, улардан ҳар бирига имкони қадарича уз зебларини зоҳир қилишни ва узларида мавжуд бўлган ҳамда турли зийнат ва нақшлар билан безатилган чодиру утвларни тикишларини буюрди. Сунгра, улардан кейин бу бепоён bog, узун ва кенг чаманзорда улуглар, аъёнлар, амир бошлиқларини тартиб билан қўйди. Шунда улардан ҳар бири узида бор зийнатларини чиқариб, уз тенгдошларига бор нарсасини кўз-кўз қилиб имкони қадарича купроқ кўрсатишга интилди. Фахрга мойиллар фахрланиб, кибрлик билдири, мақтаниш ва гуурланиш борасида баландларга парвоз қилди. Натижада, улар бу ашёларни қилишда рузгорлари саҳифалари ижод этган нарсаларни зоҳир қилдиларки, бу нарсалар бамисоли улар юришларининг сижли (рўйхати) булиб, турли ик-

лиму шаҳарларнинг ажойиботлари, маъданлару денгизлар жавоҳирларидан тухфалар, нафис, нодир бойликлар эдиким, булар йулида жидду жаҳд курсатиб нафсларини ёндирган эдилар: яна (шундай) гузал келинчаклар эдиким, улар устида косалаб майлар симириб, чунтаклар йиртгандилар. Бу яшил боягулларини порлоқ юлдузлар камсита олмас ва бу боғнинг гузал манзараси шодлик тудаларини қалблар ичкариси томон (тинмасдан) етакларди. Шундай қилиб бу макон устидаги мақтовли гап кўпайиб, зиёда бўлди. Бутун ер юзига бу гушанинг гузаллиги қадри ошиб, баланд бўлди.

Кейин Темур амр қилди: унинг суродиқаларини бу яшнаган макон маркази қилиб қўйдиларки, гўё у ушбу айланаетган фалаклар доирасининг бир (марказий) нуқтаси бўлди. Бу қурилган чодир ва утовлар устидаги атрофи уралиб урнатилган бир кутарма эди. Унда катта дарвоза бўлиб, у орқали ичкаридаги мавжуд жой ва манзилларга кенг даҳлиз буйлаб кириларди. Дарвозанинг иккита баланд шохи бўлиб, одамлар уларга бошларини эгар ва. (уларни) мушоҳида қилган пайтда кишилар эсдан жудо бўларди. Шу икки шох (борлиги) сабабидан у «Зу-л-қарнайн» («икки шохли») деб лақаб олганди. Бу даргоҳнинг ичкарисига Темур учун бир қанча чодир, хайма ва утовлар тикидилар. Шулар жумласидан бир чодир бор эдики, унинг юқорию қўйисига олтин билан заркаш берилиб, ичию сирти нафис патлар билан зеб берилган эди. Чодирлардан яна бири батамом ҳарирдан тикилиб, турли туман нақшлар, хилма-хил алвоноли бўёқлар билан бе-залиб туқилган; яна бошқа бирига бошидан охиригача йирик марваридлар қадалдики, улардан ҳар бир донасининг қийматини барча асрорлар билимдони (аллоҳ)дан бошқа бирор кимса билмайди; яна бири тилло булаклари устида турли туман жавоҳирлар билан шундай безатилганки, у одамзот кўзини уйнатиб, ақлини даҳшатта соларди.

Шаҳар аҳли бекитган зебу зийнатларини (юзага) чиқариб, Темур суродиқаларининг рӯпарасига, кўзга ташланадиган жойга қўйдилар. Шаҳар аҳлидан ҳар бири уз ҳоли-қудрати етгунча кўркам бўлишга уринарди. Ҳар бир ҳунарманд уз ҳунарига боғлиқ нарсада жидду жаҳд курсатди, ҳар бир санъат аҳли уз санъатига мансуб нарсада имконидан ҳам ошиб ҳунарини курсатдики, ҳатто бир қамиш тўкувчи қамишдан му-

каммал курол-яроқли бир отлиқни ясаб чиқарди ва унинг суратини камолига етказиб, ҳатто тирноқларию киприкларини ҳам ясади. Унга (отлиққа) зарур бўлган курол-яроқлардан ей, қилич ва бошқа керакли нарса-ларнинг (ҳаммасини) дақиқ усулда камолига етказиб ясади. Ушбу (анжом)ларнинг барчаси қамишдан булиб, уларни ҳеч бир машаққат ва қийиноқсиз уз ўрнига тиклади. Пахта титувчилар пахтадан тикилиги ярашган, баланд, пишиқ ишланган, гузал суратли нафис ва чиройли бир мезана ясадиларки, у уз жисмининг оқлигига жаннат ҳуридан кўра ҳам юқори ва буйининг баркамоллиги (баланд) қасрлардан кўра ҳам ҳайбатли эди. Мана шундай ҳайъатда бу мезанани тикдилар. У уз ҳусни билан одамлар назарини узига лол қиласа ва қоматининг олийлиги билан бу бепоен масканда ўткінчиларга йул кўрсатиб турардик, ҳатто у сайёralарга бир белги ва уша бинолар жомеълари устидаги бир минора мисоли булиб қад кўтарди. Шунингдек, заргарлар, темирчилар, этикдўзлар, ей ясовчилар ва бошқа тоифа ҳунармандлари, мусика, ҳазил-мутоиба ва латифалар соҳиблари ҳам уз ҳунару санъатларини бемалол намоён қилдилар. Дарҳакиқат, Самарқанд уша пайтда фозилу фузалолар жам бўлган ва ҳар бир фазилат ахлиниң келиб қунадиган маскани эди. Ҳар бир тоифа узи олиб чиқсан нарсасини Темур суродиқати ва унинг девони соявони олдидағи узига ажратилган жойга алоҳида тартиб билан (териб) қўйди. Булар ҳаммасининг орқасига бозорлар қурилиб, ҳалойиқ ўргасида жарчи карнайлар чалинди, филлар ва отларнинг саралари чиройли жабдуқлар билан безатилди. Ҳалойиққа турли-туман уйин-кулги ва лаззатлардан баҳраманд булиб, истифода қилиш тизгини бушатиб юборилди. Натижада бир киши иккинчи бир кишига нисбатан адоват қилиш ёки бўлмаса олий мартабали паст табақалига — хоҳ у шаҳар ахлидан бўлсин, хоҳ қушиндан бўлсин — ноҳақлик кўрсатиш ёки шариф киши авомга заррача хилоф иш қилмасдан ҳар бир талаабгор уз матлубига шошилиб, улардан ҳар бир муҳиб уз маҳбуби билан мириқиб сұхбат курди.

Шундай қилиб, осойиштагалигу хотиржамлик, фарогату түкинчилик, нархи-наво арzonлиги, орзу-ҳавас ушалиши, замон мўтадиллиги, сulton адлигиги, танибадан сиҳатлиги, вақти ҷоғлик, нафрат кутарилиши, матлубга етишиш, маҳбубга висоллик ҳосил бўлди.

Кудратли Темурнинг ушбу тўйида подшоҳларнинг қизлари чури, ўғиллари қул булиб, уларнинг ҳар бири тутқунлик мақомида оёқда турдилар. Темур хузурига Миср ва Шомдан ал-Малик ан-Носир Фаражнинг вакиллари (қанчадан-қанча) армугон ва совгалар келтирдиларки, шулар жумласидан жирафлар, тұяқушлар (бор) эди; Хитой, Ҳинд, Ирок, Дашт, Синд, Фаранг (европалик)лар элчилари ва улардан бошқалар яқин ва узоқдаги барча иқлиmlардан келган намояндадар, ҳар бир мухолифу мувофиқ, дусту душман (вакиллари) йигилган эдилар. Келганилар унинг улугворлигининг шоҳиди булиб, бу тўйида унинг кудрати ва ҳашаматини уз кузлари билан курсинлар учун Темур ҳаммадан кейин чиқди ва дарҳол тантаналарга сардорлик тизгинини ўз қўлига олди.

Кейин Темур подшоҳлар ва амирлар, атроф уфқлар сultonлари ва улугларини, туманлар оқсоқоллари, лашкарбошилар ва қўмондонларини таклиф этиб, уларга уз қули билан қадаҳлар қуя бошлади ва улардан ҳар бирини уз биродари ёки угли мақомига қўяр, уларга гоят қимматбаҳо хильъатлар кийгизиб, хилмажил инъом-эҳсон ва армугонлар ато этиб, уларнинг ҳар бирини ўз ёнидан унг (томон)га утқазарди. Аммо чап томони эса аёллар ва хонимлар учун (максус) эди. Дарвоҷе, аёллар эркаклардан бекинмасдилар, хусусан, оммавий йигинлар ва хурсандчилик тантаналарида. Темур бу тантаналарда чаңг ва цитра, уд ва ургун ашула айтдириб, (рақкосани) ўз куйига рақсга тушираётган най, ажойиб ва гаройиб ашула, мафтункор ракқосалар, баракатли замон, ёқимли ҳаво, бажо этиладиган фармон, юлдузлар ва тулин ойлар устида айланадиган қуёш, май тулиқ қадаҳ, бушаган чұнтак, амалга ошириладиган иш, ушаладиган орзу орасида давом этиб, ниҳоят ўйин-кулги ва хурсандчилик уни обдон тулқинлантириб, шод-хуррамлигу виқорлик нашидаси уни батамом чулғаб олган эди...».

СОҲИБҚИРОН ҲОЗИРГИ ЗАМОН АРАБ ТАДҶИҚОТЧИЛАРИ НАЗАРИДА

АРАБ ПОЛКОВНИГИ АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА

Бундан етти йил муқаддам — 1990 йилда Ливаннинг пойтахти Байрутдаги «Дор ан-Нафоис» матбаасида «Буюк саркардалар» туркуми остида ҳарбий тарих буйича етук олим, истеъфодаги полковник Мұҳаммад Асадуллоҳ Сафонинг «Темур» номли илмий-оммабоп асари чоп этилган эди. Китоб охирида ёзилган сунгги сүзга биноан муаллиф узок йиллар Сурия армиясида юқори лавозимларда хизмат қилған, ҳарбий мавзуларда бир неча китоблар ёзған, ҳозирги вақтда эса «ад-Дифаъ ал-исломий» («Исломий мудофаа») номли мажлланинг бош муҳаррири вазифасида ишларкан.

Мұҳаммад Асадуллоҳ Сафонинг йигирма саккиз бобдан иборат бу йирик асари, айтиш мумкинки, Амир Темур даври, унинг ҳаёти ва фаолиятига, айниқса ҳарбий даҳосига (бу хусусда китоб муқаддисида ҳам айтілған) бағишланған араб тилида ёзилған йирик тадқиқотлардан биридир. Бинобарин асарнинг мазмун моҳияти билан тадрижий равищда бобма-боб танишиш ушбу фикримизни тасдиқлады, деб уйлаймиз.

Биринчи боб Мовароуннахрнинг ери, суви, иқлими, жуғрофий хусусиятларига оид умумий тарздаги маълумотларни қамрайди. Ушбу воҳанинг қадимдан бошланған тарихи ҳақида ҳам кўп қимматли маълумотлар келтирилади. Мовароуннахрнинг жуғрофий урни, унинг йирик шаҳарларига тұхталади.

Асарнинг иккинчи боби тарихий маълумотларни қамраб олиб, унда Мовароуннахрнинг араблар томонидан истило этилиши, улардан кейин бу улкада ҳукм юритған форслар, турклар, мұгуллар ҳақида ҳам қисқача маълумотлар бор.

Ушбу бобда, шунингдек, XIV асрда Европа давлатларидаги, ислом оламидаги (масалан, мамлуклар, усмонли турклар, жалоирийлар, музafferийлар, картлар, туркманлар, шунингдек Ҳиндистон, Хитой) йирик сулолалар ҳақида ҳам мухтасар ҳолда ёзилған таъриф тавсифлар келтирилади.

Учинчى боб «Амир Темур таваллудидан олдин Мовароуннахрдаги ички сиёсий вазият» деб аталған. Но мидан ҳам күриниб турганидек, мазкур бобда XIV

асарнинг биринчи ярмида Мовароуннахрдаги мураккаб сиёсий вазият, мугул босқинининг хилма-хил асроратлари, уша пайтда минтақада ҳукм сурган шахслар, мавжуд жамият ҳақида фикр юритилади.

Асарнинг түртгинчи боби «Темур ибн Тарагай» деб аталиб, унинг насл-насаби, таваллуд этган Хужа Илгор қишлоғи, ёшлиги, мадрасада таълим олиши, у ёқтирган машгулотлар ва Амир Темурнинг ҳаётига доир бошқа муфассал маълумотлардан иборат.

Асарнинг кейинги бобларида Соли Саройдаги воқеалар, Амир Темурнинг уйланиши, Амир Темур ва Тұғлук Темур муносабатлари — 1362—1365 йилларда юз берган воқеалар тадрижий равишда берилади. Амир Темур билан амир Ҳусайн уртасидаги кураш, хусусан 1364—1365 йиллар мажаролари, амир Ҳусайнни қатл этилишидан кейинги воқеалар навбатдаги бобларда бутун тафсилотлари билан өртилади.

Амир Темур 1370 йилда ҳокимият тепасига келгач, үз мамлакатининг тури томонларида у амалга оширган жуда катта бунёдкорлик, ободончиллик ишлари ҳақида асарнинг ўн учинчи бобида ҳикоя қилинади.

Үндән кейинги бобларда Амир Темурнинг Хоразм, Эрон, Гуржистон, Арманистон, Олтин Үрдага қылган ҳарбий юришлари ҳақида сүз боради. Шу нарса дикқатта сазоворки, муаллиф Соҳибқироннинг бу юришларига тұхталар экан, уларнинг сабабларини атрофли-ча таҳлил этишга ва мантиқан асослашға ҳаракат қиласы. Амир Темур билан Бағдод ҳокими Султон Ахмад Жалоирий уртасида бұлиб үтган воқеалар ҳақида асарнинг маҳсус бир (ун туққизинчи) бобида батағ-сил ҳикоя қилинади. Султон Ахмаднинг ношуд сиёсатидан безор булған Бағдод ахлиниң Амир Темурдан нажот излаб унга мурожаат қилиши ва шунга биноан Соҳибқирон Ирок заминида амалга оширган ишлар ҳақида аниқ маълумотлар көлтирилади. Шунингдек Амир Темур билан Олгин Үрда Ҳони Тұхтамиш уртасидаги муносабатлар, охир оқибатда Тұхтамишнинг мағлубияттага учраши ҳақидаги маълумотлар ҳам дикқатта сазовордир. Соҳибқироннинг Ҳиндистонга юриши ҳақида муаллиф үз асарнинг йигирма биринчи бобида ҳикоя қиласы.

Амир Темур билан Миср султонлари аз-Зоҳир Барқұқ ва унинг вафотидан кейин ҳокимиятта келган үғли ан-Носир Фараж уртасидаги алоқалар ва шу жарайнда бұлиб үтган воқеалар асарнинг йигирма учин-

чи бобида келтирилди. Ушбу бобда Мисрда мамлуклар давлатининг вужудга келиши, Амир Темур күшинларининг Дамашқ, Ҳалаб ва бошқа Шом шаҳарларини фатҳ этиши вақтида содир бўлган воқеалар, Миср ва Шомдаги ноиблар ва амирлар ўртасида узлуксиз давом этган ихтилоф ва келишмовчиликларнинг оқибати хусусида муаллиф холисона фикрлари ни келтирган.

Амир Темур ва турк султони Елдирим Боязид ўртасидаги муносабатлар, икки томон ўртасидаги ёзишмалар, икки кўшин ўртасида Анқара яқинидаги юз берган ҳал қўйувчи жанг ва Боязиднинг ёнгилиши ҳақида муаллиф батафсил ҳикоя қиласди.

Амир Темурнинг Хитой сари юриши ва Соҳибқироннинг вафоти, ундан кейин Мовароуннахрда юз берган воқеалар ҳақида ҳам муфассал маълумотлар келтирилди.

Рисоланинг охирида Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги урни, айниқса унинг турли мамлакатлар уртасида савдо-сотиқни йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари алоҳида таъкидланади. Унинг ҳарбий соҳадаги улкан ислоҳотлари, бу борада у жорий қилган янгиликлар ва кашифиётлар аниқ фактик маълумотлар ёрдамида кенг кўламда шарҳланади. Соҳибқироннинг сиймоси, унинг хулқ автори, табиати, юксак инсоний фазилатлари, унинг диний қарашлари ва дин аҳлига бўлган муносабати каби масалалар маҳсус бир бобда уз ифодасини топган. Хуроса қилиб айтиш мумкинки, араб олимдининг мазкур асари Амир Темур ҳазратларининг жўшқин ҳаёти ва серқиррали фаолиятини ҳар төмонлама ўрганишда қимматли тадқиқотлардан бири сифатида хизмат қиласди.

Муаллиф уз асарининг ҳар бир бобида келтирган маълумотларини жуғрофий ҳаригалар ва чизма жадваллар (схемалар) билан жиҳозлаганки, шубҳасиз, бу ҳол катта илмий аҳамиятга моликдир. Амир Темур ҳазратларининг оиласвий шажараси ҳақида китоб сунггида келтирилган жадваллар аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш лозимдир.

СУРИЯ ОЛИМИНИНГ АМИР ТЕМУР ҲАҚИДАГИ РИСОЛАСИ

Суриялик тарихчи Акрам Ҳасан ал-Аълабийнинг «Темур ва ҳикоятуху мать Дамашқ» («Темур ва унинг Дамашқдаги ҳикояси») асари 1987 йилда Дамашқдаги «Дор ал-Маъмун ли-т-турис» матбаасида чоп этилган. Асар етти бобдан (фасл) иборат булиб, у Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўнгти йилларда араб тилида яратилган муҳим асарлардан ҳисобланади.

Биринчи бобда Амир Темурнинг 1336 йилда Кеш (Шаҳрисабз)га қарашли Ҳужа Илғор қишлоғида таваллуд топғанлиги, насл-насаби, исми ва лақаблари, ёшлиқ йилларида содир бўлган воқеалар, унинг авлие ва шайхларга эътиқоди, уз ҳаётида шайх Шамсиддин ал-Фоҳурий (форсий манбаларда Кулол), Зайниддин Абу Бакр ат-Таёбодий, Саййид Барака ва Ҳожа Али ибн ал-Муайяд ат-Тусий каби уламоларнинг руҳий, маънавий мададидан баҳраманд бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу бобда шунингдек, муҳтасар ҳолда Амир Темурнинг ҳокимиётга келиши ва шундан кейинги ҳарбий юришлари ҳақида қисқача тұхталади. Ушбу бобнинг охирида Амир Темурнинг хотинлари ва фарзандлари номма-ном келтирилиб, улар ҳақида баъзи маълумотлар берилади.

Асарнинг «Амир Темур — инсон» деб аталган иккинчи бобида уша давр тарихчиларининг маълумотларига асосланиб, Соҳибқироннинг ташқи қиёфаси, унинг суврати ва сиймоси ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Амир Темурнинг табиати (характери), унинг одатлари ва феълу атвори, Амир Темурнинг ҳақгүй ва адолатпешалиги, унинг расмий тамғасидаги нақши «Рости расти» — яъни «ҳақиқатни сўзласанг најот топасан» бўлганлиги, унинг олиму уламоларни, моҳир хунарманду санъат аҳлларини ўзига яқин тутғанлиги, шатранж уйинида ўз даврининг энг моҳирларидан бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади. Муттасил равища тарихий ва диний мавзулардаги қиссаларни чиройли овозда уқитиб эшитиши, ҳатто ушбу қиссаларни ўқиётган қорилар хатога йул кўйса, Амир Темур ҳазратлари шу заҳоти тузатарди деб ёзишларидан Соҳибқирон ушбу тарихлардан яхши хабардор бўлганлиги аен бўлади. Муаллифнинг

ёзишича, Амир Темур форс, турк ва мўгул тилларини яхши билиб, араб тилида эса камроқ гапирган.

Амир Темурнинг диний қаравшлари, унинг дин арбоблари уламолари билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳам айнан шу бобда кўп маълумотлар келтирилиб, бу масалада турли нуқтаи назарлар эътиборга олинниб, хуносалар чиқарилган. Шунингдек, Амир Темурнинг ички ва ташки сиёсати ҳақида Гарбу Шарқнинг қатор олимларининг фикр-мулоҳазалари ҳам айнан шу бобнинг охирида келтирилган.

Ушбу асарнинг учинчи боби «Амир Темур ҳоким» — деб аталиб, унинг бошланishiда Соҳибқироннинг салтанат юритиши масаласидаги назарий қаравшлари ва бу борадаги унинг қатор фикр-мулоҳазалари келтирилади. Мазкур бобнинг бир банди Амир Темур ҳукуматининг таркиби ва аъзолари ҳамда улар амалга оширадиган асосий вазифаларга бағишлиланган. Айни шу бандда Амир Темур даврида кенг кўламда қулланилган уйгур ёзуви, Соҳибқирон саройида хизматда бўлган олим уламолар, муҳадислар, қорилар, мунахжимлар, шатранж усталари, ҳофизлар, мутрибу муганийлар, табиблар ва бошқа илмлар аҳллари номма-ном келтирилади. Шулар билан бирга уша даврда ўтказилган маросимлар, тантаналар ҳақида ҳам муайян тасаввур берилади.

Мазкур бобнинг бошқа бир банди армия (жайш) ва маҳфий хизмат (мухобарат) ҳақидалари маълумотларга бағишлиланган. Бунда қўшин бошлиқлари ва уларнинг уша даврдаги рутбалари ва даражалари ҳақида, Амир Темур қўшини ўргасида мавжуд бўлган қаттиқ интизом, ҳарбий масалалардаги қатъий тартиботлар ва қоидалар ҳақида фикр юритилади. Қўшин бошлиқлари ва аёнлардаги зийраклик, тадбиркорлик ва матонат ҳақида аниқ мисоллар келтирилади. Амир Темурнинг разведкага (мухобарат) алоҳида аҳамият бергани, дунёнинг турли томонларида унинг хабарчи жосуслари бўлганлигини таъкидлаб, муаллиф бу хусусда қатор замонавий тадқиқотчиларнинг фикрини ҳам келтиради. Шулар билан бир қаторда Соҳибқироннинг даҳоси, унинг салоҳияти, заковати ва бошқа хислатлари ҳақидалари мулоҳазалар, айниқса, диққатга сазовордир.

Рисоланинг тўртгинчи бобига кирган маълумотлар уша вақтда Миср ва Шомда мавжуд сиёсий вазиятни шарҳлайди. Миср сultonи аз-Зоҳир Барқуқнинг тарихи, ундан кейин ҳокимият тепасига келган унинг угли

Носир Фараж, мамлакатда аҳволнинг ёмонлиги, салтанатга алоқадор бўлган амирлар ва ноиблар ургасида тұхтөсиз ихтилоф ва келишмовчиликлар содир бўлғанлигини хабар қиласи. Мана шундай ҳолатда Миср султони билан Амир Темур давлати ургасидаги бевосита муносабатлар рисоланинг муҳим қисми, шубҳасиз, унинг бешинчи бобида бўлиб, у «Амир Темур ва Миср мамлуклари» деб аталган. Муаллифнинг ёзишича, Амир Темур билан Миср султони аз-Зоҳир Барқүқ ургасидаги дипломатик алоқалар 1385 йилдан, яни узаро мактублар ва элчилар алмашуви воситасида бошланган. Мана шу бобда таъкидланишича, 1394 йилда Қоҳирадан Шомга уз қүшинлари билан келган султон аз-Зоҳир Барқүқ Дамашқда Даشت Қипчоқ ҳокими Тұхтамишхон ва турк султони Елдирим Боязид элчилари билан учрашиб, Амир Темурга қарши уч томон биргалашиб курашиш хусусида келишиб оладилар. Амир Темурнинг Шомни фатҳ этиш сабаблари, бу воқеа арафасида, шунингдек ундан кейин юз берган воқеалар, Миср султони атрофидаги арбобу аёнларнинг ношудлиги, Шом шаҳарлари ноибларининг узаро ихтилоф ва низолари ҳақида ушбу бобда муфассал маълумотлар келтирилган.

Рисоланинг бир боби Амир Темурнинг Ҳалаб олимлари билан мулоқоти ва сұхбатига бағицланган. Муаллиф бу хусусда Амир Темурга бағищлаб ёзилган асарлар ҳақида муфассал тұхталган. XV аср таникли араб тарихчилари ас-Саховий, Ибн Арабшоҳ, Ибн Шиҳна ва бошқаларнинг маълумотларига таянган ҳолда Амир Темурнинг Ҳалаб олимлари билан сұхбати тафсилотларини деярли сұзма-сұз келтиради. Амир Темур билан араб мутафаккири Ибн Халдун ҳамда Дамашқ олимлари ургасида бўлиб утган учрашув ва сұхбатлар хусусида ҳам талай қимматли маълумотларни айни шу бобда учратамиз.

Юқорида қайд этилғанларни хulosса қилиб айтиши мумкинки, тарихчи Акрам Ҳасан ал-Альабийнинг күп ёзма манбаларга асосланиб битилган ушбу рисоласи Амир Темур ва Миср султонлари ургасида мавжуд бўлган алоқаларни ҳар томонлама чуқур урганища муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

МИСР ТАРИХЧИСИ АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА

Ҳаёт фалсафаси қизиқ-да узи. У ҳеч қанақа қолип-га сигмайдиган, олдиндан илғаб бўлмайдиган, кутилмаган воқеалар кўплиги билан ҳам қизиқ. Шу боис ҳам инсон зоти борки, бир умр «Ноумид шайтон» деган ақида билан яшайди, темтинади. Шу хусусда бундан қариб ўттиз беш йил бурун бобомиз Амир Темурга боғлиқ бир ибратли воқеа бўлгандики,... яхшиси узингиз эшитиб фикр-мулоҳаза юритинг.

Мен айтмоқчи бўлган воқеанинг тарихи унча узоқ эмас, у бундан «атиги» ўттиз беш йил муқаддам бошланган — шундан кейин ўтган вақт ичидан бошимизга офтоб тегиб, Амир Темур бобомиз ҳақида адолат билан сўзлайдиган мунаввар кунлар ҳам булиб, афсуски, улар узоқ давом этмай, яна қора булутлар келиб, шавкатли бобомизнинг номларини тилга олиш ҳам ами маҳол булиб қолди. Ниҳоят мустақиллигимиз шарофати билан Соҳибқирон ҳазратлари аста-секин ўз тарихий мақомларини эгаллай бошладилар. Замонанинг зайди билан қариб ўттиз беш йил китоб жавонимда чанг босиб, кимир этмай «савлат тўкиб» турган бир рисолани Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик муборак тўйлари мўносабати билан яна қулимга олиб, унинг мазмун-моҳияти билан муҳтарам ўкувчиларимизни таништиришни лозим топдим.

Воқеанинг тафсилоти бундоқ бўлган: Минг тўқиз юз олтмиш иккинчи йилнинг жазирама июнь ойида нон-насиба тортиб, мен Миср Араб Республикасига бориб, бир йил давомида бу тарихи бой ва ажойиб мамлакатда араб тили таржимони сифатида хизмат сафарида бўлгандим. Албатта, биз — араб тили таржимонлари бўлган бир гурӯҳ ёшлиар, энг аввало, араб тилимизни «чархлаш», айниқса унинг узига хос хусусиятларига эга бўлган Миср шевасини (у биз тузуккина билган араб адабий тилидан тамоман фарқ қилас экан) тезроқ эгаллашга алоҳида эътибор бериб, ҳар бир фурсатни ганимат билардик: Миср шевасидаги дарсликлар, китобларни мутолаа қилиш, кинофильмларни қайта-қайта куриш, ерли халқ билан «отамлашиш» каби синалган усуслар кўп вақтимизни оларди. Мана шу жараёнда хизматдан

бүш вақтларимизда Мисрнинг пойтахти Коҳирадек шаҳри азимнинг турли бурчакларида жойлашган китоб дуқонларини, кутубхоналарини ҳам имкон борича зиёрат қилиб, ўзимизни қизиқтирган китоблар билан ҳам танишардик. Мени кўпроқ қизиқтирган нарса (яъни замонавий тилда айтадиган бўлсак — хоббим) бизнинг диёромиздан чиққан буюк алломаларимизнинг ҳаётлари, уларнинг асаллари, мерослари, улар ҳақида араб тилида нашр этилган китоблар эди. Мана шу тарздаги зиёратлар чоғида бир кун китоб дуқонларининг бирида араб тилида ёзилган «ал-Қоид ар-раҳийб Темур» («Ҳайбатли қўмондон Темур») деган китобга кўзим тушди. Коҳирада нашр этилган бу мўъжазгина рисола Миср (эҳтимол ҳарбий) тарихчиси ас-Саййид Фаражнинг қаламига мансуб бўлиб «Ихтарно лил-жундий» («Аскар учун тандадик») рукни остида чоп этилган экан. Табиийки, мен ушбу китобни харид қилиб, дарҳол уни ўқиб чиқдим...

Рисола билан яқиндан танишишдан аён бўлдики, унда Амир Темур бобомизнинг тарихи — ҳаёти ва бутун фаолиятлари давомида оширган ишлари мухтасар, таъсирчан руҳда, содда ва оммабоп тилда баён қилинган.

Рисола, албатта, энг аввало, аскарларга — ҳарбийлар, умуман ёшлигарга мўлжалланган учун ҳам унда Соҳибқирон ҳазратларининг ҳарбий соҳадаги даҳоси ва маҳоратлари, ўз ватани, ҳалқи, заминининг озодлиги ва равнақи йулидаги мислсиз саъӣ-ҳаракатлари, жасоратлари ёрқин мисоллар билан ўз ифодасини топган.

Рисолада Амир Темурнинг ёшлиги, у успирин пайтидан бошлаб машғул бўлган ўйинлар — чавандозлик, ов қилиш ва ҳар хил машқларда ва мусобақаларда қатнашиб беллашувларда иштирок этиши, қисқа қилиб айтилса, жисмоний ва руҳий чиниқиши, шиҷоатли ва матонатли булиб ўсиши ҳақида ҳикоя қилинган. Унинг отаси ҳақида ҳам талай маълумотлар берилган.

Рисоланинг навбатдаги саҳифаларида Амир Темурнинг ўз ватанини мӯгул мустамлакачиларидан озод қилиш борасидаги узок давом этган кураши, бу йулда қанчадан-қанча машаққатларни ақл-идрок ва матонат билан енгигб ўтгани ҳақида ҳикоя қилинади. Ўз салтанатини мустаҳкамлаш, кучли ва мус-

тақил давлат тузиш йулида Амир Темур амалга оширган ислоҳотларга батрафсил тұхталади. Жамият ва фуқаролар манфаати йулида янги-янги қонун-коидалар ишлаб чиқилиб, барча масалаларда қаттың тартиб-интизомга ҳамма итоат этишлиги, қонун устуворлігі Амир Темур сиёсатида қаттың қоида булғанлиги алоҳида таъқидланади. Жангу жадал вакытда журъатсизлик билдириган ҳар қандай аскар ёки күшин бошлиғи халқ олд�다, оммавий жойларда жазоланиб сазойи қилинган. Бу усульнинг тарбиявий аҳамияти катта эди, деб ёзади тарихчи. Унинг ёзишича, айни вакытда муҳорабаларда жасорат ва ботирлик намуналарни курсатғанлар уз қаҳрамонликлари-га яраша муносиб тақдирланғанлар.

Рисоланинг бир бобида Амир Темур даврида Мовароуннахрнинг турли томонида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ободончилик, қурилиш иншоотлари ҳақида маълумотлар берилади. Айниқса, Амир Темур давлатининг маркази булган Самарқандда бунёд этилган көнг күчалар, улкан қасрлару бөг-бустонлар ҳақида муаллиф қизиқарли ҳикоя қиласы. Самарқанд, тарихчи ёзишича, Амир Темур даврида «арус ал-авосим» («дунё пойтахтларининг келинчаги») ёки «ал-Мадийнат аз-зарқа» («Мовий шаҳар») номларини олган, чунончи шаҳардаги барча маҳобатли иморатлар бутун буй-басты билан уша вакытда расмий ранг деб эълон қилинган мовий рангга бурканган.

Рисолада Амир Темур билан Тұхамиш муносабатлари ҳақида ҳам тұхталыб, соҳибқироннинг қулагаб-куватлашларию курсатған яхшиликларига Тұхамиш қандай нонкурлик қилғани ҳақида баён қилинади.

Рисоланинг бир боби «Темур империяси» деб аталыб, унда Соҳибқироннинг ички сиёсати ҳақида ҳикоя қилинади. Амир Темур уз мамлакатининг равнақига, уз халқининг фарованиелиги масалаларига алоҳида эътибор бериб, күп хайрли ишларни амалга оширгани, жумладан у барийд (почта) алоқаси хизматида қатор янгиликлар ихтиро қилиб, коммуникация (транспорт)ни яхшилаш учун катта-катта йұллар, куприклар қурдиргани, каналлар, сув қувурлари (анобийиб)ни чуздириб, божхона ва солиқ системасига асос солганини, узоқ масофали йұлларда йоловчилар, от-уловлар учун работлар, — карвоиҳона ва ичимлик сувлар ташкил этганини курсатиши мумкин. Үрнатыл-

ган қонунга биноан тижорат аҳли ўз тижоратлари даромадларининг ҳажмига қараб солик тўлардилар, бундан тушган тушумлар ўз навбатида мамлакат эҳтиёжи учун ишлатилган. Муаллифнинг ёзишича, Фардан Шарққа ва Шарқдан Farb мамлакатларига ўтувчи савдо карвонлари Амир Темур даврида асосан Мовароуннаҳр, хусусан пойтахт Самарқанд орқали ўтган. Бинобарин жаҳон савдо-сотиқ йўллари Амир Темур назорати остида бўлган ва тижоратдан тушган даромаднинг микдори катта булиб, тарихчи ёзишича, уша пайтда Франция қиролининг даромадидан ҳам ортиқ бўлган. Амир Темур фақат тижорат ишларига аҳамият бериб қолмай, балки у зироатга, қишлоқ хўжалигига, деҳқонларнинг аҳволини ислоҳ қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор берарди. Чунончи унинг қатъий эътиқодича, деҳқонлар ҳар қандай мамлакат бойлигининг манбаи, Ватан ва армия куч-қудратининг рамзи ҳисобланарди. Мана шунга ухшаш кўплаб хайрли тадбирлари туфайли Амир Темур ўз давлати нуфузини ошириб, уни дунёда энг тараққий қилган кучли ва иқтисодий бақувват давлатлардан бирига айлантириди, ўз халқига эса фаровонлик ва мўл-кўлчилик мужассам бўлган баҳтиер турмуш яратди.

Рисоланинг бошқа бир бобида Амир Темур ҳазратларининг олиму уламолар билан мулоқотлари, унинг тарих илмини чуқур билиб ўтган, хоқону сultonлар кечмишларидан яхши хабардор бўлганлари, шатранж уйинида катта маҳоратта эга эканлиги, азалий бу уйинни такомиллаштириш борасида соҳибқирон салмоқли ҳисса қўшганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Рисоланинг ниҳоясида муаллиф Амир Темурнинг ўз рақиблари устидан эришган зафарларини таҳлил қилиб, унинг устунлиги сабаблари қуйидагилар деб таъкидлаган:

- Қушиннинг сон жиҳатидан кўплиги.
- Рақиблар ҳақида тулиқ маълумотга эгалиги (разведка).
- Жанглар ҳужумкорлик руҳида олиб борилганилиги.
- Қушинда маънавий рух жуда кучли бўлганлиги.
- Ташибиқот-тарғибот ишларига катта аҳамият берилганлиги.
- Бошқарув (раҳбарлик) сиесатидаги ўта кучли салоҳияти.

Юқорида қайд қилинган фикр-мулоҳазаларга хуло-са қилиб, миср тарихчисининг Амир Темур ҳазратла-ри ҳақидаги бу рисоласи соҳибқироннинг ички ва ташқи сиёсати айниқса, унинг ҳарбий соҳадаги маҳо-рати ва ибратли ишларини урганишда қимматли асар-лардан бири дейиш мумкин.

АРАБ ОЛИМИНИНГ СОҲИБҚИРОН ҲАҚИДАГИ ЙИРИК ТАДҚИҚОТИ

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти ва фаолиятига багишланниб бутун дунё олимлари томонидан кўплаб илмий ва бадиий асарлар, рисола ва мақолалар яратилган. Уларда Амир Темур ва темурийлар даври сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли қирралари, шунингдек Соҳибқироннинг шахси ва фаолияти баъзан илмий, баъзан эса оммабоп тарзда баён қилинган, Фарбу Шарқ олимларининг қатор тадқиқотлари воқеаларга замондош муаллифлар томонидан яратилган кўплаб асарларга таяниб ёзилгани боис ҳам Амир Темур ва темурийлар даврини үрганища муҳим аҳамият касб этади. Араб олими Мазҳар Шиҳобнинг «Темур» (унинг даври, ҳаёти ва фаолияти) номли йирик асари мана шундай фундаментал тадқиқотлардан бири десак ҳеч бир муబолага бўлмайди. 1981 йилда Байрут (Ливан)даги ал-Қуддийс Юсуф университети томонидан ўкув қулланмаси мақсадида нашр этилган бу йирик тадқиқотни муаллиф халқаро даражадаги фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим қилган. Яқинда мазкур асарнинг фотонусхасини олишга мұяссар бўлдик ва хурматли ўқувчиларимизни Амир Темур бобомиз ҳақидаги ушбу муҳим тадқиқотнинг қисқача мазмуни мундарижаси билан таништиришни лозим топдик.

Асар билан дастлабки танишиш араб олими Мазҳар Шиҳоб мазкур тадқиқотни яратишда кенг кўламда жуда катта ишни амалга оширгани кўзга ташланади. Чунончи беш юздан ортиқ саҳифадан иборат мазкур асар том маънода фундаментал тадқиқотлардан биридир. Бу фикримизга далил сифатида, бир томондан тадқиқот ўзида мужассам қилган фактик маълумотларнинг гоятда бойлиги ва ранг-баранглиги булса, иккинчи томондан муаллиф Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига доир деярли барча масалалар бўйича ўша давр тарихнависларининг ёзганларига асосланиб фикр юритганини кўрсатиш мумкин. Тадқиқот мазмун-моҳиятини ташкил этган масалаларнинг хилмажиллиги ва уларнинг чукур илмий асосда таҳлил этилиб хуносалар қилиниши — буларнинг ҳаммаси араб, форс ва турк тияларида ўша давр тарихчилари томо-

нидан яратилган кўплаб бирламчи ёзма манбалар ва Farbu Шарқдаги ҳозирги замон олимларининг қатор илмий тадқиқотларини ҳар томонлама қиёсий ўрганиш асосида эканлиги тадқиқот қимматини янада оширади.

Айни вақтда шуни қайд қилиш керакки, Мазҳар Шихоб уз тадқиқотида фойдаланган араб ва турк тилларидаги қатор тарихий асарлар биринчи маротаба илмий истеъмолга киритилганки, шубҳасиз, бу ҳол мазкур тадқиқот алоҳида аҳамиятта эга эканлигини кўрсатади.

Таркибий жиҳатдан ушбу тадқиқот кириш қисм (муқаддима) Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига боғлиқ бўлган муҳим саналар ва воқеалар тартиби, шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврига оид жуғрофий ҳариталар ва хилма-хил сувратлардан иборат.

Тадқиқотнинг асосий қисми етти бобдан ташкил топган булиб, уз навбатида ушбу бобларнинг ҳар бири ҳам бир неча фасл (қисм)лардан иборатdir. Фойдаланилган қўплаб манбалар ва адабиёт рўйхати асарнинг охирида келтирилган.

Биринчи бобда Амир Темур салтанатидан олдинги Мовароуннаҳрдаги тарихий ва жуғрофий вазият таҳлил қилиниб, Мовароуннаҳр атамасининг номи, унинг тарихи, уша пайтдаги чегаралари, унинг иқлими, сув иншоотлари, усимлик дунёси ҳақида, Мовароуннаҳрнинг қадим замонлар ва ўрта асрлар араблар, форслар, турклар, мугуллар ҳукмронлиги давридаги тарихи ҳақида ҳикоя қилинади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Амир Темур даврининг бошланиши» деб аталиб, унинг биринчи қисмida Амир Темур давридан олдин Европа, Ислом дунёси ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатларидаги сиёсий дипломатик муносабатлар ҳақида ҳикоя қилинган.

Иккинчи қисм Мовароуннаҳрдаги ички сиёсий воқеаларни қамраб олган булса, учинчи қисмда чигатой турклари жамиятининг ташкил топишига (такаввун мұжтаъма ал-атрок ал-чигатоййин) бағищланган. Мазкур қисмда уша даврда Мовароуннаҳрда яшаган аҳолининг урф-одатлари, уларнинг табиий хислатлари ва фазилатлари ҳақида муҳим маълумотларни учратиш мумкин.

Тадқиқотнинг учинчи боби «Амир Темур ҳокимиятга келишдан олдин» деб аталиб, унда соҳибқи-

рон даврига оид кўпдан-кўп ёзма манбаларга асосланиб, Амир Темурнинг болалик ва ёшлиқ йиллари, унинг билим олиши, оиласвий аҳволи, дин аҳлларига муносабати, мўгуллар билан муносабатлари, амир Хусайн билан бўлиб утган курашлари, шунингдек Мовароунинарни мўгул мустамлакачиларидан озод қилиш йулида узоқ муддат давомида олиб борган кураши жараёнидаги бошидан кечирган кўплаб қийинчиликлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

Амир Темур 1370 йилда ҳокимият тепасига келгандан кейин ун йил (1370-1380 йиллар) давомида юз берган воқеаларга, шунингдек ўз мамлакатининг щимолий ва гарбий ҳудудлари хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Амир Темур томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар тадқиқотнинг туртингчи бобини ташкил қиласди.

Доктор Мазҳар Шиҳоб тадқиқотининг катта қисмларидан бири — бешинчи боб Амир Темурнинг Туркестондан Даشتி Қипчоққа юриши, Амир Темур ва Тухтамиш муносабатлари ҳамда Соҳибқироннинг Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Озарбайжон, Сурия ва Туркия юришларига багишланган. Муаллиф ёзма манбалардаги маълумотларга таяниб, бу юришларнинг сабабларини тущунтиришга ҳаракат қиласди. Айни шу қисмда муаллиф XV асрда яшаб ижод қиласган кўплаб араб муаррихларининг ёзганлари асосида Амир Темурнинг Миср сultonлари аз-Зоҳир Барқуқ, унинг угли Носир Фараж шунингдек, уларнинг Шомдаги ноиблари уртасидаги муносабатлар ҳақида қимматли мулоҳазалар юритади. Ушбу бобнинг бир қисми (фасл) Соҳибқироннинг Европа давлатлари билан муносабатларига, яна бир фасл эса Амир Темур ҳазратларининг вафотига ва шундан кейин содир бўлган воқеаларга багишланган.

Тадқиқотнинг олтинчи боби Амир Темурнинг маданият соҳасидаги фаолиятига багишланади. Уч қисмдан иборат ушбу бобда Соҳибқирон ҳазратларининг бунёдкорлик борасидаги кенг кўламли ишлари, унинг илм-фанинг равнақи йулидаги самарали фаолияти, унинг даврида бунёд этилган ҳар хил иншоотлар, давлатни идора қилишдаги узига хос хусусиятлар ва усуллар, унинг ҳарбий соҳадаги маҳорати ва даҳоси, кучли иқтисодиётни барпо этиш йулида Амир Темур томонидан амалга оширилган хилма-хил ва улкан ислоҳотлар, тижорат ва ҳунармандчилликни ривожланти-

риш хусусида Соҳибқироннинг жүшқин фаолияти, Шарқ ва Фарб мамлакатлари билан Амир Темур давлати уртасида мавжуд бўлган савдо-сотиқ ва дипломатик муносабатлар хусусида, унинг қушини ва ҳарбий бошлиқларидаги маънавий ва жанговар рухнинг баланд (кучли) бўлганлиги, олиму уламоларга, санъат ва маданият арбобларига, турли-туман ҳунарларнинг ҳақиқий, етук усталарига нисбатан Амир Темурнинг камоли эҳтироми ҳақида муфассал ва аниқ маълумотлар келтирилади.

Тадқиқотнинг охирги, еттинчи боби «Амир Темур шахсиятининг таҳлили» деб аталади. Мазкур бобда Амир Темур ҳазратларининг шахси, унинг ташқи қиёфаси, уша даврда яшаган қатор тарихчиларнинг ёзгандарига таяниб, соҳибқирон сиймосининг ёзма (китобий) тавсифи келтириладики, бу маълумотлар гоятда катта аҳамиятга эгадир.

Амир Темурнинг юксак инсоний фазилатлари, унинг одатлари ва ўзига хос сифатлари ҳақида батағсил ҳикоя қилинади. Ушбу бобнинг бир фаслида Амир Темурнинг саводхонлиги (маълумоти) ва диний эътиқоди ва қарашлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Айни шу бобда келтирган фактик маълумотларга асосланган ҳолда тадқиқотчи Амир Темурнинг бошқа ҳукмдорлардан устуњлиги ҳақида ҳикоя қиласиди. Умуман ушбу тадқиқот билан танишар эканмиз, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама ёритган араб олимни Мазҳар Шиҳоб ута илмий йўл тутиб, ёзма манбалардаги аниқ маълумотларга таянган ҳолда уз фикр-мулоҳазаларини холисона ва самимий ифода қилганлигига амин бўламиз.

Ушбу тадқиқотнинг мундарижасидан ҳам маълум булаётirки, араб олимининг Амир Темур ҳазратлари ҳақидаги бу йирик ва жiddий тадқиқоти Соҳибқироннинг ёрқин ҳаёти ҳамда кенг қамровли ва жүшқин фаолиятини ҳар томонлама чукур ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу тадқиқотни ҳар томонлама, чукур ўрганиш, шубҳасиз, Соҳибқирон ҳазратлари ҳақида кўп янги маълумотларни беради. Шуларни эътиборга олиб, ушбу мақоламизда араб олимининг «Темур тузуклари» ҳақида келтирган маълумотларини қисқача шарҳлаган ҳолда арабчадан узбек тилига утириб, хурматли уқувчиликимиз эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик. Чунки бу масала азалдан бир қадар мунозарали бу-

либ, ҳозиргача олимлар уртасида турли фикрлар билдирилмоқда. «Темур тузуклари» ким томонидан ёзилган — Амир Темурнинг ўзлари ёзганми ёки айтиб туриб унинг тилидан муншийлар ёзганми ёинки Соҳибқирон вафотидан кейин бошқа бир шахс томонидан битилганми? деган масалалар илм ахларию тарихчилар уртасида ҳар хил мусоҳабаларга сабаб булганлиги маълум. Шу нуқтаи назардан қаралса, араб олими Мазҳар Шиҳоб узининг ушбу тадқиқотида «Темур тузуклари» ҳақида келтирган маълумотлари айниқса диққатга сазовордир. Айни вактда олимнинг мазкур асарга оид баъзи маълумотлари, айтиш мумкини, оригинал хусусиятга моликдир. Кези келганда яна айтиш керакки, бу масала хусусида сўнгти йилларда ҳам қатор олимлар уз фикрларини билдирганлар. Хусусан ҳурматли олимимиз, академик Б. Аҳмедов «Темур тузуклари»нинг 1991, 1996 йили Тошкентда чоп этилган узбекча нашрларига ёзган суз бошида «Темур тузуклари»нинг тарихи ҳақида олимлар уртасида ҳозиргача мавжуд булган хилма-хил фикрларни умумлаштириб, илмий асосланган муҳим холосалар келтирган. Араб олими Мазҳар Шиҳоб «Темур тузуклари» ҳақида келтирган маълумотлар ҳам аксар ҳолларда шу йўсинда булиб, лекин унда баъзи бир аниқ фактлар келтирилганки, шубҳасиз, уларни атрофлича, чуқур ўрганиш фойдадан холи булмас деб ўйлаймиз.

Жумладан, «Темур тузуклари»нинг ҳозирги вақтгacha барча нашр ва бошқа тилларга таржималари учун асосий манба ролини утаб келаётган Абу Толиб ал-Хусайний томонидан бажарилган форсча таржимасидан қониқмаган Ҳиндистонда ҳукм юритган темурий сultonлардан Шоҳ Жаҳон уни қайтадан куриб чиқиши Муҳаммад Афзал Бухорий деган истеъодиди (бу шахсни Ч. А. Стори Муҳаммад Афзал бин Тарбиятхон Бухорий деб келтиради) олимга топширади. Доктор Мазҳар Шиҳоб эса ушбу шахснинг исмини «Муҳаммад Ҳифз ал-Бухорий» деб келтириб, уни сultonга яқин кишилардан бири ва унинг муалими (устози) эди деб таърифлайди.

Яна бир муҳим гап. Адабиётларда Абу Толиб ал-Хусайний «Темур тузуклари»нинг туркий асл нусхасини Яман ҳокими Жаъфар Пошанинг кутубхонасидан топиб қўлга киритган деган фикр бор. Тўгри, шундай булиши ҳам мумкин. Лекин асли Урта Осиёлик (турбатлик) булган Абу Толиб ал-Хусайний узоқ Яманга

нима сабабдан бориб қолган? деган ўринли ва мантиқий савол ҳам туғилади. Бинобарин бу масалага ҳам Мазҳар Шиҳоб уз тадқиқотида келтирган маълумотлар муайян ойдинлик киритадики, эҳтимол, келажакда унинг бу ёзгандари янги изланишлар учун туртки булар. Гап шундаки, етук сиёсатдон ва салтанат соҳиби сифатида танилган Яман ҳокими Жаъфар поша (эътибор қилинг — У Яманда ҳукм юритган усмоний турк ҳокимларидан бири эди) илм-маърифатни қадрловчи ута зиёли инсон булиб, у 1607—1612 йилларда ҳокимият тепасида турган. У ҳокимиятдан туширилгач, таҳт учун кураш бошланиб кетиб, Жаъфар поша ҳам бу жараёнда иштирок этган. Бу кескин кураш 1616 йилгача давом этиб, охири вазият кескинлашгач, Жаъфар поша уз кутубхонасидағи китобларини олиб, муқаддас шаҳарлардан бири — Макка ёки Мадинаға кучиб утиб, унда яшаган. Олим Мазҳар Шиҳоб ёзишича, мана шу йилларда Хижози-шарифга ҳаж фарзини адо этиш учун зиёратга келган Абу Толиб ал-Хусайнин (у 1625 йили Техронда вафот этган) айни шу муқаддас шаҳарларнинг бирида «Темур тузуклари»нинг асли, туркий нусхасини қўлга киритишта мұяссар бўлган. Араб олимининг бу фикри ҳақиқатта яқинроқ дейиш учун муайян асослар бор. Чунки жумлаи жаҳон мусулмонлари учун нафақат саждагоҳ ҳисобланган муқаддас шаҳарлар — Маккай Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара азалдан турли мамлакатлардан келган илму-ирфон аҳллари ва олимларнинг узаро мулօқотлари, асарлар ва фикрлар алмашувлари учун қулай ва муносиб маърифат маскани вазифасини ҳам утаган. Булардан бошқа ҳам доктор Мазҳар Шиҳоб асарида бу мавзуга доир эътиборга молик қатор муҳим маълумотлар борки, бағри кенг ўқувчиларимизнинг ўzlари улардан қўйидаги таржима орқали тегишли хulosалар чиқарадилар деган умиддамиз.

Албаттa, мазкур масала ута мунозарали булиб, ҳали у ҳар томонлама, чукур, илмий асосда ўрганишни тақозо қиласди. Бинобарин унинг кўп жиҳатлари хусусида қатъий фикрлар билдириш учун асосли далиллар керак. Энг муҳими мустақиллигимиз берган имкониятлардан келиб чиқиб, «Темур тузуклари»нинг Соҳибқироннинг ўzlари томонидан яратилган туркий асл нусхасини излаб топиш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлмоги керак. Чунончи бу ута муҳим ва зарурий изланиш кўп масала-

ларга аниқлик киритибгина қолмай, буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратларининг йирик давлат арбоби, илм-фан, маданият ҳомийси, беназир моҳир саркарда сифатида жаҳон тарихида тутган юксак мақомларини белгилашда салмоқли ҳисса қўшади. Мана шу эзгу истагу ниятлардан келиб чиқиб, араб олими Мазҳар Шихобнинг «Темур тузуклари» хусусидаги маълумотларини муҳтарам уқувчиларимиз дикқатига ҳавола этишга жазм қилдик.

Ал-Малфузот ва ат-Танзимот

Амир Темур даврида давлатни идора этишда қулланилган (идоравий) маъмурий ва ҳарбий қонун-қоидалар ва тартиботлар мажмуаси ҳамда Соҳибқироннинг эсдаликларини ўзида мужассам қилган бир асар ёзилган булиб, у Амир Темурнинг қаламига мансубдир. Ушбу асарнинг эсдаликлардан иборат бўлган биринчи қисми ал-Малфузот номи билан, Амир Темур давлатининг маъмурий ва ҳарбий тартиботлар тавсифоти ва қонун-қоидаларини ўзида ифода қилган иккичи қисми эса Тузуклар номи билан машҳур эди. Бу сўз (яъни тузуклар) мугулча ибора булиб, ушбу лафзнинг муаннасини (женский род) кўплик сийгаси ва олим Буфанинг таърифи билан айтадиган булсан, улар мўгулий қоидалар ва урф-одатларга Амир Темур кириктган қўшимчалардан иборатдир. Қачонки бу малфузот, энг аввало, ўзи таълиф этилган туркий чигатойчадан форс тилига таржима қилинганда мутаржим икки арабий сўз (малфузот ва тузукот)ни ўрнига кўчма маънода «дастур ул-амал» иборасини қўллаган. Чунки бу ибора мазмунан тузуклар (тузукот)га муқобилилигига унинг ишончи комил бўлган. Инглиз олими Шарле Стоарт эса «ал-Малфузот»ни инглизчага икки калимани (Rulus va Regulations) бирга ишлатган.

Мазкур ал-Малфузотнинг ўзида қайд этилганидек, Амир Темур 1370 йилда салтанат таҳтига ўтиргач, ўзидан аввал кенг куламда қулланилган эски услублар ва қоидалардан батамом халос бўлгандан кейин давлатни идора этиш буйича янги қонун-қоидалар (тanzimot) жорий қилиш ва ушбу қонун-қоидаларни тартиб билан қайд (тадвийн) қилиб нашр этишни буюрди. Унинг муқаддимасида Амир Темур алоҳида эътибор билан ўз олдига қўйган асосий мақсади баён қи-

линганд булиб, бу келажакда ҳокимиятни эгаллаганла-рида давлатни идора этиш ва салтанат юритиш услублари билан уз фарзандлари ва набираларини таъминлашдан иборат эди. Шу боис ушбу қоидаларнинг энг аввалини «...фарзандларим ва амирларимга...» деган сўзлари билан бошлади. Ушбу муқаддимада, шунингдек, Амир Темурнинг «Ушбу эсдаликларимни (музаккиротий) аждоддаримдан содир бўлаётган амр или туркй чигатой тилида китобат этдим. Бу (хайрли) иш Аллои таолонинг мусоадаси (кумаги), пайгамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом ва у зоти шарифнинг издошлиарининг ҳифзи-ҳимояти ила тамомига етди. (Аллоҳнинг инояти ила) подшолик таҳтига утириб, мамлакат ҳукмига этишишда омад менга кулиб боқди. Бу ютуқлар менга шиъжоатим, қатъий курашим ва мухорабаларим орқали насиб этди... Мен албатта, ушбу асосий қонун-қоидалар ва тартиботларга қатъий амал қилдим. Ишончим комилки, менинг набираларимдан бир қанчаси келажакда албатта салтанат таҳтига утиради. Шу боисдан ҳам мен ўзим тартиб берган ушбу ҳикматларни улар учун деб тупладимки, улар ушбу қонулар ва тартиботларга иқтидо этиб, уларга таяниб иш юритадилар. Чунончи мен ўзим арши аълонинг ҳимояти, дини Мұхаммад ва Ол ал-байтнинг фазли карами билан ушбу ҳикматлар ёрдамида турли-туман хавф-хатарлар, изтироблию машаққатли даврлардан эсон-омон ўтдим...» деган сўзлари битилган.

«Тузуклар»нинг аҳамияти

Малфузот ва Танзиймотларнинг аҳамияти юқоридаги катта баҳодан аен булаётирки, улар орқали Амир Темурнинг руҳий (нафсоний) ва шахсий сифатлари уз аксини топади, унинг фикр-мулоҳазаларини тасвирлаб, у олиб борган сиёсий фалсафани ифода этади, шунингдек улар сиёсий ва ҳарбий соҳаларнинг турли жиҳатларида Амир Темур туттган йулга таъсир курсатган ҳақиқий сабабларни очиб беради. Бунга қушимча уларда Амир Темурнинг шахсий ҳаёти, унинг фаолияти ва жанг жадаллари ҳақида бой ва хилма-хил, кўпдан-кўп муфассал маълумотларни ҳам ўз ичига оладики, бу хилдаги маълумотлар Амир Темур тарихидан сўзловчи бошқа ёзма манбаларда учрамайди. Ушбу эсдаликларда турк жаҳонгири (Амир Темур) воқеалар зикрида, уларни таҳлил этишда ва уларнинг яширин

сабабларини очишида Соҳиб ал-хаққ ал-аввал (асл ҳақиқатни сўзловчи) фикридан келиб чиққан ҳолда иш тутади. Уз ҳаёти давомида дуч келган муаммоларни бартараф қилиш учун узи қуллаган буюк ва доно услубларни баён қилиш учун у ушбу воқеаларни ўз нуқтai назаридан туриб тасвирлашга ҳаракат қилади.

Тузукларнинг услуби:

Амир Темур эсадаликлари солнома (йилнома-ҳавлиййот)лар тартибида енгилроқ гуурият ва фахрланиш руҳини ўзида мужассам қилган содда услубда ёзилган бўлиб, уша даврнинг аксар муаллифларига, кент куламда хос булган лафзий безаклардан холидир. Эсадаликлар услубининг оддийлигини англаш учун Амир Темур тарихига оид мадҳияли руҳдаги калималар ва узундан-узоқ шеърий қасидалар билан безатилган асар яратган Шарафиддин Али Яздийнинг ёзгандари билан муқояса қилиш кифоядир.

Малфузот (эсадалик)ларда курсатилишича, тузуклар (танзиймот) 771 ҳижрий (1370 милодий) йилда, яъни Амир Темур ҳокимият тепасига келгандан кейин исдор этилган.

Эсадаликларнинг китобат услуби

Аммо эсадаликларнинг китобат этилиши вақти бошқа ҳар қандай эсадаликлар мисоли зоҳир бўлишича, кетма-кет келадиган бир неча босқичларда туталланган. Ҳар ҳолда узил-кесил равишда Амир Темур үзининг бу эсадаликларини ёза бошлаган вақтни аниқлаш имконияти йўқ. Лекин шу нарсани аниқ айтиш мумкинки, Эсадаликлар ёзишини Амир Темур ҳокимиятта келишидан анча муддат олдин бошлаган. Эсадаликларнинг ёзила бошланиш вақти эҳтимол 763 ҳижрий (1362 милодий) йилга ёки ундан бироз олдинги вақтга тўғри келар. Чунончи ушбу эсадаликларда мана шу — 1362 йил воқеалари жараёнида Барлос қабиласининг бошлиги Ҳожи Барлос ҳақида Амир Темурнинг сўзи келтирилади, унинг билан Амир Темур ургасидаги рақобат кучайгани, у (Темурни) ўлдириш учун унга қарши фитна уюштиргани ҳақида гапириб, менга нисбатан қилган муомаласи учун ҳозир у надомат чекмоқда, — деб ёзади Амир Темур Эсадаликларида. Сунгроқ маълум бўлганидек — бу ҳол эсадаликлар-

да ҳам, Амир Темурга оид бошқа ёзма манбаларда ҳам келтирилишича, мазкур Ҳожи Барлоснинг вафоти уша 763 (1362) йилда юз берган. Бинобарин Амир Темур ишорат қилған вақт — «ҳозир» ибораси мантиқан шуни тақозо қиласиди, Эсдаликлар мана шу санаға яқин вақтда ёзилған дейиштага асос булади. Ушбу хулоса 763 (1362) йилдан олдин юз берган бир қатор воқеаларга ишоратни эсдаликларга киритилиши билан ҳам тасдиқланади. Улардан аён булишича ҳам уша воқеалар эсдаликлар қайд этилған пайт (санадан муқаддам содир булган. Чунончи 757 (1366) йил воқеалари жумласидан Амир Темур қачонки Қазогон уни Ҳиротта малик Ҳусайн Карта өрдам бериш учун жунатганды үз дилида жавлон урган фикр — үз тахтини қайтариб олиш ҳақида ҳикоя қилиб, шундай дейди: «Ушанда Ҳиротни үзим әгаллаб олишта имконим бор деган бир фикр келувди калламга. Лекин бунга қарши (муқобил) фикр қилдим-у лекин ҳарбий кучлар (кушин) мени қуллаб-кувватламас деган уйда дарҳол бу фикримдан қайтдим. Сўнгроқ тажрибамдан комил ишонч ҳосил қилдимки — менинг уша фикрим түгри булган экан». Ҳеч шубҳасиз Амир Темур уша фикрнинг хатолигига қаноат ҳосил қилған (ибратли) тажриба 757 (1356) йилнинг тегишли вақтида юз берган. Шунингдек 761 (1360) йил воқеаларида Амир Темур үз ёшининг бу йил йигирма бешга эттанилигига ишорат қиласи, сунгра ҳикоясини давом этдириб, «шу вақтда отам (волидим) қаттиқ бетоб эдилар», — деб таъкидлайди. Афтидан, Амир Темур эсдалик (музаккарот)ларини ёза бошлаган деб қабул қилинаётган (муқтарах) вақт (тарих) 763 (1362) йилдан кейин содир булган воқеаларни үз вақтида тадрижий қайд қилишда давом этган. Чунончи 768 (1367) йил воқеаларининг қайдида шу йил у үз тобеъларидан бирини Карши шаҳрининг ҳокими этиб тайин эттанилиги ҳақида сузлайди. Ва ушбу тобеъи хусусидаги ҳикоясини давом этдириб, «ҳозир у Хурсонда муҳожир», — деб ёзади. Бундан аниқ буладики, бу иборани тасжил (қайд) этиш 768 (1367) йили ушбу Бекшоҳ исмли тобеъининг Карши шаҳрига ҳоким этиб тайинланишига мос (тегишли) вақтда содир булган. Чунончи Бекшоҳнинг бир вақтнинг узида ҳам Қаршининг ҳокими, ҳам Хурсонда муҳожир булиши мумкин эмасди.

Эсдаликларнинг бошқа бандларидан шу нарса зоҳир буладики, баъзи воқеалар айрим ҳолларда уша

воқеалар содир бўлган пайтда кўп — қарийб ун йиллар утгач қайд этилган. Масалан, Амир Темур 762 (1361) йили мамлакатда олий салтанатни қабул қилиб олиши ва унинг номи билан хутба ўқитиш хусусидаги ҳалқнинг талабини рад қилғанлигини зикр қиласди. Ҳалқнинг (суккан) талаби бўйича унга берилган (хукуқ) унинг танзимот (тузуклар)ида акс этганидек, ҳоким тобеъилари унга изҳор қиласлан ихлосликка (жуда) ишонмаслиги ҳам керак, улар сонининг кўплигига таянмаслиги ҳам керак. Аксинча у улар билдирган ихлосликнинг орқасида бекинган сабабларини билмоғи зарур. Эсадаликларнинг бошқа бир ўрнида танзимот (тузук)ларнинг баёни (сийагот) 771 (1370) йилда юз берганлиги зикр қилинади.

Эсадаликларда учрайдиган бир қанча далиллар унинг етиб келган шаклий ифодаси (баёни) бир қанча муншийларнинг иши эканлигини курсатади, чунки номларда ва эсадаликларда кўлланилган таъбир (ифодалаш) услубларида ҳам, Амир Темур турли жойларда амалга оширган ишларда ва эсадаликларда қайд этилган жуғрофий номларда баъзи ихтилофлар учрайди. Мана шу фарқли далиллардан (қароин) эсадаликларнинг биринчи (бошлангич) қисмларида Амударё Жайхун деб аталиб, ушбу дарёнинг номи келтирилган кўп ўринларда Жайхун деб аталади. Сунгра бу ном тузатилиб, дарёнинг номи узи машҳур бўлган Амударё (Наҳри Аму), қолган қисмларида шу номга узгартирилган ва бу дарё ишора қилинган кўп жойларда шу ном (Амударё) билан аталади. Мовароуниахр иборасини ифодалашда ҳам айни шу ҳол юз бериб, асарнинг биринчи (бошлангич) қисмларида бу ном аксар ҳолда ишлатилиб, сунгра, навбатдаги қисмларида бу ном Турон ерлари (бидод Турон) иборасига алмаштирилган. Шунингдек, Амир Темурнинг отига минишини ифодалашда ҳам дастлабки қисмларда «отимга ўтиредим» (иъталавту хисоний) деган ибора ишлатилган бўлса, кейинги қисмларда «отни минишга оғимни қўйдим» (вазаъту қадамий фи-р-рикоб) деган янги иборани ишлатишга ҳаракат қиласлан.

Эсадаликларда мавжуд исломий таълимотларни рад қиласдиган айрим фикрларнинг берилиши баъзи ойдинликлар киритадики, бу — эсадаликлар Амир Темурнинг саройида (ҳошиясида) хизматда бўлган уйгур котиблари (бахшилари) томонидан китобат этилган деган эътиқодда бўлишиликдир. Бинобарин бир ўрин-

да Расулуллоҳ «Аллоҳнинг вазири» (вазиру Аллоҳ) деб курсатилган ва у (зот)нинг зикрлари келтирилган аксар ўринларда фақат Мұхаммад деб келтириб, «Саллоллоҳу алайҳи ва саллам» ёки мусулмон котибларида одатда қабул қилинган бошқа бир ибора билан биргаликда ифода этилмаган. Уша уйғур котибларининг баъзилари манихеизм диёнатида булиб, Ибн Арабшоҳ ҳам Амир Темур тобеъиларидан айримлари ислом динига кирмаганликларини курсатиб утган. Бу ҳолдан шундай эҳтимоллик кучайдики, эсдаликларининг асл тили (лугати) турк тили бўлган, қайсики бу тилда уйғур котиблари яхши сузлаб, ёзгандар. Тузукларда шу нарсага ишорат қилинганки, Темур давлатидаги бош девоннинг (ад-дейвон ал-аом) вазифаларидан бири кетма-кет содир бўлган воқеаларни қайд этишда (тадвийн) раҳбарлик қилиш ва сунгра қайд этилган ушбу ҳодисалар хусусида фикрини олиш учун улар Амир Темурга тақдим қилинади. Аёнки, воқеаларни бу зайлда қайд этиш Амир Темур 771 (1370) йилда ҳокимиятга келгандан кейин жорий этилган эди. (Бундан) зоҳир булаётирки, Амир Темур ушбу йилдан (тариҳдан) эътиборан давомли йигинчларда (жалосот мутатолийа) ундан олдин (утмишда) узи билан содир бўлган воқеаларни (имлоси) ҳикоя қилиш билан машгул бўлган. Эҳтимол мана шу ҳикоя қилиш (имло) эсдаликларни «малфузот» (тузуклар) деб аташга сабаб бўлгандир. Бу ишда Амир Темур ўз хотирасига ёки бўлмаса узи олдин ёзib олганига таяниб иш тутарди. Бахшилар у (Амир Темур) уларга ҳикоя қилганларини ёзив олардилар. Қатор ҳолларда Амир Темур аввал булиб утган воқеаларга ҳам ишорат қиласади. Шундан сунг аввалда булиб утган воқеалар ва шу воқеалар ҳикоя этилаётган пайдаги аҳвол бир-бирига қиёслаб солиштириларди ва шундан кейин бахши котиблар қандай эшиитганлари ва қандай ёзив олганларига қайтадан эътиборни қаратардилар ва шунга асосланниб тузатардилар. Улардан ҳар бири бу ишни китобатдаги ўз фикр-мулоҳазаси, эътиқоди ва услубига муносаб курган ҳолда бажаарди. Баъзан эса бир неча кунлардан кейин Амир Темур малфузотларини эшитишга мутасадди этилган котибларни алмаштириш ҳоллари ҳам учтарди. Бу ҳол услубда зоҳир буладиган ихтилофлар ва тушунчаларга ишорати ҳамда эсдаликларининг баёнидаги баъзи ишлар билан изоҳланади.

«Тузуклар»нинг форсча таржимаси

Яна шуни айтиш керакки, малфузотлар Амир Темур ўзи чигатой туркйчада имло қилган асл тилида бизгача етиб келмаган булиб, балки ундан форс тилига қилинган таржимаси етиб келган. Ҳиндистонда яшаган инглиз зобит (офицер)ларидан бири майор Дэви 1779 йилда ушбу асарнинг форсча бир нусхасини топиб (иктишоф этиб), қуләzmани ўзи билан Англияга олиб келади. Ушбу нусхага ёзилган муқаддимадан маълум булишича, унинг форс тилига таржима қилган Абу Толиб ал-Ҳусайний булиб, унда мутаржимнинг қуйидаги сўzlари келтирилади: Аммо баъд: Аллои таолонинг раҳматига ҳожатманд Абу Толиб ал-Ҳусайний икки олий ҳиммат муқаддас (ал-ҳарамайн ал-ашрафайн — Макка ва Мадинадаги икки муқаддас масжид кўзда тутилаётir) масжид паноҳига етишга ижозат ҳосил бўлғанлигини юксак қадрлайди. Яман ҳокими Жаъфар пошанинг кутубхонасида туркча қадимий бир китобни қургандимки, у жаннат сокини Аллоҳ мағфирати ёғилтур марҳум Соҳибқирон ҳазрат олийларининг малфузотлари булиб, унда етти ёшларидан то етмиш бир ёшларигача ҳаётлари баён этилганди... Унинг туркий ва арабий алфозларию иборалари тушунишдан узоқ, чунончи тарқоқ ва паришон бўлғанлигидан мен уни форс тилига угирдим. Илойим, Аллои таоло Соҳибқирон ас-соний ҳазрати ҳоқони олийларини давру давроннинг турли ҳодисаю воқиатларидан комил сифатлари билан уз ҳифзи-ҳимоясида сақласин ва бу одил сultonнинг салтанати сояси ва унинг адолатини барча оламлар сарҳадларида зохир қилсан!

Ушбу асарни форс тилига таржима қилган Абу Толиб ал-Ҳусайнининг бу эсадликлар Амир Темурнинг етти ёшидан етмиш бир ёшигача (яъни унинг ҳаётининг охиригача) бўлган ҳаётини қамрайди деб тасдиқлашига қарамасдан, инглиз зобити майор Дэви Ҳиндистонда топиб, Англияга олиб келган нусха эса Амир Темур ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб, унинг 1336 йилда таваллуд топганидан бошлаб қирқ бир ёшга еттанига қадар (яъни 1375 йилгача) келиб тутайди, яъни турк фотиҳининг ҳаётидан қолган ўттиз йили ҳақида ҳеч бир маълумот келтирилмайди. Бинобарин Амир Темур малфузотларини форс тилига утирган мутаржим Абу Толиб ал-Ҳусайний ҳақидаги маълумот-

лар ҳам ушбу таржима жараёни ва бунга туртки булган омииллар (сабаблар) хусусидаги ҳолатлар ҳақидағи маъдумотлар ҳам узоқ йиллар мобайнида жуда оз ва ноаниқ булиб келди. Ва ниҳоят Амир Темур малфузотларининг Абу Толиб ал-Хусайнин томонидан форс тилига қилинган таржимасидан бошқа форс тилига ағдарилган икки нұсхаси топилгунга қадар бу ҳол шу зайлда давом этди. Улардан биринчи нұсхани Ҳиндистонда хизматда бўлган инглиз зобитларидан бири Дехлидаги мўгул мусулмон сultonларининг набираларидан биридан олишга мувваффақ булади, шу боисдан ҳам мазкур нұхса сultonний нұхса (нұхса императория) номи билан аталади. Малфузотнинг иккинчи нұсхаси ҳам Дехлида топилиб, уни ҳам инглиз генералларидан бири Британияга олиб кетади. Янги топилган ушбу икки нұхса 1830 йилда Англияга олиб келтирилган. Уларнинг қимматли томони шунда эдики, бу икки нұхса Амир Темурнинг малфузотларини тула-түкис қамраган булиб, улар Соҳибқирон ҳаётининг охирги иилигача ҳикоя қиласиди.

Амир Темур малфузотларининг Абу Толиб ал-Хусайнин бажарган форсча таржимасини инглиз тилига угиришда (1830 йил) қатнашганлардан бири Чарльз Стюарт кейин топилган янги икки нұхса Британияга келтирилгач, танишиб чиқиб, улар бир таржиманинг икки нұсхаси эканлигини аниқлади. Бу таржима Ҳиндистонда салтанат юритган темурий сultonлар давлати ҳокимларидан бири бўлган Шоҳ Жаҳоннинг (1627—1658 йилларда) даврида подшоҳ саройида хизматда бўлган мансабдор шахслардан (муваззаф) бири — у саккизинчى даражада Амир Темурга набира ҳисобланган — томонидан бажарилган эди. Ушбу таржимани бажарган шахснинг исми Мұҳаммад ал-Бухорий булиб, «Ч. А. Сторида (Персидская литература, Т. III 756-бет) негадир бу шахс Мұҳаммад Афзal bin Tarbiyatxon Buxorij deb keltirilgan. У Сultonнинг узига тарбиячи вазифасида бўлган. Уз таржимасига келтирган муқаддимасида Мұҳаммад Ҳифз ал-Бухорий узини «подшоҳ саройидаги энг кичик хизматкори» сифатида (камтарона) тавсифлайди. Мутаржим ёзишича, сulton Шоҳ Жаҳоннинг амрига биноан ушбу таржимани у 1637 йилда амалга оширган. Яна у фақат Абу Толиб ал-Хусайнин қилган таржимани қайтадан куриб чиққанлигини таъкидлаган, чунки унинг таржимаси билан танишган сulton Шоҳ Жаҳонга у

маъқул булмаган. Шу боисдан ҳам Мұхаммад Ҳифз ал-Бухорий янги таржимада үзидан талаб қилинган барча тузатишларни амалга оширишга күп жидду жаҳд кўрсатган. Шу мақсадда мутаржим Амир Темур ҳаётига багишлаб тарихчи Шарафиддин Али Яздий ёзган «Зафарнома» асари билан малфузотда келтирилган маълумотларни солиштириб чиққан. Абу Толиб ал-Хусайниний үзидан кўшган ортиқча баёнларни чиқарив ташлаб, аксинча унинг томонидан қолдириб кетилган айрим хабарларни киритди. Шу зайлда малфузотлар Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сига тӯла-тўкис мос ҳолга келтирилди.

«Тузуклар»нинг инглизча таржимаси

Абу Толиб ал-Хусайниний томонидан Эсдаликларнинг аслидан форсчага ағдарилган таржимани 1779 йилда Ҳиндистондан Англияга олиб келган майор Вильям Дэви унинг бир қисмини инглиз тилига таржима қилди. Мазкур қисм Амир Темур давлатида қулланилган аҳкомлар ва танзимотларни үзида мужассам этган бўлиб, бу қисм «Темур тузуклари» номи билан машҳурдир. Эсдаликларнинг ушбу қисми (Тузуклар) форсий тулиқ матни билан 1783 йилда Оксфорд университетида араб тили буйича профессор ла-возимини эталлаб турган Дж. Уайт раҳбарлигида нашр этилди.

Эсдаликларнинг қолган қисми эса (Абу Толиб ал-Хусайнинийнинг қолган ишлари) — у тарихий қисмни ўз ичига олган бўлиб, унда Амир Темур тугилганидан бошлаб то қирқ бир ёшга тулганича булган ҳаёти ҳақидаги маълумотлар келтирилади — майор Чарльз Стюарт томонидан малфузотларнинг янги топилган икки тулиқ нусхаси Англияга келтирилган 1830 йилнинг ўзидаёқ инглиз тилига ўғирилиб Лондонда нашр этилади. (Бундан олдинроқ) майор Чарльз Стюарт Абу Толиб ал-Хусайнинийнинг форсча нусхасидан инглиз тилига таржима қилинча талай ишни бажариб қўйган эдики, шу боисдан ушбу икки нусхани ва Шарафиддин Али Яздий ўз «Зафарнома»сида ёзгани билан солиштиришнинг узи кифоят булди. Мана шу аснода у Мұхаммад Ҳифз ал-Бухорий таржимасининг муқаддимасида ишорат қилиб кетган янги (султоний) нусхага киритилган аксар қушимчалар Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридан олингандигига

ишенч ҳосил қилди. Шунингдек, унда турк фотихининг ҳаётига доир баъзи жузъий воқеалар шарҳи, соҳибқироннинг сунний мазҳабига эътиқод қўйганлигини кўрсатувчи қатор далил ва исботларни ҳам учратди. Шуларга биноан Чарльз Стюарт ушбу сultonий нусхани таржима қилишга ўзи қодир эмаслигини англаб, Лондондаги Шарқ тилларидан таржима қилиш қўмитасига хат йуллаб, ушбу асаннинг таржимасини бошқа киши зиммасига топширилишини сўради. Шу билан бирга у Абу Толиб ал-Хусайнининг форсча нусхасидан бажарган таржимасига кейин топилган сultonий нусхадан қилган турт кичик лавҳалар таржимасини ҳам илова шаклида қушиб, қушимча (адденда) деган сарлавҳа остида қўмитага юбориш билан чегараланди. Бу турт лавҳа Амир Темур ҳаётининг охирги қунларини акс этдириб, унинг ўз фарзандлари ва набираларига ҳамжиҳат булиб бирлашиш ва ўзаро ихтилофларга йўл қўймаслик хусусидаги васиятларини (биринчи ва' иккинчи лавҳалар), учинчи лавҳада Амир Темур ўз набираси Пирмуҳаммадни ўз вориси қилиб тайин этишдаги рағбатини билдиради. Тұртингчи лавҳада Соҳибқирон бутун ҳаёти давомида ўзи ёзib борган аҳкомлар ва танзимотларга амал қилиб бажаришни, ушбу аҳкомлар ва танзимотларни илова тариқасида ўз малфузотларига киритишни ўз набираю-авлодларидан илтимос қиласиди. Шунингдек, улардан ўз ҳаётининг охирги лаҳзасигача содир булган барча воқеаю ҳодисаларни ушбу Эсадилкларга (музаккирот) қушимча қилишларини сўрайди.

«Тузуклар»нинг французча таржимаси

Француз шарқшуноси Л. Лэнгле 1787 йилда Эсадилкларнинг Абу Толиб ал-Хусайний нусхасидан «Тузуклар» қисмини француз тилига таржима қилиб, уни «Муассасот Темурланг ас-сийасий ва-л аскарий валлатиф дуият бизобти Таймур йактуби би-нафсиҳи билмугулийя, манқула аън таржимати Аби Толиб ал-Хусайний ал-Форсийя ила-л-франсийя маъ ҳаёт ҳазо-л-фотиҳ ат-туркий камо катабаҳа афзалу ал-куттоб аш-шарқийин маъ мулоҳазат ва жадавил тарийхийя ва жуғрофийя ...мин қибал Ланглэ» деган узундан-узок ном (сарлавҳа) остида Парижда нашр қиласиди. Ўзининг бу ишига мутаржим (Л.Ланглэ) берган номдан ҳам зохир булаётирки, мазкур таржима фақаттина

«Тузуклар»нинг француз тилига ўтирилган таржимасидан иборат булиб қолмай, балки таржимон унга ўзи томонидан тайёрланган турк фотиҳининг таржимаи ҳолига доир маълумотлар, шунингдек, тарихий мазмундаги бир жадвал, жуғрофий мазмундаги бошқа бир жадвални ҳам қўшимча қилган. Нашрга ёзган муқаддимасида Л. Ланглэ мазкур таржима Дж. Уайт бундан тұрт (1783) йил муқаддам Оксфордда нашр қилган форсча матнга таянган ҳолда бажарилғанлигини таъкидлаган.

«Тузуклар»нинг аслияти хусусида

Ҳозирги вақтда баъзи бир тадқиқотчилар иккисим — малфузот ва танзимот (тузукот)дан иборат булган эсдаликлар (музаккирот)ни Амир Темурнинг ўзи томонидан ёзилғанлигига шубҳа билдирадилар. Масалан, Э.Г.Брауннинг фикрича, эсдаликларни форс тилига утирган деб тан олинган Абу Толиб ал-Хусайнин ушбу асарни ўзи таълиф этиб, сунгра уни Амир Темурга мансуб этган. Асарни Амир Темурнинг ўзи ёзган деган фикрни илгари сурувчилар: Қандай қилиб Амир Темур ушбу эсдаликларини уз ҳаётининг охирги лаҳзасигача давом этдириб, ҳатто уз вафоти баёнини ҳам уз қули билан ёзиши мумкин, деган фикрда маҳкам турибдилар. Биринчи гурухга мансуб тадқиқотчилар нега булмаса Абу Толиб ал-Хусайнин ёзганидан бошқа темурийлар даври тарихчиларининг асарларида ушбу эсдаликлар ҳақида ҳеч бир хабар келтирилмаган деган эътиrozни ҳам рўкач қиладилар.

Абу Толиб ал-Хусайнин

Тарихчи ас-Саййид Муҳсин ал-Амийн ал-Хусайнин ал-Омилий ўзининг «Айён аш-шийъа» («Шийъа мазҳабининг аъёнлари») номли асарида (6-жилд, 443—444-саҳифалар) Абу Толиб ал-Хусайнин деган бир шахснинг таржимаи ҳоли хусусида қимматли маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотларга кура, мазкур Абу Толиб ал-Хусайнин Сафавийларнинг шоҳи Аббос ал-Кабийрга (у 1587—1629 йилларда ҳукм юритган) замондош булиб, имом Али Ризонинг Машҳаддаги мақбарасига мушриф лавозимини ҳам бажарған, у 1625 йилда Техронда вафот этган. Ал-Омилий асарида келтирилган маълумотлар Абу Толиб ал-Хусайнин уз

таржимаси муқаддимасида эсдаликларни форс тилига ўғириш учун унга турткى бүлган сабаблар ҳақида зикр қылғанларига мувофиқ келади. Дарҳақиқат Абу Толиб ал-Хусайнинй ёшлигидан эроний (форсий) маданий бир мұхитта улгайиб вояга етди.

Абу Толиб ал-Хусайнинйнинг узи китоби муқаддимасида күрсатып үтганидек, у муборак Ҳаж ибодатини адо этиш ниятида Ҳижози шарифга келганида Амир Темурнинг ушбу эсдаликларини құлға киритишга мұваффақ бүлган. Мавриди келганды яна шуни таъкидлаш жоизки, Музаккиротларнинг Оксфорд нашри муқаддимасида майор Дэвиннинг «Соҳибқирон ас-соний» («Соҳибқирон иккинчи») деб көлтирилған шахсдан султон Шоҳ Жаҳон назарда тутилади деб қатый фикр билдириши ҳақиқатта мос келмайди. Чunksи Абу Толиб ал-Хусайнинй, аввал зикр қылғанимиздек, 1625 йилда, яъни Шоҳ Жаҳон ҳокимият тепасига келишидан (1627 йил) икки йил илгари вафот этган. Бинобарин Абу Толиб ал-Хусайнинй узи амалга оширган таржима ишини султон Шоҳ Жаҳоннинг отаси султон Нуридин Жаҳонгирга (у 1605—1627 йиллар давомида салтанат тепасида бүлган) тақдим қылған. Шу боисдан «Соҳибқирон ас-соний» («Соҳибқирон иккинчи») иборасидан Ч. Стоарт ҳам хато зикр қылғанидек, султон Шоҳ Жаҳон эмас, балки унинг отаси султон Нуридин Жаҳонгир күзде тутилған. Яна бир гап. Шундай ҳам булиши мумкинки, Абу Толиб ал-Хусайнинй ҳаж ибодатини адо этиб уз юртига қайтиш пайтида Ҳижозда қашф қилиб құлға кириктан Темур музаккиротларини султон Нуридин Жаҳонгирга (кatta бобоси Амир Темурнинг эсдаликларини) күрсатиш учун йул-йулакай әхтимол Ҳиндистонни зиёрат қылған. Мана шунда (султон Нуридин Жаҳонгир) Абу Толиб ал-Хусайниняга эсдаликларни уша вақтда Темурий султонлар саройида маданият ва мәърифат тили ҳисобланған форсчага ўғиришни топширган. Кейинчалик, мазкур иш тугагач, Абу Толиб ал-Хусайнинйнинг таржимаси билан танишиб чиққан султонта ушбу таржима маъқул бүлмаган. Шундан кейин Султон уз ҳошияларидан бири бүлган уз устози (матнда муаллими) Мұхаммад Ҳифз ал-Бухорийдан ушбу таржимани дикқат билан қайтадан куриб чиқышни сұрайди. Мұхаммад Ҳифз ал-Бухорий узининг янгитдан бажарған бу ишига ёзған муқаддимасида зикр этганидек у ушбу вазифани 1637 йилда ниҳоясига етказади.

Яман ҳокими Жаъфар поша

Иккинчи томондан шуни қайд этиш керакки, Абу Толиб ал-Хусайнининг муқаддимасида ишорат қилинган Жаъфар пошо Яманда Усмонийлар ҳокимларидан бири булиб, унинг ҳокимияти 1607-1612 йиллар мобайнида давом этган. Бинобарин бу давр Абу Толиб ал-Хусайнин ҳаж фарзини адо этиш учун Ҳижозга сафар қилиши эҳтимол қилинаётган вақтга тўгри келади. Уша даврга замондош Яман тарихчиларидан бири — Яхъя ибн ал-Хусайн (1624-1687) ўз асари «Фоят ал-аманий фи ахбор ал-Яманий» («Яман мамлакати ҳақидаги хабарларда ута ишончли манба») номли асарида ҳоким Жаъфар пошани таърифлаб, у салтанат юритиш ва сиёsat соҳасида етук арбоб булишига қарамасдан, маданий ва маърифий масалаларга алоҳида завқ-шавқ билан қараганлиги ҳақида ёзди. Шу боисдан унинг саройида бир гурӯҳ олимлар фаолият курсатиб, доимо унинг ёнида бўлганлар. Жаъфар пошанинг бевосита раҳнамолигида Куръони Карим тағсирларидан бири топилиб, нашр ҳам этилган эди. Унинг қуллаб-қувватлаши туфайли Абу ас-Сауд деган олим «Иршод ал-ақл ас-салийм ило мазойо ал-китоб ал-карыйм» номли тарихга оид мухим бир асар ҳам яратган. Унинг мана шу тариқа маданий-маърифий ишларга катта эътибор бериши Абу Толиб ал-Хусайнин Амир Темур малфузотларининг туркий асл нусхасини Яман ҳокими Жаъфар поша кутубхонасидан топишига нисбатан айтган ҳикоясига мантиқан мувофиқ келади. Бундан ташқари, бу фикрининг тўғрилигини тасдиқлайдиган бошқа қатор далиллар ҳам бор. Улардан айниқса Яман ҳокимлигини эгаллаш борасида вужудга келган кескин рақобат вазиятини курсатиш мумкинки, бу жараёнда 1612 йилда ҳокимиятдан четлаштирилган Жаъфар поша ҳам иштирок этиб, бу кураш 1616 йилгача давом этганди. Бир неча йил давом этган мана шу қалтис вазият охир оқибатда Жаъфар пошанинг ўз ганжинасида мавжуд китобларни олиб, муқаддас шаҳарлардан бири — Макка еки Мадинага — кучиб утишга мажбур қилган эди. Бинобарин айни шу шаҳарлардан (Макка ёки Мадина) бирида Абу Толиб ал-Хусайнин Амир Темурнинг туркийча тилда ёзилган музаккиротларининг асл нусхасига дуч келиб, уни қўлга кириктган.

Темурийлар даврида яратилган манбаларда Амир

Темурнинг узи ёзган малфузотларга ҳеч бир ишорат бўлмаганлиги хусусида шуни айтиш зарурки, ўрта асрларда яратилган аксар асарларда уша давр одатига кўра жуда камдан-кам ҳолларда муаллифлар уз асарларини ёзишда таянган манбаларини зикр қиласдишар. Афтидан бу ҳолга агар асл манбалар курсатилса, асарнинг қийматини пасайтириб юборади деб қаралган. Тарихчи Ҳофиз Абру гап орасида шундай бир ишоратни келтирадики, унга кўра Амир Темур Низомиддин Шомий зиммасига — у турк фотиҳининг ҳаёти ҳақидаги биринчي йирик асарнинг муаллифи — бу тарихий асарни ёзишни юклаганда у муаррихнинг тасарруфига ушбу китобни таълиф этишда фойдаланиши учун баъзи маълумотларни берган. Эҳтимолдан холи эмаски, бу маълумотлар соҳибқироннинг малфузотлари бўлиб, уларни Амир Темур айтиб турган, уйгур котиблари эса Чигатой туркийчасида унинг тилидан ёзил олганлар. Мана шу малфузотлар Амир Темур тарихчи Низомиддин Шомий ихтиёрига топширган яккаю ягона манба булиб хизмат қилган. Амир Темурнинг тарихчи Низомиддин Шомийга уз ҳаёти ҳақида бир асар яратиш хусусидаги тошлириги ҳам гайри оддий ҳолатлардан деб бўлмайди. Чунончи уз ҳаёти ва ишлари (фаолияти) ҳақида у форс тилида битилган алоҳида бир китоб яратилишини ҳам кўпроқ хоҳландир. Шунингдек, Низомиддин Шомийнинг асари Амир Темур ҳаётининг охирги — 1405 йил воқеалари ни қамрамаганидан ҳам куринадики, бу ҳол муаррих уз китобида турк фотиҳи ёши улгайтанлиги ёки жуда бандлиги сабабли уз эсдаликларини ёзишдан ёки уни (котибларга) айтиб туришдан тухтаганлигига, диққатини қараттанига қарамасдан бунга эришмаган. Афтидан, кейинроқ Низомиддин Шомийнинг малфузотларнинг давоми акс этган маълумотларни олишга имкони бўлмаган.

Музаккиротлардан қисман кўчирма

Айни вақтда шу нарса зоҳирки, малфузотларнинг сultonий (император) нусхасидаги Амир Темур музаккиротларини ёзишда давом этганлигига — ёинки уз ҳаётининг охирги дамларида юз берган воқеаларни музаккиротларга кўшишларини буюрганига ишоратнинг борлиги — бу иш асосли булмаса керак. Шунингдек, таржимани қайтадан ишлаб чиқсан Муҳам-

мад Ҳифз ал-Бухорийнинг ёзганига қура у малфузотларнинг Абу Толиб ал-Хусайнин форс тилига таржима қилган матнига тегишли узгаришлар киритишда уз хоҳлаганича иш тутган. Узига тегишли музаккиротларнинг мавжудлиги ҳақида Амир Темур очик-ойдин фикр билдирганда ва уз ҳаётининг охирги лаҳзалари гача юз берган воқеаларни ушбу музаккиротларга киритишни талаб қилганда, шубҳасиз бу ҳақда темурйларнинг бошқа муаррихлари, турк фотиҳининг ҳаёти ҳақида кўп тағсилотларни уз асарида келтирган Шарафиддин Али Яздий кабилар албатта унга ишорат қиласилар. Чунки шундай муҳим мавзу хусусида ишорат қилишни унтишиш ақл бовар қилмайдиган ишдир.

Майор Дэвининг далиллари

Майор Дэви малфузотларни Амир Темурнинг узига мансублигини астойдил қуллаб-куватлайди. У бу асарни Абу Толиб ал-Хусайнининг узи таълиф этиб, сунгра уни Амир Темур ёзган деб унга мансуб этган деган фикрни умуман тан олмайди. Майор Дэвининг бу хусусдаги кўплаб далиллари ва асосли хulosалари унинг 1779 йил 24 октябрь куни Дж. Уайтга йуллаган мактубида келтирилади. Француз олими Л.Лантлэ ушбу мактубни француз тилига таржима қилиб, уни узи 1787 йили Парижда нашр қилган тузукларнинг французча таржимасининг муқаддимасида алоҳида таъкидлаб қайд қиласиди. Ч. Стоарт 1830 йилда Лондонда чоп этилган малфузотларни инглизча таржимасига ёзган муқаддимасида Л.Ланглэнинг ушбу таржимасидан узундан-узоқ бандларни иқтибос қилиб келтиради. Майор Дэви узининг узун бу мактубининг бошланишида ушбу ишнинг (малфузотларнинг) Амир Темурга мансублиги хусусида ишончли тарихий далилга эга эмаслигини эътироф этади. Шундан сунг у малфузотларнинг узидан олган қатор далилу хulosаларни баён қиласики, унинг фикрича, бу далиллар малфузотларнинг Амир Темурга мансублигини тасдиқлашга тўла кифоядир. Жумладан, майор Дэви Шарафиддин Али Яздий узининг «Зафарнома» номли улкан асарида малфузотларга ишорат қилмаганлигини бу асарни (малфузотларни) яккаю ягона нусхада бўлганлиги билан изоҳлайди. Чунончи Амир Темур бутун ҳаёти давомида малфузотлар масаласи ўта сир ҳолда қолиши-

га алоҳида аҳамият берган. Малфузотларни ёзиб тайёрлашдан Амир Темурнинг асосий мақсади у вафот этгандан кейин унинг болалари ва набиралари улардан воқиф булишлари кузда тутилганлигига эди. Мана шу ҳолат айнан Амир Темур музаккиротларига нисбатан «вақтингчалик» унтутиш ва фаромушхотирилик кабиларнинг вужудга келишига сабаб бўлган эди. Бу ҳол бевосита Амир Темур вафотидан кейинги алғовдалғов пайтида ҳам, айниқса турк фотиҳи дунёдан утгач, унинг авлодлари ва набиралари уртасида содир бўлган ихтилофу низолар пайтида ҳам давом этди.

Уз далилларини давом этдириб, майор Дэви яна шуни таъкидлайдики, малфузотларда, Амир Темур ҳаёти воқеалари бошқа ёзма манбаларда келтирилганидек баён қилинишига қарамасдан, эсдаликларнинг (синчков) уқувчисига муаллиф бошқа манбаларда учрамайдиган ортиқча маълумотларни тақдим қилганлигини (уқувчи) очик-ойдин ҳис қиласи. Бу ҳолни уқувчи Амир Темур ҳар хил воқеаларни баён этиб, уларни батафсил таҳлил қилганда ҳам, уз ишлари ва режалирига таъсир кўрсаттан хуфёна омиллар, асил (асосий) сабаблар ва руҳий (нафсоний) кечинмаларни баён қилганда ҳам ҳис қиласи. Мана шу воқеаларнинг яратувчиси ҳам у — Амир Темур, уларни ёзиб олиб қайд қилувчи ҳам, у уз ақл-заковатию (қалби) нафсонияти тақозосига кўра ушбу воқеаларни уз асарида келтириб ифода қилган. Шундан кейин майор Дэви уз фикрида давом этиб, Амир Темур вафотидан кейин содир бўлган нотингчигу низолар пайтида малфузотларнинг якаю-ягона нусхаси қулига тушиб қолган кишининг асил нияти билмаймиз — бу кишининг нияти пок ишончли эдими ёинки ғанимсифат эдими — мана шу ҳолат Амир Темур ҳаёт пайтида (атайин) эътибор берилмай унтилган эсдаликлар хусусидаги ҳақиқат ма-на шунга боғлиқ бўлганлигини таъкидлайди.

Сунгра майор Дэви Абу Толиб ал-Хусайний ҳақида ҳикоя қилишга утади. Асарнинг форс тилига таржи-масини Абу Толиб ал-Хусайний Жаъфар поша кутубхонасидан топган китобининг аслияти эканлигига ҳеч бир ишорат қилмаганлиги биринчи қараоща таажжубли ҳол бўлиб қуринса-да, лекин айни вақтда мана шу фактнинг узи ҳам малфузотларни ҳақиқий эканлигидан далолат берувчи жиддий асосдир. Чунончи Абу Толиб ал-Хусайний қатъий равишда малфузотларнинг узи аслиятлик омил ва далилларини узида мужассам

эттан ва бу фикрни бирон киши ҳам шак-шубҳа остига қоялмайди деб ҳисоблаб, шу боисдан ҳам бу мавзу хусусида алоҳида тұхтаб үтишни хаёлига ҳам келтирмаган. Шунингдек, майор Дэви эсдаликларни Абу Толиб ал-Хусайнининг үзи ёзиг, сунгра уни Амир Темурға мансуб эттан деб баъзи даъво қилувчиларнинг даъволарини ҳам мутлақо қабул қилмайди. Чунки Шарқда азалдан удум бўлганига кўра, муаллифлар ўзлари ёзган китобларини сотиш ниятида китоб дўконларига намойишга қўймайдилар. Бинобарин улар китобларининг муваффақияти ва ҳалқ орасида тарқалиши бу китобларни оммага сотиш учун китоб дўконларига қўйилишига боғлиқ бўлмай, балки саҳоватли ҳокимлар томонидан ушбу асарларни тайёрлашда курсатган жиҷду жаҳдларига яраша молиявий мукофот билан қадрланишига муаллифлар кўпроқ эъти mod қўярдилар. Шубҳа йуққи, Абу Толиб ал-Хусайний агар Амир Темурнинг ҳаёти ҳақида бир китоб ёзишга қодир бўлганда эди, ҳеч вакт у үзига нисбатан ушбу асарнинг таржимасини амалга оширган деб таъкидлаши унинг манфаатидан бўлмаслигини яхши биларди. Чунки бу даъво унинг меҳнатини қийматини камайтириб, унинг илмий мақомига ҳам сезиларли ҳалал етказарди. Чунончи бу асарнинг муаллифи бўлиш билан узини фақат таржимон деб курсатишга журъат қилиш уртасидаги фарқ каттадир. Бунга қўшимча унинг моддий жиҳатдан ҳам катта зарап кўришлигини ҳам назардан қочирмаслик жоиз — чунончи агар бирор асарнинг таржимони бўлса у ҳолда шу асарнинг ёзган муаллифига қараганда ундан бир миқдорда кам молиявий мукофот олишилиги ҳам эътиборлидир. Шунингдек, у асарда Амир Темур номидан ҳикоя қилинганда бирликда, учинчи шахс номидан гапириши керак эди, ваҳоланки у малфузотларда бошдан охир бирлик, биринчи шахс сийғасида (Амир Темур) номидан суз олиб боради.

Майор Дэви яна шуни таъкидлайдики, Амир Темурнинг тұртинчи даража набираларидан бири Мұхаммад Бобурнинг үзи «Бобурнома» деб аталадиган эсдаликлар ёзишга журъат қилиши эътиборга лойик бўлган бир масаладир. Ҳаётий кечмишлари ва турлитуман саргузаштларга дуч келишда бобо (Амир Темур) ва набира (Бобур) уртасида муайян ухшашликлар мавжуд — орқага чекиниб қочишлару саргардонлик билан ҳокимият ва сultonlik уртасидаги узгарувчанлик

кабилар булиб, масала ниҳоят 1527 йилда Ҳиндистонда мугул (Темурий) султонлари давлатининг асосчиси сифатида Бобурнинг Деҳли таҳтига утириши билан яқунланди. «Бобурнома» китоби ҳам то Бобурнинг на-бираси султон Ақбаршоҳ (1566—1605) даврининг яр-мигача — асар чигатой туркий тилидан форсчага тар-жима қилинмагунга қадар, фаромуш этиш ва бепарво қараш зулматида қолиб келди. На Осиёда, на Европа-да бирор киши Бобурнинг эсадаликларининг аслияти-га эътиroz билдиришга журъат қила олмайди-ку. Ваҳо-ланки бу асар ҳам «Тузуклар» сингари унуглиши ва беътибор муносабатда булиш ҳолатларини бошдан кечирган!

Малфузотлар асилиги (ҳақиқийлиги)ни ёқлаган фикрларини майор Дэви куйидагилар билан якун-лайди: Ҳиндистонда яшаган пайтида у ҳинд ва эрон олимлари ва тадқиқотчилари билан кўп марталар уч-рашиб мулоқотда булган. Бу олимлар ушбу мавзу ху-сусида узил-кесил холоса чиқаришда уз имконлари доирасида Европа мунаққидларига нисбатан кўпроқ ҳақиқатга яқинроқдирлар. Бинобарин майор Дэви уша олимлардан биронтасида ҳам Абу Толиб ал-Хусайнний топтан асарнинг Амир Темурга мансублиги аниқ эканлигига заррача ҳам шак-шубҳа курмаган. Уша олимларнинг ҳаммалари ҳам майор Дэвининг малфузотларнинг асилиги ҳақида ҳар хил фикр-мулод-ҳазалари ва саволу суриштиришларини ута таажжуб билан қарши олганлар.

Мұхаммад Ҳифз ал-Бухорийнинг нұқтai назарi

«Темур тузуклари»нинг аслияти (ҳақиқийлиги) мавзусига алоқадор масалани ечишда, албатта, ҳамма-дан кўра Мұхаммад Ҳифз ал-Бухорий кўпроқ ҳақли эканлиги аёндир. Чунки айнан шу шахс — Мұхаммад Ҳифз ал-Бухорий Абу Толиб ал-Хусайнний ушбу асарни форсчага ўтиргандан кейин кўп вақт утмасдан унинг таржимасини батамом қайтадан қуриб чиққанди. Бинобарин ал-Бухорийда Абу Толиб ал-Хусайнний ушбу асарнинг муаллифи, унинг таржимони эмас деган ҳеч бир иккиланиш (шубҳаланиш) аломатининг йўқлигиги-нинг узи ҳам музаккиротнинг Амир Темурга мансублиги түгри эканлигини эътироф қилганлигини англа-тади. Бу масала алоҳида аҳамият касб этишига яна бир сабаб шуки, Абу Толиб ал-Хусайнний амалга ошир-

ган таржимага нисбатан Мұхаммад Ҳифз ал-Бухорийнинг тутган нүқтәи назари ута салбий эди. Шу боис у Абу Толиб ал-Ҳусайнин таржимани яхши қила олмаган деб кучли эътиroz билдирган эди. Шундай ҳолатда Мұхаммад Ҳифз ал-Бухорийнинг Абу Толиб ал-Ҳусайнин музаккиротларнинг таржимони эмас, балки унинг муаллифи деб танқид қилишга тұла имконияти бор эди. Яна шу нарса равшан булаётirки, агар Мұхаммад Ҳифз ал-Бухорий музаккиротларнинг аслияти ва унинг Амир Темурға мансублиги түгри эканлитига ишончи комил булмаганда эди, турк фотихи ҳаёти ҳақидаги оддий бир асарга бу қадар ҳам катта меңнат сарфлаб, уни айни шу мавзу ҳақида ҳикоя қилувчи Шарафидин Али Яздий таълиф этган «Зафарнома» номли бошқа бир улкан тарихий асар билан батағсил солиштириб чиқмаган бұларди...

МАШРИҚДАН МАГРИБГАЧА МАШХУР

(Сунгти сўз урнида)

Ёшлик чоғларимизда Ибн Арабшоҳ, Хурдодбех, Ибн Ҳалдун, Ибн Мисқавайх сингари номларга дуч келиб қолсак, о қачон буларнинг асарларини ўз она тилимизда магзини чақиб ўқир эканмиз, қачон Ибн Арабшоҳ Амир Темур ҳақида нима деганини аслида ёки аслидан қилинган равшан таржимасига қараб билар эканмиз, деб орзу қилардик.

Кимлар буларни ўзбек тилига ўтирад экану, қачон китоб бўлиб ҳақиқий маънавий мулкимизга айланаркан?

Бундай саволлар бошимизда тутгиларди-ю, лекин бу асарларни чиқаришта ҳеч қандай шароит ва умид йўқлигини англаб турардик.

Ҳар томонлама мустамлакачилик барча олимларни истисносиз сувратда қўрқоқ ва бўйсунувчан қилиб кўйган эди.

Куз ўнгимизда «Зафарнома»дай буюк китобнинг устига дунё юзини курсатмай тош бостирилган, куз ўнгимизда Иброҳим Мўминовнинг Темурнинг инсоният ва ўзбек халқи тарихидаги ролини андаккина бўлса-да, адолат билан баҳолашга багишланган рисоласи оқ калтак қора калтак қилинган эди. Куз ўнгимизда Маҳкам Абдураимовнинг Амир Темур ва Тўхтамишхон муносабатларига доир яратилган йирик тарихий асари чоп этилмай унугиб юборишта маҳкум этилган эди.

Яхшиямки Яҳҳе Гуломов, Асомиддин Уринбоев каби олимларнинг саъӣ-ҳаракатлари билан «Абдулланома»ю — «Матлаъ ус-саъдайн»лар, жиндак-жиндак бўлса-да, уша даврларда ўзбек тилида дунё юзини курган экан...

Шукурки, мана энди Содик Мирзаев, Абдуфаттоҳ Расулов, Исматулла Абдуллаев, Абдусодик Ирисов, Бўрибой Аҳмедов, Убайдулла Каримов, Алибек Рустамовлар изидан Нельматулла Иброҳимов, Убайдулла Уватов, Зокиржон Орипов (Шарқ мусиқашунослиги) сингари билимдон ва кенг фикрли шарқшунослар, исломшунослар юзага чиқди.

Эндиликда Ўзбекистонда шарқшунослик ва ислом-

шунослик янги босқичга күтарилиди ва жаҳон шарқшунослиги эришган юксак илмийлик даражасида фаолият кўрсатади, деган ишонч бор.

Мана, шарқшунос Убайдулла Уватовнинг кўп йиллик маشاқатли меҳнати натижаси сифатида ниҳоят Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» китоби нашр этилди. Уни Амир Темур ва унинг замонаси ҳақида улуг бир хазина деса булади.

Убайдулла Уватов Ибн Арабшоҳ матнини таржима қилиш билан бирга унга кеңг сўз боши ёзган, батафсил изоҳлар билан таъминлаган. Суз бошидан ҳам, изоҳлардан ҳам олим жуда катта тадқиқот ишлари олиб борганлиги, уз ишига беҳад фидокорлик ва илмий ҳалоллик билан муносабатда бўлганлиги кўзга ташланиб туради.

Ибн Арабшоҳ уз асарини сажда (қофияланган насрда) ёзганлиги, шарқ тарихнависларига кўра юксак шоирона кутаринкиликка эгалиги, араб бадиий-илмий прозасининг жуда мураккаб, лекин гўзал ташбеҳлар олами билан безанганилиги таржимон ва тадқиқотчи олдига жуда кўп муаммоларни кўндаланг қўйган, албатта. Шарқшунос уз ишига чукур муҳаббат билан қараганлиги учун чигалликларнинг барини илмий тарзда ечишга ҳаракат қилган.

Бундан ташқари, Убайдулла Уватов турли манбалардан Ибн Арабшоҳ ҳаётига доир маълумотларни эринмай йигиб, улар асосида улуг инсоннинг таржими ҳолини ёритишга муваффақ бўлган. У Ибн Арабшоҳ «Турк ва тотор сулолаларида машҳур кишиларнинг сийратлари», «Ҳақиқат ғалабаси йўлида фидойи Малик Зоҳир Абу Сайд Чәқмоқнинг гўзал сифатлари хусусида беғубор таълиф» ва «Амир Темур тарихи» сингари асарлар ёзгани, машҳур Шарқ адаби Жамолуддин Муҳаммад Авғийнинг «Жавомиъ ал-хикоёт ва лавомиъ ар-ривоят» асарини туркий тилга таржима қилгани ва яна бошқа туркийчага ағдарган муҳим асарлари ҳақида ҳам маълумот беради. Буларнинг бари Ибн Арабшоҳ туркий маданиятга, турк ҳалқлари тарихларини ёритишга буюк ҳисса қўшганлигини кўрсатади. Үнинчи асрнинг машҳур уламоси Абул-Лайс Самарқандийнинг ислом оламида донг тараттган «Тафсир» асарини туркий тилга таржима қилганлиги туркий исломий тафаккурнинг ривожига бениҳоя улкан ҳисса бўлиб қўшилганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ керак. Умуман олганда, Ибн Арабшоҳнинг уз даврида

туркийга қилган таржималари ва туркийда ёзган асарлари дунёда бу тилнинг эътиборини кутарди. Шу билан бирга Ибн Арабшоҳ, чамаси, биринчилардан булиб туркий тилга таржималарнинг асослари ва илмий жиҳатларини яратишга уринди.

«Амир Темур тарихи» Ибн Арабшоҳнинг шоҳ асарларидан биридир. Убайдулла Уватов бу ажойиб асар Ибн Арабшоҳ томонидан 1436—1437 йилларда ўз кузи билан курган ва ўз қулоги билан эшигтганлари асосида ёзилганлитини таъкидлаб утади...

Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур ҳақидаги асари кейинги асрларда жаҳон ва айниқса Европа шарқшунослари ургасида катта шуҳрат тоғди... Ўн олтинчи — ун еттинчи асрлардан эътиборан Амир Темур ҳақида қандай асар ёзилмасин, уларнинг барига Ибн Арабшоҳ асари ўз таъсирини ўтказмай қўймаган, албатта.

Бу асар Олтин Ўрда ҳукмдорлари Тухтамишхон ва Идиқу ҳамда уларнинг яқин ва узоқ атрофларидағи кўзга кўринган кишилари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берадики, улар аҳамиятига кура гоятда ноёбдир. Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда ҳақида кейинги яратилган барча асрлар Ибн Арабшоҳ асаридан озиқланади, десак хато бўлмайди. Ибн Арабшоҳ асари том маънода ўзидан кейин бир олам тарихий китобларни дунёга келтириди.

Ибн Арабшоҳ ўз асарини қисса ва ривоят деб атайди. Воқеаларда ҳам қиссалар ва ривоятларга хос бадиий баён кучлилик қиласди. У барча эшигтганларни ривоят тарзида қоғозга тушириш пайида бўлади. Лекин уларнинг қанчалар түгри ёки ногурилиги устида фикр ё мұхокама юритмайди. Шунинг учун унинг ёзганларига қисса ва ривоят мақомида қарамоқ, улардан теран тарихийлик ва холислик қидириб утираслик ва булар топилмагандан норози бўлмаслик керак.

Ибн Арабшоҳ Темур ҳақида холис китоб эмас, ибратли китоб яратишни мақсад қилиб қўйган. Бинобарин, Ибн Арабшоҳ ҳеч қачон ўз ҳолига кура Амир Темур ва, айниқса, унинг сиёсатига холис кўз билан қаролмасди. Чунки у ҳам бошқа ун минглаб шарқ усталари ва ҳунармандлари каби Темур томонидан ўз юргидан жудо қилингандардан бири эди. Ўз гулистонидан жудо қилинганд тўти ҳеч қачон жудо қилувчига нисбатан ширин такаллум қilmайди. Унинг ҳикояси жабр курган одамнинг ҳикояси ва

унинг тили жабрдийданинг тилидирки, у куйдирмоқдан узгани билмайди...

Ибн Арабшоҳ юзаки сўкинчли изҳор тагига теран маъноларни жойлайдики, улардан кўз ўнгингизда даҳо саркарда ва буюк ақл эгасининг қиёфаси беҳад салобатга эга бўлиб мужассамланади. Ибн Арабшоҳ уз асл сузлари — асл мақсадлари ва асл хазиналарини лой билан сувагандек таассурот қолдиради. Хазина керак одам хазинани олади. Лой керак одам лойини олади.

Нафсиламирга, тарихда, айниқса, Европа тарихнавислиги ва шарқшунослигига хазинасини ташлаб келиб, лойигагина эътибор қаратганлар ҳам оз эмас. Улар Амир Темурни қоралаща Ибн Арабшоҳ сўкинчларидан фойдаланганлар ва Ибн Арабшоҳни Темурни қоралаган одам каби тушунтирганлар.

Бу гапларни шунинг учун айтаяпмизки, ҳозирги замон ўқувчилари ўртасида ҳам Ибн Арабшоҳ асарини уқиб, э, бу кул қилинган тарихчи бизнинг Амир Темуришимизни ёмонлаган экан, бу асарни ўқимаслик керак, дегувчилар топилиши мумкин. Мен шуларга қарата айтаманки, биродарлар, Ибн Арабшоҳ асарини лойини хазинасидан ажратиб ўқийлик. Бизга ҳашаги эмас, сара олтин меваси керак, деб қарайлик.

Бир мисол келтирай. У жуда гаройиб. Ибн Арабшоҳ Темур лашкарларининг Шом ерларига кириб бориши ҳақида тулиқиб, ута ҳаяжонга берилиб ривоят қиласкан, шу сўзларни ёзди:

«Гапнинг қисқаси, у унинг билан Яъжуҷ ва Маъжуҷ ва довурли бефойда шамол бирга эди. Зафар унга етакчи, баҳт унга йўлбошли, қазо унга мувоғик, қадар унга мададкор, тангри таолонинг хоҳиши уни олга бошловчи, у бандалар ва мамлакатлар тадбирларинда азиз ва улуғ тангрининг иродаси унинг ҳайдовчиси булган ҳолда Темур йўлга чиқди» (197 бет). Қанчалар зиддиятлар бор бу таъриф ва тавсифлар ичиди! Шу таъриф йўсими Ибн Арабшоҳнинг бошқа барча тавсифларига мисоли кўзгу. Улар жуда ухшаш ва бу қадар қарама-қаршиликка тўла.

Маълумки, саж бадиий жиҳатдан шалолага ухшайди. Катта шалола олдида мусиқа эшитиб бўлмаганидек, саждан ҳам ҳақиқат ажратиш қийин. Чунки саж ёзаётган адаб қофияларнинг муҳташам шарқироқларига берилиб кетади ва бунда унга ҳақиқат урургалидан кура муҳташам қофиялар ва улар етаклаб ке-

таётган илохий образлар жозибалироқ туюлади. Қарант, Ибн Арабшоҳ Темурни «мамлакатлар тадбирида азиз ва улуг тангрининг иродаси унинг ҳайдовчиси» деб таърифлаяпти. Мусулмон адид, бошқача айтганды, Темурни худо ярлағанлигини тан олайпти! Уни худонинг иродасини адод этувчи деб таърифлаяпти. Лекин Яъжуж! Улар худонинг иродасини ифода этмайдилар. Демак, бу таърифлар кейинги таърифларга ҳаддан ташқари зид!

Бундан пича олдинроқ Ибн Арабшоҳ Темур қүшинларини таърифларкан, бу қүшин ичида: «Турон эрлари, Эрон ботирлари, Туркистон йўлбарслари, Бадахшон қоплонлари, Даشت ва Хитой лочинлари, мўгул қарчигайлари, Андижон аждаҳолари, араб авомларидан очкӯз кўпраклар, ажам чивинлари...» ва ҳоказо «бор эди» деб тоза таърифларни кўпиртиради.

Ана энди бу ваҳимали таърифлардан ҳақиқатни топиб куринг-чи?! Нега кимлардир эр ва ботир, шер ва қарчигай, нега яна кимлардир кўпрак ва жониворлар, бўрилар ва чувалчанглар... Уйланасиз, Ибн Арабшоҳ бу таърифларни айтаётганда, нимага суюнган, қайси ҳақиқатни назарда туттган! Чамаси, бу саж на мунасида инсоний ёки тарихий этнографик ҳақиқат эмас, бадиий ҳақиқат, яъни фақат ва фақат саж ҳақиқати, яъни гузал қофиялаш ҳақиқати бош белгидир. Ва шунга қараб гуе кимдир узини камситилгандек сезса, бу айниқса ҳозирги кунда жуда кулгили куринган бўларди. Газод — қаршилантириш, муболага билан осмонга кутариш ва ҳақирилантириш Ибн Арабшоҳ бадиий системасида муҳим урин туттади ва келтирилаётган матннинг ўзи учунгина бадиий аҳамиятга эгадир.

...Ибн Арабшоҳ Амир Темур жанг қилмасдан бурун доим сулҳ таклиф қилганлиги ва доим адолатли сўзга толиб бўлганлигини ҳам тинимсиз қайд этиб боради. Шу маънода Ибн Арабшоҳ ривоятларининг устки қатлами бир маънони ифодаласа, остиқи қатламлари — теранликлари бошқа бир маъноларни англатади.

Ибн Арабшоҳ Дамашқ учун бўлган оғир жангларнинг бағоят қизиқарли тафсилотларига тухталаркан, Миср қүшинларининг чекиниб, Дамашқ аъёнлари Темур қошига омонлик тилаб келгандлари ҳақида ёзади ва шунда Темур билан машҳур араб алломаси Валиуддин Абдураҳмон ибн Халдун ўртасида бўлиб утган

ажойиб сұхбатни тасвирлайди. Ибн Халдун, чунончи, Темурға қарата шундай дейди: «Мен уз хузурим билан инсоният подшоҳларини мушарраф эттим ва уз тарихларим билан уларнинг учиб кетган кунларини барҳаёт қўлдим: араб подшоҳларидан фалон ва фулонни курдим, фалон ва фулон султонлар хузурида бўлдим, ернинг мағрибию машриқини мушоҳада этдим, ернинг ҳар бир бурчагида мен унинг амирию ноиби билан муносабатда бўлдим. Лекин тангридан миннатдорманки, у менинг кунларимни узайтириди ва мени қайтадан тирилтириди ва муруваттаги кўрсатдик, ниҳоят, мен ҳақиқий подшоҳ ким эканини кўриб, салтанат шариатида тўғри сийратли маслакни раият этдим...» Шу гаплардан сўнг Темур Ибн Халдун бошқалардан бутунлай ўзгача иктидор ва мавқега эга эканлигини англайди. Ўрталарида киши сезмас яқинлик пайдо бўлади. Темур Ибн Халдундан араб подшолари, уларнинг қандай давлат тутишлари ва сиёsat юритишлари ҳақида ҳикоя қилишни сўрайди. Темур Ибн Халдун ривоятларидан ҳайратга тушади ва уларга мафтун бўлади. Ана шу ерда Ибн Арабшоҳ ҳам қараб турмайди. Амир Темур ҳақида битта улуг жавоҳирини уртага ташлайди. Шу ерда у ёзади: «Темур эса подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу Farb тарихининг отаси ва онаси эди» (227-бет).

Ибн Арабшоҳ китобининг бошидан охиригача шу сўзлар уз исботини топади. Муаррих Темурни халқларнинг тарихлари ва яшаш йусинларини билишга гоят ташна одам сифатида тасвирлайди. Эҳтимол, у буни ният қилиб қўймагандир. Лекин унинг барча тасвирларидан шундай хулоса уз-узидан келиб чиқаверади. Мабодо, нима сабабдан, муаррих холис бўлолмаган тақдирда ҳам, воқсанинг уз жараёни ва моҳияти унинг иродасига буйсунмайди ва чор-ночор асл манзара лой ёки хашак остидан намоён бўлиб чиқаверади.

Ибн Арабшоҳ ҳикоятларида Темур фозил ва яхши муомалани севадиган, доим шундай муомалага юрадиган, шундай муомалани қўмсайдиган сиймо каби кўзга ташланади.

Шомдаги Сафад деган шаҳарнинг ҳожиби йирик савдогар Алоуддин Темурга катта илтифот курсатади. Темурнинг илтифоти Алоуддин илтифотидан кам эмас. Темур шунда Алоуддинга қарата шундай дейди: ...Менинг аскарларим мабодо менга қариндош ва яқин булганлари тақдирда ҳам, агар ноҳақ иш қилса-

лар, уларни ҳалойиқ ургасида жазолашиңг ва калтаклашиңг мумкин, деб изн беради (236-б.)

...Ибн Арабшоҳ Темурнинг ўта адолатли ва ҳаддан ташқари қаттиққул подшоҳ булғанлигини ҳар қадамда таъкидлаб боради. Мироншоҳнинг ўз отасига тутёнга келишини, бунга сабаб булған омилларни, Мироншоҳни чалғитган шахсларни ёзаркан, донг таратган «бевафо замоннинг мұжизаси, мусиқа ва қүшиқлар илмида устоз» Құтб ал-Мосулий ҳақида тұхталади. Ва Мосулий Мироншоҳни фасод ишларға бошлади, дейди.

Кейин худди шу ерда муаррих Темур ҳақида жуда қимматли бир тағсилотни ёзіб кетади: «Темур бұлса, ажыб нарсалардан ажабланмас, үйин-кулғи ва мусиқа уни үзига мағтун этмасди» (182-б.)

Бу Мироншоҳ билан Темур ургасидаги тазод! Ибн Арабшоҳ ўз қиссасини ана шундай киши дағығатан сеза қолмайдын тазодлар асосиға қуради.

Ибн Арабшоҳ асари саҳифаларида Амир Темур ўз стратегик салоҳияти ва ундан ҳам юксакроқ даҳоси-нинг құдрати билан құзға ташланади. Темур қылған ҳар бир жангнинг сирли дақиқалари бор. У сир Худо-ға ва Темурнинг үзига аен. Ибн Арабшоҳ даҳонинг ана шу сирларига ҳам құз қирини таштайди. Гарчи уларни таҳлил қилиб үтираса-да, лекин албаттa қайд этиб утади. Кутылмаганда енгилгандай ёки күркқандай бұлиб орқага чекиниш, кейин кутылмаган томондан душманни тамомила үраб олиш, душманни тухтовсиз чалғитиши, бир душман устига юраёттандай бұлиб бошқа душманга қарши бостириб бориши, зарба-нинг асосий йұналишларини тұгри белгилаш, ёвға доим хавф солиб туриш, уни эсанкиратиши, баъзан эса ўз ҳолига ташлаб қойиши ва бошқа минг түрли ҳарбий маҳорат сирлари Темурнинг түрли жангларida на-моён бўлади...

Темур барча мамлакатларнинг шоҳларига имкон берган. Улар билан дұстона алоқалар боғлашни истаган. Тұхтамишни узи тарбият қылған. Узи унга Олтин Үрда ва Оқ Үрдани берган. Лекин Тұхтамиш охири Худонинг ҳудудларини унугиб, ўз валинеъматига қарши бир неча маротаба бош кутарди. Худонинг ҳудудларини бузгани учун ҳам Темур уни оғир жазолади. Шунинг учун бұлса керак, Ибн Арабшоҳ Тұхтамишнинг номини тилға оладиу унинг қандай одамлиги устида ортиқча тұхталмайди. Балки фарзандлари ҳа-қида илиқ сұзлар әзади.

Темурнинг ишларида сирли нуқталар беҳад куп. Чунончи, унинг Шом ва Румни эгаллаб, лекин Байтулмуқаддас ва Мисрга бормагани менга шундай сирлардан бири булиб туюлади. Нега Темур Байтулмуқаддасга, Европага ўтмади? Нега ўз рақиби Боязиднинг мамлакатлар, халқлар ва мусулмончилик тақдири билан боғлиқ бўлган уч насиҳатини қабул қилди ва уларни охиригача эсидан чиқармади? Нега Темур Олтин Урдада ва Оқ Урдада ўзига доим итифоқдош буладиган мустаҳкам давлат яратишга саъй-ҳаракат қильмади? Нега ўз салтанатининг асосларини мустаҳкамлаш пайида бўлмай, Хитой сафарига отганди. Темур умрининг шу палласида бу сафарнинг зарурати бормиди?!

Бу каби саволларга жавоб топиш эндиликда жуда қийин. Түгри жавоб топиш учун даҳонинг фикр йулларини билмак ва уларнинг барча чигал мавзеларидан бирма-бир ўтмак керак.

Ибн Арабшоҳ китобининг беҳад қимматли бобларидан бири унинг Темурнинг хислат ва тугма табиатига оид бобларидир. Бу баҳоси йўқ бобда Ибн Арабшоҳ Темурга хос гузал ва доҳиёна хислатларни бирма-бир санаб утади ва уларнинг исботи учун гаройиб мисоллар келтиради. Темур бунда бутун тенгсиз улугворлиги билан намоён бўлади.

Ибн Арабшоҳнинг китоби, ҳақиқатдан ҳам, энг юксак даража ва маънодати ибрат китобидир.

Шу беқиёс ҳазинани бизга қолдирган улуг алломанинг руҳи ҳамиша шод бўлсин.

Иброҳим ГАФУРОВ,
филология фанлари номзоди

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
Соҳибқирон араб муарриҳлари нигоҳида	7
Ибн Арабшоҳ — «Амир Темур тарихи» муаллифи	16
«Амир Темур тарихи»дан	31
Иймон-эътиқоди комил инсон	74
Амир Темур — куч-қудрат ва ақл-заковат рамзи	83
Амир Темур ва Миср султонлари	87
Амир Темур ва Ибн Халдун учрашуви	102
Амир Темурнинг Ҳалаб олимлари билан мuloқоти	105
Ибн Арабшоҳ Мирзо Улугбек ҳақида	109
Соҳибқирон ҳозирги замон араб тадқиқотчилари назаридаги	114
Араб полковниги Амир Темур ҳақида	114
Сурия олимининг Амир Темур ҳақидаги рисоласи	117
Миср тарихчиси Амир Темур ҳақида	120
Араб олимининг Соҳибқирон ҳақидаги йирик тадқиқоти	125
Машриқдан магрибгача машхур (Сунгти сўз ўрнида)	150

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ

**СОХИБҚИРОН
АРАБ МУАРРИХЛАРИ
НИГОҲИДА**

Муҳаррирлар *Ҳ. Султонова, К.Буронов*
Безакловчи рассом *У.Салиҳов*
Бадиий муҳаррир *А.Баҳромов*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Мусаҳих *Ҳ. Ҳожиматова*

Теришга берилди 29.07.97 й. Босишга рухсат этилди 13.10.97 й.
Бичими 84x108 1/2. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
ма табори 8,4. Нашриёт ҳисоб табори 7,4. Алади 5000. Буюртма
№1523. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
700083,
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кӯчаси, 41-уй.**

У—14

Уватов У.

Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида.—Т.: «Шарқ», 1997.—160 б.

Сарл. олдида: Халқаро Амир Темур хайрия жамгараси.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳақида азалдан турли тиларда кунгат тарихий, итмий-оммабоп асарлар яратилган ва яратишмокда. Шу жумладан, араб тилида ёзилган асарларда ҳам буюк жаҳонтирир ҳақида хилма-хил зътиборга молик маълумотлар келтирилган. Таниқли шарқшунос олим У. Уватовнинг қатор арабий ёзма маинбалар ва ҳозирги замон араб олимларининг тадқиқотларида баен қилинган фикрларга таянган дўлса тартиб берилган ушбу рисоласи Соҳибқироннинг ибратли ҳаётни ва кўп қиррали жўшқин фаолиятини идрок этишини истаганилар учун муайян аҳамият касб этади.

Рисола утмиш тарихимиз билан қизиқувчи барча китобхонлар учун му僚жалланган.

ББК 63.3(5У)